

ИСОҚЖОН
ЧИШОНОВ
ИЙМОН
ВА МУҲАББАТ
РОМАН

ИСОҚЖОН
НИШОНОВ

ИЙМОН ВА МУҲАББАТ



РОМАН

«Yosh kuch»
Тошкент 2021

УЎК: 821.512.133-31
КБК: 84-44(5Ў)
Н- 69

Нишонов, Исоқжон.
Иймон ва муҳаббат / И. Нишонов. — Тошкент : «Yosh kuch», 2021. - 352 б.

Адолат тарозиси аллақачон бузилган. Одамлар пулга, бойликка, амал ва мансаб курсиларининг қулига айланишган. Золим ва зуравонлар, нафсга қул бўлганлар мансаб курсиларини эгаллаш ва уни сақлаб қолиш истагида юрт бойликларини, халқ мулкини, ризқ-рузларини талаш билан овора. Подшолар юртда адолат бўлсин, деб турган пайтда битта золимнинг, битта порахўрнинг вужудга келиши минглаб золимларнинг, минглаб порахўрларнинг туғилишига сабаб бўлади. Улар туғилганда арш ларзага келаркан, тоғларнинг тошлари қуларкан, дарёларнинг сувлари қуриркан, саҳролар олов бўлиб ёнаркан.

УЎК: 821.512.133-31
КБК: 84-44(5Ў)

ISBN: 978-9943-7083-2-7



© «Yosh kuch» 2021 йил.
© Исоқжон Нишонов, 2021 йил.

МУАЛЛИФДАН

– Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Эй меҳрибон, карами оламни ёритган, улуғ Тангрим! Бугун Сенинг муқаддас уйингдан кетар эканман, юрагимни емираётган дарду ғамларимни Ўзингга такрор ва такрор айтишга жазм айладим. Балки, бу менинг сўнгги нидом, сўнгги илтижоимдир... Мен алдандим, мени алдашди, қўлимга қурол ушлатишди, Сенинг бандаларингни отишга мажбурлашди. Улар билан ёнма-ён юрдим. Отган ўқлари бир бандангнинг қонини тўкканда хурсанд бўлишди. "Мен ўлдирдим уни, ўқим хато кетмади", деб қувонишди. Улар орасида ўзимни махлуқлар галасига тушиб қолгандек ҳис этдим. Раҳмсиз, шафқатсиз бу шайтонлар улоқтирган гранаталар, снарядлар қабр остида ётганларнинг ҳам руҳини тинч қўйишмаётир.

Эй, Зул Жалоли вал Икром! (Шараф ва камол эгаси) Дунё разолат ва расвогарчилик ботқоғига ботмоқда. Одамлардан меҳр-муҳаббат, оқибат қочмоқда. Ёлғончиликлар, лаганбардорчиликлар, икки юзламачиликлар фазилатга айланмоқда. Меҳр-оқибат эмас, балки моддий қудрат ва бойлик биринчи ўринга кўтарилмоқда. Бандаларинг Сенинг иннамал муъминуна ихва (ҳамма мўминлар ака-укадирлар) деган оятингни унутган кўринадилар. Сендан ёлвориб сўрайман, бундай кимсалар қалбига шафқат сол. Уларга офият бер, яхшилик ва ҳидоятга чорла. Уларнинг тошга айланиб қолган юрагида оламга, одамзотга ва жонзотларга битмас туганмас

меҳр уйғот. Бандаларинг садоқатни, раҳм-шафқатни унутмасинлар. Зеро, Сенинг қудратинг ва буюклигинг қаршисида уларнинг мол-дунёси надир? Қон тўкиб эгаллаган салтанатлари надир?!

Оламни ёв босмоқда. Осмонимизғубор қўнмоқда. Ер юзи оналарнинг кўз ёшлари билан суғорилмоқда. Очлик, қашшоқлик кўпаймоқда. Ҳақсизликдан томиримиздаги қонимиз қуримоқда. Яхшилик, эзгулик макони бўлган она сайёрамиз амал, мансаб ишқида юраги куйган бойлар, ёвуз кимсалар, исқирт порахўрлар орасида талаш. Бир қўлига қурол олиб, иккинчисида тасбеҳ ўгириб, ўзларини чин мусулмонман деб ҳисоблайдиган бундай одам Худолар Сенинг "Лаа илаҳа иллаллоҳ" деган бандаларингни бир-бирига қарши қўйишмоқда. Улар мол-дунё, дов-давлатмандлик ишқида ҳушига не келса, шуни қилишмоқда. Инсонлар устидан ҳукмронлик қилиш жазавасида ёнмоқдалар, ялтоқлик, мунофиқлик ва доғулилик билан мақсадларига интилишмоқда. Бандаларингни тиз чўктириб, қул қилиб, диёнат ва иймон овозини ўчирмоқдалар. Наҳот, улар бизларнинг устимиздан ҳукмронлик салтанатини ўрнатишса? Бундай кимсалар ўзларини қудратли ҳукмдор қилиб кўрсатиш мақсадида "Адолат ўрнатаман, қашшоқларга фаровон ҳаёт ато этаман", деб айюҳаннос солишаётир. Асрлар оша тилдан тилга ўтиб келаётган бундай ёлғон ваъдаларни беришдан ор қилишмайди. Дунёнинг қирғин қуроллари шуларнинг қўлида. Уммон тўлқинлари каби қутириб, одамлар қалбига ғулув солиб, Ҳақни айтишни, Сенинг лутфи карамингдан баҳраманд бўлишни ўйлашмайди. Оқибат ҳокимият тепасига, элни қақшатган, кўзини ёшлатган золиму зўравонлар, ча-

ласавод кимсалар утирмоқда. Халқни эзиб, қонини ичмоқда! Адолатингни кўрсат, эй Парвардигорим?

Эй, қудрат ва ҳикмат соҳиби! Бу дунё-ю дунда илм излаганлар, ҳақиқат ахтарганлар, ҳаромдан ҳазар қилганлар, юраклари Сенинг ишқингда ёнганлар бугунгидек хор-зор бўлганини кўрганмисан? Уларнинг жойини ақли нокас, онги заиф, тил забонидан Сен лаънатлаган макруҳ сўзлар тушмайдиган тутириқсиз кимсалар эгаллаб, олиму донишларни кувишмоқда. Уларга дардингни айтсанг қўлингга қарайдилар, айбини очсанг юзингни талайдилар. Ҳақиқатни, адолатни талаб қилсанг аҳмоқ, иғвогар дейишади. Ўзларининг қийноқ тегирмонларига солишади. "Бу ақлдан озган телба деб, дайди-дарбадар деб, қонли қамчилари билан савалаб, нохушлик қиличи ила юракларингни нимталаб, сазойи қилишади. Улар қонундан ҳам, Сенинг қаҳрингдан ҳам қўрқишмайди. Мени уй-жойимдан, ота маконимдан айирган шулар, қўлимга қурол тутқазиб, жангга солганлар, фарзандимнинг қонини ичганлар, ёруғкунимни қаро тунга айлантирганлар шулар. Ўтинаман, ёлвораман, инсоф бер буларга!

Эй, раҳмати ўзи Яратган оламдан кенг бўлган, раҳмли ва шафқатли Эгам! Эй, ҳабибимиз ва шафоатимиз! Эй раҳмати мўминга ҳам, осийга ҳам, муттақийга ҳам шомил бўлган Аллоҳим. Адолат ва ҳақни кутавериб кўзларимиз толиқди, ноҳақликлардан юрак-бағримиз ғалвир каби тешилди. Шундай бўлса-да, умид билан, орзулар ила яшамоқдамиз. Сенинг каломинг билан нафас олмоқдамиз. Бошимизда Ўзинг борсан. Ўзинг Ҳақсан, ўзинг Ҳаққонсан.

Бу кун мен сенинг уйингда туриб, ёмонларга инсоф сўрамоқчиман. Шу мақсадда бир ой жазирама оташ остида, бархандан бархан ошиб, кўзимга қум тўлиб, оёғимга тиканлар ботиб, товонимдан қон томиб, жони жаҳоним ўртаниб, Сенинг уйингга келдим. Қўлига қилич тутганлар, елкасига қурол осганлар йўлимни тусдилар, бошим узра шамшир ўйнатдилар. Уларга эмас, Ўзингга эгилдим ва Ўзингдан мадад сурадим, умид боғладим, иъййака наъабуду ва иъййака настаъйин!

Бугун тағин саҳро бағрига қайтар эканман, Сенинг муборак уйингда туриб, Ўзингдан сурайдиган ягона тилагим бор. Она Сайёрамиз бузғунчилар, қуролфурушлар, хоин ва сотқинлар, порахўрлар, олғирлар, қўли чаққон, тили бурро фирибгарлар қўлига ўтиб кетмасин. Иймонини пуллаганларни ўзинг ҲАҚ ва АДОЛАТ йўлига сол. Уларнинг дил кўзларини оч, юракларида инсониятга меҳру муҳаббат уйғот. Қалбларини инсониятга адоқсиз меҳр-муҳаббат шароби ила тўлдир. Шундай қилгинки, уларнинг кўзлари очилсин. Ҳаётга теран нигоҳ ва идроқ билан боқишсин. Одил ва пок қалбли илм эгаларига таъзим қилишсин. Шундай қилгинки, қуролни ташлаб, елкаларига илми роҳин юкин ортишсин. Она Сайёрамизни боғу бўстонга айлантиришсин. Шундай қилгинки, Ер юзида қабоҳат ва разолат гарди ғубори қолмасин. Заминимизда эзгулик ва яхшилик тантана қилсин. Барчамиз Сенинг бандаларинг учун, сенинг хайринг учун куйиб ёнайлик. Инсоният кўлини қуролларга эмас, илмлар, одоблар, ҳикматлар, маърифатлар сари узатсин. Бизлар ёмонларнинг совуқ қалбида заминга, инсониятга меҳр-оқибатоловини ёқайлик. Қалбларимизда Илоҳий муҳаббат

шуъласи порласин. Илму ирфон ва иймону ҳанон булоқларининг кўзи очилсин. Эзилган, хўрланган, ота-онасини йўқотган, оч яланғоч болалар қалбига муҳаббат қайтсин, меҳр қайтсин, садоқат қайтсин. Улуғ боболаримизнинг муқаддас руҳлари ҳамда уларнинг салобатларини барчамизнинг руҳимизга қовуштиргин. Болалар кулгуси, оналар алласи дунёни тутсин. Бизлар эса Сен Яратган оламни тоза қўл, покиза иймон билан фарзандларимизга, набираларимизга қолдирайлик!

Омин!

Мумин илтижосини тугатиб, юзига фотиҳа тортди. Унинг кўзларидан ёш оқарди, дили ёришганди. Кўзига олам ҳар қачонгидан ҳам мунаввар кўринарди. Ўрнидан тураётганида масжид ходими олдига келиб:

– Мен билан юринг! – деди паст овозда. – Сизни имом ҳазратлари йўқлаяптилар!

Улар бирин-кетин масжиднинг ён томонидаги кичик ҳужрага киришди. Юқорида юзидан нур, қўлидан барака, дилидан раҳмат ёғилиб турган бир одам ўтирарди. У шу масжиднинг имом хатиби эди. У мусофирни ёнидаги курсига таклиф қилди. Бироқ Мумин араб тилидан бехабар эди. Узининг она тилисидан ўзга тилни билмасди. Имом эса туркчадан хабардор эди.

– Сени кўпдан кузатаман, келганингга йигирма кун бўлди, кеча-ю кундуз ибодатдасан. Кимсан, қаердан келгансан?

– Мен улуғ зотлар таваллуд топганўлкадан келдим, тақсир, – деди мусофир.

– Бошингга бирор кулфат тушдими?

– Ҳа, тақсир, мен Аллоҳнинг ғазабини қўзитадиган гуноҳ ишга аралашиб қолдим, – деди Мумин ҳаяжонини босишга уриниб.

– Гуноҳ ишларга дейсанми?

– Имомнинг оқ оралай бошлаган қошлари чимирилди.

Мумин бошини чайқади.

– Афсуски, шундай тақсир.

– Бу қандай содир бўлди? Гуноҳкор бандаларга қўшилиб қолишингнинг сабаби не? Бунинг учун уз юртингда туриб Аллоҳга чин кўнгилдан истиғфор айласанг, гуноҳларинг тўкилиши мумкин эди-ку.

– Бунинг бошқа сабаби бор, – деди бошини қуйи солиб Мумин.

– Гапларинг қизиқишимни орттираётир. Бир бошдан сўйла, эшитай. Қўлимдан келса ёрдам берай!

Ўртага сирли сокинлик чўкди. Муминнинг кўз олдидан бошига тушган мусибатлар кино тасмасидек ўта бошлади. Ниҳоят у чуқур тин олди ватилга кирди:

МЎМИННИНГ ҲИКОЯСИ

– Тақсирим, мен оддий дурадгорман. Одамларга уй қуриб берардим. Бузилган иморатларини тиклардим. Улар мен қурган биноларда яшашарди, тўй-томошалар қилишарди. Топганим тирикчилигимиз учун етарди. Кутилмаганда хотиним хаста бўлиб қолди. Шифокорларга кўрсатдим, табибларга қаратдим. Улар касали жиддий, операция қилиш зарур, акс ҳолда бир ойга бормай қазо қилишини, беш юз доллар бўлса ҳозироқ касалхонага ётқизишларини айтишди. Беш юз доллар. Ёшим олтмишга яқинлашибдики, қўлимга бунча пулни ушлаб кўриш у ёқда турсин ҳатто кўрмаганман ҳам. Бошим қотди, туну кун пул топиш ҳақида ўйладим. Агар айтилган пулни топмасам... Худо кўрсатмасин... Ҳар доим хаёлимга келган бу фикр миямга михдек санчилиб, менга тинчлик бермасди. Яқинларимнинг эшигини қоқдим, ўртоқларимга учрадим. Улар ёнларида ун доллар ҳам йўқлигини айтиб афсусланишарди. Маҳалла идорасига, туман ҳокимлигига қатнадим. Улар эса менга банкнинг эшигини кўрсатиб қўйишди. Банкдагилар эса "Иш жойингизнинг тайини йўқ экан, биз сизга кредит беролмаймиз", дейишди. Кирмаган эшигим, учрамаган одамим қолмади. Кам даромадли оилаларни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қарорларни кўрсатдим. Бошлиқлар бу қоғозларга қиё ҳам боқишмади. Пойтахтдаги идораларга мурожаат қилдим. Улар чиройли конвертларда, одамнинг кунглига умид бағишловчи сўзлар битилган жавоб хатларини жўнатишди. Яна ташкилот раҳбар-

ларининг ҳузурига чопдим. Улар менинг кўнглимга умид солган бу мактубларни ўқиб ҳам кўришмади, аввалги жавобларини қайтаришди. Кунларнинг бирида маҳалла хайрия жамғармаси томонидан касалванд, кам даромадли оилаларга маблағ ажратганини эшитиб қолдим. Юрагимда бир олам умид билан жамғарма эшигини қоқдим. Улар бир миллион сум ажратишга ваъда бериб, "Тезда ўзингиз яшаётган маҳалла кўмитасига учранг", дейишди. Маҳалла раиси олдимга беш юз минг ташлаб, "Мана бу ерга имзо қўйинг", деди. Қоғозга кўз ташласам пул бир миллион ёзилган, бераётгани беш юз минг. "Бу қанақаси?" десам раис, "Топшириқ шунақа", деб елка қисди.

"Эй Худо, қайси томонга қарасам, қайси эшикка бош суқсам порахўрлар, товламачилар, фирибгарлар, еб туймаслар. Ўзинг айт, Парвардигорим, бундай кимсалар орасида ҳалол яшаб бўладими?"

Пулни олмай идорадан чиқиб кетдим. Шундай қилиб, беш юз доллар тополмадим. Хотинимнинг аҳволи кун сайин оғирлашиб, ранги-рўйи чўкиб борарди.

Кунларнинг бирида қаршимдан пурим кийинган кимса чиқиб қолди. Эски қадрдонлардек салом берди. Аввалари уни бу атрофда кўрмагандим, аммо у мени таниди ва бошимга тушган мусибатдан огоҳлигини айтди.

– Сизни иймон эгаси, ҳалол одамлигингиз менга маълум. Завжангизнинг хасталаниб, уйда ётгани ва уни даволатиш учун беш юз доллар пулга мухтожлигингизни ҳам биламан, – деди.

Унинг сўзлари сирли ва айни пайтда ёқимли эди.

– Кечиринг, сизни танимадим, бирор жойда кўрганимни ҳам эслай олмаяпман. Кимсиз? Бу гапларни кимдан эшитдингиз? – унинг сўзини кесиб сўрадим.

– Буни бизнинг танишувимизга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Қолаверса, мен сиз каби мусулмонман. Мусулмонлар бир-бирлари билан қиёматлик биродардирлар, биродарларнинг бир-биридан ҳол сўрашлари, бир-бирларига ҳадя қилиб туришлари лозим. Иймон эгаси бўлган биродарнинг бошига кулфат тушганда менинг ёрдам бермаслигим мумкинми? Бу ҳусусда "Сийлаи раҳмни узувчи жаннатга кирмайди", деган ҳадис бор, – деб қўлимга пул қистирди.

– Кечиринг, мен бу туҳфангизни ололмайман.

– Биродар, қарзга хожати тушиб қолган мўминга қарз бериб туриш ўта савобли иш эканлиги шариатимиз истилоҳида кўп айтилган. Агар буни ҳадя ўрнида қабул қилмасангиз, қарзи ҳасана – яхши қарз ўрнида қабул қилинг!

– Мен қарзи ҳасана ҳам олмайман.

– Унда қарз ўрнида қабул қилинг!

– Бу бошқа гап.

– Қанча муддатга берасиз?

– Қодир бўлган кунингиз қайтарарсиз!

Кўз олдимга бир неча кундан бери тушакда ётган хотиним келди. Қулоқларим остида овози эшитилгандек бўлди. "Қарзга бўлса ҳам олинг, ўлмасак ишлаб қайтарамиз". Пулга қўл чўзганимни ўзим сезмай қолдим.

– Сизнинг бу яхшилигингизни умримнинг охиригача унутмайман, қандай хизматингиз бўлса, тайёрман. Қўлимдан устачилик келади. Одамларга қўйхо-

на, молхона қуриб бераман, бузилган биноларни таъмирлайман. Мен бол иш чиқиб қолса, иккиланмай айтаверинг.

– Бугуноқ бориб хотинингизни касалхонага ётқизинг. Агар пул етмаса, асло хижолат чекманг. Ёрдам бераман. Пул кўзимга нажот бўлиб кўринди. Ҳозир уни олиб борсам хотиним соғайиб кетадигандек туюлди.

– Кечиринг, сиз кимсиз, исмингиз нима? Қачондир омонатни қайтаришим керак бўлганда сизни қаердан топаман.

– Мен ойда икки-уч бор шу йўлдан ўтиб тураман. Кўришиб қоламиз деган умиддаман!

– Пулингизни қайтариш муддатини...

– Лозим бўлганда ўзим эшигингизни қоқаман!

Унинг сўзларидан юрагим тўлқинланиб, кўзларимдан севинч ёшлари оқди. Меҳрибон бу инсонга қайта-қайта миннатдорчилик изҳор қилиб, уйга шошилдим.

Кўп юрмасимдан йўлимни кесиб кекса ёшдаги лўли аёл чиқди.

– Ҳой, бой бува, келинг, ёнимга яқинроқ келинг, сизга фол очиб қўяман, тақдирингизни кўриб қўяман. Сизни бошингизга оғир кун соя ташламоқда. Ундан қутилишнинг чораси бор, буни сизга айтаман, кейин хурсанд бўласиз. Ёнимга келинг, ҳой, бой бува, ёнимга келинг, девопман!

Мен фолбин аёлнингсўзларига қулоқ солмадим. Уйга, ҳозироқ хотинимни касалхонага олиб боришга ошиқардим.

– Бошқа сафар, ўша фолни кўриб қўярсиз, ҳозир шошиляпман, уйга боришим керак...

– Кейин афсус қиласиз, бой буважон! Келинг, беш дақиқада ҳаммасини айтиб бераман...

Унинг гапларига қулоқ солмай жунаб кетдим.

Хотиним ҳар кунгидек тўшакда ётарди. Унинг ичига ботган кўзлари, сарғайиб, доғ боса бошлаган қошиқдек юзини кўриб ичим ағдар тўнтар бўлиб кетди.

– Келдингизми? – менга қараб ҳазин овозда сўради у.

– Суюнчи бер, хотин!

– Нима бало, бирор жойдан иш топдингизми?

– Пул топдим, пул! – дедим унинг оёқ томонига тиз чўкиб.

Қўлим хотинимнинг оёқларига текканда юрагим орқага тортиб кетди. У яхдек эди. "Ё Аллоҳим, ўзинг раҳм қил, ўзинг шифо бер", – дедим ўзимга ўзим.

– Кимдан олдингиз? – сўради аёлим.

– Худо мени олижаноб бир инсонга йўлиқтирди. Аллоҳ йўлида эҳсон қилди.

– Ё Аллоҳим, наҳотки ҳозирги кунда орамизда шундай меҳрибон ва ҳимматли инсонлар бўлса? Парвардигорим умрини зиёда қилсин. Тузалиб кетсам, мен ҳам мактабга фаррошликка ишга кираман. Иккимиз биргалашиб ўша олижаноб инсондан олган қарзимизни қайтарамиз.

– Ҳозир сени касалхонага олиб бораман, машина айтиб қўйдим.

– Шошилманг, ўша доллар деганини бир кўрайчи? Ўзимизни пулга ўхшармикин?

– Нимасини кўрасан, битта қоғозда?

– Эллик йил яшаб, доллар деганини эшитганман-у, аммо қўлимга ушламаганман. Кўрсам нима бўпди.

Мен худди бойваччалардек ёнимдан бешта долларни олиб хотинимга узатдим. У пулларни узоқ томоша қилди. Кейин ҳафсаласи пир бўлгандек:

– Оддий қоғоз экан-ку, – деб қайтарди.

– Нима деб ўйловдинг?

– Менинг тасаввуримда доллар дегани қандайдир ғаройиб нарсадек туюларди.

– Қани бўл, ҳозир машина келади, сени касалхонага ташлаб келаман!

– Тўхтанг, мени даволатиш учун шунча пулни дўхтирга берасизми?

Мен хотинимга қарадим. Унинг кўзлари киртайиб, қабоқлари ичига тортиб, ранги оппоқ бўлиб кетганди.

– Ахир дўхтир беш юз доллар бўлса даволаймиз деганди-ку.

– Хўп, ҳозир бу пулларни унга бердингиз, мен даволаниб ҳам чиқдим, аммо олижаноб одамдан олган қарзингизни қандай қайтарасиз. Бунча пулни қайдан топасиз? Ишлайдиган иш жойингиз бўлмаса.

– Дунёнинг барча азоб-уқубатларини енгиб бўлса-да, ўзимга иш топаман. Ишон, пешона терим билан, ҳалол меҳнат қилиб, пул топиб, олижаноб одамга қайтараман!

Ташқарида машина сигнал чалди. Бу мен кутаётган қўшним Азиз эди. Уни боя кўча бошида учратиб, машинасида хотинимни касалхонага ташлаб қўйишини илтимос қилгандим. Аввалига ёқилғим тугаган, деб кўнмади. Ёқилғи қуйиб бераман, қўшиб хизмат ҳақингни ҳам тўлайман, дегачимдан кейин рози бўлганди.

Хотинимнинг қўлтиғидан ушлаб, ташқарига чиқдим. Бир ҳафтадан буён унинг ҳовлига биринчи чиқиши эди. Атрофга қаради. Ўпкасини тўлдириб нафас олди.

– Токни хомтак қиладиган бўлиб қолибди, тузалиб келсам кавартакли ош қилиб бераман, – деди.

Биз касалхонага жўнадик. Лекин катта кучага олиб чиқадиган йўлда иккита милиция йўлимизни тўсди.

– Йул берк, айланиб утасизлар, – дейишди улар.

– Тинчликми, ука, ҳозиргина йул очиқ эди, – дедим уларга. – Илтимос, бизни қўйиб юборинг, аёлимни касалхонага олиб кетяпман.

– Бунинг иложи йўқ, отахон, Ҳоким бувамизнинг қизларини туғилган кунлари, шаҳардан артистлар келишган. Машина тугул одамни ҳам утказмайсан дейишди.

– Илтимос, укалар, утамиз-у кетамиз, бунинг устига йўлда бизга халақит қиладиган машиналар йўқ экан.

– Шовқин кутарилмасин, дейилган, биз топшириқ бажарувчимиз, қани, машинани қайтаринг!

– Хотиним...

– Гапни кўпайтирманг, йўқса...

Милиционер машина томон юрди. Ҳайдовчининг гувоҳномасини олиб қўйишини кўз олдимга келтириб, унинг йўлини тўсдим.

– Бўлди, бўлди... ҳозир орқага қайтамиз, укажон!

Бошқа йўлдан беш чақиримча масофани айланиб ўтиб, катта йўлга чиқиб олдик. Йигирма дақиқага қолмай касалхонага етиб бордик. Ҳамёнимдан ун минг чиқариб, ҳайдовчига узатдим.

– Уста ака, нима, менга семичка пули беряпсизми? Мен заказга юраман!

Яна беш минг қўшдим.

– Тағин беш минг чиқаринг! – сурбетларча кузини олайтириб деди ҳайдовчи.

– Ёнимда пулим озроқ эди, ука...

– Буни машина заказ қилишдан аввал ўйлашингиз керак эди!

Дард чекиб, азоб тортиб, инқиллаётган хотинимни тезроқ шифокорнинг олдига олиб киришим керак эди. Акс ҳолда у толиқиб қолади. Айтганини олдига ташладим.

– Сенларнинг кўзинг улганингда ҳам туймайди! – аламимни шу сўздан олдим.

– Бу дунёда нафас олиш учун ҳам пул керак, уста ака! Иззат-икром, обрў пули борники!

Ҳайдовчи шундай деб машинасини ҳайдаб кетди.

Таниш шифокорнинг хонасига кирдик. Унинг устидаги халати шу қадар оппоқ эдики, одамнинг хаваси келарди. Бирорта гард кўринмасди.

Дориларнинг ҳиди димоғимни ёраёзди. Дўхтирнинг ҳузурида ёшгина аёл ўтирарди. Унинг рангига одам қараб бўлмасди. Озиб, эти яноқ суякларига ёпишиб қолган юзи қонсиз, оппоқ эди.

– Бу дориларни ўн еттинчи дорихонадан олинг! – деди у жувонга қўлидаги бир парча қоғозни узатаркан.

– Мени ётиб даволанишга жўнатишганди, – ҳазин оҳангда деди аёл. – Бир ойдан бери қатнайман, раҳмингиз келсин, олиб қолинг, аҳволим кун сайин оғирлашиб бормоқда.

– Айтдим-ку сизга, ҳозир буш ўрин йўқ деб, хабар олиб туринг, жой бўшаб қолса, албатта ётқизамиз.

Жувон ортидан биров сургандек чиқиб кетди. "Жой йўқ", деган сўздан юрагим увишди. Наҳотки қайтиб кетсак, деб ўйладим.

– Хўш, уста ака, пулни топдингизми? – менга юзланиб сўради дўхтир.

Чунтагимдан бешта долларни чиқариб стол устига ташладим. У пулларни санаб ўтирмади. Шоша-пиша чўнтагига тиқди.

– Ҳозир бўлимда бўш ўрин қолмаган, лекин опа учун амаллаймиз.

Хотиржам тортдим.

– Аллоҳим умрингизни зиёда қилсин!

Дўхтир хизматчи қизлардан бирини чақирди.

– Опани олтинчи хонага жойлаштиринг!

У аёлимнинг қўлтиғидан олиб, айтилган хонага олиб кетди.

– Хотиним тезда тузаладими, дўхтир?

– Узоғи билан икки ҳафтада соппа-соғ бўлиб, уйингизга қайтадилар.

Уни дуо қилдим.

– Энди сиз кетишингиз мумкин, биз бемордан таҳлил олиб, яна бир бор текширувдан ўтказамиз. Хулосага қараб операция кунини белгилаймиз.

Операция сўзи кўпчилик қатори мен учун ҳам қўрқинчли эди. Кунглимга келган гапни айтдим.

– Хотиним операциядан қўрқади. Рози бўлмаслиги мумкин.

– Бу ёғини менга қўйиб беринг, уста ака, – дўхтир қўли билан худди чанг қоққандек елкамга уриб қўйди. Билагимдан ушлаб остонагача бошлаб борди. У ичкарида, мен остона ортида туриб хайрлашдик.

Шом бўлганди. Қишлоққа қайтдим. Юрагим безовта. Калламда турли ўйлар айланарди. Яратгандан тинимсиз завжамга шифо сўрардим. Уйга кирганимда болаларим мактабдан қайтишганди. Улар бир ўғил ва икки қиз. Қизларим мактабда ўқийди. Ўғлимни ўн ёшида шаҳардаги мадрасага бергандим. Икки йил таҳсил олди. Қизларим мактабга қатнай бошлаганда, қўлим калталик қилиб, ўқишдан қайтариб олувдим. Ўтган йили мактабни тамомлади. Олийгоҳга ҳужжат топширди, контракт пули қим-

мат экан, қурбимиз етмади. Қизларимнинг бири олтинчи, иккинчиси саккизинчи синфда. Ёлғиз ўзим ишлайман.

– Онамиз қани, дада? – сўрашди улар.

Оналарини касалхонага ташлаб келганимни айтдим. Болаларим маъюс тортиб қолишди. Ўзимча таскин берган бўлдим. Уйда анчадан бери егулик қолмаганди. Нон билан чой ичдик.

Эрталаб болаларимни ўқишга кузатиб, ўзим касалхонага йўл олдим. Духтир ҳали ишга келмаган экан. Ичкари киришга зўрға рухсат беришди. Икки кишилик хонада хотиним бир ўзи ёлғиз ётарди. Кўзимга рангига қон югуриб қолгандек кўринди. Ёнидаги каравот бўш. Кечаги жувоннинг сўзлари қулоғим остида жаранглади.

"Мени ётиб даволанишга жўнатишганди".

Нимадир юрагимни мижиғлади. Ҳаво етишмаётгандек бўғилардим. Ҳар гал шу каравотга кўзим тушганида ўша аёлнинг қонсиз юзи, ич-ичига ботган кўзлари хаёлимда жонланади. Сўзлари эса қулоқларимдан кетмайди. "Мени ётиб даволанишга жўнатишганди. Бир ойдан бери қатнайман". Юзимни хотиним томон буриб олдим.

– Болалар тузукми? – сўради аёлим ичимдан ўтаётган оғриқли ўйлардан бехабар.

– Сенга салом айтишди.

– Бу ерга келаман деб овора бўлишмасин.

– Зулайҳо эргашганди, бошқа кун борарсан, деб зўрға юпатдим.

Бу кичик қизимнинг исми эди. Онасини кўп яхши кўради.

– Ҳайдовчилар нарх навони осмонга чиқариб юборишибди. Ҳозир бир сўмга зор бўлиб турибмиз...

Қишлоқ билан касалхона ораси ўн икки чақирим. Йўл кира беш минг. Икки ой бурун автобус қатнарди, минг сўмга келардик. "Дамас"чилар ҳайдовчини дуппослашганидан кейин автобус қатнамай қўйди. Йўл ҳақини осмон баробар кўтариб олишди. Хотиним шунинг ҳисобини олганди. Қўйнимдан целофан идишга ўралган нонушталикни олдим.

– Йўлдан шашлик олгандим, иссиққина, еб ол!

Хотиним шашликнинг биттасини бир бўлак нонга қўшиб еди. Иштаҳаси очилганидан суюндим.

– Энди мен борай, кечки пайт келаман.

– Келиб нима қиласиз?

– Хўрозни сўйиб, қайнатиб, сувини олиб келаман.

– Шошилманг, борганимда сўярсиз, болаларнинг ҳам оғзи тегади. Бечораларимнинг ичи ялангсиб кетган...

Эшик олдида дўхтир билан тўқнашдим.

– Таҳлиллар яхши чиқмади, уста ака, – деди у бошини ғамгин чайқаб.

Юрагимни муз қоплади. Бу гап худди аёлингизни олиб кетишингиз мумкин, дегандек чалинди қулоғимга.

– Энди нима қиламиз, ука? – топган гапим шу бўлди.

– Ҳаракат қиламиз, мен ваъда бердимми, албатта, тузатаман!

Юрагимнинг музи эриди.

– Раҳмат, ука, мендан қайтмаса Худодан қайтсин.

Дўхтир нимадир демоқчи бўларди. Ниҳоят ёрилди.

– Уста ака, арзимас илтимос чиқиб қолди-да, айтсамми йўқми, деб кечаси билан бошимни қашлаб чиқдим.

– Бемалол, гапингиз бўлса айтаверинг, ука.

– Беш-ўнта қўй сиғадиган...

Мақсадини тушундим.

– Албатта, ёрдам бераман, ахир устачилик менинг касбим-ку.

– Ёғочлар тайёр, ишни бошлашингиз мумкин.

– Эртага касалхонага келиб, янгангиздан хабар олиб, кейин уйингизга ўтаман.

– Опамдан хавотир олманг, ўзим шу ердаман-ку.

Дўхтирнинг уйи қишлоғимизнинг чет маҳалласида. Ўн йиллар илгари қурилиш қилганида уйининг томини ёпиб бергандим. Эрталаб болаларимни мактабга кузатиб, унинг уйига жўнадим. Мени кутиб ўтирган экан, қурилиш бўладиган жойни кўрсатди. Ишни бошлаб юбордим. Қўйхонани битиришим учун ўн кун вақтим кетди. Ўғлим ҳам кун ора келиб ёрдамлашиб турди. Қўлим ишда, кўнглим хотинимда эди. Орада икки-уч бор унинг олдига бориб келдим. Аҳволи ўнгланиб, чеҳраси очилиб борарди. Ҳар гал хонасига киганимда бўш каравотни кўриб, ўша бемор жувон хаёлимдан ўтарди... Ниҳоят қурилиш битди. Дўхтир ишимдан хурсанд бўлди.

– Қўлингиз дард кўрмасин, уста ака. Қўйлар қасрда яшайдиган бўлибди-ку.

Кўпдан юрагим дов бермаётган гап тилимдан чиқди.

– Аёлимни операцияси нима бўлди?

Дўхтир қўл силтади.

– Ташвишланманг, операцияни қолдирдик. Пойтахтдан қимматбаҳо дориларни олдириб келиб ичирдим. Натижа кутганимдан яхши чиқди. Опа эртага ўз оёқлари билан уйингизга юриб борадилар...

Суюндим.

– Жавоб берасизми?

– Соғлом одамни бир кун ҳам ушлаб турмаймиз, уста ака.

Қўлимни қуксимга қўйдим.

– Илоҳим муродингизга етинг, яхши кунларингизда хизматингизда бўлай.

Дўхтир хайрлашаётганимда қўли қалтираб бир боғлам мингталикни узатди.

– Ҳақингиз!

Ўн беш кунлик меҳнатимга тўланаётган ҳақ эди бу. Ўн олти соатлик иш вақтимга етти ярим минг сўмдан. Қизларим эрталабдан шомга қадар шоли ўтаб ўн беш минг топади. Нархнинг бу қадар арзонлигидан афсусландим.

– Аёлимга қарадингиз, мен қурган қўйхона меҳнатларингиз эвазига, – дедим мақсадимни аччиқ қуруқ оҳангда етказишга уриниб.

Дўхтир пул узатган қўлини тортиб олди.

– Шундайми, жуда ғалати бўлди-ку, а, уста ака. Нима ҳам дердим, аммо хижолатга қўйдингиз-да, одамни...

Аёлимнинг тузалиб қолгани менга катта бойлик эди. Уйга келиб, болаларимга эртага оналарини касалхонадан олиб чиқишимни айтдим. Улар сапчишиб, бир-бирларини қучоқлаб суюнишди. Алламаҳалгача ухламай уйни супириб сидиришди. Идишларни ювишди. Ҳаммаёқни чиннидек тозалашди. Болаларни мактабга кузатиб, касалхонага жўнайман, деб турганимда электрчилар келиб қолди.

– Қарзингиз кўпайиб кетибди-ку, уста ака, ҳақини тўланг ёки токни узамиз, – дейишди.

– Ҳозир ёнимда пулим қолмаганди, укалар. Беш-олти кун сабр қилинглар. Аёлим касалхонага тушиб қолганди, топганимизни дори-дармонга

сарфладик. Дорихонадан қарздорлигимиз бор... Бугун аёлим чиқади. Чироқни ўчириб кетганларинг, сиқилиб қолмасмикин дейманда...

– Пул топгунингизча қоронғуда ўтириб турасизлар-да, уста ака!

– Ундай қилманглар, шароитим оғир. Токни узсаларинг, болаларим дарс тайёрлашолмайди...

Монтёрлар қоринларини силкитиб, қотиб-қотиб кулишди.

– Ҳали болаларингизни прапессор қилмоқчимисиз?

– Профессор бўлмаса ҳам бирор ҳунарнинг этагини тутиб қолишармикин дейманда...

Бошлиқ мен билан тортишиб ўтиришни хоҳламади, шеригига «Симни қирқинглар», деди. У столбага тирмашиб, симни токдан узди. Жон томиримнинг бири узилгандек бўлди. "Оҳ, энди болаларим билан қоронғуда қандай ўтирамиз а, эй Худойим".

Хотинимни уйга олиб келдим. Унинг қип-қизил чеҳраси нурга тўлганди. Хасталикдан асар қолмаган бўлса-да, баданидан дори ҳиди анқирди. "Иссиққина чой ичаман", деб чой қайнатгични токка уламоқчи эди, электрчилар келиб, симни столбадан узиб кетишганини айтдим.

– Одамлар миллионлаб қарзи бўлса ҳам бир тийин тўламайди, кеча-ю кундуз чироқни ёқиб ўтиришади, бизнинг ўттиз минг қарзимиз уларникининг олдида нима бўпти? Ушаларникини узмайдими? Келиб-келиб электрчиларнинг кўзига биз кўриндикми?

– Куйинма, хотин, Худо хоҳласа, ўлмасам пул ишлаб, қарзни тўлайман. Мабодо, бандачиликни бажо келтирсам, ортимда ўғлимиз бор!

Хотиним аввалгидек елиб-югуриб уй ишларини бажарарди. Қизларимнинг, "Аяжон, ўзингизни уринтирманг, бу ишларни бизга қўйиб беринг", – дейишларига қулоқ солмасди.

Менинг кўзимга қарз кўринарди. Бугун бўлмаса эртага ўша олижаноб одам эшигимизни тақиллатади, "Мен сизга қарзни қайтариш шарти билан Аллоҳ таоло розилигини истаб, муайян муддатга бергандим. Ўша муддат келди, қайтаринг", деса не деб жавоб топаман.

Болалар йўқлигида хотиним билан маслаҳатлашдим. Эртаси куни мактабга иш сураб борибди. Хайрият, фаррошлик ўрни бўш экан.

– Директор домла саксон беш минг ойлик, шундан эллик мингги қўлингизга тегади. Қолганини келиб кетадиган комиссияларга ишлатамиз, деди, – деди хотиним суюниб.

– Рози бўлдингми?– дедим у оладиган саксон беш минг рўзғорни тебратишига асқотиб қолишини ўйлаб.

Хотиним хомуш оҳангда:

– Нима ҳам дердим, бундан ортиқ ҳақ тўлайдиган ишни қаердан ҳам топардим. Қозонимиз гўштсиз бўлса-да, қайнайди, менинг ишлаб топганимни тўплаб, қарзни узамиз, – деб режалаштирдик. Бунинг устига ўғлим ҳам фермернинг подасини боқиб, ойига етмиш-саксон минг сўм ҳақ олмоқда.

Ўша кунлари қишлоқда уйини таъмирлайдиганлар, қурилиш қиладиганлар у қадар кўп эмасди. Кўп вақтим майда-чуйда ишлар билан утарди. Шундай бўлса-да, уч-тўрт сўм ишлардим. Қўлим оз бўлса-да, пул кўрарди...

Кунларнинг бирида олижаноб одам йўлимдан чиқиб қолди. У илгаригидан ҳам чиройли кийиниб олганди. Оёғидаги туфлиси ялтирарди.

– Эшитдим, аёлингиз соғайиб, ҳатто ишга ҳам жойлашиб олибди, – Унинг овозида ўзини ҳамиша мағрур тутадиган одамнинг оҳанги бор эди.

– Сизни ҳар намозимизда дуо қиляпмиз, – дедим хижолатдан юзим қизариб.

– Бир мўминнинг ҳожатини чиқариш, муслим инсоннинг бурчи!

– Олдингизда хижолатдаман. – дедим икки юзим чўғдек ёниб. – Ҳозир сиздан олган қарзимни тўлаш учун бутун оиламиз билан ишламоқдамиз. Ўғлим ёнимда, қизларим дарсдан кейин фермернинг даласида ғўза чопишмоқда. Топган пулимизни йиғиб, яқин кунларда сизни рози қиламиз, – дедим.

Олижаноб киши сўзларимни лабларининг четидаги чиройли табассум билан тинглади. Унинг юз-кўзларида ёмонлик аломатларини пайқамадим. Бироқ бу кўзларга диққат билан қараган одам унда қувлик ва инсонни ўзига жалб этувчи аллақандай жоду пинҳон эканлигини англаб етарди.

– Асло ташвишланманг, пул топилади, – деди мулойим овозда у. – Сизни қандай шароитда яшаётганингиздан хабардорман. Қизларингизни далада кетмон чопаётгани, кунига ўн беш мингдан пул тўпаётгани, хаста аёлингиз эса саксон беш минг ойлик олаётгани, ундан эллик беш минг қўлига тегаётгани менга маълум.

– Кўпроқ пул тўлайдиган бошқа ишни қаердан ҳам топа олардик! – дедим унинг сўзларига эътироз билдиролмай. – Бутун бир қишлоқда бирорта одам ишлайдиган корхона йўқ. Шунисига шукр қиламизда.

Олижаноб киши ичи ачингандек бошини сарак-сарак қилиб, енгилгинаоҳ уриб қўйди. У мени беш юз доллар топишим учун неча йиллар қозонни сувга солиб, қуруқ нон-чой билан ҳаёт кечиришимнинг ҳисобини олгани шундоқ кўзларидан сезилиб турарди.

– Муҳими сиз ҳалол инсонсиз. Меҳнат қилиб, пешона тери тўкиб пул топасиз! Агар кўнглингизга олмасангиз сизга оғаларча маслаҳатим бор.

– Айтинг! – мен унинг оғзига тикилдим. Ахир бундай олижаноб одамлар ақлли булишини, оғзидан ҳамиша яхши ўгитлар чиқишига ишонардим.

– Мен сизга яхшироқ ҳақ тулайдиган иш топиб берсам нима дейсиз?

Ишсиз юрган одамга иш топилиши кимни қувонтирмайди дейсиз. Рости гап суюниб кетдим ва ўз қувончимни қуйидаги сўзлар билан изҳор қилдим.

– Бошим осмонга етарди ва умримнинг охиригача сизни дуо қилиб ўтардим.

– Лекин иш жойи олисроқда...

– Бунинг аҳамияти йўқ. Муҳими пул топишим ва сиздан олган омонатни тезроқ қайтаришим керак.

– Қарзни ўйламанг, деб илгари ҳам айтгандим-ку, сизга.

– Ўйламай бўлармиди, охират куни Аллоҳнинг ҳузурида жавобини беришим керак...

Олижаноб кимса сўзимга аҳамият бермади.

– Хотинингиз билан маслаҳатлашинг, рози бўлса эрта-индинга сизни ишга жунатаман. Дарвоқе, хотинингизни, қизларингизни ва ўғлингизни ҳам ўзингиз билан олиб кетсангиз яхши бўларди. Ҳар қалай улар ҳам ойига уч-тўрт юз доллардан топишарди.

– Йўқ, хотиним билан қизларим боришолмайди. Уларнинг уйда қолгани маъқул. Ўғлимни эса олиб кетишим мумкин.

– Маъқул!

Мен унинг сўзларини мамнуният билан қабул қилдим. Хайрлашиб, бу хушхабарни тезроқ аёлимга етказиш мақсадида уйга шошдим. Лекин уч-тўрт қадам босмасимдан олижаноб одамнинг овози мени тухташга ва орқага қайтишга мажбур қилди.

– Дарвоқе, эшитишимча яқинда монтёрлар келиб электр симини узиб кетибди, ҳозир қоронғуда ўтирганмишсизлар, шу гап ростми?

Хижолатдан юзим чўғдек қизарди.

– Нимасини айтасиз, озгина қарзимиз бор экан, Худонинг зорини қилсам ҳам гапимга юришмади. Ҳозир пул жамғаряпмиз.

– Нега бу ҳақда менга айтмадингиз? – ўпкалагандек қошларини уйди олижаноб одам.

– Бу нохуш хабарни сизга айтишни ўзимга эп кўрмадим.

– Қанча қарзингиз бор?

– Ўттиз минг!

– Шунга токни узишдими? Қандай ярамаслик! Эшитишимча, айрим амалдорлар электрдан қарзларини йиллаб тўламас эмиш.

Соддалигим қурсин:

– Шундай, қўшнимиз Карим фермернинг олти юз минг сўм қарзи бор, электрчиларнинг тилини тошиб, ҳисоблагични орқага айлантириб қўйишибди.

– Қандай ярамаслик! Қандай нонкўрлик! Ахир бу халқ мулкига хиёнат-ку!

– Нимасини айтасиз, – дедим тилимга дурустроқ сўз келмай....

– Бундай кимсаларни жавобгарликка тортиш керак! Қамаш керак!

– Ҳақ гапни айтдингиз. Сиз ҳақиқатдан ҳам халқпарварингиз экансиз!

– Мен сизга тўғрисини айтсам, ўз юртига хиёнат қилган одамни ҳушламайман. Бундай кимсалар бу дунёда қонуний жазодан қутулиб қолишади-ю, аммо, охират куниси жазоларини олишади.

Олижаноб кимса ёнидан юз доллар чиқариб, қаршилигимга қарамай чўнтагимга солиб қўйди.

– Ҳозироқ бориб қарзингизни тўланг! Қолганини аёлингизга беринг. Токи сиз биринчи иш ҳақингизни жўнатгунингизга қадар рўзғорга ишлатиб турсин.

Уйга келиб хотинимга олижаноб одамнинг сўзларини айтиб бердим. У қовоқ тумшуғини осилтириб олди.

– Мени ташлаб, қизларингизни ташлаб, уйимизни ҳувиллатиб кетасизми? Болаларим билан мен нима қиламан? Тирикчилигимиз нима бўлади? Шу ерда, оз бўлса ҳам қулимизга пул тушмоқда, қора қозонимиз гуштсиз бўлса-да, қайнамоқда. Мана, ўғлингиз ёнингизга кирди.

– Лекин бу билан нима ўзгаради? Уларнинг келажагини ҳам ўйлаган. Қизларим отамнинг қарзини узамиз деб, мендан яширинча дарё бўйида тиззасидан совуқ сув кечиб, эрталабдан кечгача ун беш минг сумга шоли уташмоқда. Ўғлинг эса саксон мингга халакупнинг итидек фермернинг моллари-ни боқаяпти.

– Худога шукр қилинг, отаси. Болаларингиз санқиб юргани йўқ, оз бўлса ҳам тирикчиликка ёрдам беришмоқда.

Хотинимнинг гапидан асабларим таранглашди:

– Сени касалхонадан олиб чиқаётган куним дўхтир, "Уста ака, янгамизни ҳар олти ойда даволаб туришимиз керак. Йўқса, касаллари қайталаниб қолиши мумкин", деганди. Ҳар олти ойда дўхтирга беш юз узатишим керак. Сендан жонимни ҳам аямайман, лекин шунча пулни қаердан топаман? Ким беради менга? – аччиқ устида шу кунгача яшириб юрган гапим оғзимдан чиқиб кетди.

– Мени даволатишни ўйламанг. Ўн беш кун ётиб, кунига иккита таблетка ичдим, бешта укол олдим. Шунга дўхтирингиз беш юз долларингизни олди. Буниси камлик қилгандек, уйида ўн беш кун қулдек ишладингиз. Бир мири бермади.

– У ҳақда ёмон фикрда бўлма. Бошқа дўхтирлар беш йил уқиган бўлса у етти йил уқиган. Сенга энг танқис, ноёб дориларни ёзиб берди. Бечоранинг ўзи топиб келди...

– Инсофли бир дўхтир кириб, дардимни эшитиб, ёзган дориларининг кўпини учириб ташлади... «Опа, буларни сизга кераги йўқ», деб айтди. Қандай шароитда яшаётганимиз билан, қандай қийналиб пул топаётганимиз билан ўша пулингизни олган дўхтирнинг иши йўқ. Қизларингиз ўн беш мингга офтобда сув кечиб шоли ўтамоқда, – кўзларидан ёшлар оқди. У куйган юрагидаги дардини кўз ёшлари билан тўкиб соларди. – Дўхтирингизда инсоф, виждон деган нарса йўқ экан. Ёнимдаги бўш жойни ёшгина келинчакка кунига эллик мингданга сотди. Турт кун ётганида кейин шўрликнинг эри пул тополмай, хотинини олиб чиқиб кетди. Илоҳим, биздек камбағалларнинг кўз ёшларига ғарқ бўлсин. Берган пулингизга у дунё-ю бу дунё рози эмасман.

Худога солдим, бизлардан олгани жиғилдонини тешиб чиқсин! – аёлимнинг ўпкаси тўлиб, ҳунграб юборди. Унинг буришган ва ажинлар из солган қонсиз юзини алам ва нафрат ёшлари ювиб тушарди.

– Ундай дема, дўхтир ўша ноёб дориларни пойтахтдан олдириб келибди, четники эмиш, жуда кимматтураркан, – дедим ўзини оқлашга уринган айбдордек.

– Бекорларнинг бештасини айтибди, ўша дорилар дорихонада турибди, мен ичаётган дориларни ҳамхонам ҳам ичди. Энди мен ўша баднафс дўхтирнинг касалхонасида ётмайман. Ажалим етган бўлса, ўз уйимда Аллоҳнинг омонатини топширишга тайёрман.

Унинг сўзлари суяк-суягимдан ўтиб кетди. Шундай бўлса-да, унга таскин берадиган сўз топдим.

– Зарда қилма, хотин. Ўғлинг иккимизга оқ фотиҳа бер. Эртага йўлга чиқамиз. Олижаноб одам бизга иш топибди. Айтишича ойига беш-олти юз доллардан ҳақ тўлашармиш.

– Ўғлимни ҳам олиб кетмоқчимисиз?

– Ҳа, у ҳам борса ёмон бўлмайди. Иккимиз ойига минг доллардан ошириб пул топамиз.

– Боламни ҳеч қаерга жунатмайман. У ерда ит азобини тортишини истамайман.

– Тушунсангчи, хотин, кейинги ҳаётимиз яхши бўлади.

– Йўқ, мени, қизларингизни, қишлоғимизни ташлаб, бегона юртга кетишларингга рози эмасман. Мусофир юртда қандай кун кечирасизлар, қаерда ётасизлар, овқатларинг нима бўлади, атрофингиздаги одамлар қанақа, буни ўзингиз ҳам билмайсиз. Ўша савил қолгур пулни шу ерда топиб, қарзингиз-

ни қайтарсангиз ҳам бўлади! – хотинимнинг қаттиқ аччиқлангани овозидан билиниб турарди.

Мен қандай қилиб бўлса-да, аёлимни кўндиришни, олижаноб одамнинг қаршисида ер чизиб қолмасликни уйлаб, ётиғи билан тушунтирмоқчи бўлдим.

– Мен ҳаммасини чўтга солдим. Ўзинг ҳам ҳисоб-китоб қилиб кўр, хотин. Ҳаммамиз йигирма соатлаб ишлаганимизда ҳам, қозон-товоғимизни сувга солиб, қуруқ нон кавшаб кун кечирганимизда ҳам беш юз доллар тополмаймиз. Бир неча йил итдек ишлашимизга тўғри келади. Олижаноб одам айтган жойда эса ўғлим иккимиз ойига минг доллардан топарканмиз. Бир ой ишласак минг, бир йил ишласак ўн минг доллар. Бу катта пул. Бунча бойлик бизнинг ҳаётимизни ўзгартириб юборади. Мол-қўйларимиз, товуқларимиз бўлади. Ҳар куни болаларим сут ичишади, қаймоқ билан, тухум билан нонушта қилишади. Юзларига қон югуради. Мактабни ташлаб, мардикор ишлашмайди. Улар ҳам бошқа ота-оналарнинг фарзандлари каби китобларини янги, чиройли сумкаларга солиб мактабга боришади. Ахир уларнинг сумкалари эскириб қолган, икки маротаба эдикдузга ямоқ солдириб келганман. Кийимлари ҳам бир аҳволда. Катта қизинг сен келинчакликда кийган туфлингни оёғида судраб юрибди. Агар четда ишлаб келсам, улар саҳардан шомгача тиззасидан сув кечиб, бошидан офтоб уриб шоли ўтамайди. Ҳа, улар ўқишади. Илм олишади. Кейин эса узлари орзу қилган институтга киришади. Катта олим бўлишади. Ўғлингни ҳам зеҳни ўткир. Аллақанча китобларни ўқиб ташлаган, ҳозир ҳам қўлидан китоб тушмайди, илмли одамлардек фикрлайди. Пул ишлаб келсак ўқитаман. Ўшанда иккимиз эл ичида

кўкрагимизни кериб, бошимизни баланд кўтариб юрамиз. Одамлар мени "Уста", деб эмас, исмимни айтиб, ҳурмат қилиб уста Муминжон, деб чақиришади.

Билишимча менинг гапларим хотинимнинг кўз олдига бахтли ва фаровон кунларни келтиргандек бўлди. Тез кунлар ичида қарзимизни тўлаб, бойиб кетишимизга, бизнинг ҳам аллақачонлар қуриб қўйган оғилимиздаги қозиқларга мол-қўйлар боғлаб қўйишимга ишона бошлаганди.

– Энди бизга фотиҳа бер, дуо қил! Қалбимиз Аллоҳ билан бирга бўлсин, соғ-омон ишлайдиган жойимизга етиб борайлик.

– Шу ўғлингизни олиб кетмаганингиз яхши эди. Негадир кўнглим бўлмаяпти.

– Сен болангни биз каби бечораҳол бўлиб яшашини хоҳлайсанми? Худо хоҳласа иккаламиз астойдил ишлаб, бир қучоқ пул тўплаб уйга қайтамиз. Ўшанда ҳозир айтган гапларингга пушаймон ейсан, ҳаммасини унутасан. Ўғлингизни бошлаб кетганингиз яхши бўлган экан, деб менга раҳмат айтасан.

Хотинимнинг кўзлари ёшга тўлди. У ҳўнграб юборди.

– Қўй энди, йиғлайверма. Ҳаммаси яхши бўлади. Биздан хавотир олма.

– Сиздан кўра кўпроқ Юсуфдан хавотирдаман...

– Боланг ёлғиз эмас, олдида мен борман, ўзимдан узоқлаштирмайман.

Завжан мутоҳҳорам кўз ёшларидан намиққан озғин ва зафарон юзига фотиҳа тортди. Кейин, "Биринчи ойликни олишларинг биланоқ бизга жўнатинг, уша олижаноб одамни излаб, қарзимизни тўлаб қўяйлик. Бўйнида қарзи бор одамнинг ишини баракаси бўлмайди", деди кўнгли бироз юмшаб...

Кечаси билан йўл тадориғини кўрдик. Хотиним билан қизларим қўшниникидан сут олиб чиқиб, "йўлда еб кетасизлар", деб етуликлар пиширишди. Кийимларимизни ювиб, йиртилиб қолган жойларини тикишди. Раҳиманинг юраги нотинч эди. Боласидан айрилгиси келмасди. Оқ сут бериб боққан ўғлининг тепасида ўтириб, уни бошқа кўрмайдигандек, юзларига термулиб, дийдорига туёлмай узоқ ўтирди. «Оҳ, болажонимей. Не кўргиликлар, не савдолар тушаркин сенинг бошингга? Совуқ ўлкаларда қийналиб қолмасмикинсан? Оч-наҳор қолиб кетмасмикинсан"», деб йиғлади. Кўзидан сизиб чиқаётган қайноқ ёшлар бир пайтлар тўлин ойдек балқиган ҳуснини бузган ажинлар орасида тўхтаб, кейин кўкрагига думалаб тушарди. Раҳима барча муштипар оналар каби ўғли бағридан узоққа кетишини истамасди. Унинг аҳволини кўриб, менинг кўзларимдан ҳам уйқу қочганди.

Тепадаги ойнинг нури кетиб, юлдузларнинг ранги сўниб, тонг ёришгунга қадар Юсуфнинг тепасида ўтириб, унинг юз-кўзларига термулиб чиқди. Суфи азон чақирганида ўзига келди ва кўз ёшларидан нам бўлган юзини рўмолининг учига артиб ўрнидан туриб, нонушталик тайёрлаш мақсадида ўчоқ бошига борди.

Эрталаб эса бизни олиб кетгани машина келди. Бу пайтда Юсуф катакдаги хўрозга дон сепаётганди. Ўзича у билан гаплашарди... Кўча эшикка етганимда Юсуф рўмолининг учини тишлаб, ғамга ботиб, кўзлари шабнамдек ёш тўкаётган онасининг қучоғига ўзини отиб:

– Онажон! Менинг меҳрибон онажоним! Айтинг, мендан розимисиз? – деб юборди. Ичимдан бир нарса узилиб тушгандек, ўзим ҳам ғалати бўлиб кетдим.

– Нега розилик сўраяпсан, болам? Юрагимга ғулу солма! – онаси ўзини тутолмай ҳунграб юборди.

– Кунглим ишқи меҳрингиз билан тирик, онажон!

– Қани энди ҳамма йигитлар сен каби бўлса.

– Аммо ҳар бир она сиз кабидир!

Улар бир-бирларини маҳкам бағирларига босиб туришарди. Назаримда икковлари улкан бир чинорга ўхшарди.

– Топган пулларингни эҳтиёт қилинглар, эшитишимча у томонларда қисавурлар сероб эмиш. Пулларингни олдириб қўйманглар, беҳудага совурманглар!

Хотиним кутилмаганда кескин ортига бурилиб уйга кириб кетди. Нимадир ёдига тушган бўлса керак, деб ўйладим. Ортидан кирмоқчи бўлгандим, ўзи чиқиб келди. Қўлида тумор. Бу онамдан қолган ёдгорлик эди. Улими олдидан «Ўғлим, буни эҳтиёт қил, узоқ сафарга чиққанингда бўйнингга тақиб юр, бунга муқаддас дуолар битилган. Сени бало-қазолардан сақлайди», деб айтганди. Ўшандан кейин мен узоқроққа борадиган бўлсам уни бўйнимга осиб олардим.

Хотиним туморни менга берди. Мен «Аллоҳ ўзи асрасин», деб уни ўпиб, бўйнимга осиб олдим.

Хотинимнинг кўзлари ҳамон тинимсиз ёш тўкарди. Боласини бағридан бўшатгиси келмасди. Машинага чиқаётганимизда ҳам (уни олижаноб одам жунатганди) Юсуфни яна-да қаттиқ қучоқлаб, шафқат ва марҳамат дарёси бўлган қалбидан отилиб чиқаётган кўз ёшларини тўхтата олмасди.

– Онажон, йиғламанг, Худо хоҳласа тезда қайтамиз. Сизга телефон қилиб тураман! – деб ялинарди ўғлим онасини юпатиш мақсадида.

Қизларим эса нима дейишларини, нима қилишларини билмай пахса деворга елкаларини тираб туришарди. Уларнинг кўзлари ёшга тўлганди.

– Энди бизга фотиҳа бер, машина эгаси қараб қолди.

Хотиним қўлларини дуога очди.

– Илоҳим ой бориб, омон қайтинглар. Хайрли йўлларингиз бехатар бўлсин. Турт мучолларинг соғ бўлсин. Бағри бутунликда куришиш насиб этсин. Ишларингизга омад, қушойиш насиб этсин. Қўли очиқ, саховатли кишиларга рубару қилсин. Тоғларингга Хизр бувам барака берсин!

Машина жилди. Шунда қизларим бирдан:

– Ота, акажон! – деб қичқириб, анча жойгача ортимиздан югуриб боришди.

Машина жойидан жилганда ўғлим юзини ойна томон буриб олди. Унинг кўзлари йўл ёқасида шарқираб оқаётган сой бўйидаги кўкка бўй чўзган мирза теракларда, улар остидаги кўм-кўк майсазорларда эди. Бу унинг хотирасига болалик йилларини солган ва айни пайтда болалик билан видолашаётганди. Юраги эса Ватан меҳри билан ҳамоҳанг тепарди. Қушларнинг сайрашида аллақандай маъюслик бор эди.

* * *

Мен армиядан қайтганимдан кейин қишлоғимиздан ташқарига чиқмай қўйгандим. Онда-сонда шаҳарга тушиб турардим. Шунда ҳам зарурат юзасидан. Узоққа кетсам уйимни, қишлоғимни соғинардим. Бугун илк бор ўз уйимдан олисга кетмоқдаман. Ҳозирданоқ юрагимни соғинч тиғи тилмоқда.

Машинага ўтиришдан аввал ортимга қарадим. Ота-онам ва ўзимнинг болалигим ўтган уй менга мунғайиб қараб тургандек туюлди. Ортга қайтмоқчи, унинг сувоқли деворларига юзимни босмоқчи бўлдим. Шунда кўзимга олийжаноб одам кўринди. У худди ер остидан чиққандек қаршимда пайдо бўлди. "Нега уйланиб қолдингиз, бўла қолинг, сизга қараб турибмиз, биродар". Кўзларимни юмиб очдим, кўрганларим, эшитганларим руё эканлигини билдим. Оёғимни ердан узмоқчи эдим, аҳдимдан қайтдим. Набий (с.а.в)нинг уйларидан чиқишда ҳамиша айтиб юрадиган дуолари ёдимга тушиб қолганди. "Бисмиллаҳи, таваккалту ъалаллоҳи Аллоҳумма! Инна ноъуузубика мин ан назила ав нажҳала ав южҳала алайнаа" (Маъниси: Бисмиллоҳ, Аллоҳга таваккул қилдим. Аллоҳим! Албатта, биз сендан тойимкидан, залолатга кетишдан, зулм қилишимиздан ва бизга нисбатан жохиллик қилишдан паноҳ тилаймиз)

Кўчада одамлар сийрак эди. Ўтган кетганлар бизга сирли нигоҳ билан қараб қўйишарди. Атрофдаги нарсалар, деворлар, уйлар кўзимга ғалати кўринарди. Қишлоқ бизни сукут ичра кузатарди. Шабодада шохлари чайқалиб турган дарахтлар эса ўзларининг тилида хайр-ҳуш айтишарди. Машинага ўтириб шаҳарга жунадик. Олижаноб киши айтган жойга бордик. У бизни ошхонада меҳмон қилди. Шу ерда уғлимиз иккимизни бегона одамнинг қўлига топширди. У ширин сўзлар сўйлайдиган ориф киши экан. Юзи кулиб, ҳушнуд боқарди. Ҳатто уғлимни ҳам сизлаб чақирарди. У бизларни Қозоғистонга олиб кетди. Бу ерда сафимиз олти кишига ортди. Шерикларимиз оддий йигитлар бўлиб, уларнинг ёши йигирма беш-ўттизлар атрофида эди. Йигит-

лар ўғлим иккимизнинг ҳурматимизни жойига қўйишди. Тонгга яқин поездга ўтириб, Москвага жўнадик. Бу юртда қурилишлар кўплиги ва ишлаш учун ишчи кучлари етишмаслигини эшитгандим. Хаёлимдан ҳамон олижаноб инсондан олган қарзим, шоли ўтаётган қизларим, эллик беш минг сўмга эрталабдан кечга қадар синф хоналарининг полини ювиб, чангини артиб, ҳовли супириб юрган хотиним кетмасди. Уларнинг "Отажон, барча умидимиз сиздан", дегандек мўлтираб қарашларини унутолмасдим. Ҳа, мен уларнинг умиди эдим. Мен уларни яхши яшашлари, ўқишлари, совуқ сув кечиб шоли ўтамасликлари учун астойдил ишлашим, ҳалол меҳнатим билан пул топишим зарур эди. Қишга қадар ўғлим иккимиз анчагина пул жамғарамиз. Олижаноб кимсадан олган қарзимизни ҳам қайтарамиз, деб орзулардим. Кейинги топганларимизни оиламизни тиклаш, ўғил қизларимни ўқитиш учун жамғарамиз.

Икки кун ўтиб поездимиз Москвага кириб борди. Бизни бошлаб келган одам паспортларимизни олиб;

– Энди у ёғига самолётда учамиз, - деди. Буни эшитиб ўғлим қувонди.

– Ота, сиз самолётга чиққанмисиз?

– Ҳа, бир маротаба, ўшанда бизларни армияга самолётда олиб кетишганди.

– Осмондан уйлар, одамлар бошқача кўринса керак, а?

– Худди гугурт қутисидек.

– Мен ойнаси бор жойда ўтирсам майлими?

– Албатта.

Биз аэропортда бир кеча тунаб қолдик. Эртаси куни шомда самолётга чиқдик. Туркияга парвоз

қилаётганимизни самолёт ичида эшитдим. Демак, олижаноб кимса бизни Туркияга ишга жўнатибди-да, деб ўйладим. Бир ҳисобдан бу ўлкага кетаётганимиздан қувондим. Ахир одамлари билан тиллаша оламиз, бунинг устига мусулмон мамлакат, улар бизга ҳеч қачон ёмонликни исташмайди, деб ўйлардим. Юсуф иллиминатор ёнига ўтириб, пешонасини ойнага тираб ташқарини томоша қилиб борарди. Бироқ пастдаги нарсалар кўринмасди. Биз булутлар устидан учиб ўтардик. Ниҳоят,ўғлим зерикди чоғи, ташқаридан кўзини олиб менга юзланди.

– Онамни, сингилларимни соғиндим, ота. Улар ҳам бизни соғинишгандир-а?

– Кўпам ўйлайверма, улар соғ-саломат, тез кунларда қайтамиз. Яна бирга яшаймиз.

Болам гапларимга ишонди. Чеҳраси ёришди. Самолётимиз тун ярмида Истанбул аэропортига қўнди. Пастга тушишимиз билан бизни саҳти сумбати совуқ, ияк эти тиришиб, қонталаш кўзлари чақчайган, новчадан келган, соқолига туташган мўйлови қировдек оқарган озғин одам кутиб олди. У бизларни микроавтобусга ўтқазиб, номаълум томонга олиб кетди. Биз ҳаммамиз бирдек ўз иш жойимизга етиб келганимиздан мамнун эдик. Негадир ўғлим хомуш ва паришон тортиб қолганди. Истанбулнинг тунги гўзал манзаралари унинг юзида қувонч аломатларини уйғотмаганди. Хомуш ва паришон эди у.

– Ўғлим, бир неча кундан бери юзингда табассум кўрмаяпман. Не бўлди сенга? Бу қадар хомушлигингни сабаби не?

– Кулгуларимни қадрдон қишлоғимизга ташлаб келдим, ота...

– Ахир, биз бу ерга ишлаш мақсадида келганимизни унутма, ўғлим. Ўша олижаноб одамдан қарзимизни узишимиз биланоқ орқага қайтамиз. Қарзни қайтармасак Худонинг ғазаби қўзийди. Еганимиз танамизга юқмайди. Пайғамбаримиз алайҳиссалом имконияти бўла туриб қарзни ўз вақтида тўламасликнинг зулм эканлигини таъкидлаганлар. Ахир қарзни қайтармаслик нечоғлик гуноҳ эканини мендан кўра ўзинг яхши фаҳм этасан-ку, болам.

Юсуф бошқа гапирмади. Автобус ойнасига пешонасини тираганча уйга чўмиб кетаверди. Менинг ич этимни нимадир кемирарди.

– Ўғлим, анови дўконларга қара, одамларга қара, ҳаётни кўряпсанми? – дедим уни ёмон фикрлардан чалғитиш мақсадида. Бироқ Юсуф сўзларимга эътибор бермади.

Машинамиз ўнқир-чўнқир йўлдан денгиздаги кемадек чайқалиб борарди. Икки соатча юрдик. Бу пайтда тонг бўзарганди, шаҳар ортда қолганди. Бийдай дашти саҳро бошланганди. Узоқ яқинларда кичик уйлар, шохлардан тикилган капалар кўзга ташланиб қоларди. Биз шу ерларда баланд бинолар қуриб, янги шаҳарча барпо этсак керак, деган ўй ўтди хаёлимдан. Шерикларимнинг кунглидан ҳам шунга яқин фикрлар кечаётган булса ажаб эмас. Ҳеч бирларининг юз-кўзларида афсус ва пушаймонлик аломатлари сезилмасди. Улар бир-бирлари билан ҳангомалашиб кулишар, ўзларини олдинда нималар кутаётганини уйларига келтиришмасди.

* * *

Микроавтобус саҳро ўртасида тўхтади. Атрофда на бир одам, на бир дарахт, на бир уй кўринарди. Фақат биздан сал нарида ёғоч ва шохлардан тикланган иккита капа турарди. Томидаги шохларни саҳронинг дайди шамоллари учириб кетганди.

– Тушинглар! – деди бизни бошлаб келган одам.

Баримиз пастга тушдик. Юз-кўзларимизда хавотир аломатлари зуҳур эди. Юрагимиз қандайдир ноҳушликни ҳис этиб, безовта урарди.

– Анови капаларда дам олиб турасизлар. Кечга яқин сизларни олиб кетгани машина келади, унгача шу ерда дам оласизлар.

– Яна йўл юрамизми? – норози бўлгандек деди шерикларимдан бири.

Йўлбошчи унга хумрайиб қаради. Ёмон сўзлар билан таъзирини бериб қўймоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, негадир аҳдидан қайтди.

Бошқа савол беришга ҳеч кимнинг ҳадди сиғмади, бўлиниб капаларга жойлашдик. Қуёш ҳали тиккага келмаган бўлса-да, кўкдан олов селини ёғдира бошлаганди. Қорнимиз очганди. Капа соясига ўтириб, юк халталаримиздаги егуликларни олиб ўртага қўйдик. Овқатдан сўнг ўзаро гурунглашиб ўтирдик. Уйимиз, оиламиз ҳақида гаплашдик. Суҳбат асносида бир-биримизни янада яқинроқ билиб олдик. Аммо негадир маъюс тортиб қолгандик. Узоқ масофа барчамизни ҳолдан тойдирганди. Машина келмади. Овқатдан кейин уйқуга кетдик...

Довул эсаётганмиш. Осмону заминни чанг қоплаганмиш. Лекин атроф-теварак кўриниб турармиш. Эгнидаги кийимлари кир-чир бўлиб кетган аёл ту-

зон ичидан чиқиб мен томон кела бошлади. Юзлари ҳозиргина тўшакдан турган беморнинг юзидек заъфарон, кўзлари нурсиз. Чап қўли билан кўкрагига тиралиб турган эски, йиртиқ рўмолини ушлаб олганди. Сочлари қиров қўнгандек оқарган аммо тароқ тегмаган, пахмоқ эди. У менга жуда яқин келди. Шунда таниб қолдим. Бу хотиним – Раҳима эди.

– Нима қилиб юрибсан бу ерда? Бу чўлда нима бор сенга? Ахир яқинда касалхонадан чиққан бўлсанг, толиқиб касал бўлиб қолсанг нима бўлади?

– Сизлардан ташвишдаман, Юсуф билан сизни уйга олиб кетгани келдим.

– Биз энди ишга жойлашдик, ҳали ойлигимизни беришгани йўқ».

«Ишга? Ахир бу ерларда қанақа иш бор? Одамлар яшамайди-ку? Яйдоқ чўл!

– Шу ерларга уйлар кўрамиз! Биз қурган уйларга одамлар кўчиб келади. Атроф боғ бўлади.

– Йўқ, бунга ишонмайман, юринг, уйга кетамиз!

– Ҳеч бўлмаса, бир ой ишлайлик, кейин ўзимиз борамиз. Уйимизни, сизларни соғинганмиз.

– Йўқ, ҳозироқ кетамиз!

– Олижаноб одам олдида хижолатга қўйма мени.

Хотиним атрофга қараб;

– Юсуф қани, нега кўринмаяпти, қаерда қолди у? – деб суради.

– Ўғлинг... ўғлинг, ҳозиргина шу ерда эди...

– Уни топиб беринг! Боламни қаерга жўнатдингиз? Қани у? Топиб беринг?

– Раҳима, ўзингни бос...

– Сизни эшитишни истамайман, қани менинг қора кўзли, полвоним?! Уни топиб беринг, ҳозироқ топиб беринг, деяпман. Мен уни уйга олиб кетаман!

– Раҳима...

– Юсуф... Юсуф...

Хотиним бирдан чинқириб юборди. Узининг орик, қоқсуякка айланганқўллари билан мени итариб юборди...

Чўчиб уйғониб кетдим. Юрагим гурс-гурс тепарди. Ташқари сокин, шерикларим донг қотиб ухлашарди. Ярим тилим ой кенглик узра нурини тушаганди. Уғлим ёнимда, юк халтасини бошига қўйганча ухлаб ётарди. Ёзилмоқчи бўлиб, ўрнимдан турдим. Ташқарида кимнингдир паст овозда айтаётган сузлари қулоғимга чалинди. Тухтадим. Бизни бошлаб келаётган одам кимгадир шундай дерди:

– Шерикларингга кўз қулоқ бўл, ораларингда қочмоқчи булганлар булса, менга маълум қил.

– Хотиржам бўлинг, ҳидини олишим биланоқ қулоғингизга етказаман.

– Бизга содиқ хизмат қилсанг, яхшигина ҳақ оласан!

– Мен бу ерга пул ишлагани келганман.

– Баракалла, унда топшириқни бажар.

Овоз эгасини танидим. Бизга Москвада қушилган йигит эди. У йигирма саккиз ёшларда бўлиб, асли хужандлик эди. Шериклари уни Собир деб чақиришарди.

Шубҳаланиб қолишларини истамай, қайтиб жойимга чузилдим.

Уйғонганимизда тонг ёришганди. Булут ва чанг тузондан тозаланган осмонда офтоб узини курсатиб, кенгликларга нурини тукиб жон киргиза бошлаганди. Бирдан Собир "Фарҳод йўқ, Фарҳод қочибди", деб қичқириб юборди. Ҳаммамиз бир-биримизга қарадик. Ҳақиқатдан ҳам у ётган жойида

куринмасди. Бу хабарни эшитган йулбошчи жазавага тушиб, Собирнинг кукрагидан итариб юборди. У ерга йиқилди. Кейин худди чуғни босиб олган одамдек типирчилаб гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга чопқиллади. Атрофни кузатди. Бироқ кафтдек текис майдонда Фарҳод куринмасди. Энди биз ун киши қолгандик...

Бизни олиб кетиш учун машина келмади. Шерикларимнинг эса бу ерда қурилиш булишига шубҳалари тобора ортарди. Худди тоғлар ортидан кутилмаганда чиқиб келган қоп-қора булутлар янглиғ юрагимни аллақандай ғашлик пардаси чулғарди. Бошқаларнинг юзларида ҳам шундай аломатлар зуҳур эди. Кимдир йулбошловчидан "машина қачон келади?", деб сураганди, у бизнинг хавотирга тушаётганимизни пайқаб:

– Сабрли булинглар, машина кечки пайт етиб келади, салқинда йулда давом этамиз, – деди.

У аччиғидан тушиб қолганди. Тепамизда ҳайкалдек қимир этмай утирар, кузларини биздан олмасди, пойларди.

– Борадиган жойимиз узоқми?

Бу ҳаммамизнинг кунглимиздаги савол булгани учун нафас олмай жавоб кутдик.

– Эллик чақиримча қолди-ёв, – жавоб қайтарди йулбошчи.

Бандамизда, унинг гапига ишондик. Чодирга кириб яна мизғидик. Энди ҳеч кимнинг уйқуси келмасди. Баримиз бирдек безовта ва ташвишланардик. Билардимки, шерикларим ҳам мен каби ҳасратини кимга дастурхон қилишни билишмасди. Гоҳ у ёнбошига, гоҳ бу ёнбошига ағдарилиб, кузларини юмганча хаёл дарёсига ғарқ булишганди. Ора-сира

бир-бирлари билан гаплашиб қуярди. Кузим узим истамаган ҳолда Собирга кетарди. Зимдан кузатардим уни. У ҳамишагидек қувноқ эди, шерикларим гаплашиб қолгудек бўлса, уларнинг олдига бориб, суҳабатларига қулоқ тутарди. Мен ҳеч кимга қўшилмай қўйдим. Ўғлим иккимиз бир четда жимгина ўтирардик. Ўтган кунлар ичида Юсуфнинг юзи сомондек сарғайиб, кўзлари киртайиб, озиб кетганди. Уй хаёли уйда, онаси ва сингилларида эканлигини сезардим. Ўғлим кўпроқ хаёл сурар, юзи тез-тез ўзгариб қоларди. Бундай пайтларда у менга нимани-дир айтмоқчи бўлар, лекин тезда фикридан қайтарди. Ниҳоят ёрилди:

– Ота, – деди чуқур хўрсиниб.

– Лаббай, ўғлим!

Мендан икки қадам нарида Собир ётганди. Орамиздаги гапларни эшитиб, худди сичқоннинг ҳидини олган мушукдек қимирлаб қўйди.

– Ҳали ҳам кеч эмас, уйимизга қайта қолайлик. Юрагим ёмон нарсаларни ҳис этмоқда. Бизни бу ерга бошқа мақсадда олиб келишган.

– Ёмон ўйларни каллангдан чиқариб ташла, ўғлим.

– Бир гап айтсам хафа бўлмайсизми, ота?

– Айта қол, кўнглингда нима гапинг бўлса, айт!

– Ўша олижаноб одамдан олган қарзимизни тўлашнинг бир йўли бор.

Мен Юсуфга ўгрилдим. Унинг кўзлари маъюс тортиб қолганди.

– Қандай йўл экан?

– Маҳалламиз раиси Алишер ака бор-ку, қўшнимиз.

– Хўш.

– Эсингиздами, тўрт ой бурун томорқамиздан икки сотих ерни автомашиналарни таъмирлайдиган устахона қилмоқчиман, деб сўраганди.

Эсладим: Алишер уйимизга келиб, томорқамиздан икки сотих жойни сотсангиз, деб айтганди. Мен рози бўлмагандим.

– Нега ҳозир буни эслаб қолдинг?

– Ўша ерни сотсак, олижаноб одамдан олган қарзимизни узардик...

– Эсингни еб қўйибсан, ўғлим. Ҳали мен ер сотишга муҳтож бўлиб қолганим йўқ. Худога шукр, билагимда кучим бор. Бунинг устига сен ҳам катта йигит бўлиб қолдинг. Арзимаган қийинчилик олдида ота-боболаримдан қолган ерни сотайми? Ер сотиш бу Ватанни сотиш дегани!

Юсуф бошқа гапирмади. Кечиринг, ота, деб ўрнидан туриб кетди. Кўзим билан уни кузатдим. У Шокирнингнинг олдига борди. Иккиси тик турганча атрофни кузатиб, нима ҳақидадир гурунглашишди. Бу орада Собир ҳам ниманидир баҳона қилиб ўрнидан турди-да, улар томонга юрди...

Кимнингдир қичқиргани баримизни ўрнимиздан турғазиб юборди. Бу қўрқинчли ҳайқириқ эди. Шерикларимиздан бири болдирини чангаллаб, ўтирган жойида гир айланиб дод соларди. Унинг ранги пахтадек оқариб, кўзлари олайиб кетганди. Ҳаммамиз "Нима бўлдийкин", деб ҳайрон қолдик. Шунда кимнингдир, "Ана, илон", деган овози эшитилди. Баримизнинг кўзимиз шеригимизнинг ёнидан узоқлашиб бораётган олачипор илонга тушди. Бу саҳронинг заҳарли илони эди. Унинг бир томчи заҳари йигирма кишининг ҳаётига сунгги нуқта қўйиши мумкин. Икки йигит ўрнидан туриб, қўлла-

рига илинган нарса билан илонни парча-парча қилиб ташлади. Илон чаққан шеригимиз эса оғриққа чидамай, ўзини ерга уриб, типирчиларди. Зудлик билан унга бирор чора кўриш лозим, акс ҳолда ўлиб қолиши мумкин. Афсуски, бундай пайтда унга қандай ёрдам беришни ҳеч биримиз билмасдик.

– Нима қилиш керак, наҳотки бир чораси бўлмаса? – дерди шерикларим илон чаққан одамга ачиниб.

Унинг ранги тобора учиб, кукариб борарди, пешонасидан совуқ тер томчиларди. Кимдир пичоқни қиздириб, илон чаққан ярани очди. Қоп-қора қон отилиб чиқди. Бироқ, бу унинг танасидаги оғриқни босмади. У тобора қийналар, аввалгидан қаттиқроқ бақирар, типирчилаб, ўзини у ёнга, бу ёнга ташларди. Ўғлим унга яқин борди ва ёнига ўтириб Фотиҳа сурасини қайта-қайта ўқиди. Бироз ўтиб оғриқ босилгандек, шеригимиз тинчиб қолди.

Кечқурунлари саҳро томомила ўзгариб, бошқа тусга кирди. Ранг-баранг турланиб турган кенгликлар ботаётган қуёшнинг сўнгги нурларидан ёришиб, секи-аста қоронғулаша бошлади. Бизни олиб кетадиган машинадан эса ҳамон дарак бўлмасди. Йўлбошчи бир неча чақиримни яёв босиб ўтишимиз кераклигини, бу ерда машина юролмаслигини маълум қилди. Йўлга тушдик. Илон чаққан одамни навбат билан елкамизда кўтариб бордик. Бечора "Мени ташлаб кетинглар", деб кўп ялинди. Йўлбошчи рухсат бермади.

Йўл тупроқ эди. Тупроқни ранги учиб кетган оёқ кийимларимиз билан тап-тап босиб, бир-биримизнинг ортимиздан чувалашиб борардик. Оёқларимиз остидан кўтарилган чанг кукка ўрлаб, сўнг ҳол-

сизланиб пастга қайтарди. Юсуф хомуш эди, юзига ташвиш чизиқлари из солганди. Қовоқлари осилиб, кўзлари киртайиб қолганди. Нимадир юрагига тинчлик бермасди. Мен ўзимни унинг олдида гуноҳкордек ҳис этардим. Боламнинг кўзларига қарашга юрагим чопмас, сўз айтишга тилим айланмасди. Ўзимни дунёдаги энг оғир гуноҳ қилиб қўйгандек ҳис этардим. Қани эди, ўша савил беш юз доллар ёнимда бўлганида, ҳозироқ ўғлимни олиб орқага қайтган бўлардим. Муҳтожлик, йўқчилик мен каби шерикларимни ҳам йўлбошчига арқонсиз боғлаб қўйганди. Унинг ҳар бир сўзига ва топшириғига итоат қилишга мажбур эдик.

Кимдир қўшиқ куйлаб юборди. Баримиз бошимизни кўтариб овоз келган томонга юзландик. Куйлаётган озғин, навча бўйли Абдумутал исмли йигит эди. Шериклари уни «Хофиз», деб чақиришарди. Қўшиқ айтаётганини эса мен биринчи бор кўриб турishим эди. Абдумуталнинг овози майин ва ёқимли эди, айтаётган қўшиғи баримизнинг дилимиздан кечаётган ўй- фикрларимизни ифодалаётгандек туюларди.

Фиғонким, гардиши даврон
айирди шахсуворимдин,
Ғамим кўп, эй кўнгил,
сен бехабарсан оҳу зоримдин.

Абдумуталнинг овози бепоён кенгликлар узра ёйилиб кетди. Ҳа, олис-олисларга тараларди. Ўзи эса товушини қувгандек қадамини илдамлатиб борарди. Қўшиқ барчамизни бирдек ўзига мафтун айлаганди. Қалбимизда Ватан соғинчини уйғотганди. Кўзларимиз намланганди.

Муҳаббат дардидан ўлсам,
ўтиб умрим адо бўлғоч,
Қамишлар ўрнига меҳри –
гиёҳ ўнгай мазоримдин.

Кўпчилик қатори менинг ҳам кўз олдимга қишлоғим келди. Яқинларим гавдаланди. Оҳанг юрагимнинг қаът-қаътига кириб борарди. Хофиз қўшиқ орқали юрагининг дардини тўкарди.

Адашган ит каби Фурқат,
қаён боргум билолмасман.
Қачон бўлғайки топғайман,
хабар ёру диёримдин.

Қўшиқ тугади. Кутилмаганда Абдумутал тошга қоқилган одам каби йиқилиб тушди. Ўрнидан туриб, йўлда давом этса керак, деб ўйлагандим. Бундай қилмади. Қаро тупроқни қучоқлаганича бир муддат ётди, кейин жазаваси тутгандек қўллари билан ерни муштлаб, "Наҳот энди сени кўриш насиб этмаса, эй Ватан", деб бўкириб юборди.

Шериклари уни оёққа турғазишди.

– Ота, оёқларим оғриялти, – деди Юсуф анча масофани ортда қолдирганимиздан кейин. Чуқур ўйга толган эканман, бошимни кўтариб ортимда келаётган ўғлимга қарадим. Унинг юз-кўзларидан қаттиқ чарчагани билиниб турарди.

– Яқин қолганга ўхшайди. Бироз чида!

– Қорним ҳам очди, чанқадим, ота.

– Сабр қил, болам. Бориб бир тишламдан нон еб оламиз

Қаршимиздан сим тўсиқлар чиқди. Ҳаммамиз бир-биримизга қарадик.

– Ахир бу чегара зонаси-ку, – деб юборди ичимиздагилардан бири.

– Наҳотки шу ердан ўтсак, – деди бошқаси.

Ҳаммамиз тўхтадик.

– Бўлди, биз орқага қайтамиз! – шерикларимдан бири йўлбошчининг олдига яқин бориб, иддаосини айтди. Унинг исми Шокир эди, бизнинг сафимизга Қозоғистондан қўшилганди. У йўлбошчининг ёнига бориб:

– Сенинг ниятинг бузук, бизларни алдаб, бошқа давлатга олиб ўтиб кетаётирсан. Биламан, бу ёғи Шом! Бизларни жангариларга пулламоқчисан! – деди.

Ҳозир Сурияда нималар бўлаётганидан деярли барчамиз хабардор эдик. Юрагимизни қўрқув ва ваҳима ўртарди.

Йўлбошчи кўзларини чақчайтириб:

– Энди ҳеч ким бу ердан қочиб кетолмайди, қолқонга тушганларингни унутмаларинг. Бирортанг ортга қайтишга ёки қочишга уриниб кўрчи, шу ернинг ўзида жаҳаннам тубидан жой топасанлар! – деди ғазаб билан ёнидан тўппончасини чиқариб. Кейин орқага ўгрилиб ҳуштак чалди. Худди ер остидан чиққандек уч нафар қуролли одамлар қаршимизда пайдо бўлди ва бизларни ўраб олди.

– Кимдаким буйруғимга итоат этмаса, шу ернинг ўзида отиб ташлайман! – дўқ урди йўлбошчи ҳар биримизга қон тўлган кўзларини олайтириб.

Ҳеч кимдан нидо чиқмади.

– Қани, ортимдан!

Итоатсиз унга эргашдик. Боя чуқурчадан чиқиб келган қуролли кимсалар бизни кузатиб келарди. Ҳаммасининг қўлида автомат. Важоҳатларидан одам ўлдиришдан қайтмасликлари билиниб турарди. Юсуф қўлимдан ушлаб олганди, у овозини ютиб

йиғларди, ора-сира хўрсиниб қўярди. Мен унинг олдида ўзимни айбдордек ҳис этардим. Уятданми, хижолатданми бошим кўксимга осилиб тушганди. Шерикларим ҳам жим эдилар, оёқлари остидаги тошдек қаттиқ ерни тап-тап босиб келишарди. Илон чаққан одам ўзига келиб қолган, шериклари-дан бирининг ёрдами билан оқсоқлаб юрарди.

Биз қуролли кимсалар қуршовида сим тўсиқлар остидан ўтиб, ўзга бир юрт тупроғига қадам босган-дик. Ҳар қадамимиз бизларни жаҳаннам ёқасига яқин-лаштирарди. Юракларимиз ваҳима ва қўрқув ҳисси-дан гурсиллаб урарди. Хавотирга тўла кўзларимизга осмоннинг олис томонларида булут сингари қоп-қора тутунлар кўринарди. Гумбурлаган ва қарсиллаган товушлар қулоғимизга етиб келарди. Биз ўша томон кетиб борардик. Ўғлим қўлимдан ушлаб олганди. Зим-дан унга қараб қўярдим. Унинг ҳамиша ажабтовур, бе-озорлик балқиб турган кўзларида илк бор аллақандай совуқ ифодаларни кўргандек бўлардим.

– Ота, – деди ўғлим бироз юрганимиздан кейин.

– Нима дейсан?

– Биз Парвардигорнинг қаршисида оғир гуноҳга ботдик.

– Қандай гуноҳ қилдик-ки, Аллоҳнинг ғазаби ва иқобига учрасак?

– Ватанни ташлаб чиқдик. Назаримда у ҳозир бизнинг ортимиздан худди кўзларида ёш билан боқиб турган онадек...

– Ташвишланма, ўғлим. Бу вақтинча, қарзимизга етадиган маблағни топишимиз билан юртимизга қайтамиз.

Иккимиз жим қолдик. Ватан соғинчи юрагимни мижғиларди. Юсуфнинг қандайдир муҳим гап ай-

тишга тараддудланиб турганини кўнглим сезарди. Бироз ўтиб у ёрилди.

– Олижаноб амаки бизларни чув туширибди. У бизларни мана бу кимсаларга сотган. Улар эса ҳаммамизни жангарилар бошлиғининг қўлига топширади.

– Нега бундай қарорга келдинг?

– Яқинда эшитгандим, қандайдир кимсалар қишлоқларга бориб, одамларга "Яхши иш топиб бераман" деб, уларни Сурияга жўнатишар экан. Уша сахий одам ҳам манови қуролли одамларнинг шериги бўлса керак. Қишлоғимизга қайтиб борсам, уша аблаҳни, албатта, топиб, адабини бериб қўяман!

Узоқдан юк машинаси кўринди. У ортидан қуюқ чанг буркситиб, биз томон келарди.

– Ҳамма машинага чиқсин! – буюрди қуролли одамлардан бири машина келиб тўхтаганда.

– Қани, тезроқ, тезроқ бўлинглар, нега имиллаяпсанлар, ландавурлар!

Бизларни туртиб-суртиб машинага чиқаришди. Кўпчиликнинг кайфияти ўзгарган, руҳи тушганди. Машина йўлга тушди. Ортидан чанг кўтариб, чўл ўртасида кетарди. Ҳаммамизни чанг ва тер босганди. Икки соқчи бизни қўриқлаб, бир-бирлари билан ўзаро гаплашиб боришарди. Йўлбошчи билан яна бир қуролли одам эса кабинага чиқиб олганди. Ёнимда ўтирган кимса:

– Энди биз Ватанга қайтолмаймиз, Адҳам, – деб пичирлади шеригига.

– Қочиш керак, ҳали ҳам бўлса фурсат бор, – деди шериги.

– Кўриб турибсан, уларнинг қўлларида қурол бор, отиб ташлашади.

– Мен ўлимни бўйнимга олиб бўлса ҳам қочишни истайман, ҳа, қочишни, уйимга, бола-чақаларимнинг бағрига қайтишни хоҳлайман. Қаршимизда битта йўл бор - ўлим ёки ҳаёт. Бошқа илож йўқ. Булар бизларни жангариларга пуллашади. Улар эса қўлимизга қурол тутқазиб, жангга солишади. Юртимиздан олисда, бегона юрт тупроғида, башарият душманларининг мақсади йўлида қаршимиздан чиққан одамларни отиб, ўзимиз ҳам ит каби ўлиб кетамиз. Энг ёмони Ватанга қайтолмаймиз.

Адҳам унинг гапига жавоб қайтармади. Бу сўзларини ўғлим иккимиз ҳам эшитдик. Юсуф қулоғимга:

– Ота, биз ҳам қочамиз, – деди шивирлаб.

Собир машинанинг орқа томонида ўтирарди. У бизни олайган, қув кўзлари билан зимдан кузатарди. Бироқ маторнинг шовқини сабаб, сўзларимиз унинг қулоғига етиб бормасди.

– Қочишни ўйингга келтирма, ўғлим. Анови одамларнинг қўлидаги қуролни кўрмаяпсанми? Ўзлари етишолмаса ҳам ўқлари етиб боради.

Менинг сўзим Адҳамнинг қулоғига чалиниб қолган экан, яқинлашиб:

– Агар яшашни хоҳласангиз, она юртга ёруғ юз билан қайтишни истасангиз бирга қочамиз. Йўқса бирортамиз тирик қолмаймиз, – деди.

– Кўрмаяпсанми, уларнинг қўлидаги автоматни, бир чақиримдан бизни аниқ мўлжалга олишади, – дедим унинг таклифига қўшилмаслигимни билдирадиган оҳангда.

– Бунинг йўли бор.

– Қандай йўли?

– Ҳаммамиз бир пайтнинг ўзида соқчиларга ташланиб, уларни қуролсизлантирамиз.

– Бизга ҳамма ҳам қушилавермайди.

Мен кўпроқ Юсуфни ўйлардим. Мабода соқчиларга ташланиб, уларни қуролсизлантирсак, кабина ичидаги ҳайдовчи билан унинг ёнида иккита жангари бизларни ўққа тутиши мумкин. Мен ўғлимнинг қурбон бўлишини истамайман.

– Ота, бу биз учун сўнгги имконият. Ҳозир Адҳам аканинг айтганини қилмасак, кейин пушаймон бўламиз.

– Ўғлим, сенинг оёғингга тикон кирса, менинг юрагимга санчилади, қочиш фикрини хаёлингдан қув, – дедим ва худди ўрнидан туриб, машинадан ўзини пастга ташлаб юборадигандек унинг қўлидан маҳкам ушлаб олдим.

Собир сурилиб, ёнимизга яқинроқ келди.

– Нима ҳақида гаплашяпсизлар? – мақсадимизни билиш илинжида сўради у.

Шу пайт Адҳам ўзини машинадан пастга отди. У юмалаб, кейин ўрнидан туриб чегара томон қоча бошлади. Ғилдираклар остидан кўтарилган оппоқ чанг шу заҳотиёқ уни кўздан яширди. Соқчилар автоматнинг қундоғи билан кабинага уришди. Машина силкиниб тухтади. Чанг устимиздан булут мисоли оқибўтди. Соқчилардан бири машинадан сакради. Шериги эса барчамизга, "Бироргинг жойингдан жилсанг, отиб ташлайман", деб бақирди. Чанг босилгач, кафтдек теккис майдон ярқ этиб кўзга ташланди. Қочиб бораётган Адҳам кўриниб қолди. У чегара томон кетиб борарди. Соқчи унинг ортидан ўқ узди. Қочоқ йиқилди ва яна ўрнидан туриб, гандираклаб кета бошлади. Лекин у югуролмасди, ўқлардан бири оёғига текканди. Оқсоқланиб борарди. Соқчи бошқа ўқ отмади. Адҳамнинг орти-

дан бораверди, тезда унга етиб олди. Иккиси ҳам бизга қўриниб турарди. Соқчи автоматининг учини унинг пешонасига тиради. Бир неча ўқ узди. Юсуф "ота" деди-ю, қуксимга ўзини отди. Мен уни маҳкам қучоқлаб, ўқ еган одамдек инграб юбордим.

Энди тўққиз киши қолгандик. Лекин мен Собирни ҳисобга қўшмасликка қарор қилдим. У биздан эмас. У хоин, жосус, истаган пайтда бизларни сотишга тайёр. Шу сабабли уни ўлганлар қаторига қўшиб қўйдим ва тириклар сонини яна биттага камайтирдим.

Машина юрганидан кейин ёнимдаги шеригим қулоғимга пичирлади:

– Биз буларга қўшилмасак, бизларни ҳам отиб ташлашадими, амаки?

– Биз нима айб қилибмизки, отишади.

Ҳамма қўрқув ва хавотир ичра азоб чекарди.

Беш чақиримча юрганимиздан кейин рўпарамиздан тағин бир юк машинаси чиқди. У олти балонли, қумларда ҳам юришга мослаштирилган ҳарбийлар машинаси эди. Бизлар энди йўлнинг давомини шу машинада босиб ўтишимизга шубҳа қилмадим. Машинадан бир неча ун қадам нарида эса эски "Тайота" турарди. Унинг ичида уч нафар қуролли одамлар ўтирар, лекин бизга эътибор беришмас, ўзларича нима ҳақидадир гурунглашиб, кулишарди. Йўл бошчи машинага чиқишимизни буйирди. Бироқ ҳеч биримиз унинг амрига итоат этмадик. Машина кўзимизга бизни сўнгги манзилга елтувчи тобут каби совуқ кўринарди.

– Мен сенларга, машинага чиқларинг, дедим! – қичқирди у томоғи йиртилгудек баланд овозда.

Худди ўлимни буйнига олган маҳбуслардек жойимиздан жилмадик. Йўлбошчининг қути учиб, зарда-

си қайнаб, ёнидан тўппончасини олиб, учини бизга тўғрилади.

– Мен гапимни бошқа қайтариб ўтирмайман. Учгача санайман, чиқмасанг барингни отиб, жасадингни шу ерга ташлаб кетаман!

У ўз гапининг исботи учун тўппончадан бир неча ўқни отди. Ўқлар тошдек метин ерни титиб юборди. Ачимсиқ порох ҳиди димоқларимизга урилди.

Биринчи бўлиб Собир машина томон юрди. У йўлбошловчининг олдига яқинлашганда унинг оёқлари остига тиз чўкди ва ҳамма эшитадиган овозда ялиниб, тавба қилди.

– Илтимос, отманг, отманг мени! Мен ўла ўлгунимча садоқат билан сизларга хизмат қиламан! – у йўлбошчининг оёқларини қучоқлаб, мушукдек суйкалиб шундай деди. Кейин ўрнидан турди-да, машинага ирғиб чиқди. Биз ҳам унга эргашишга мажбур бўлдик.

Машина йўлда давом этди. Олдимизда "Тайотта" борарди. Юзимизга, куксимизга шабода уриларди. Шерикларим жим эди, ҳамма ўз хаёли билан банд эди. Баримиз бизни олдинда қандай қисмат кутаётганини ўйлардик. Юсуф иккимиз орқа томонда кузовга суянганимизча, бир-биримизнинг қўлимиздан ушлаб олгандик. Ўғлим худди мотам тутаётган одамдек хомуш эди. Унинг аҳволини кўриб юрагим эзиларди. Нимадир айтиб, кўнглини кўтармоқчи бўлардим. Бироқ юпатадиган сўз тилимга келмасди. Илк бор уни бошлаб келганимдан ич-ичимдан пушаймонлик ҳиссивужудимга азоб бера бошлаганди. Ҳа, унинг қаршисида юзим шувит. Гуноҳкорман. Гапига қулоқ солганимда ҳозир бу қадар виждоним азоб ичра қийналмасди. Энди кеч, бари тамом, қай-

тиш йўлида қуролли одамлар турибди. Уларда раҳм-шафқат йўқ. Бурида инсоф бор, аммо буларда ўша инсоф йўқ. Ягона умидим бизни қабул қилиб оладиган бошлиқдан. Аҳволимизни тушунтирсам, боламнинг ёшлигини, ўзимнинг кексалигимни айтсам, уйимизга қайтишга рухсат берар, деган ягона орзу юрагимга таскин берарди.

Қаттиқ гумбирлаган овоз барчанинг хаёлини тузғитиб юборди. Машина худди ердан бир метр юқорига кўтарилиб тушгандек бўлди. Кимдир бошини кузовга уриб олди, бошқа биров йиқилди. Бизни қўриқлаб келаётган соқчининг қўлидаги автомат менинг олдимга тушди. Ўзи эса пастга думалади.

Олдимизда бораётган "Тайотта" минани босиб олганди. У иккига ажраб кетганди. Қип-қизил аланга ва қоп-қора тутин ичида зўрға кўринарди. Аланга авж оларди. Бизни қўриқлаб келаётганлар ёнаётган машинага яқин бора олмасди. Бир-бирлари билан бизлар тушунмайдиган тилда нималарнидир деб бақиришарди. Кўп ўтмай аланга шаштидан қайтди. Машина ичидагилар ташқарига чиқишолмай ичкарида қолиб, ёниб кетишганди. Улар ўриндиқда ўтиришганча жон беришганди. Қорайган танаси ғўлага ўхшарди. Мен урушнинг нима эканлигини ва унинг қандай даҳшатли оқибатлар келтиришинимана шу даштда юрак-юрагимдан ҳис этдим. Қалбимда ҳеч қачон ва ҳеч ким йўқота олмайдиган нафрат уйғонди. Кўз ўнгимдан машина билан бирга ёниб кетган одамлар кетмасди. Уларнинг қорайган жасадлари тутарди. Инсон этининг куйиндиси кўнгилларни беҳузур қиларди.

Машина балонларининг изини ерга мухрлаб яна йўлга тушганди, у бизга номаълум томонга кетиб

борарди. Қуролли кимсалар йўлдаги воқеадан кейин ҳушёр тортиб, атрофга хавотирли нигоҳ ташлаб боришарди.

Ўғлимнинг жовдираган ва ички қўрқувларини фош қилиб турган кўзларига қарашга юрагим бетламасди. Унинг таклифини рад этганимдан ўзимни гуноҳкор деб ҳис этардим. Ҳақиқатдан ҳам Адҳамнинг гапига қўшилиб, барчамиз бир пайтда соқчиларга ташланганимизда булардан қутилган бўлардик. Энди кеч...

Руҳим тушганди. Хаёлимдан пул топиш илинжида шоли ўтаётган қизларим, ҳали тонг ёришмасидан,бир қулига супурги, иккинчисига пақир олиб, синф хоналарини тозалаш мақсадида қишлоқнинг тор, эгри-бугри кўчасидан оёқлари остидаги тупроқни тап-тап босиб, чангини чиқариб мактаб томон кетиб бораётган хотиним кетмасди. Назаримда Юсуф ҳам шу топда уларни эслаётган бўлса ажаб эмас. Ўғлимга сездирмай Худога нола айлардим. "Эй Роббим, унинг ёш ютаётган кўзлари билан менинг кўзимни учраштирмагин. Унинг кўзларига қандай қарайман. Бирор нарса сўрайдиган бўлса, қандай жавоб қайтараман"...

* * *

Кун буйи юрдик. Ниҳоят кимсасиз ястаниб ётган чўлу биёбондан чиқдик. Олисларда уйлар кўринди. Булар беш-ун хўжалик яшайдиган кичик овуллар эди. Яқинлашганимизда бу уйларда фақат кексаларгина яшашини кўрдик. Улар оч ва қашшоқ эдилар. Бунинг устига озиб-тузиб кетишганди. Устиларидаги биргина ёпинчиқ уларнинг суякка айланиб қолган баданларини яшира олмасди. Қариялар ма-

шинани кўриб, ўринларидан туриб, ҳассаларига таяниб, суякдан иборат озғин қўлларини чўзиб, бир бурда нон ташлаб кетишимизни илтимос қилишарди. Уларнинг аҳволи ўта аянчли эди. Одамнинг раҳми келиб, юрак бағри эзилиб, ҳозирги замонда ҳам инсонлар шундай аҳволда яшайдими, деб юборасан беихтиёр...

Асирга яқин машинамиз қачонлардир қурилиб, сувоқлари тўкилиб тушган икки қаватли ғиштли бино ёнига етмасдан тўхтади. Усти-бошимиз ва юзимиз оппоқ чангга беланганди.

Машинадан тушиб, қоқиниб, юз-кўзларимизни артиб, ўзимизни эпақага келтирдик. Биздан анча нарида қуролли одамлар юрарди. Айримлар тўп-тўп бўлиб ўтирар, яна бир гуруҳи эса саф тортиб қаергадир жўнашга ҳозирлик кўрарди. Улардан нарироқда, кичик бир тепалик ёнида беш-олтида ҳарбий машиналар, танк ва тўплар турарди. Улар орасида мажақланиб кетганлари ҳам бор эди. Одамлар бизни кўриб ёнимизга келишди. Худди музейдаги ноёб экспонатни томоша қилаётгандек бизларга ҳам ҳайрат, ҳам қизиқиш билан боқишарди. Узларининг тилларида нималарнидир дейишар, кулишарди. Биз имкон қадар уларга қарамасликка ҳаракат қилардик. Йўлбошловчи уларга нимадир деди. Афтидан қаттиқ гап айтган бўлса керак, тарқалиб кетишди.

Йўлбошчи "Шу ерда туринглар", деб бино томон кетди. Ўн дақиқалар ўтиб, ортидан ўзи тенги ўрта бўйли, қотмадан келган чапараста бир кишини эргаштириб чиқди. Унинг ортида яна иккита қуролли йигит бор эди. Иккисининг қўлида бештадан автомат. Йўлбошловчи уни бизга Абдулҳоди, деб таништирди. Абдулҳоди бизга яқин келиб, ҳар би-

римизга диққат билан синчков назар ташлади. Қарашларида совуқ бир қаландимоқлик ва нафрат зуҳур этиб турарди. Кейин:

– Сизлар бу ерга ўз биродарларингизни қўллаб-қувватлаш ва Тоҳир ҳазратларининг янги давлат қуриш йўлида олиб бораётган муқаддас динимиз душманларига қарши жангда иштирок этиш мақсадида келгансизлар. Шунинг учун бизнинг сафимизга қўшилишдан олдин қасамёд қабул қилишларингга тўғри келади. Қулоғингизни очинг, кимдаким, қасамёд қилишдан бўйин товласа, биз буни сотқин сифатида қабул қиламиз ва бизнинг душманимиз деб биламиз. Бундай кимсаларга ўлим ҳукми чиқилади. Шунингдек, фитначиларни ҳам аяб ўтирмаймиз. Жигар бағрини қон қиламиз, кўзларини ўйиб, юрагини юлиб, жасадини улаксахўрларга едирамиз. Тушунарлими? – деди.

Ҳеч кимдан садо чиқмади. Фақат Собиргина тушунарли, дегандек бош иргаб қўйди. Абдулҳоди унга яқин борди. Собир қаттиқ қўрқиб кетган бўлса керак, менинг кўзларимга япроқ мисоли титраётгандек кўринди.

– Битта гап, битта жавоб, қулоғи эшитмаганлар қулоғидан, тили узунлар тилидан айрилади! – деди у Собирнинг кўзларига тикилиб.

– Исминг нима?

– Собир...

– Сен бугундан эътиборан бизнинг амримизда бўлишга розимисан?

– Ҳа!

– Бу ерни ўз юртинг деб қабул қилдингми?

Собир унинг сўзларига ўйлаб ўтирмай жавоб қайтарди.

– Ҳа!

– Бу ердагиларни ўзингни туғишган биродарларинг деб қабул қиласанми?

– Ҳа.

– Бизнинг ғояларимиз йўлида қурбон бўлишга тайёрмисан?

– Тайёрман!

Собирнинг бундай жавоб беришига ишончим комил эди. Йўлдаёқ унинг кимлиги менга аён бўлганди.

– Агар яқинларинг ёки ота-онанг бизга қарши чиқса, уларни ўлдиришдан қўрқмайсанми?

– Юрагимни ҳам, бошимни ҳам сизларга тикдим!

– Шерикларинг орасида бизга қарши фитна уюштирадиган қўзғолончилар бўлса, зудлик билан бизларни хабардор қиласанми?

– Албатта!

– Баракалла!

Абдулҳоди ортида турган ёрдамчиларнинг қўлидаги автоматдан бир донасини олиб, Собирга узатди. Собир уни муқаддас буюм мисоли қабул қилди ва фахр билан кўкрагига босди. Абдулҳоди навбатдаги шеригимизга юзланди. Бу Шокир эди. Унга ҳам бояги саволларни берди. Ҳаммамизнинг кўзимиз, қулоғимиз унда эди.

– Бугундан эътиборан сен бу ерни ўз юртинг деб биласанми?

Кутилмаганда, кўпчиликни хайратга соладиган сўз чиқди унинг оғзидан.

– Йўқ!

Абдулҳодининг ранги оқариб, овози қалтираб чиқди.

– Нега?

– Одамнинг юраги битта бўлгани каби Ватаниҳам биттадир!

– Бизнинг ғояларимиз йўлида қурбон бўлишга розимисан?

– Асло, мен сизнинг инсониятга қирғин келтирадиган ғояларингизнинг душманиман. Менинг ўз ғоям бор, бу тинчлик, адолат, ҳақиқат ва инсонпарварлик ғоясидир! Мен ўз ғоямдан тондим десам онамнинг оппоқ сути ҳаром бўлмайдими? Ватандан кечдим десам ота-боболарим асраб-авайлаб келган ерга, ўзим соясида униб ўсган нурли байроғимга хиёнат қилмайманми?

Шокир бу гапи билан Абдулҳодининг ғазабига дучор бўлганди. Унинг офтобдан қорайган ранги кўкариб, қаҳри жўшиб, кўзларига қон қуюлганди. У ушайиб:

– Сен сафоҳат (ақли кам) нима деяётганингни ўзинг биласанми? – деб ўшқирди. – Юрагимни ғазабга, бағримни қонга тўлдирдинг! Сен бизнинг душманимиз экансан, сендек хоинларга қаҳр ғазабимиз мисоли тошиб турган дарёдир.

Абдулҳоди анча нарида турган Баҳайбат елкалари кенг, билаклари йўғон қўриқчиларни чақирди. Улар келишгач, биз тушунмайдиган тилда нимадир деди. Соқчилардан бири Шокирнинг олдига келди ва Абдулҳодининг ишораси билан унинг башарасига бутун гавдасининг оғирлигини қўшиб, даҳшатли зарба берди. Шокир гандираклаб кетди ва йиқилиб тушиши мумкин эди, иккинчи соқчи уни ушлаб қолди. У ҳам бутун кучини муштига бериб, Шокирнинг жағига солди. Калтак зарбидан у гандираклаб кетди. Шериги бўлса, уни тутиб олди ва юзини мўлжаллаб мушт урди. Ниҳоят Шокир гурс этиб ерга

қулади. Оғзидан ва бурнидан қон оқарди. Соқчилар бўлса, энди оёқларини ишга солишганди. Тоҳир тепкилардан ўзини ҳимоя қилиш мақсадида илондек ғужанак бўлиб олганди. Лекин бу уни ҳимоя қила олмасди. Соқчилар коптокни тепгандек унинг белига ва думғазасига зарбалар беришарди. Шокир баданига урилаётган тепкиларга матонатла чидарди. Тишлари орасидан қон оқарди. Шунда ҳам у шафқат тиламасди. Қонли лабларини тишлаганича инграрди ҳолос. Унинг қонсиз юзи ва катта очилган оғзига кўзим тушди. Бечора ваҳшатли оғриқ уқубатидан азоб тортарди. Соқчилар ҳамон дўппослашарди. Охири беҳуш бўлиб, мурда каби қимир этмай қолди. Соқчилар уни тиззаси ва елкасидан тутиб жарлик томон судрашди. Бизлар нима қилишимизни билмай, турган жойимизда кесакдек қотгандик. Ўзимга келганимда ўғлим кўксимга бошини қўйиб, овозини ютиб пиқиллаб йиғларди.

– Қолганларинг билан эртага гаплашаман. Ўйлаб олишларинг учун олдинда ўн соатлик муддат бор, – Абдулҳоди шундай деб, Собирни ўзи билан эргаштириб ортига идраб кетди. Бизлар нима қилишимизни ва қаёққа боришимизни билмай турган жойимизда қотиб қолдик. Ҳадемай тун киради. У борлиқни чулғаб, уфққа яшириниб, унсиз, сассиз ёйилиб келарди.

* * *

Ўзимиз олиб келган нон ва қуруқ мевалар билан овқатландик. Ҳеч ким бизга эътибор бермади. Гўёки бизларни унутишгандек. Овқатланиб бўлганимизда ичкаридан Собир чиқиб келди. Устида ҳарбийлар-

нинг дала кийими, қўлида автомат. Унинг юмалоқ ва қизарган кўзлари Юсуфда тўхтади. Бир муддат унга тикилиб турди. Кейин юзига енгилгина шапалатилаб қўйди. Ўғлим ҳаром нарсадан жирканган-дек гавдасини орқага ташлади ва унинг ғадир-будур қўлини ўтказиб юборди. Бундан унинг юзи аввал қизарди, кейин оқарди, тулкининг кўзларидек юмалоқ кўзлари қисилди. Бу унинг зардаси қайнаб, ачиқланганини билдирарди. Собир шерикларимга юзланиб:

– Мени бугундан сизларга бошлиқ этиб тайинлашди. Энди ҳаммангизнинг тақдирингиз менинг қўлимда, – деди виқор билан қўлларини кўкка чўзиб, панжаларини ёйиб. – Абдулҳоди жаноблари айтдиларки, кимки биз томонга ўтмаса, қўлига қурол олишдан бўйин товласа, бундай одамнинг жойи қум остида бўлур. Мен сизларнинг номларингиздан ҳаммамиз Тоҳир жанобларига садоқат ила хизмат қиламиз, ҳозироқ менинг одамларимга қурол беринг, жангга киришади, деб ваъда бердим. Ўйлайманки, ичларингда ўлишни ҳеч ким истамаса керак. Мени уялтирмайсизлар, деган умиддаман. Кимки бўйин товласа, эшитиб қўйсин, Шокирнинг кунини бошига соламан. Уни жони чиқмасидан жарга ташлаб юборишганини кўзларинг билан кўрдиларинг. Ҳа, орқага қайтишни орзу қилганларни ўзим жазолайман! Оғзидан қонни эмас, она сутини келтираман...

– Ярамас, аблаҳ, хоин, – бу сўзлар ўғлимнинг ғичирлаган тишлари орасидан ҳуштак мисоли чийиллаб чиқди. Собир нарида тургани сабабли унинг сўзларини эшитмай қолди. Мен Юсуфни бағримга тортдим ва қулоғига жим бўл, деб шивирладим.

Собир менинг сўзларимни унутманглар дегандек, битта-битта қадам ташлаб, ғиштли бино томон юрди. Икки қадам босганда хаёлига муҳим бир гап келиб қолгандек тўхтади ва кескин бизга юзланиб, аввал менга, кейин Юсуфга тикилиб қолди. Унинг силовсиннинг кўзларидек ёнган кўзларида ғазаб учқуни ялтирарди. Бизлар оғзимизга мум тўлгандек жойимизда қотиб қолдик. Энди қисматимиз шу сотқиннинг қўлида эканини тушунган ҳолда,ҳозир айтган гапларини инкор этсакёки қарши фикр билдирсак бизни аёвсиз жазолаши мумкинлигини юрагимиз ҳис этарди.

Кўк юзида ой сузарди. У тобора ҳаволаниб борарди. Ҳаммамиз чарчагандик. Юк халталаримизни болиш қилиб ўтирган жойимизга чўзилдик. Орадан қанча фурсат ўтганини билмайман, автомат овозидан чўчиб уйғондим. Назаримда кимдир тепамизда ўқотаётгандек эди. Шошиб ёнимни пайпасладим. Хайрият, Юсуф жойида экан. Юрагим бироз бўлса-да, босилди. Болам қаттиқ чарчагани сабабли пишиллаб ухларди. Бу пайтда ғала-ғовурбошланди. Бир неча одамларўқ овози келган томон чопиб кетишарди. Айримлари кийимларини кийишга ҳам улгурмаган, баъзилари яланг оёқ, аммо қўлларида қурол. Тала-тўпдан шерикларим ҳам уйғонишди. Улар бошларини кўтариб, жангарилар кетаётган томонга қараб туришарди. Бу орада Юсуф ҳам ўрнидан турди.

– Ота, нима бўляпти? – сўради ташвишли овозда.

– Хавотирланма, назаримда кимдир ўқ отди.

– Ота, нега одамлар бир-бирларини отишади, ўлдиришади? Уларнинг гуноҳи нима? Нимани талашишади?

– Улар ерни, амал ва мансабни талашишади, ўғлим.

– Шунинг учун бизларни бу ерга олиб келишдими?

– Шунақага ўхшайди...

– Ота, мабода қўлингизга қурол беришса, ола курманг. Сизнинг бу қўлларингиз қурол тутишга эмас меҳнатга, иморатлар қуришга яратилган. Бу қўлларингиз билан Аллоҳнинг каломини ушлагансиз, «Ҳадис»ларни варақлагансиз. Беш вақт намозингизда дуога кўтариб, Яратгандан элга тинчлик, юртга омонлик, қут-барака, одамларга эса эсон-омонлик сўрагансиз. Сиздан ўтиниб сўрайман, отажон, қурол ушламанг...

Шу пайтда тўрт жанғари қандайдир одамнинг қўл-оёқларидан кўтариб, замбардек осилтириб ёнимиздан ўтиб боришарди. Кўтариб келишаётган одамнинг ой нури тушиб турган кўкси ўқдан илма тешик бўлиб кетганди. Ерга қони томчиларди. Кўйлагидан таниб қолдим – бу шерикларимдан бири Саид исмли йигит эди. Бу ерга етиб келгунимизга қадар биров билан очилиб гаплашмади. Фақат аҳён-аҳёнда Юсуф иккиси суҳбатлашиб ўтиришганига кўзим тушарди. Капада ётганимизда уларнинг ўртасидаги суҳбат қулоғимга чалиниб қолганди. Саид ўзининг дардкаш дўстига ҳасрат қилаётгандек, "Онагинамни ташлаб келганим ёмон бўлди-да, укажон. У ёлғиз қолди. Менга суяниб қолганди. Кўзидан узоқ кетсам ҳавотирланарди. Энди ким қарайди унга, ким ҳолидан хабар олади", деб афсусланганди. Назаримда у қочмоқчи, ўз юртига, онасининг бағрига қайтмоқчи бўлган.

Юсуфнинг кўзи унга тушиб қолдива "Саид ака", деб қичқириб юборди. Мен ўғлимнинг бошини куксимга босдим.

– Тинчлан, жигарим, тинчлан!

Уни овутдим-у, бўғзимга аччиқ нарса қадалиб, йиғлаб юбордим.

Энди биз олти киши қолгандик.

Бироз ўтиб узоқдан келаётган ўқ овозларини ҳисобга олмаганда атроф жимиб қолганди. Биз яна мусибатлардан ғовлаб кетган бошимизни юк халталарга қўйдик. Энди кўзларимизга уйқу келмасди. Ҳавотир юракларимиздаги оромни қувганди. Қандайдир хавф-хатарлар тепамизда изғиб юргандек бўларди. Юсуф ҳам ухламади. У ғужанак бўлиб ётганича овозини ютиб, аҳён-аҳёнда хўрсиниб йиғларди. Болагинамнинг вужуди қалтирарди. Мен уни юпатмадим. Майли, йиғлаб олсин, юрагини бўшатиб олсин, деб ўз ҳолига қўйдим.

Эрталаб турганимизда кўзимиз дарахтга осилган нотаниш мурдага тушди. Уни қачон осишганини билмасдик. Кўкрагига илиб қўйилган қалин қоғозга «Хоин», деб ёзилганди. Бечора ўттиз ёшларга ҳам бормаганди. Осишдан олдин кўп қийнашган, азоб беришган бўлса керак, устидаги кийимлари йиртилиб, бадани қизилқонга беланганди. Ҳеч ким бориб жасаднинг бўйнидаги арқонни узиб ташламади. Кўмишни ҳам ўйламади. Афтидан бу ердагилар бундай нарсаларга кўникиб қолишган кўринади.

Олисдан ҳали ҳам гумбурлаган овозлар эшитилар, қора тутунлар кўкка ўрлаб, осмон узра ёйиларди. Уруш биздан йироқда давом этарди. Юсуф тунги воқеадан кейин хавотирга тушиб қолгандек кўринарди кўзимга. У ёнимдан жилмасди. Салгина узоқлашсам ҳавотирли нигоҳлари ила кузатарди. Мендан ташвишланарди.

Бизга нон ва чой келтиришди. Ҳеч биримизнинг томоғимиздан ушоқ ҳам утмади. Одамлар қаёққадир жўнаш учун тайёргарлик кўришарди. Собир биздан анча нарида, нотаниш одам билан гаплашиб турарди. Мен Юсуфни шерикларим олдида қолдириб, унинг ёнига бордим.

– Нима истайсан? – суради у қандай мақсадда келганимни тушунгандек.

– Сендан илтимос, бизларни уйимизга қайтишимизга ёрдам бер! Болам онасини, сингилларини соғинган.

– Келмасингдан бурун кетаман, дейсан. Бу ерга келиш бор, кетиш йўқ!

– Болам онасини соғинган, бошлиққа кириб айт, бизга рухсат берсин!

Собир менинг сўзларимга этибор бермади. Шерикларим томонга қараб:

– Ҳамманг ортимдан! – деб қичқирди.

Баримиз унга эргашдик. Бинони айланиб ўтдик. Рўпарамиздан бир қаватли, кичкинагина уйча чиқди. Унинг эшиги бир томонга қийшайиб қолганди. Деразасининг ойналари синиб тушганди. Пардаси эса осилиб турарди. Афтидан буқуёш нурини тўсиш учун қилинган бўлса керак. Бино деворини ўқлар илма тешик қилиб ташлаганди. Ҳатто ичкарида ҳам ўқ излари кўзга кўриниб турарди. Гўё кимдир деворни темир тирноқлари билан тирнаб ташлагандек.

Эшик олдида қоп-қора кийим кийган хабаш турарди. Юзида ниқоб, қўлида автомат, белида бир нечта граната ва ўқдонлар. Қайишида тўппонча билан ханжар осилиб, тиззасига тушганди. Унинг кўриниши ҳар қандай одамни сескантириб, қўрқувга со-

ларди. Юмалоқ, силовсиннинг кўзларидек кўзлари совуқ ялтирарди. Юзини қоплаган пахмоқ соқоли унинг раҳмсиз ҳамда шафқатсиз киши эканлигини билдирарди.

Собир соқчига нимадир деди, кейин елкасига қоқиб, бизга қараб ичкарига кириб кетди. Бизлар бино олдида туриб қолдик. Шерикларим каби мен ҳам даҳшатли қўрқув остида, бошқа оламга тушиб қолгандек ҳис этдим ўзимни. Тишимни тишимга босиб ичимдан кечаётганларни уғлимга сездирмасликка ҳаракат қилардим.

Юсуф менга ёпишиб, бошини куксимга қўйиб олганди. Мен эса унинг титраётган озғин елкасидан кучиб олгандим.

Ҳаво бадбуй исга тўйинганди. Ичимликдан бўшаган идишлар, меваларнинг пучоқлари оёқларимиз остида сочилиб ётарди. Улар устида пашшалар ғужғон уйнарди. Юзларини ниқоб билан яширган қуролли одамлар жуфт-жуфт бўлиб, ёнимиздан у ёққа, бу ёққа тинимсиз ўтиб туришарди. Уларнинг кўпчилиги ёшлар эди. Кир босган, йиртилган кийимларида қон доғлари қотиб қолганди. Пешона, қўл-оёқларини боғлаб олган ярадорларни елкаларида кўтариб, икки қаватли бино томон олиб кетишарди. Ярадорлар одамнинг юрагини эзадиган овозда дод солар, йиғлар ва инграрди. Афтидан булар жангдан қайтишган бўлса керак. Биз азоб-уқубатларга чидамай дод солаётганларни кўзларимиз билан кузатиб қолардик. Мени қаттиқ ҳаяжон босганди. Бундай аянчли савдо бугун бўлмаса эртага менинг ёки уғлимнинг ҳам бошига тушиши муқаррарлигидан қўрқардим. Бизни бу ерга шунчаки томошага олиб келишмаган. Уғлимга ҳам, менга

ҳам қурол беришади. Жангга ҳайдашади. Наҳотки иккимиз уқ отиб, одамларни қийратиб, қўлимизни қонга бўясак... Йўқ... йўқ, биз асло бундай қилмаймиз. Қўлимизга қурол тутқазишга, жангга кир дейишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Агар шундай қилишса...

– Ота, қўрқиб кетяпман, бу ердан тезроқ кетайлик, – ўғлимнинг сўзлари хаёлимни тўзитди. У япроқдек қалтирарди.

– Қўрқма, мен ёнингдаман, ўғлим. Сенҳақ экансан. Лаънати олижаноб кимса бизни чув туширибди, иш топиб бераман деб, уруш бўлаётган юртга жўнатибди. Ҳаётимизни барбод қилди, даюс. Оиламдан айирди. Илоҳо, Аллоҳнинг нафратидан қутилмасин!

– Энди биз уйимизга кетолмаймизми, ота?

– Нега кетолмас эканмиз, албатта, кетамиз, ўғлим. Биз ҳозир бошлиққа кириб, уйимизга қайтишимиз учун рухсат оламиз. Уйлайманки, у бизга ижозат беради.

– Унда нега қараб турибсиз, тезроқ унинг олдига кириб арзимизни етказинг!

– Сабр қил, жоним болам. Собир чиқсин, унга бизни бошлиққа рўпара қилишини айтамиз!

– Собир амакига ишонманг. Кеча менга "Ичларингда ким қочмоқчи бўлса, менга айтиб қўйгин, хўпми", деди. У хоин экан, бизга дўст бўлмайди.

– Сен унга яқинлашма, ўғлим...

Юсуф жим қолди. Бироздан кейин яна тилга кирди.

– Бугун кечаси тушимда ойимни кўрибман, қўлида бир даста пул. Бизга қараб, "Орқага қайтинглар, мен яхши бўлиб қолдим. Ишхонамдан пул беришди", дермиш. Сингилларим ҳам аямга қўшилиб, "Ака, шоли ўтаб анча пул жамғардик, олижаноб амакининг қарзини қайтаришга етади", дейишармиш...

Томоғимга аччиқ нарса қадалди. Кўз ўнгимда хотиним ва қизларим гавдаланди. Қишлоғим қиёфаси жонланди. Кўчалар, анҳор бўйлари, чаман бўлиб очилган пахта майдонлари, меваларини кутаролмай шохлари эгилган боғлар... Булар мен учун дунёдаги энг азиз ва муътабар эди. Улар ҳувиллаб қолган қалбимга соғинч бўлиб оқиб кирди. Узоқ йиллар нури дийдасини кўрмаган она каби бағрига чорлаётгандек туюлди. Мен олтмиш йиллик умрим давомида ўз юртимни ҳозиргидек соғинмагандим.

Ёнимиздан ўтаётган ўрта ёшлардаги йигитнинг оҳи зори хаёлимни тузитди. Турт нафар қуролли кимсалар унинг қўлларини орқага қайириб, қаергадир олиб кетишарди. Бечоранинг боши ёрилганди, юзи қон-қушга беланганди. У ўзининг тилида "Зараваюн" (қонхўрлар) деб қичқирарди. Афтидан шерикларини ҳақорат қилаётган бўлса керак, улар гоҳ тепиб, гоҳ милтиқ қўндоғи билан уриб боришарди. Ёнимдаги шерикларимнинг ҳам кўзи унда эди. Йигитни қачондир яшин уриб, қуриб қолган дарахтнинг остига олиб бориб унга боғлашди. "Нега бундай қилишди? Ёрдам беришса, ярасини боғлаб қўйишса бўлмайдими", деган фикр кўнглимдан кечди. Қуролли кимсалар бир неча қадам орқага чекиниб, елкаларидаги автоматни қўлларига олишди. Йигит эса баланд овозда"Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм", деб "Масад" сурасини ўқиди. "Таббат яда абий лаҳабив ватабб»...Бироқ уни охирига етказолмади. Бир пайтнинг ўзида турт автоматнинг оғзидан чиққан оловли ўқлар йигитнинг кўкрагини титиб юборди. Юсуф бу даҳшатли манзарани кўрмасин деб, юзини бағримга босиб яширмоқчи эдим, афсус улгуролмадим. Бағри қизил қонга беланган йигит

бўрон илдизи билан қўпорган дарахт мисоли ерга қулади. Оёқлари, қўллари безгак тутгандек қалтиради. Жони чиқмай қийналарди. Шериклари эса худди дарахт тепасидаги қушни отиб туширгандек унга эътибор беришмади. Автоматларини елкаларига илиб, орқаларига қайрилиб, бошқа йўлдан кетишди. Бир одамнинг жон талашиб ётиши атрофдагиларга аҳамиятсиздек эди. Бирор кимса унга яқин бормади. Ўтган-кетганлар шунчаки кўз ташлаб қўйишарди. Бу ҳар куни содир бўлиб турадиган оддий ҳол эканлигини билдим.

– Ота, нега уни отишди? – сўради Юсуф.

– Бизга ўхшаб юртини, уйини соғинганидирда, ўғлим.

– Биз ҳам юртимизга, уйимизга қайтмоқчи бўлсак, отиб ўлдиришадими?

– Биз не гуноҳ қилибмизки, ўлдиришса, – дедим хатойимни тўғрилаш мақсадида. Кейин гап томолмай жим қолдим. Юрагим бир хавфни сезгандек, гурс-гурс тепарди.

– Нега келдик бу ерга? Йўлда қочиб кетганимизда бўлмасмиди, ота? – афсус билан деди Юсуф.

Ичкаридан Собир чиқди. У олайган кўзларини аввал менга,кейин Юсуфга тикиб, қўли билан ортимдан юр, дегандек ишора қилди. Ўғлим:

– Мен ҳам сиз билан бирга кираман, – деди кўнгли нимадандир ғаш бўлгандек.

Мен уни ташқарида ёлғиз қолдиришни истамадим. Қўлидан ушлаб олдим.

Ота-бола Собирнинг етовида орқама-кетин ичкарига кирдик. Торгина йўлак ним қоронғу эди. Боя мен бу ерни кичик уйча деб ўйлагандим. Йўлакнинг узунлигидан хоналар кўплигини билдим. Икки то-

монда эшиклар бор эди. Бироқ улар ёпиқ эди, аммо ичкарида одамлар борлигини, уларнинг қандайдир ишлар билан машғуллигини сездим. Бироз ичкарилагач, кимнингдир йиғлаётгани қулоғимга чалинди ва айни дамда яна бир овоз ҳам етиб келди. Бу йиғлаётган кимсанинг баданига тарсиллаб урилаётган резина таёқнинг зарбаси эди. Қия очиқ қолган эшикдан ичкаридагилар стулга боғлаб қўйилган кимсани дуппослашаётганини кўриб қолдим. Унинг кийимлари калтак зарбидан далва-далва бўлиб кетганди. Қўллари боғлик бўлгани учун қаршилик курсатолмасди. Ёрилиб кетган, қон оқаётган лабларидан тинимсиз бир сўз чиқарди: "Намнамиюн" (арабчадан таржимаси одамхўрлар дегани). Бу "томоша"га кўзим тушиб, оёқларимдан мадор кетиб, бошдан ақлим учиб, юрагимни қўрқув чўлғади. Мени боламнинг олдида калтаклашса ёки уни менинг олдимда калтаклашса, иккимиз ҳам бунга қандай тоқат қиларканмиз, а? Кўзларимни юмиб, "Узинг асра, Аллоҳим, ўзинг инсоф бер, Аллоҳим", деб ўтиб кетдим.

Биз йўлакнинг охирига бордик. Йўл шу ерда тугарди. Қаршимизда икки табақали эшик, у хиёл очиқ турарди. Ичкаридан тушиб турган чироқнинг шуъласи пойгакни ёритарди. Эшик ёнида икки соқчи ҳайкалдек қотган. Улар қоронғуда тургани учун мен бирдан кўриб, кўрқиб, сесканиб кетдим. Улар бизни тўхтатишди, ўғлим иккимизнинг ёнимизни тинтишди. Юсуфнинг қўлидаги юк халтани олиб, четга қўйишди. Ўғлим ҳам уларнинг важоҳатидан қўрқиб кетганди. Вужуди сезилар-сезилмас қалтирарди.

– Удхул! – соқчининг қарашидан кир, деганини тушундим.

Юсуф иккимиз ичкарига кирдик. Собир қайтиб кетди. Хона ичи ёруғ эди. Қуёшнинг қизғиш шуълалари деразадан ичкарига тушиб турарди. Юқорида патак соқолли кимса қўлларини орқага қилганча тик қотганди. Унинг ичи кибрга, манманликка тўлганлиги афтидан билиниб турарди.У бизни хумрайган кўзлари билан кутиб олди. Нигоҳи кўпроқ Юсуфга қадалганди. Кейин ёнимизга келди. Ўзининг тилида нимадир деди, мен тушунмадим. Юсуф тушунди чоғи ундан ўзини тортди. Менинг тил билмаслигим уни ғазаблантирганини афтидан билса буларди. У эшик олдида турган соқчига нималарнидир гапирди, у таъзим қилиб, ташқарига чиқиб кетди. Хонада у билан қолиш бизга ўнгайсизлик туғдирарди. Унинг қаршисида туриш зиндонда ётишдан оғирдек туюлди. Бахтимизга соқчи тезда қайтди. Ортидан ўттиз ёшлардаги даррозгина йигитни эргаштириб келганди. Патак соқол унга нимадир деди. Йигит ора-сира мен билан ўғлимга қараб қўйди. Ниҳоят:

– Бу кишининг исмлари Тоҳир. Бу ердагиларнинг бошлиғи, – деди. – Сен ва ўғлинг нима сабабдан уйингга қайтмоқчи ва унинг одамлари сафига қўшилишни истамаётганингни сабабини билишни истаётирлар, – деди дарроз тилмоч. У менинг она тилимда эркин ва равон сўзларди.

– Бизни бу ерга алдаб олиб келишди, – дедим. – Бизга қурилишда ишлайсизлар деб айтишганди.

– Сенларни ҳеч ким алдамаган. Сенлар мусулмон биродаларингга ёрдам бериш истагида ўз хоҳишларинг ила келгансизлар.

– Йўқ, биз уруш бўлаётган, инсонлар қони тўкилаётган юртга келаётганимизни уйимизга ҳам кел-

тирмагандик. Симли тўсиқлар орасидан ўтганимиздан кейингина буни фаҳмлаб қолдик. Сиздан илтимос, бизларни урушга ташламанг. Дўзахдан йироқ қилувчи Аллоҳ таъолонинг зикри, унинг бандаларига яхшилик қилувчи, ер юзини обод этувчи ишларга даъват қилинг.

Тоҳир ўзгаларга дағдаға қилишни, қўрқитишни қойил қиладиган одам экан.

– Қандай юрак билан, қандай журъат билан бу гапларни айтяпсан, эй дўзахи! Оғзингдан чиқаётганини қулоғинг эшитяптими? – кутилмаганда аччиқланиб, бўкириб юборди. Унинг азбаройи қаҳри итобга тўлиб тошганидан қиёфаси ўта даҳшатли тусга кирганди. Йўғон бўйни шишиб кетгандек кўринарди. Қизғиш юзлари гезарганди, кўзларида ғазаб ўти ёнарди. – Бу гапларинг учун жонингдан жонингни суғуриб оламан. Жисмингни нимта-нимта қилиб, саҳро қўзғунларига едираман. Сен бу дунёда ҳам, нариги дунёда ҳам йўқ бўласан! Билиб қўй, энди ортга йўл йўқ. Бу дунё эшиклари сен ва ўғлинг учун беркилган. Қурол олиб, жангга кирасан, вассалом!

Унинг дўқ-пўписаси юрагимда кутилмаганда исён кўтарган гапларни айтишдан қайтара олмади.

– Сиз бизларни қўлимизга қурол олишга мажбурламанг. Сиз учун ҳайрли бўлган ишлар биз учун гуноҳдир, зулмдир. Агар ҳақиқий мусулмон бўлсангиз, динда мажбурлаш йўқ дейилганини мендан кўра ўзингиз яхши биласиз. Ер юзини обод қилиш Ислом умматининг ишидир. Аллоҳ ер юзининг ободлигини ўз бандаларининг зиммасига юклаган. Ижозат берсангиз биз уйимизга кетсак.

– Уйингни эсингдан чиқар! Энди сен учун уй ҳам, Ватан ҳам йўқ. Қўлингга қурол оласан ва жиҳод жан-

гига кирасан. Жангда ўлсанг шаҳид, тириқ қолсанг ғозий бўласан. Энди бу ерни ўзингни уйинг деб, жангчиларни ўзингни биродарларинг деб бил. Менинг мақсадим, сен каби мусулмонларни бирлаштириб, буюк давлат қуриш.

– Ахир бу юртдагилар ҳам мўмин мусулмонлар-ку. Уларни ўлдириш, уйларини ёқиш гуноҳи азим эмасми? Уламоларимиз жиҳоднинг жорий этилишининг асл сабаби тинчликка эришиш дейишмаганми? Агар сиз динимизнинг моҳиятини чуқур англаганингизда эди, тажаввузкорлик ва зуравонликка юз тутмас эдингиз.

Тоҳирнинг лаблари дириллаб, юзи гезариб:

– Сени менга уста, дурадгор дейишганди. Диний илмдан яхшигина хабардор экансан-ку. Бу яхши. Сени ҳурмат қиламан, гуноҳларингдан кечаман. Истасанг, ўзинг билан келган шерикларингга бошчилик қиласан! – деди.

– Менинг қўлимга қурол тутқазмоқчимисиз?

– Нима, сен менга салтанатни қуролсиз олиб бермоқчимисан? Билиб қўй, салтанат қурол билан, беҳисоб қурбонлар билан, заминни қон-қушга белаб қўлга киритилади.

– Аллоҳга шукрларким, мен Ватанимни қўриқлаш мақсадидагина қўлимга қурол ушлаганман. Ўзга одамларнинг манфаатлари йўлида ўлсам ҳам қўлимга қурол олмайман!

– Энди бошқа одамга айланасан, ҳаётнинг ўзи сени бунга мажбур қилади. Қурол ҳам ушлайсан, одам ҳам ўлдирасан, биноларни вайрон ҳам қиласан.

Тоҳир шундай деб, хона тўрисидаги темир сандиқчани очиб, ичидан бир чангал пулларни олиб

менинг ёнимга қайтди. Бу пуллар олижаноб одам берган пулларнинг айнан ўзи эди.

– Мана, кўрдингми? Мен бу пулларни салтанатим учун жон берган, одам ўлдирган, иморатларни вайрон қилган жангчиларимнинг бошидан сочаман!

Тоҳирнинг титраётган қўлидаги пуллар ерга сочилди. Унинг сўзлари мени ақлдан оздираёзди. "Наҳотки, мени шу пулларга сотилади, деб ўйласанг, наҳотки шу пуллар учун одамларни ўлдиради, иморатларни вайрон қилади, деб ўйласанг", – деб ҳайқиргим келди.

Қўшни хонада калтакланаётган одамнинг бақираётгани тилимга кишан солганди.

– Мана, хоҳлаганингча ол. Чўнтагингга сиққанини ол! Ҳаммаси сенга, етмаса сандиқдагини ҳам олавер! Ахир сен бу ерга пул топиш мақсадида келгансан-ку! Шундай эмасми?

Тоҳир менинг устимдан ошкора куларди, мазах қиларди, ҳақоратларди. Пулга сотиб олмоқчи бўларди.

Бирдан хаёлимга келган нарса тилимдаги кишанни ечиб ташлади.

– Бу пулларга менинг юрагимни, халқимга ва юртимга бўлган садоқатимни сотиб олмоқчимисиз? Билиб қўйинг, мен сизнинг пулларингга муҳтож эмасман. Пешона тери тўкиб, ҳалол меҳнат қилиб пул топиш мақсадида келгандим. Агар қўлимга қурол ушлаб пул топадиган бўлсам, очликдан, қашшоқликдан ўлиб кетишга тайёрман! Биламан, сиз бу пуллар эвазига мени ўз манфаатингиз йўлида урушга жўнатмоқчисиз. Мусулмон кишининг адолати Аллоҳнинг каломидир! Муқаддас китобларда уруш сўзидан кўра тинчлик сўзи икки бор кўп ишла-

тилганлигини ўзингиз яхши биласиз! Аллоҳнинг бандаларини пул топиш йўлида ўлдирган одам ҳеч қачон Тангрининг содиқ ва вафодор дўсти бўлолмайди.

Сўзларим Тоҳирни қаттиқ ғазаблантирди. Қўлидаги пулларни сочиб юборди.

– Такрор айтаман, – деди ҳайвондек бўкириб. – Сен биродарларимизга қарши эмас, муртадларга қарши жанг қиласан, муртадларга!

Тилим қотди. Бу одамга гап уқтириб бўлмаслигини сездим. Кутилмаганда ўғлим менга юзланиб:

– Ота, буларнинг юзи Парвардигоримнинг қаршисида шувит. Динимиз инсонларни яхшиликка, эзгуликка чорлайди. Бу одамнинг таълимоти бузғунчилик, душманлик экан. Аллоҳнинг бандаларини ўлдиришга буюряптими, демак, у динимизнинг душмани!

Юсуфнинг бирдан ўзгариб, қўрқувни унутиб, вужудида илоҳий жасоратнинг жўш уришига бошимизга тушган мушкулотлар сабаб бўлган бўлиши мумкин деб ўйладим.

Тилмоч ўғлимнинг сўзларини тезда Тоҳирнинг тилига ўгирди. Унинг ранги кўкариб кетди. Бир муддат Юсуфга тикилиб, кейин мендан сўради:

– Бу сенинг ўғлингми?

– Ҳа.

– Исми нима?

– Юсуф!

– Болангни ўз ҳолига ташлаб қўйибсан. Бундан буёғига унинг тарбияси билан ўзим шуғулланаман!

– Уни мендан тортиб олиб нима қилмоқчисан? – сўрадим қўрқув аралаш.

– Тарбиялайман. Ўзимга шогирд қилиб оламан. Вақти келганда салтанат тахтига ўтқазаман!

Унинг овозида кесатик, алам ҳамда ғазаб мужассам эди.

– Қурол отишни, одам ўлдиришни ҳам ўргатасанми?

– Бунинг нима фарқи бор сенга? Ҳар иккиси ҳам ўзининг жонини асраш учун зарур. Бу юртда қурол ушламаган одамни одам ҳисоблашмайди, ҳар қадамда уни ўлим таъқиб қилиб юради.

Уғлим Тоҳирнинг кўзларига қаради. Унинг кўкси чексиз алам ва нафратга тўлганди.

– Аллоҳ сизни яхши кўрмайди, қиёмат куни биринчи савол нохақ тўкилган қон тўғрисида бўлади, дейилган! Пайғамбаримиз (с.а.в)нинг "Мусулмонларни қўрқитманглар, мусулмонларни қўрқитиш катта зулмдир", деган муборак сўзларини унутган бўлсангиз, мен сизни мусулмон деб ҳисобламайман! – деди кутилмаганда Юсуф Тоҳирнинг совуқ кўзларига тикилиб.

Мен боламнинг мадрасада икки йил таълим олиб, яхшигина билим олганидан хурсанд бўлдим. Афсуски, унинг сўзлари Тоҳирга ёқмади. Ўн етти ёшли йигитнинг табиатида бўлмайдиган мардлик ва жасорат белгиларини мен илк бор шу ерда кўрдим. Уғлимнинг вужудида шижоат куринарди. Шу чоққача юзларида зоҳир бўлиб турган юмшоқлик ўрнини даҳшат ва салобат эгаллаганди.

– Нима дединг, яна бир бор қайтарчи? – уғлимга яқинлашиб, кўзларини ола-кула қилиб деди.

Уғлим унинг қашқирдек боқишларидан заррача ҳайиқмади.

– Аллоҳ сизни яхши кўрмайди,– такрорлади Юсуф. – Мен бу юртга келганимдаёқ уруш нималигини кўрдим. Сиз ўққа тутаётган одамлар, сиз вай-

рон қилаётан уйларда мўмин мусулмон биродарларимиз яшайди. Улар туни билан ухламай дунёга тинчлик истаб, бу қонли урушнинг тугашини сўраб Яратган эгамга ибодат қилишади. Сиз булса, уларни отасиз, ўлдирасиз. Болаларни, чолларни, кампирларни қон қақшатасиз. Нега уларни ўлдириш, уйларини вайрон қилиш керак? Қайси гуноҳлари, қайси айблари учун? Шунинг учун ҳам биз Худонинг бандаларига қарши қурол ушламаймиз!

Тоҳирнинг кўнглида даҳшатли бир ҳол юз берди. Дил азоби қалбида ёнди-ю, сиртига отилиб чиқишга йўл тополмай, буғзига тиқилди. Юзи қизариб, лаблари кўкариб;

– Юм оғзингни, тирранча! Сенинг томирингда чаённинг қони борга ўхшайди. Шошмай тур, бизнинг музаффар байроғимиз дунё томи узра хилпираганда, ким оқу, ким қора эканлиги аён бўлганда сенга ўхшаганлар билан ўзим ҳисоблашаман. Мабода ўққа учиб кетмасанг! – деди.

Шғлимнинг гаплари Тоҳирга ёмон таъсир қилди. Унинг кўзида пайдо бўлган ўт бунинг аломати эди. У боламни ўлдириб юборади деб чўчирдим.

– Кечиринг, билмасдан гапириб юборди, – унинг тош юрагини юмшатмоқчи бўлдим.

– Иккингизни олдингизда бир йўл бор, қўлингизга қурол олиб жангга кирасизлар ёки... ёки иккингизни ҳам шу ерда қонингизни тўкаман!

– Ҳали инсонларнинг қонини тўкиб, салтанат қурмоқчимисиз? – Юсуфнинг бу сўзлари гўё ўз ўлимини бўйнига олган гуноҳкорнинг овозидек жаранглади.

Тоҳир тумтайди. Юсуфнинг милдираган сувдек тиник кўзларига тикилди.

– Алжирама! Менга қарши қурол кўтарган одамни аяб ўтирмайман, унга ғазабимни сочаман, қонини ичаман, кўзларини ўйиб оламан. Агар сен бунга шубҳа қилсанг, жангга кириб кўр. Одамларимнинг қандай жанг қилишларини, душманларимни қандай азоб-уқубатлар тегирмонига солиб ўлдиришларини кўзинг билан кўр. Ўшанда менинг қудратимни биласан!

– Билиб қўйинг, тарихда яшаб ўтган не-не қонхўр ва золимларнинг тақдирига ҳукмдорлик битилмаган! – бирдан Юсуфнинг ҳам қаҳри қўзиди. – Агар сиз бу ўлкани босиб олсангиз, шу ўлкага ҳукмрон бўлсангиз, бу ўлка осмонини зулмат қоплайди, қуёш чиқмайди, болалар уйнаб кулмайди, чол-кампирларнинг кўзларидаги ёшлар тинмайди.

– Жиғимга тегаверма! Денгиз-денгиз қон тўксам ҳам, шу қонни ичсам ҳам мақсадимдан қайтмайман! Сен кимсанки, менга ақл ўргатасан!

Тоҳир қўлини мушт қилиб, ўғлимнинг юзига тарсаки туширмоқчи бўлди-ю, негадир қўллари ҳавода муаллақ қолди.

– Мен Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг аъзосиман. Бизлар дунёда ёвузлик ҳукмрон бўлишига қаршимиз. Терроризмга, босқинчиликка, инсонларни ўлдиришга, уларни таҳқирланишига йўл қўймаймиз. Ёшлар инсонларни отмайди, юртларни вайрон қилмайди, дунёга қирғин солмайди! Улар оламга яхшилик ва эзгулик тарқатишади. Тинчлик учун курашадилар!

– Ҳа, мана энди билдим, сен мишиқининг юрагингдаги жасоратни. Ўша қасоскор юрагингни суғуриб олиб, қайнаётган мойга ташлайман. Курамиз, сен фахрланиб, ғурурланиб айтаётган дунё ёшлари жонингни асраб қолармикин?

Мухофизлардан бирини касал эчкининг йўталига ўхшаш кулганини эшитдим. Мен фарзандимни бағримга босдим. Қулоғига шивирладим:

– Бу золим билан айтишма, эланма. Тоҳир менга юзланди. Кўзларимга бир муддат тикилиб:

– Биз сенга ўхшаганларга шафқат қилмаймиз, аксинча ўлимга маҳкум этамиз! – деди онт ичгандек.

– Ўлдирганинг билан руҳимиз сени тинч қўймайди. Яхшиликча бизларни қўйиб юбор. Юртимизга, элимизга борайлик, бизларни соғиниб, кўзлари йўлимизга нигорон бўлиб ўтирган яқинларимизнинг бағрига қайтайлик.

– Демак, қўлингга қурол олишни, бизнинг душманларимизга қарши жангга киришни истамайсан!

– Ҳеч қачон!

– Билиб қўй, мен қурол ёрдамида сенга ўхшаган кимсаларни итоаткор, пажмурда кимсаларга айлантираман. Бунинг учун энг аввало бош чаноғи ичидаги исёнкор фикрларни суғуриб оламан ва шу йўл билан тозалайман. Бунинг учун бизнинг оддий чиғириқларимиз бор. Сенларни ана шу чиғириқдан ўтказаман. Кейин ўлиб қолмасанг ўзинг биз томонга ўтишга, қўлингга қурол олишга, душманларимизга қарши курашишга чин дилдан рози бўласан!

Тоҳир эшик олдида турган мухофизларга қарата:

– Буларни қафасга ташла! Тавба қилмагунча нон ҳам, сув ҳам берма! – деди.

Соқчилар қўлларимизни қайириб, олдиларига солиб, хонадан олиб чиқишар экан, улардан бири қулоғимга. "Ҳозир имкониятинг бор, бошлиқдан шафқат сўра, раҳм сўра", деди овозини пастлатиб.

Мен унинг таклифини жавобсиз қолдирдим. Йўлда учраган одамлар бизларни шубҳали назар билан

таъқиб қолишарди. Шерикларим эса бояги жойда туришарди. Бизни кўриб, нафаслари ичларига тушиб, ранглари учиб, ҳозирги ҳолатимиз узларининг ҳам бошига тушиши мумкинлигидан қўрқиб кетишганини кузларидан сездим. Қулига автомат ушлаган Собир эса бизни лаблари учида табассум билан кузатиб қолди.

– Юсуф... Юсуф, боврум! – қичқирди улардан бири. Овозидан танидим – бу қозоғистонлик Наби исмли йигит эди. Ўғлим унга: – Наби, оға, буларга буйин эгманг, қўлингизга қурол олманг!» – деб қичқирди.

* * *

Юсуф мендан олдинда, бурни ерга теккудек энкайиб борарди. Тоҳирнинг одамлари унинг қўлларини қаттиқ қайирган бўлса керак, болагинам оғриққа чидамай тинимсиз инграрди. Баъзида орқасига қараб қўймоқчи бўлар, соқчилар эса бунга имкон бермасди. Тепиб, олдинга ҳайдарди. Ортидан мен борардим. Буралган қўлларим синиб кетадигандек қисирларди, шундай бўлса-да, бошимни кўтариб, Юсуфга қараб қўярдим.

– Ўғлим!..

– Отажон!..

Юсуфнинг овози қулоғимга етиб келганида, биз оёқларимиз остидаги тиконли ўтларни босиб қандайдир ташландиқбинога яқинлашиб қолгандик. Ўтлар ораси жуда ифлос эди, димоқни ёрадиган даражада бадбўй ва сассиқ ҳид анқирди. Ғоҳида одамлар қолдирган нажасни босиб олардим. Боламнинг овозини эшитиб, калламни кўтардим. Шунда буйним қарсиллаб, чидаб бўлмас оғриқ турди.

– Ўғлим...

Мен Юсуфга қарамоқчи эдим, бироқ соқчилар бунга имкон беришмади. Бошимни янада пастга эгишди. Бу ҳам камлик қилгандек, бири бошимга узининг золворли муштини туширди. Кўзим олдида юзлаб оппоқ ҳалқачалар пайдо бўлди. Шундай бўлса-да, алам билан зорланиб, овоз чиқардим.

– Ўғлим!..

– Ота, ота... сизни қийнашмадими?

– Мен яхшиман, ўғлим, хавотир олма, ортингдан келаётирман...

Соқчилар бизни гапиртирмасликка ҳаракат қилишарди. Гоҳ қўлимни қайириб, гоҳ бошимга мушт тушириб, ўзларининг тилларида "Ускут" дейишарди. (Ускут арабча сўз бўлиб, "Жим", деган маънони билдиради). Улар мени қанчалик қийнашаётган бўлса, ўғлимни мендан баттар азоблашаётганини сезарди кўнглим.

Хаёлимда минг фикрлар айланарди. Ҳозир кўпчилик олдида бизни калтаклашади, қийнашади. Мен-ку чидайман, ҳар қандай азобларга бардош бераман. Лекин ўғлимни калтаклашса, бунга юрагимнинг бардоши етармикин? Кўз олдимдан саҳрода машинадан узини ташлаб қочган, ярим тунда қочишга уринган шерикларим ва дарахтга тираб отиб ташланган йигит келди...

Ниҳоят тиконли ўтлар орасидан, ахлат ва чиқиндилар ичидан оёғимизни ифлос қилиб вайронакор бино олдига етиб келдик. Энди биз тош йўлакдан юра бошладик. Темир эшикдан ичкари кирдик. Деворга ургимчаклар тўр тикканди. Хона узун, эшиги темирдан ясалганди. Ости бетон бўлиб, худди молхонани эслатарди. Ичкари қоронғу эди, кўзим ҳеч

нарсани кўрмай қолди. Назаримда ичкарига қуёш нури тушмасди. Йўлакнинг икки четига темир қафаслар қўйилганди. Ўйлашимча, булар ичида қачонлардир итлар сақланган, ҳозир уларнинг ичи бўм-бўш. Исларигина қолган. Бу пайтда қуёш ботаётганди. Туйнуклардан унинг сўнгги шаффоф нурлари кўриниб турарди.

– Тухта! – амир қилди соқчи қўлимни бироз бўшатиб.

Тухтадим. Хаёлим ҳамон ўғлимда эди. Унинг оёқ товушлари қулоғимга чалиниб турарди. Билишимча,уни анча нарига олиб боришди. Бир оз ўтиб, темир эшик шарақлаб очилди. Кейин ёпилди. Калитнинг буралгани ҳам эшитилди. Ўғлимни қафас ичига солишганини билдим. Кейин менга навбат келди. Эшик тор эди. Ичкарига киришга қийналдим. Ичи ҳам тор экан. Бемалол оёқни узатиб бўлмасди. Бошимни эгиб, белимни букиб ўтиришга мажбур бўлдим. Остимга қиррали тошлар терилганди. Улар баданимга ўтмас болтадек ботди. Соқчилар эшикни қулфлаб, орқага қайтишди.

Мен ножуя ўтирганим сабабли суякларимда чидаб бўлмас даражада оғриқ зўрайди. Гоҳқўлларимни, гоҳ оёқларимни узатмоқчи, у ёнбошимдан бу ёнбошимга ағдарилмоқчи бўлардим. Бироқ бунинг имкони бўлмасди. Миям эса даҳшатли уйлардан лўқиллаб оғрирди. Кўпроқ боламни ўйлардим. У ҳам мен каби қийналаётган. Нима бўлганда ҳам уни қафасдан чиқаришим керак. Унинг учун икки карра азоб чекишга, калтакланишга тайёрман. Соқчилар кирса, албатта, уларга бу ҳақда айтаман. Юсуфнинг қийналишини истамайман. Озодликда, ташқарида юрсин.

Бошимни сим тўсиққа уриб олдим. Буйним толиқиб, кўзларим секин-аста қоронғуликка кўникиб, атрофимдаги нарсалар кўрина бошлади. Йўлакнинг нариги чеккасига ҳам шундай қафаслар қўйилганди. Уларнинг ичи буш. Биз каби юртини соғинган, қўлига қурол олишдан буйин товлаганларни жазолаш мақсадида шу қафаслар ичига ташлашса керак, деб ўйладим. Балки шу йўл билан шерикларимни қўрқитишмоқчи бўлишгандир? Ўзларига итоат эттиришнинг йўлидир. Нима бўлганда ҳам бу расмиятчилик эмас, чинакам азоб эди.

Юсуф қайси қафасда ётибдийкин? Қийналмаяптимикин, баданига тошлар ботмаяптимикин, бошини темир тўсиқларга уриб олмадимикин, деган хавотирли саволлар хаёлимдан ўтар, юрагимни оғритарди. Гавдамни ён томонга ташладим, шундай қилганимда атрофга қараш осон бўларди.

– Юсуф! – овозим қалтираб чиқди. Кутилмаганда бошимни панжарага уриб олдим. Кўзларимдан ўт чақнади. Калламни чангаллаб туриб қолдим.

– Ота! – Ўғлининг овозини йиллар давомида эшитмаган отадек юрагим кўксимни ёриб чиққудек патиллади. Шу заҳоти оғриқни эсдан чиқариб, товуш келган томон боқдим.

– Ўғлим!

– Ота!...

Дилбандимнинг овозидан менга яқин жойда эканини билдим. Юрагимдги хавотир ёйилди.

– Қаердасан, ўғлим?

– Шу ердаман, ота...

– Сени кўрмаяпман!

– Ҳозир қўлимни чиқараман...

– Сени ҳам қафасга солишдими, аблаҳлар?

– Ота, қаранг, қўлимни чиқардим, кўрдингизми?

Мен ўнгу сўлимга боқдим. Бироқ қоронғуда қўл кўринмади.

– Кўрмаяпман, ўғлим... Биласан-ку, кўзим хира.

– Яхшилаб қаранг, ота, мана, қўлимни силкитяпман!

– Қайси томондалигингни айт!

– Чап томонда! Келган йўлимизнинг чап томонида...

– Ҳа, ҳа, энди кўрдим, кўрдим, болам. Қўлларингни кўрдим. Хайрият, орамиз узоқ эмас экан. Ҳозир мен ҳам қўлларимни қафасдан чиқараман, мана, кўрдингми?

– О, қўлларингиздан айланиб кетай, отажонимей. Қўлларингиз кўзимга гўё қуёш бўлиб кўринди. Шу қўлларингиз билан менинг бошимни силагансиз, дуо қилгансиз, ҳалол меҳнат қилиб, луқма едиргансиз. Агар яқинроқ бўлганингизда шу қўлларингизни юз-кўзимга суртган бўлардим.

Юсуфнинг қўлларини панжара ортидан кўриш мен учун қанчалик оғир эканлигини ўзимдан ўзга тасаввур қилолмаса керак. Овозимни ютиб йиғлаб юбордим.

– Ота...

– Мени кечир, ўғлим... – ичимдан нимадир отилиб, бўғзимни ёриб чиқди, кўзларим аччиқ-аччиқ ёш тўкди.

– Ота, йиғлаяпсизми?..

– Нега йиғлай, ўғлим, ахир сен ёнимдасан-ку...

– Овозингиз ўзгариб қолди.

– Шунчаки томоғим ачишди.

– Йиғламанг, отажон... Ёнингиздаман! Худога ёлворайлик, йўлимизни очсин

– Ўғлим...

– Лаббай, ота!

– Мендан хафа эмасмисан?

– Бу нима деганингиз?

– Сени шундай аҳволга тушиб қолишингга бадбахт отанг сабабчи. Бу билан Аллоҳнинг қаршисида кечириб бўлмас гуноҳга ботдим, бундан қандай покланаман? – Буғилиб гапимни давом эттиролмадим. Қўлларим билан кўксимни мижиғладим.

– Афсусланманг, Аллоҳ пешонамизга нени битган бўлса, шуни кўрамиз. Балки эртага бизни уйимизга жўнатиб юборишар.

– О, айтганинг келсин! Менинг умидим ҳам шу... Мен-ку ёшимни яшаб, ошимни ошаб, даври давронимни сурдим. Лекин сен ҳали ёшсан, ёруғ оламга келиб нимани кўрдинг, нимага эришдинг? Насиб қилса, бу жаҳаннамдан қутулсак, уйимизга қайтсак, туй қиламан, сени уйлантираман, набираларимни елкамга опичлаб, кўчаларни айлантириб юраман...

– Мен ўқимоқчиман, ота. Инсон, албатта, ўқиши, бирор касбнинг этагини тутиши керак. Кундуз кунлари илм оламан, кечалари ишлаб, пул жамғараман!

– Эртага бошлиққа учраб, сени озод қилишларини сўрайман. "Боламнинг ўрнига мен қоламан", дейман!

– Йўқ... йўқ, асло бундай дея кўрманг. Сизни бу ерга ташлаб, мен ҳеч қаерга кетмайман! Бошимга не кулфат, не бало келса, ўзим курашаман!

– Оҳ, менинг алп қоматли паҳлавоним.

– Ота, сизни қафасда ўтиришингиз мен учун иснод. Сўзларимга ишонинг. Тоҳирга жон керак бўлса, жонимни бераман, аммо сизни озод қиламан.

Боламнинг сўзлари ичимни вайрон қилди. Уни қутқариш ва озодликка чиқариш ҳақида ўйладим. Бунинг ягона йўли Тоҳирнинг таклифини қабул қилиш эди.

– Ўғлим!

– Лаббай, ота!

– Қийналмаяпсанми, балки бироз мизғиб олар-сан, а?

– Хавотир олманг, уйқум келмаяпти...

Иккимиз бир нафас жим қолдик. Уйга қайтиш ҳақида ўйладим. Афсуски, бунинг иложи йўқлигини, Тоҳирнинг таклифига рози бўлиб, қўлимизга қурол олишдан ўзга чорамиз қолмаганини англадим.

– Хафа бўлмасанг, бир гап айтаман...

– Мени хафа қиладиган гапни айтмаслигингизни биламан, ота.

Боламнинг гапи мени ўйлантириб қўйди. Нима дейишимни билмай қолдим.

– Ота! – Юсуфнинг овозидан ўзимга келдим. – Нима демоқчи эдингиз, айтинг?

Ноқулай аҳволгатушдим. Ўйлаб-ўйлаб боя дилимдан кечган гапни айтишга қарор қилдим.

– Рози бўлсанг, ўша лаънати қуролни бир кунгинага қўлимга олсам...

– Нима дедингиз, ота? – Юсуфнинг овози қулоғимга ташвишли эшитилди. Назаримда, гапим юрагига оғир ботганди.

– Аввал мени тингла. Онт ичиб айтаман, қуролни ушлаганим билан одамларга қарата битта ҳам ўқ отмайман. Сени қафасдан чиқариш учун атайин қиламан бу ишни...

– Йўқ, йўқ, ота, бундай бемаъни фикрни ҳозироқ хаёлингиздан чиқаринг! Мени пасткашликка қодир

деб ўйламанг. Хиёнатнинг изоҳи бўлмайди. Бу хоинлик, оқлаб бўлмайдиган пасткашлик. Озодликда қўлингизда қурол курганимдан кўра, шу қафас ичида очликдан ўлганим афзал.

– Ўғлим, биламан, сен ор-номусли йигитсан, лекин мени тушун, ҳеч бўлмаса иккимиздан биримиз уйимизга қайтишимиз керак! Бизни онанг кутмоқда, сингилларинг кутмоқда.

– Ота, сиз одамларни отмаганингиз билан улар сизни отишади. Қўлингизда қурол куришса, душман деб ўйлашади. "Мен одамзотга қарши ўқ отмайман, ўлдирмайман, Худога ваъда берганман", деганингизга ишонишмайди. Қурол кўтариб жангга кирган одамнинг қўли қон бўлади. Бу қонни ювган билан юқи кетмайди. Яхшиси, Тоҳирнинг олдига кирманг. Нажотни Аллоҳдан кутайлик. Эътиқодимизга содиқ қолиб, ўзимизнинг ҳақиқий мусулмонлигимизни исботлаб, Яратганга дуолар қилайлик. Агар шу қафас ичида ўлиб кетсак, бизнинг ўлимимиз диндошларимизга ибрат бўлсин. Уларнинг ҳам виждони уйғониб, ўзликларига қайтиб, қўлларига қурол олишмайди. Гуноҳлар балчиғига ботмай иймон билан жон бериш бизни муқаддас динимизга бўлган садоқатимиз ҳисобланур. Шунда биз пок руҳ билан, иймон билан Тангри Таолонинг ҳузурига борурмиз. Келинг, бу ерга келганимиз учун, мусулмон бўла туриб мусулмонларни ўлдираётганларнинг даврасига тушиб қолганимиз учун Яратганга истиғфор қилайлик. Зеро, ҳозир жонимиз бўғзимизга келгунга қадар тавба қилишга, истиғфор айтишга имконимиз бор. Тавбасиз ўлиш ўлимнинг ўзидан даҳшатлироқ. Тавбага улгурмасдан вафот этсак, иймонимиз дарз кетади.

Юсуфнинг сўзлари мени бошқа бир оламга олиб киргандек бўлди. Бир парча туйнукдан кўриниб турган серюлдуз фалакка боқиб, Яратганга нола қилдим:

– О, Парвардигорим! Ўзга юрт тупроғида, қонхўр бурилар галаси ичида туриб сенга ёлвораман. Бошимизга не мушкулотлар тушганини ўзинг кўриб, билиб турибсан. Сендан ўтиниб сўрайман, ўз юртини, ота-оналарини, фарзандларини, яқинларини ташлаб келган биз каби осий бандаларингнинг гуноҳини кечир. Юртимизга қайтар, киндик қонимиз томган тупроғимизга қайтар, йўлимизга термулиб ўтирган болаларимиз бағрига қайтар. Биз ҳам уларни соғиндик, юракларимиз соғинч оташида ёнмоқда, кўзларимиз жала мисоли ёш ўрнига қон тўкаётир. Майли, она Ватанимизга, яқинларимизнинг ҳузурига, киндик қонимиз тўкилган азиз тупроғимизга чўлу саҳроларни кезиб борайлик, денгизу дарёларни кечиб борайлик, чангалзору ўрмонларни оралаб, тоғу қирлардан ошиб борайлик. Фақат сендан илтимосим, бизни тутиб олган анови кимсалар юрагига озгина бўлса-да, меҳр сол, инсоф сол, шафқат сол. Улар бизнинг қайтишимизга изн берсин.

Гоҳ овозимни ютиб, гоҳ чиқариб Худога илтижо қилиб, юзимга фотиҳа тортганимда туйнукдан кўриниб турган осмонни қора булутлар тўсганди. Борлиқ занжирдай қаро эди. Оёқларим тагида нималардир ўрмалаётганини сездим. Улар бел ва буйинларимда юришарди. Эй, Худо, булар нима? Бизга яна қандай балоларни юбординг? Кейин билдим, булар каламушлар экан... Улар оч эди, кийимларимни тишлари билан ғажишарди. Секин-аста кўпайишиб

борарди. Қўлимни қимирлатиш, уларни ҳайдаш имкони йўқ эди. Орқа олдимга ўгиролмасдим. Лекин ҳаракатсиз турадиган бўлсам каламушлар ғажиб ташлаши мумкин. Шу сабаб безгак тутган одам каби ўтирган жойимда тинимсиз қимирлашга мажбур бўлдим.

Каламушларнинг бирини ҳайдасам, иккинчиси баданимга тирмашарди. Улар билан олишиб, анча вақт ўтганди. Ўғлим ёдимга тушиб, юрагим шув этиб кетди.

– Юсуф! – шошиб овоз қилдим. Жавоб қайтмади. Нима бўлди унга? Ухлаб қолдими? Яна овоз қилдим.

– Чақирдингизми, ота, – ниҳоят мени хавотирга солган боламнинг овози қулоғимга чалинди.

– Ухлаб қолмадингми?

– Сизга қўшилиб Аллоҳдан нажот сўраётирман.

– Албатта, у бизнинг илтижоларимизни қабул қилур.

– Ота, сиз ётган қафас ичи тор эмасми?

– Нега сўраяпсан?

– Шунчаки, ўзим.

Мен боламнинг кўнглини кўтариш мақсадида "Йўқ, унчалик тор эмас", деб қўя қолдим. Лекин у гапимга ишонгиси келмади. Ахир бу ердаги қафасларнинг бари бир хиллигини у ҳам ўйлаб кўрган. Бечорагинам оёк-қўлини узатолмай қийналиб ўтирган.

Осмон ёришди, юлдузлар кўринди. Ойнинг нури тушди, кўнглим илигандек бўлди. Вақт қай маҳал бўлганини билмасдим. Ташқаридагиларнинг овози аллақачон босилганди. Биз ўтирган бинонинг орқа девори ортидан гоҳида у ёққа, гоҳида бу ёққа ўтаётган одамларнинг оёқ товушлари қулоғимга чалиниб қоларди. Кутилмаганда тепамизда нимадир

чийиллади. У қизғиш шуъла сочиб, ҳавони кесиб ўтди. Кейин гумбурлаб, заминни титратиб юборди. Томдан тупроқ тушди. Бизни талаётган каламушлар инларига қочишди. Ташқаридаги шовқин тобора кучаяр, одамлар у ёқдан бу ёққа чопишар, уларининг тилларида нималарнидир деб қичқиришарди. Ўғлим иккимиз юрагимизни ҳовучлаб, Худодан нажотсўрардик. Кутилмаганда биз ётган бинога яқин жойда гумбурлаш содир бўлди. Замин титраб, бинонинг ғиштлари кучиб тушадигандек ғичирлаб кетди. Тешик ва туйнуклардан қип-қизил аланга кўринди. У узун тилини биз ётган бино томон чўзиб келарди. Аланга бинога туташса, нима бўлади? Биз ҳам ёниб кетамиз-ку. Ўзинг асра, Худойим. Бахтимизга аланга тезда сўнди ва борлиқ қоронғулик ичида қолди. Бироқ одамларнинг шовқин-сурони тинмасди, аксинча кучаярди.

Қий-чув, тўс-тўполон авж оларди. Одамлар у ёқдан, бу ёққа чопишар, этиклари билан ерни ноғора қилиб чалишарди. Кўп ўтмай йироқлардан яна бир даҳшатли овоз келди. Ўнлаб автоматлар бунга жўр бўлди. Ҳар икки томондан узлуксиз ўқлар отиларди. Улар пушти рангда бўшлик узра учарди. Қиёмат-қойим кўпгандек гуё. Ҳозир ер ёрилиб кетади, барчани ютиб юборади, деб ўйлардим. Гоҳида туйнуклардан учиб кирган ўқлар деворга санчилар, шувоқ ва ғиштларни кўчириб тушарди. Мен урушнинг даҳшатини мана шу темир қафас ичида илк бор ҳис этдим, ва уни ўйлаб топганларга адоқсиз лаънатлар ўқидим. Ташқарида шундай бўлса, жанг майдонида қандай бўлаётганийкин, деб тасаввур қилдим. Бу ҳақда ўйлашнинг ўзи кишини ақлдан оздирарди.

Туғри, йулда қанчадан-қанча қуролли кимсаларни, жон беролмай улим билан олишиб ётган инсонларни, оёқ ва қулларидан ажраган, бир бурда нон топиш илинжида кучаларда ҳаётларини хавф-хатарга қуйиб юрган гудакларни курдим. Бомбалар яксон қилиб ташлаган биноларнинг, ёниб, эриб, бир қучоқ темирга айланиб қолган танкларни, парчаланиб кетган машиналарнинг ёнидан утдим. Шишиб, чирий бошлаган мурдаларга кузим тушди. Қанотларига бомбани қистирган қирувчи самолётлар юрагимга оламнинг қурқувини солиб, бошим узра учиб утди. Худонинг узи бизларни дулдек ёққан уқлардан асради. Бу Ватан учун, унинг озодлиги, шаъни учун олиб борилаётган уруш эмасди. Пулдорлар, мансабпарастлар, ҳокимиятпарастлар ва бойлик ишқида юраги ёнганларлар томонидан уйлаб топилган жанг эди. Одамлар эса уз элини ёвдан асраш, юртнинг муқаддас тупроғини ҳимоя қилиш мақсадида эмас, ана шу олчоқларнинг мақсади, орзуси йулида ҳалок булишарди, ҳокимиятпарастларнинг нафси учун қон тукиб, жон беришарди.

Назаримда ҳозир ҳужум қилаётган кимсалар бу ердаги жангариларни қувиб солади ва биз ётган бино ичига кириб, бизни бу ерда нима учун ётганимизни сураб суриштирмай отиб ташлашади, деб хавотирда эдим. Купроқ уғлимдан ташвишланардим. Уни бағримга яширгим келарди, бироқ орамизни темир қафаслар ажратиб турарди.

– Уғлим, бошингни эгиб ол! – дедим гуё дайди уқлардан бири унга келиб тегадигандек. – Иложи булса, ётиб ол!

– Хавотирланманг, ота, узингизни эҳтиёт қилинг! – мендан кура купроқ уғлим ташвишланаётганини пайқадим.

– Иккимизни ҳам Аллоҳим паноҳида асрасин.

Отишмалар тобора авжига чиқарди. Қоронғи тун қаърини тилиб, у ёқдан бу ёққа ўқлар учарди. Бомбалар портларди. Чийиллаб снарядлар учарди. Олислардан яралорларнинг қичқиргани эшитиларди. Улар дод соларди, инграрди, йиғларди. Мен эса тилимдан Худони қўймасдим.

– Бизларни ўз паноҳингда асра, Парвардигорим. Юртимизга, она тупроғимизга, яқинларимизнинг бағрига соғ-омон қайтгунча жонимизни олма...

Ниҳоят отишмалар босилди. Ҳар замонда битта-иккита ўқ товуши қулоққа етиб келганини ҳисобга олмаганда сокинлик чўкканди. Энди биз ётган бино ортидан одамларнинг инграгани, бақиргани эшитиларди. Яралорларни жанг майдонидан олиб келишарди. Улар эса йиғи аралаш қичқиришарди.

– Эй Худо, мени кечир!

– Бу азобларни тортгандан кўра жонимни ол!

– Қаердан ҳам келдим бу жаҳаннамга...

Ора-сира арабча сўзлар орасида ўзбекча гаплар ҳам қулоғимизга чалиниб қоларди. Мен ўз тилимда гапираётганлардан нажот кутардим, уларни ёрдамга чақирмоқчи бўлардим. Афсуски, бунинг фойдаси йўқлигини сезиб, бизни шу қафасга ўз тилимизда сўзлайдиганлар тиқмадими, деб ҳафсалам пир бўлди.

Кейин билдимки, мен ва Юсуфни қафасга солиш бор-йўғи шунчаки шерикларимни қўрқитиш, шу тариқа ўз иззатларини кўрсатиш, қолганларни итоат эттириш экан. Аммо бизнинг тор қафас ичида тортаётган азобларимиз чинакам азоб эди.

Оёқларимда чидаб бўлмас оғриқ турганди. Иккиси ҳам музлаб қолгандек, ҳеч нарсани ҳис этмасди.

Қимирлашнинг иложи йўқ. Ноқулай ўтирганим сабабли суякларимда чидаб бўлмас оғриқ зўраярди.

Тонг ёришишига қанча вақт қолганини билмасдим. Ҳаётимда илк бор қуёшни бу қадар орзиқиб кутмаган эдим. Туйнукдан эса дилга ғашлик солиб, юлдузларини йўқотган осмон қовоғини солиб турарди. Ичкарига оқиб кирган порох ҳидига тўйинган ҳаво чиқиб кетишга йўл тополмай димоғим остида айланиб, кўнглимни оздирарди. Ўғлим иккимиз шу ҳаводан қийналиб-қийналиб нафас олардик.

Оёғим карахт бўлиб қолганди. Қимирлатганимда минглаб михлар санчилгандек инграб юбордим. Овозим ўғлимнинг қулоғига етиб борган кўринади.

– Ота, сизга нима бўлди? Бирор жойингиз оғрияптими? – деб сўради ташвишли овозда.

– Йўқ, болам, соппа-соғман. Шунчаки, оёқларим увишиб қолган экан.

– Биламан, қафас ичи тор, қийналаётгансиз...

Юсуфнинг фикрини чалғитиш мақсадида: "Ташқаридаги ўқ овозларини эшитиб қўрқмадингми?" – деб сўрадим.

У деди:

– Ростини айтсам, аввалига қўрқдим...

– Нимадан қўрқдинг, болам?

– Бирорта дайди ўқ деворни тешиб сизга тегмадимикин, деб хавотирга тушдим. Хайрият, ҳаммаси хайрли тугади. Ўзингиз-чи, қўрқмадингизми?

Томоғимга алланима қадалди.

– Нега қўрқмай, болам. Бомбалардан бири биз ётган бинонинг ёнига тушса, сени том босиб қолмасмикин, деб хавотирландим-да.

– Уруш қилаётганларга Аллоҳнинг лаънатлари ёғилсин, ота! Ўлсак эътиқодимиз билан ўламиз, ти-

рик қолсак эътиқодимиз билан яшаймиз. Аммо аҳдимиздан қайтмаймиз.

– Сен кўрқмасанг бўлди, ўғлим!

– Мен ҳеч нарсадан ҳатто ўлимдан ҳам қўрқмайман, ота. Фақат жасадимиз бегона тупроқ остида қолишини ўйласам, этим увишади.

Иккимиз жим қолдик. Сокинлик кўп давом этмади. Ташқаридаги ярадорлар инграб, йиғлаб, Худога нола қила бошлашди. Улар гўё ҳаёт билан видолашаётган кишиларга ўхшарди. "Болам уларнинг овозини эшитиб, қўрқиб кетмасин", деб мени ташвиш босарди. Уни юрак олдириб қўйишини истамасдим.

– Юсуф, хов Юсуф, – паст овозда ўғлимни чақирдим. У афтидан нима ҳақидадир ўйлаётган бўлса керак, қайта чақирганимда жавоб қилди.

– Лаббай, ота!

– Нималарни ўйлаяпсан?

– Болалик чоғларимни. Эсингиздами, мен уйимизнинг томига чиқиб, сизнинг ишдан қайтишингизни кутардим.

– Эсимда, эсимда, ўғлим. У пайтларда сен олти ёшлардаги йигитча эдинг. Томимизга шифр қоқилмаганди. Серёғин кунлар чакка томарди.

– Ушанда, сиз мени, онам эса сингилларимни бағирларингга олиб, устимизга клёнка тортиб бурчакда, ёмғирнинг чакиллаб томчилашига қулоқ солиб ётардик. Ёмғирнинг ҳиди бошқача бўларди-а, ота.

– У кунларни мен ҳам унутолмайман, ўғлим. Негадир соғинаман, кўмсайман. Ҳозир ҳам, ёшим бир жойга бориб қолган бўлса-да, уйимиздан чакка томишини, сени томга чиқиб, қўлларингни силкитиб, "Ота, отажон" деб қичқиришингни кўмсайман, баъзан ўша кунлар тушларимга киради.

Кшу ёши киприкларим орасидан мисдек қизиган куксимга тома бошлади. Иккимиз жим қолдик. Киприкларим илинди. Туш курибман: қуёш чарақлаб, олтин ранг нурларини биз ётган хонага сочганмиш. Ўғлим қафасдан чиқиб, нур тушалган йўлакдан бир-бир қадам босиб ташқарига қараб кетаётганмиш. "Тавба" – дермишман ўзимга ўзим, тонг отган, қуёш нурини ёйган бўлса-ю, ўғлим мени ташлаб қаёққа кеяптийкин, а.

«Юсуф!»

Овозимни эшитган ўғлим тухтаб, мен томонга қайирилди:

«Чақирдингизми, ота?

"Қаёққа кетаётибсан?"

"Уйимизга".

"Уйимиз у томонда эмас-ку".

"Мен аввал Аллоҳнинг уйига бораман, ота, кейин сизни олиб қишлоғимизга кетаман".

"Аллоҳнинг уйига нега борасан?"

"Ундан иккимизнинг гуноҳларимизни кечиришини сўрайман".

"Унда мен ҳам сен билан бирга бораман".

"Йўқ, ота сиз кейин борасиз".

"Мени ёлғиз ташлаб, кетма, болам".

Юсуф индамай зулмат қаърига кириб кетди. Ортидан қичқирдим:

"Юсуф"!

Уз овозимдан ўзим уйғониб кетдим.

Кузимни очганимда мен орзиқиб кутаётган тонг ёришганди. Шарқдан кутарилиб келаётган қуёш нурлари тешикларни пайпаслаб ичкарига кирар, қоронғулик эса аста кутариларди. Ёғдулари покиза ва беғубор эмасди. Бомбалардан ҳосил бўлган ту-

тунлар унинг шаффоф нурларини ўзининг қора-қура ғуборлари билан хиралаштиришга уринар, бироқ қуёш юқорилаган сайин улар парчаланиб кетарди. Курган тушимдан юрагим кўкрак қафасимни ёриб чиққудек гурс-гурс урарди.

Ярадорларнинг овози эшитилмай қолди. Афтидан уларни қаёққадир олиб кетишган кўринади.

– Қорнинг очгандир, а? – сўрадим ўғлимдан.

Юсуфнинг кунгли беҳузур булаётганини сезардим. Ахир икки кундан бери болагинам туз тотигани йўқ.

– Очлик хаёлимга келгани йўқ, ота. Ҳозир нимани ўйлаётганимни айтаймми?

– Айт, болам, айт!

– Мадрасада кекса бир устозим бўларди. У киши "Очлик кишини иймонга, Аллоҳга яқинлаштиради, тўқлик эса иймондан айиради", деб айтардилар. Қаранг, Яратганнинг иноятибилан биз очликниҳам, ташналикниҳам хаёлимизга келтирганимиз йўқ. Ўзингизчи, ўзингиз очқолмадингизми, чанқамадингизми? Ошқозонингиз оғирди... Мен ҳозир соқчиларни чақираман. Юк халтамизда онам ёпиб берган нондан тўрт донақолганди. Ўшани олиб кириб беришларини илтимос қиламан!

Юсуф менинг ҳай-ҳайлашимга қарамай "Соқчилар! Соқчилар!" деб қичқирди. Овозини биров эшитмади, эшитган бўлса-да, эътибор бермади.

Мен ростдан ҳам очиққандим. Соқчилар юк халтамизни олиб кириб беришларини жуда-жуда истардим. Бироқ улардан дарак бўлмади.

– Ота!..

Юсуфнинг товушидан хаёлим бўлинди.

– Лаббай, ўғлим.

– Чунтагимдан бир тишлам нон топиб олдим...

– Тезда еб ол, ош бўлсин!

– Буни сизга илиндим. Ҳозир улоқтираман, илиб оласиз.

– Йўқ, асло бундай қила кўрма, илолмасам увол булади.

– Қўлингизни панжарадан чиқаринг!

Ўғлимни аҳдидан қайтаришнинг иложи бўлмади. Юсуф нонни мен томон ирғитди. Кутилмаганда қўйлагининг енги темирнинг қиррасига илиниб, нон мўлжалга етиб келмади. Қафасдан бир қадамча нарига тушди ва пастга думалаб кетди. Қўлимни қанчалик чўзмай нонга етмади. Каламушлар шу заҳотиёқ унинг исини олиб, инларидан чиқиб, талашиб тортишиб ичкарига олиб кириб кетишди.

Юсуф қўллари билан панжарани муштлаб яна соқчиларни чақирди. Улар бир неча дақиқа ўтиб кирди.

– Нега қора қурт чаққан одамдек бўкиряпсан? Нима истайсан? – боламнинг тепасига келиб сўради улардан бири. Афтидан у тожик бўлса керак, бизнинг тилимизни бироз бузиб гапирди.

– Юк халтам ташқарида қолиб кетганди, илтимос, уни олиб кириб беринглар. Ичида нон бор эди, отамнинг қорни оч, қийналмоқда! Касал бўлиб қолиши мумкин!

Соқчи Юсуфнинг сўзларига қулоқ солмади. Иккинчиси эса мен ётган қафаснинг эшигини очиб, "чиқ" деб амр қилди. Бел ва оёқларим қотиб қолганди, жуда қийналдим. Бир амаллаб гавдамни тутдим.

– Юр! – буюрди эшикни очган кимса.

Оёқларим вужудум амрига итоат этмасди. Қўлларим билан болдиримни уқаладим. Ўғлим кузатиб турган экан:

– Тузукмисиз, ота? – деб қичқирди.

Мен бошимни қайириб, панжарага ёпишиб олган ўғлимга юзландим. Унинг кўзлари қўрқувдан олайиб кетганди.

– Ташвишланма, ҳеч нарса бўлгани йўқ, оёқларим увишиб қолибди. Ҳозир ўтиб кетади, – дедим.

Гапимни тугатишга улгурмадим. Соқчи кўйлагимнинг ёқасидан чангаллаб ўрнимдан турғазди.

– Руҳ-руҳ амамий! (Олдимга туш, арабча) – деди ўзининг тилида.

Улар мени ташқарига судрашди. Юсуфқўллари билан панжарани муштлаб:

– Отамни қаерга олиб кетяпсизлар. Ота... ота!! – деб қичқирди.

– Ўғлим, хавотир олма, мен сени ташлаб ҳеч қаёққа кетмайман. Ўлсам ўламанки, сени қафасдан чиқараман!

* * *

Соқчилар мени ташқарига судрашди. Ортимдан ҳамон панжарани муштлаётган боламнинг овози қувиб келарди.

– Отажон, қўлингизга қурол олманг! Бу энг оғир гуноҳ, Аллоҳ кечирмайди! Ватанга, элнинг олдига қонли қўл билан қайтишингизни истамайман! Эшитдингизми, ота! Қўлингизга қурол ола кўрманг. Бу энг оғир гуноҳ!!

– Сен ҳам ўзингни эҳтиёт қил, ўғлим!

– Ота, қайтиб келасиз, а?

– Албатта қайтиб келаман, ўғлим. Сени ташлаб ҳеч қаерга кетмайман! Унгача сени улуғ Аллоҳга омонат қолдираман, болам.

Ўғлим яна нимадир деди, эшитмай қолдим. Фақат қулоғимга кирган "Қўлингизга қурол ола қўрманг", деган сўз бўлди. Унинг илтижоси қулоқларим остидан кетмасди.

Ташқарига чиқишим биланоқ ўрта ёшлардаги одам оқсоқланиб ёнимга келиб, боши билан ортимдан юр, деб имо қилди. Мен унга эргашдим. Ўзим ётган бинонинг орқа томонига олиб ўтди. У ерда бешта мурда тошдек қотиб, чўзилиб ётарди. Барчалари қип-қизил қонга беланган. Ер ҳам қизил рангда. Булар тунда олиб келинган ярадорлар эди. Кўп қон йўқотишдан ҳалок бўлишганди. Қон-қушга беланган юзларини чивин ва пашшалар таларди. Биз турган жойдан нарироқда икки киши ер қазирди. Улардан бири менинг шеригим эди. Бегона одам мурдаларни янги қазилган қабрга олиб боришимни тушунтирди. Лекин қабрлар ҳали тайёр эмасди. Қўлимга белкурак олиб уларга ёрдамлашдим. Қабр қазиш осон иш эмасди. Ер тошдек қаттиқ эди. Қўлимиздаги белкуракларнинг учи қайирилиб кетарди. Одамнинг тиззаси баробар чуқурлик кавланганда тепамизда турган кимса «Бўлди, бас», деб иккинчи қабрни қазишга буюрарди. Мурдаларни кафансиз, кийимлари билан чуқур ичига ташладик. Чалқанча ётган мурданинг қўлидан ушлаб, юзини ўзимга қаратганимда қўрқиб кетдим. Унинг икки кўзини ўйиб олишганди. Иккинчисини эса чавақлаб ташлашганди. Яна бир мурданинг қўлидан ушлаганимда уни суғириб олгандек бўлдим. Снаряд қўлини тирсагидан узиб ташлаган экан. Ўлганлар орасида шеригимдан бири ҳам бор эди. У ҳали ўттиз ёшга тўлмаган йигит эди. Муйлов қўйганди. Бу унинг буғдой ранг, юмалоқ юзига ярашиб турарди. Шу муйлови-

дан таниб қолдим. Бир неча ўқлар унинг кўксини титиб ташлаганди. У қабрга зурға сиғди. Марҳумлар учун жаноза ўқилмади, устларига тупроқ тортиб юборилди. Бу ерда кичик-кичик дўнгликлар анчагина, уларнинг тупроғи қотмаганди. Айрим қабрлар чўккан, итми бўрими кавлаб ташлаган, икки мурданинг қорайиб қолган оёғи чиқиб қолганди.

Мурдаларни жойларига қўйиб бўлганимиздан кейин оқсоқодам бизларни анча нарида турган машина томон бошлаб кетди. Белкуракларимиз ҳам қўлимизда эди. Машинанинг тепа қисми очиқэди. Ичи чанг, чанг ости эса қон. Афтидан шу машинада ярадорларни ташишган бўлса керак. Нохуш ҳид димоқни ёрай дерди. Машина бизни номаълум томонга олиб кетди. Мен болам ётган бинодан кўзимни узолмай, юрагим ғаш бўлиб борардим.

МУАЛЛИФДАН

Бундан бир неча ойлар муқаддам чегарани бузиб ўтган бир тўда кимсаларнинг кўпчилиги аёллар ва болаларни ташкил этарди. Хатто аёлларнинг қўлида эмизикли гўдаклари ҳам бор эди. Чегара бузувчилар бир неча кун машаққатли йўл азобини тортиб, шаҳарга яқин бўлган жангарилар лагерига келиб жойлашишди. Бу ерда юзга яқин кичик чодирлар тикилган бўлиб, уларнинг ҳар бирида битта оила ва шу оиланинг яқинлари яшарди. Ёлланган кимсалар тиконли сим тўрлар билан ўралган қўрғон ичига киришганда узларини ташқи оламдан узилишганини ҳис этишди. Бу ерга кириш мумкин, бироқ чиқиш манъ этилганди. Симли дарвоза олдида қуролланган ва қўлларидан резина таёқ тушмайдиган аёллар кеча-ю кундуз соқчилик қилишарди. Кўпчилик орқага қайтишни талаб қилди, бироқ уларнинг арзларига қулоқ соладиган одам бўлмади.

Аёллар орасида Ҳалима исмли ўттиз ёшлардаги жувон ҳам бор эди. У эрининг қистови орқали уч боласини эргаштириб келганди. Болалари ёш эди каттаси қиз бўлиб, унинг ёши тўққизда, ўртанча ўғли олти, кичиги эса ҳали тўрт ёшга ҳам тўлмаганди. Улар лагерда икки кунгина бирга яшашди. Лекин бу икки кунни ўтказиш она-болаларга ўта зерикарли туюлди. Учинчи куни эри «Биз жиҳодга кетяпмиз, қачон қайтишимизни билмаймиз» деб, бошқа шерикларига қўшилиб, қаёққадир жўнаб кетди. Ҳалима чодирда болалари билан ёлғиз қолди. Бошқа аёллар ҳам эрларини жангга кузларида ёш билан кузатиш-

ди. Лагерда фақат аёллар ва болалар қолди. Орадан уч кун ўтиб жангга кетганлар қайтди. Уларнинг ярмидан кўпи йўқ эди. Қайтмаганлар орасида Ҳалиманинг ҳам эри бор эди. Аёл уни шерикларидан дараклади. «Эринг ўлди, муқаддас жангда шаҳид кетди», дейишди уни билганлар. Нохуш хабардан аёлнинг боши айланиб, кўз ўнгини зулмат қоплади. Қандай қилиб чодирга кирганини билмади. Ерга ётиб, дод солди. Кўкрагига мушт урди.

«Энди нима қиламан? Болаларим нима қилишади? Отасининг ўлганини қандай айтаман уларга? Ким бизни паноҳига олади? Эй, Худо, мен сенга нима ёмонлик қилгандимки, мени бу ерга келтирдинг? Бошқа азобинг йўқмиди? Ўзинг йўл кўрсат, уйимга, юртимга қайтар!» Аёл бу саволларга жавоб тополмасди. Энди у уч боласи билан яшаши, тирик қолиш учун курашиши керак. Бунинг учун уларнинг қоринларини тўйдириши, кийинтириши керак. Агар, Худо кўрсатмасин, ўзига бирор гап бўлса, болаларининг тақдири не кечади? Мана шу чўли биёбонларда, ўқ овозлари келиб турган, инсонларнинг қони тўкилаётган жойларда қолиб кетадими? Наҳотки ота-боболари макон айлаган юртга қайтиб боришолмаса? Йўқ, қандай қилиб бўлмасин болаларимни Ватанимга қайтараман. Улар ўз юртларида катта бўлишлари керак!» Аёл ўртаниб, изтироб чекиб шу ҳақда ўйларди.

Болалари бўлса, онасининг дилидан кечаётган ўйлардан бехабар елкасига, қўлларига осилиб уни овутишга уринишарди.

– Ойи, йиғламанг, биз қўрқиб кетяпмиз... Йиғламанг, ойижон!

Ҳалима ҳа деганда юпанмасди. Узоқ йиғларди. Ич-ичидан бўзларди. Бу ерга келганига мингдан минг лаънатлар айтарди.

Оналари ўзига келганда:

– Ойи, қорнимиз очди, – дейишарди.

Лагерда ичимлик суви каби нон ҳам танқис эди. Сувни узоқдан ташиб келишарди. Киши бошига бир литердан тақсимланарди. Кун иссиқ, айниқса, болалар тез чанқайдиган пайт. Сувнинг томчиси ҳисобли. Нон ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Уйдан олиб келганлари тугаган. Ҳалиманинг боши қотди. Нонни кимдан сўрайди? Ҳамманинг аҳволи ўзига аён.

Ҳалима ўрнидан турди. Уйдан чиқаётганида юк халтага беш- олтита нон солиб олганди. Уларни йўлда еб тугатишганди. Битта нон қолганди, кеча шомда болаларига тақсимлаб берганди. Умид билан юк халтани қўлига олиб, болаларининг олдига қўйди. Уч фарзанди нафасларини ютгандек кўзларини халтадан олмасди. Аёл халтани дастурхон устига қоқди, ичидан ушоқлар тушди. Улар икки қошиқча эди. Ҳалима шуларни болаларига тақсимлаб берди.

– Эрталабгача сабр қилинглар, дадаларинг нон олиб келади.

Лагерь четига қизил чодир тикилганди. У бошқалардан ажраб турарди. Бу ерга келган ҳар қандай одам, соқчиларнинг назоратидан ўтиб, шу чодирга бош суқишга мажбур. Чодир эгаси, олтимиш ёшларга бориб қолган эркаксифат жувон, у лагердаги аёллар учун жавобгар. Уни ҳамма бирдек «Опа» деб чақиришади. Бу ундан қўрққанлари учунми ёки тошдан қаттиқ меҳрини қозониш учунми, буниси бизга мавҳум. Аён бўлгани барчанинг иши тушади...

Муҳими нонни шу аёл тақсимлайди. Кимга қанча нон бериш унинг измида. Истаса беради, истамаса бармоқлари орасидан бош бармоғини кўрсатиб қўяди. Бунинг учун уни тергайдиган одам йўқ. Тўрт кишига кепакдан қилинган ярим баханка нон тегади. Унинг ичи сув, мижиғласанг чакиллаб ерга томчилайди. Шу нонни аёллар навбатда туриб, кўзларига суртиб олишади.

Ҳалима ҳам емишни «Ота»нинг қўлидан олади. Чодирга кириб уни тўртга эмас, учга тақсимлайди. Бу болаларига уч маҳал овқат дегани. Лекин бу озлик қилади. Болалар бир чайнашдаёқ ютиб юборишади. Кейин кўзларини мўлтиратиб оналарига тикишади. Ҳалима уларнинг қарашларига чидамайди, ниманидир баҳона қилиб ташқарига чиқиб кетади. Ташқарида ҳам нима қиларди, кимнингдир йиғлаётганини, бошқасини калтакланаётганини кўриб юраги эзилади. Айниқса, болалар йиғисига чидаёлмайди. Улар ҳам унинг фарзандлари каби қоринлари тўймаган, оч. Ҳалима нима қилишини билмайди. Гудакларнинг ноласида юраги эзилиб, нажот излаб кўкка боқади. Дарди дунёсини Тангрига айтади: «Эй, улуғ Роббим, бизларни тезроқ юртимизга қайтар. Бу ерларда сарсон саргардон қилма. Ўлсак ўз тупроғимизни қучоқлаб жон берайлик».

Ҳалима эрининг жангда ўлганини эшитган бўлса-да, ундан умидини узмасди. Юрагида «У тирик», деган ишонч яшарди. Икки кўзи йўлга боқарди. Бу орада унга нохуш хабар келтирганлар яна қуролларини елкаларига илиб, жангга кетишди. Икки-уч кун ўтиб қайтишди Чодирдаги аёлларнинг ярмидан кўпи тул қолди. Болаларнинг кўпи етим қолди. Икки чодирнинг бирида аёл йиғиси, болалар зори

эшитиларди. Шунда Ҳалиманинг юрагидаги умид тошга тушган ойнадек синди. Тақдирга қул бўлди.

Ҳалима уйқуси қочган кечалар ўзини ўзи айбларди, кўксига мушт урарди, сочларини юларди: «Нега келдим, нима етаклаб келди мени бу ерга? Наҳот болаларим Ватансиз қолса? О, Парвардигор, кечир мени»... У қанчалар ўйламасин, қанчалар бош қотирмасин, қанчалар Аллоҳга ялиниб ёлвормасин Ватан эшиклари ёпилганди.

Онасига хорижга ишлагани кетяпман, деганда, у Худонинг зорини қилганди: «Оч қоляпсанми, ялонғоч қолдингми, устингда кийиминг йўқми, ётадиган уйинг йўқми, ишлайман десанг шу ерда ҳам иш топилади, иш тополмасанг отанг иккимиз олаётган пенция пулимизни берамиз», деганди. Ҳалима «Ойи, йўлимизга кўндаланг бўлманг, биз ҳали ёшмиз, яхши яшагимиз, бойлик орттиргимиз, мол-дунё тўплагимиз, дунё кўргимиз келади», деб онасининг сўзларини рад қилганди. Онаизор қизини аҳдидан қайтаролмаслигини, сўзлари таъсир қилмаганлигини, қолаверса, у бировнинг ҳасми эканлигини ўйлаб, «Болаларингни ташлаб кет, уларга ўзим қарайман» деганди. Ҳалима рози бўлмади. «Болаларим четни кўрсин, тилни ургансин, иложи бўлса, ўша ерда ўқитаман», деди. Она аччиқланди. Зарда қилиб эшикни қаттиқ ёпди. Ҳалима бу ерга келганда ўйлади. Ўшанда онаси уйининг эшигига қўшиб Ватан эшигини ҳам ёпган экан.

Эрининг қайтиш қилганидан кейин Ҳалима виждон азобининг қайноқ қозонида ўзини ўзи қовура бошлади. Нима қилганда ҳам эркак киши-да, чодирга бирор егулик кўтариб келарди. Топганини жужуқларининг олдига ташларди. Учала боласи та-

лашиб, тортишиб, оғизларини тўлдириб еб олишарди. Ҳар қалай болалар бугунгидек очлик азобини тортишмасди. Кечалар тушларида нон кўриб уйғонишмасди. Ҳозир бу азобга юрт соғинчи ҳам қўшилганди. Буниси очликдан баттар, вужудини кемирарди. Уч фарзанд уч томонидан «Ойи, қачон уйимизга кетамиз? Бу ерда яшашни истамаймиз, ўз уйимизни соғиндик, боғчамизни, мактабимизни соғиндик», деб ҳоли жонига қўйишмасди. Айниқса, кичиги Шокир, ғинғшигани ғинғшиган.

Ҳалима бу саҳрода, уқлар овози келиб турган юртда болаларининг келажагини кўролмасди. Уларни тезроқ, қандай йўл билан бўлмасин юртга қайтаришни ўйларди.

«Сабр қил, ўғлим, даданг тез кунда қайтиб келади, ўшанда ҳаммамиз бирга уйимизга кетамиз», деб ўзи тўқиган ёлғонлар билан жигарғўшаларини овунтирарди. «Дадам қаерга кетганлар?» саволга тутарди Шокир. «Ишлагани, пул топгани кетган», жавоб қайтарарди она. Кейин Ҳалима ўзидан ўзи уялиб кетарди, фарзандларига ёлғон гапирганидан қийналарди. Уларнинг кўзига қарай олмасди. Дадасининг жанг майдонида ҳалок бўлганини, юртларига қайтолмаслигини, боғчага, мактабга бора олмасликларини, энди Аллоҳнинг қарғиши теккан бу юртда абадий қолиб кетишларини қай тил билан айтсин. Ватан эшигини ўз қўллари билан ёпишди. Азиз ва муқаддас тупроғини ўз оёқлари билан тарк этишди. Ҳеч ким уларнинг кўкрагидан сурмади. Кўзларига ота-боболари қолдирган Ватан эмас, қандайдир бойликлар, ялтир-юлтурлар кўринди. Ўз юртларидан ўзга юртни афзал билдилар. Қасрларда яшашни орзу қилдилар. «Биз жаннатга кетаётирмиз, жан-

нат бизникидир, чироқлари ўчмайдиган, газлари повуллаб ёнадиган юртга кетаётирмиз», дедилар. Билмасдиларки, жаннатдан қувилганларини, дўзах сари бораётганларини. Билмас эдиларки, қасрларда эмас, чодирларда, кўзлари қумга тўлиб яшашларини, билмас эдиларки, чироқлар ҳам, газлар ҳам йўқлигини. Бу билан ота маконларига хиёнат қилганларини, элнинг юзига қаро суртганларини ҳам билмасдилар. «Энди бизга уйимизни, болаларимизга боғча ва мактабларини қайтариб берадиган жасоратли инсон борми?» деб орзулашарди.

Болалар эрталабдан кечга қадар чодир эшиги олдига ўтириб, дадаларининг йўлини пойлаб кун ўтказишарди. У ҳозир келиб, болаларига: «Қани, кетдик уйимизга», деб айтадигандек. Лекин дадалари кўринмасди. Болаларнинг кўзи толиқади. Ўтирган жойларида ухлаб қолишади, онаизор уларни кўтариб, ичкарига олиб кириб ётқизади. Болалар эрталаб уйғонишлари билан «Дадам келдиларми, ойи?» деб оналарини суроққа тутишади. Шўрлик она уларни овутишга сўз тополмай тилини тишлайди. Болаларини юпатиш, уй-фикрларини чалғитиш мақсадида ўзи билган ва тўқиган эртакларни айтиб берарди. Лекин... бу фойдасиз...

Бечораларни энди очлик азоби билан бирга юрт соғинчи қийнарди. Мияларидан уйга қайтиш фикри кетмасди. Тез-тез тушларида ўзлари туғилиб, вояга етган уйларини кўрадиган бўлишди. Оналари ташқарида юрганда бир-бирлари билан кўрган тушлари ҳақида гаплашишарди.

«Қани энди дадам тезроқ қайтсалар-у, бизларни уйимизга олиб кетсалар. Уйимизни жуда ҳам соғиндим».

«Мактабимизда ўртоқларим билан ўйнардим. Балки улар ҳам мени соғинишгандир, а?»

«Нима қилса ҳам уйимиз яхши эди-да. Бу ердагидек оч қолмасдик, сув тополмай қийналмасдик... Юмшоқ кўрпаларда мазза қилиб ётардик».

«Дадам қаёққа кетдийкинлар?».

«Урушга кетганлар».

«Йўқ, дадам урушга эмас, бизга нон олиб келгани кетганлар».

«Кўрмадингми, дадамни ҳам, шерикларининг ҳам қўлида милтиқ бор эди»...

Қўшни чодирдан ёшгина жувон отилиб чиқди. Унинг сочлари тўзиб, кўйлагининг ёқаси йиртилиб, сийнаси кўриниб турарди. Уч-тўрт кун бурун эри жангдан ярадор бўлиб қайтган, чодирда бир кун ётиб қазо қилганди. Улиги ҳам бир кун қолиб кетди. Қабр кавлайдиган, кўмадиган эркак топилмади. Борлари ярадорлар, улар қўлларига белкурак олиб, ер қазишга ярамасди.

У лагердаги энг ёш ва чиройли жувон эди. Йўлда келишаётганда Ҳалимага тўйлари бир ой илгари бўлганини айтиб берганди. «Опа» ярим соатча илгари мулла билан нотаниш бир барзангини эргаштириб, ўша келинчакнинг чодирига кириб кетганини Ҳалима кўрганди.

Аёлнинг ортидан «Опа» чиқди.

– Ичкарига кир дедим, сенга! Ўзингни ўзинг шарманда қилма!

– Яқинлашманг, яқинлашманг менга! Бир қадам боссангиз мана шу пичоқни кўксимга ураман! Ўзимни ўлдираман! Қонимни тўкаман. Яқинлаша кўрманг! – дод соларди қўлидаги пичоқни бошн узра кўтариб олган келинчак.

– Қўлингдаги пичоқни ташла, иймонинг қочади, – юпатмоқчи бўларди «Опа».

– Менга ҳаётнинг қизиғи қолмади. Уйимни ташлаб келдим, ота-онамнинг юзини қаро ерга тенг қилиб келдим. Эрим ўлганига ҳали уч кун бўлмади. Қабрига тортилган тупроқ совумасдан мени маҳлуқ сифат бир одамхўрга хотин қилиб бермоқчимисиз? Уни қучоқлагандан кўра, қаро ерни қучоқлаб ётганим яхши!

Ҳалима болаларим қўрқмасин деб уларни ичкарига олиб кириб кетди. Жувоннинг овози ичкарида ҳам эшитилиб турарди.

– Эй Худо, Ватанини, ота-онасини ташлаб келган, элининг юзини ерга қаратган оқпадар бир бандангни бу ёруғ оламда яшашга ҳақи йўқ. Унинг жонини ол! Ҳозироқ ол, эй Худойим!

«Опа» унга нимадир деди. Кейин мулла билан барзанги жувоннинг орқа томонидан келиб, қўлини қайириб, пичоғини олиб, ўзини кўтариб чодир ичига олиб кириб кетишди.

Эрталаб уйғонган Ҳалима чодир ортида қонга беланиб, чўзилиб ётган жувонни кўрди...

Ўша кеча Шокир иситмалаб чиқди. Юраги қизиб, жони ўртаниб алаҳсирарди:

«Дадажон, қаердасиз? Нега бизни ташлаб кетдингиз? Тезроқ қайта қолинг, биз сизни кутаётирмиз. Ойим айтдилар, келишингиз билан уйимизга қайтарканмиз». Ҳалима тиззалаб ўтирди ва кафтини боласининг пешонасига босди. Бирдан чўғни чангаллаб олгандек бўлди.

– Вой, шўрим қурсин, иссиғинг баланд-ку, ўғлим.

Бола тепасида ўтирган онасини пайқамасди. Гапларини эшитмасди. Кўзларини юмиб олганди. Ҳамон дадасини чақирарди.

– Дадажон, тезроқ кела қолинг, биз сизни кутаётирмиз. Бизларни уйимизга олиб кетинг.

Ҳалима рўмолини шўр сувга намлаб, боласининг пешонасига босди. Бироз ўтиб, Шокирнинг иситмаси тушгандек бўлди.

– Ойи, дадам келдиларми? – сўради Шокир тепасида ҳамон тиззасининг кўзини ерга тираб, юрагини ҳовучлаб ўтирган ойисидан.

– Даданг йўлда, ўғлим, ҳа демай келиб қолади.

– Пардани кўтариб қўйинг, ойи. Ташқари кўриниб турсин. Дадамнинг келаётганини кўрай...

Ҳалима эшик вазифасини ўтовчи қалин матони кўтариб қўйди. Ташқарида қўлига қурол ушлаган одамлар кўринди. Улар қаёққадир чопишар, ҳаракатлари ташвишли кўринарди. Бола улар орасидан дадасини излади. Бироқ у кўринмади.

– Ойи, пардани тушириб қўйинг, қўрқиб кетяпман.

Ҳалима пардани туширди.

– Ойи, қорним очди ...

Уйда бир тишлам нон қолмаганди. Нима қилиш керак? Таниш билишлардан сўраш фойдасиз. Улар ҳам кунини зўрға ўтказишмоқда. Жон бер десанг иккиланмай беради, аммо нон сўрасанг кўзларига ёш олишади.

Бугун болалар оч қолишди. Шокирнинг акаси ва опаси ҳам ҳолдан тоя бошлаганди. Кўзлари тинар, бошлари айланарди. Қулоқлари ҳеч нарсани эшитмасди. Йиқилиб тушишдан қўрқиб, ерга ўтириб олишганди. Тунда кутилмаган воқеа бўлди. Кучли шамол туриб, бўридек ув солиб, олислардан қумларни учириб келди. Чодирни йиртиб юборганди. Шу ердан қум зарралари ичкарига кирарди. Ҳалима болаларини эски адеялга ўраб, қучоқлаб олди. Шун-

дай бўлса-да, оғиз бурунлари, кўзлари қумга тўлди. Она уларнинг юзларини ўтириб қолган қумлардан тозалади.

Шамол эрталаб тинди. Ичкаридаги буюмлар атрофда сочилиб ётарди. Устини қум босганди. Ҳалима қумларни суриб ташлади. Болалар ҳамон адеялга ўралиб ётишарди. Нафас олаётганларини ҳам билиб бўлмасди. Мурдадек чўзилиб ётишарди. Ҳалима қўрқиб кетди. "Ўлиб қолишса-я, унда мен нима қиламан?" деб ўйлади.

У «Опа»нинг олдига боришга қарор қилди. Рўмолини ўраб, ташқарига чиқди. Қизил чодирга йўл солди.

– Болаларим оч, биттаси касал. Бир тишлам бўлса-да, нон беринг.

«Опа» рўпарасида совуқда қолгандек дилдираб турган аёлга тикилди.

– Эринг ўлдими?

– Урушдан қайтмади.

– Тирик бўлганида қайтарди.

– Умид қиляпман, назаримда у тирик....

– Сенга қийин бўлибди, эринг ўлган бўлса, болаларингни ким боқади, ҳаммаси очдан шишиб ўлади, шўринг қурсин... Етимчаларинг учтамиди?

– Ҳа...

– Оч қолишдими?

– Кечадан бери туз татишгани йўқ.

– Уйингдан чиқаётганингда нон олволмаганмидинг?

– Олганимизни еб тугатдик

– Очофатлар.... Майли, сенга яхшилик қиламан.

– Худо ҳайрингизни берсин!

«Опа» сирли жилмайди.

– Бу ерда эри ўлган аёлларнинг ёлғиз яшаши мумкин эмас, шариатга тўғри келмайди. Бизда фақат эри борларгагина нон берилади. Чунки улар кофирларга қарши жанг қилишади. Аёллар эса текин овқатни еб ётишдан бошқа нимага ҳам ярарди.

– Нима иш буюрсангиз бажараман, «Опа», – аёлнинг мақсадини тушунмай пошқалоқлик билан унинг сўзини бўлди Ҳалима.

Опа унга ер остидан кўзларининг пахтасини чиқариб, ўқрайиб қаради. Кўзлари силовсиннинг кўларидек совуқ эди. Худди тутун қамалган шишага ўхшарди.

– Сенбоп бир одам бор, ушанга никоҳлатиб қўяман. Миллати бошқа бўлса ҳам болаларингга оталик қилади. Унинг ҳимоясида яшайсан. Урушга кетса, улушини оласан.

Ҳалима чучиб тушди. У биларди, урушга ярайдиган эркаги бор оилаларга қўшимча ярим баханка нон бериларди.

– Мен ҳузурингизга эрсираб эмас, болаларимга нон сураб келдим, – деди зардали овозда.

– Бошқа иложинг йўқ, болаларингни тирик қолишини истасанг, мен айтган одам билан яшайсан! Бўлмаса, болаларингга қўшиб сени ҳам сотиб юбораман!

Ҳалима шахт билан орқага қайрилиб, чодирдан чиқиб кетди. «Опа» индамади, лекин «Қаерга ҳам борардинг, қайтиб келасанда», деган сўз кўнглидан ўтди. Ҳалиманинг кўз олдига одамфурушлар келди. Лагерда эри ўлган, бева қолган чиройли аёллар «Опа» айтган одамга турмушга чиқишдан бош тортса, бу ерга хафтада келиб турадиган хилма хил пулдорларга сотиб юбориларди. Беш кун бурин шундай

булганди. «Опа» худди ўрта асрдагидек кийинтириб қўйилган тўртта аёлни уларнинг олдига олиб чиққан.

– Ҳамманг бошингдаги хижобингни тушир, юзингни кўрсат! – деб амр қилди.

Бир қатор турган аёллар қалтироққуллари билан юзларини яширган хижобларини тушуришди. Харидорлар уларга яқин келиб ҳар бирининг кўзига термулди. Кўкракларини, буйинларини, қўлларини, билакларини, оёқларини ушлаб кўришди. Кейин оғизларини йириб, тишларини санашди.

– Нечта туққансан? – сўради харидорлардан бири.

– Битта, – жавоб қилди аёл.

– Ёлғон гапирма! Чиройли кўзларингни ўйиб оламан!

Харидорлар ўзларига ёққан аёлларни танлаб олишди. «Опа» билан узоқ тортишишди. Пулни санаб беришди.

– Энди булар сизларники, олиб кетишларинг мумкин, – деди бир даста пулларни ҳамёнига жойларкан.

Шунда бояги аёл:

– Ҳой, менга қўшиб боламни ҳам сотиб олинг, – деб ялинди харидорга. – Уни ўзим билан олиб кетаман!

– Дардисарга тоқатим йўқ, – деди пулдор.

Аёл йиғлаб юборди.

– Йиғлама, хароми! – пулдор уни жиркиб ташлади.

Хизматкорлар аёлни елкасидан турткилаб, харидорнинг машинаси томон суриб бордилар. Шунда бола қаердандир пайдо бўлди. У саккиз ёшларда эди. Онаси ўтирган машинанинг ғилдираклари остига ўзини ташлади. Бошини темирга уриб олди.

Юзи қоп-қора қонга буялди. Сочлари орасидан тизиллаб қон оқа бошлади.

– Мени ташлаб кетманг, ойижон! Сизсиз мен бу ерда нима қиламан! Ким менга қарайди, ойижон? Илтимос, мени ташлаб кетманг! – қичқириб йиғлади бола.

Она ўзини машинадан ташламоқчи эди, хизматкорлар унинг елкасидан босиб қолишди. Машина жилди. Бола ўрнидан туриб унинг ортидан чопди. Чанг ичида кўринмай қолди. Чанг ёйилиб кетгач кўринди. У тупроқ йўлнинг ўртасига ўтириб йиғларди. Машина олислаб борарди. Соқчилар болани тутиб, «Опа»нинг олдига келтиришди.

– Қаёққа кетмоқчисан? Шошилмасанг ҳам сени олиб кетгани келишади, – деди «Опа». – Онанг кўрмаган жойларни кўрасан. Европага бораса, ўшанда менга раҳмат айтасан...

Болалар эшик олдида ўтиришарди. Шокир эса ҳамон ичкарида, тўшакда ётарди. Ҳалима икки қўли бўм-бўш қайтарди.

– Ойи, нон олиб келдингизми? – сўради қизи. У ҳаддан ташқари очиққан эди. Шу тобда олдига «Бу овқат», деб тупроқни қўйсанг, сира иккиланмай ейишга тайёр эди. Ҳалима қизининг кўзига қарай олмади. Ўпкаси шишиб йиғлаб юборди.

Шу куни болалар туз татишмади. Очлик уларни баттар ҳолдан тойдирди. «Опа»нинг сўзлари туни билан Ҳалиманинг қулоғидан кетмади. « С е н б о п бир одам бор, ўшанга никоҳлатиб қўяман. Миллати бошқа бўлса ҳам болаларингга оталик қилади».

Тонгга яқин Шокирнинг иситмаси кўтарилди. Бола тез-тез алаҳсирар, гоҳ дадасини, гоҳ онасини чақирарди. «Дадажон, тезроқ кела қолинг, бизни

қишлоғимизга олиб кетинг... Ойижон, қанисиз, сув беринг менга, сув ичгим келяпти, ичим қизиб кетмоқда, ойижон. Сув беринг... сув... Қаранг, дадам келяптилар, қучоқларини нонга тўлдириб келяптилар. Менинг нон егим йўқ, ичим ёнмоқда. Сув беринг, муздек сув... ҳовлимиздан оқиб ўтадиган ариқнинг сувидан ичгим келяпти... Ойижон, қанисиз?».

Ёнидаги болалари ҳам уйғонишганди. Очликдан ҳолдан тойиб тўшакдан туролмай ётишарди. Ҳалима қўрқиб кетди. Тезда уларнинг қорнини тўйдирмаса...

Хаёлига келган фикр вужудини жунжиқтириб юборди. «Йўқ... йўқ, мен ҳозироқ болаларимнинг қорнини тўйдираман».

У ўрнидан турди, нима қилишини, кимдан нон сўрашни билмай туриб қолди. Шунда орқа томонида кимдир тургандек туюлди.

«Бошқа иложинг йўқ, болаларингни тирик қолишини истасанг, мен айтган одамнинг никоҳига киришга мажбурсан!»

Шарпа Ҳалимани қизил чодир томон етаклади.

– Келишингни билардим.

«Опа» бошқа гапирмади. Тушунарли эди. Бошқа гапга ҳожат қолмаганди. У Ҳалиманинг қўлига икки баханка нон тутқазди. Нонни қўлига олиши бу кечаги таклифини қабул қилганини билдирарди.

– Болаларингга хушёр бўл, нон келди, деб ҳаммасини еб битиришмасин. Бошқа нон бермайман!

Унинг сўзлари Ҳалиманинг қулоғига заҳардан аччиқ эшитилди. Аёл орқага қайтди. Йўлда боши айланди. Ҳамма нарса остин-устун бўлиб кетгандек эди гўё. Кўзларига туғилиб ўсган қишлоғи, ота-онаси, сингиллари, кейин елкасига қурол осиб жангга

кетган эри кўринди... Жанг майдони, ўқлар овози... Одамларнинг қичқириқлари... Ҳозир у ўзини лагерда эмас, жанг майдонида юргандек ҳис этарди. «Эрим ўлмаган бўлса-чи? Эрта ё индин кириб келса-чи?»

Қўрқувдан юраги гурсилларди, икки кўзи қонли ёш тўкарди. Худди олов ичидан чиқиб келаётгандек вужуди қизирди. У йиқилиб тушмаслик учун ўзини қўлга олди. «Аллоҳим, ўзинг қувват бер. Болаларимнинг олдига етиб олай, қўлимдаги шу нонни уларга берай. Кейин... кейин хушдан кетсам ҳам, йиқилиб тушсам ҳам майли. Ҳозир менинг оёқларимга қувват, кўзларимга нур ато эт... Ё Роббий».

У бир аҳволда чодирга кириб борди. Болалар ўринларидан туришди.

– Ойим келдилар, бизга нон олиб келдилар, икки баханка, – болалар қувончларини ичларига сиғдиролмай заиф овозда бир-бирларига қараб шундай дейишди. Нонни кўрганларида очликни унутгандек бўлишди. Шокир ҳамон тушакда ётарди. Иситмаси гоҳ тушар, гоҳ кўтариларди. Онасини кўриб у ҳам бошини ёстиқдан узди.

– Ойи, нонни дадам бериб юбордиларми?

Ҳалима «Болаларимнинг қорни тўйсин, бир кун бўлса ҳам очликни унутишсин», деб нонни болаларининг олдига қўйди.

– Енглар, болаларим, ош бўлсин!

Шокирнинг бўм-бўш ошқозонига овқат киргач анча енгил тортиб қолди. Дард чеккингандек эди. Ҳалиманинг кўнгли бироз ором топди. Ҳатто «Опа»-нинг кечки пайт «Меҳмон» бошлаб келишини унутди. Вақт тез ўтди. Яқинда чиққан қуёш ётоғига бош қўйишга шошиларди. Қоронғулик тушган сайин

Ҳалиманинг кунглига ғашлик соя ташларди. Истамаса ҳам кўзи қизил чодир томон кетаверди. Ниҳоят, «Опа» кўринди У эгнидаги узун, этаклари кенг кўйлагини қилпиратиб икки нотаниш кимсанинг ўртасида чодир томон келарди. Муллани таниди, унинг ёнидаги қоп-қора эркакни танимади. Кўриниши қўрқинчли, қарашлари хунук эди. Сочи аёлларникидек елкасига тушиб турарди.

– Ичкарига жой қил! – амр қилди «Опа».

Ичкарига киришди. Палос устига утиришди. Болалар ҳайрон, чодирнинг бурчагида буридан қочган қуёндек нотаниш одамларга хўмрайиб қараб утиришарди.

– Уқинг! – «Опа» муллага юзланди. Мулла нимадир деди, Ҳалима англаёлмади. Кейин никоҳ ўқий бошлади. Розимисан, йўқми деб сўраб утирмади, юзига фотиҳа тортди. «Опа» билан мулла чиқиб кетди. Барзанги ичкарида ёлғиз қолди. У паст бўйли эди, бақувват эканлиги қорайган темирдек билакларидан кўриниб турарди. Юмалоқ калласи, оч-кулранг кўзлари, қуёшда учиб кетган сочлари болаларда ёмон таассурот қолдирганди. Улар ҳамон бурчакда писиб утиришарди. Қоронғуда уч жуфт кўзлар ялтирарди.

– Хафа қилмагин, ўзингга қийин бўлади! – «Опа» кетишдан аввал Ҳалимага шу гапни айтди. Унинг оғзидаги қулф ҳали ҳам очилмаганди. Мияси бумбуш. «Энди нима бўлади. Наҳотки тақдири шу барзангининг измида бўлса. Болалари... йўқ... йўқ».

Аёл ҳозир ичкарига кирса ва барзанги билан юзма-юз қолса, кейин нима бўлишини ўйлаб юраги қалтиради. Худди йўлбарс яшаётган қафас ичига тушадигандек қўрқарди. Лекин ичкарида болалари

бор. Қайсидир куни эри урушда ўлган бева аёлни бегона бир эркакка никоҳлаб беришганди. Боласи онасини унга яқинлаштирмади. Шунда ўша эркакнинг аччиғи чиқиб, болани қўлидан ушлаб, ташқарига олиб чиқиб улоқтириб юборганини, бола бечора ойижон, деб ерга шалоплаб тушганини ўз кўзи билан кўрганди. Ўша манзара ҳозир Ҳалиманинг хаёлида қайта жонланди. Юрак ютиб ичкарига кириб борди. Болалари чопқиллаб келиб, онасининг этагидан ушлаб олишди. Барзанги ёнбошлаганча ўтирарди. Унинг икки кўзи саккиз ёшлардаги қизда эди.

– Озода, тур ўрнингдан! – Ҳалима қизини ташқарига бошлади. Лекин нега бундай қилганини ўзи ҳам билмади.

– Ойи, анови одамдан қўрқиб кетяпман, нега бизнинг чодиримизда қолди, айтинг, чиқиб кетсин, қўрқиб кетяпман!

Ҳалима қизини бағрига босди.

– Қўрқма, қизим, мен ёнингдаман, – аёл шундай деди-ю, овозини ютиб, ҳиқиллаб йиғлаб юборди...

Барзанги эрталаб чодирдан чиқиб кетди. Икки кун йўқ бўлиб кетди. Ҳалима бундан ҳурсанд эди. «Илоҳим қайтиб келмасин, ўққа учиб тўнғиздек ўлиб кетсин», деб қарғади. Ора-сира болалари «Анови барзанги энди уйимизга қайтиб келмайди, а, ойи?» дейишарди. Ўғли эса «Келса киритмаймиз», деб синглисига тасалли берарди. Лекин у қайтиб келди.

Куппа-кундузи чодирга худди отасининг қотилини излаб юргандек кириб келди. Елкасида милтиқ. Белида ўқдонлар, ханжар, яна нималардир. Унинг қаттиқ ғазабланган кўзидан билиниб турарди. Бо-

лалар унинг важоҳатини кўриб, қўрқиб кетишди ва оналарининг орқа томонига яшириниб олишди.

– Ҳамёнимда ўн доллар бор эди, йўқ. Уни сен олгансан! Пулни қаерга яширдинг?! – даб-дурусдан сўроққа тута бошлади барзанги.

Ҳалима нима дейишини билмай турган жойида кесакдек қотиб қолди. Барзанги унга яқин борди.

– Нега эсинг оғиб қолди? Мени билмайди, деб ўйлаганмидинг? Қани, пулни бер!

– Қанақа пулни гапиряпсиз? – зўрға тилга кирди аёл.

– Ўзингни гўлликка солма, қайтармасанг, бошингни ёриб ташлайман! – Барзанги елкасидаги милтиқни қўлига олди. Болалар қаттиқ қўрққанларидан йиғлаб юборишди.

– Амаки, амаки, онамга тегманг!..

– Дадам келсалар айтиб бераман!

Барзанги Ҳалиманинг жим туришидан «Пулни шу олган, тили калимага келмай қолди», деб хаёл қилди. Ҳақиқатан ҳам аёлнинг жим туриши унинг шубҳасини орттирганди.

– Пулни қайтар, дедим сенга! – У кутилмаганда милтиқнинг қундоғи билан Ҳалиманинг бошига солди. Зарба кучли эди. Аёл йиқиллиб тушди. Ёрилган миясидан вашиллаб қон оқди. Ер қизил ранга бўялди. Болалар онасининг олдига ўтириб йиғлай бошлашди. Унга қандай ёрдам кўрсатишни билишмасди. Барзанги қилар ишни қилиб, чодирдан чиқиб кетди...

МЎМИННИНГ ҲИКОЯСИ

Машинамиз қизил чодир олдида тўхтади. Бизни олиб келган жангари соқчиларга нимадир деди. У қўли билан олисдаги чодирни кўрсатди. Биз машинадан тушиб, белкуракларимизни қўлга олиб соқчи кўрсатган томон яёв кетдик. Ҳамма ёқ ивирсиганди. Чодирларнинг кўпи қийшайиб қолганди, айримлари йиртилиб кетганди. Бу шамол ва буронлар қолдирган из эди. Чодирлар атрофида болалар тўп-тўп бўлиб ўтиришарди. Бизларни ҳавотир тўла кўзлари билан кузатишарди. Яқинлашганимизда саросимага тушиб қолишди. Аёллар болаларини олиб ичкарига кириб кетишди.

– Нега бундай қилишмоқда? – сурадим шеригимдан.

У овозини пастлатиб қулоғимга шивирлади:

– Бу ерга анови одам тез-тез келиб, болалар орасидан соғломларини танлаб олиб кетади. Оналари эса уларни бермайман, деб дод солишади. Лекин булар фойдасиз.

– Болаларни қаерга олиб кетишади? Наҳот уларнинг қўлига қурол бериб, жангга жунатишса?

– Йўқ, сотишади. Катта пулга сотишади, қурол-яроқларга айирбош қилишади.

Шеригимнинг сўзлари мени ҳайратга солди.

– Гапингизга тушунмаяпман?

– Нимасига тушунмайсиз? Болаларни олиб кетгани ҳар ойда лагерга хорижлик харидорлар келишади. Уларни Европа ва Америкага жўнатиб, ички аъзоларини олиб, касал болаларга қўйишади...

Болалар бизни кўриб нега қочишаётганини энди тушундим. Лекин биз нимага келдик бу ерга? Наҳотки оналарни йиғлатиб, фарзандларини бағридан юлиб олиб кетсак, деб ичим ачиша бошлади.

Чодирга етиб келганимизда ичкаридан болаларнинг йиғиси эшитилиб қолди. Уларнинг овози юракни эзарди.

– Ойижон, кўзингизни очинг, биз қўрқиб кетяпмиз!

– Бизни ташлаб кетманг, ойижон!

– Сиз ўлиб қолсангиз биз нима қиламиз? Қаерга борамиз, бизга ким овқат беради, ойи!

– Туринг ўрнингиздан, ойижон!

Йўлбошчи ортидан ичкарига кириб бордик. Ёшгина аёл ўз қонига ҳалқоб бўлиб ерда чўзилиб ётарди. Пешонаси ёрилган, юзи аралаш кўзларида қон қотиб қолганди. Бу унинг ўз ажали билан ўлмаганлигини билдирарди. Болалар онасининг қўлларини ва юзини силаб йиғлашарди. Бизни кўриб баттар қўрқиб кетишди.

– Ойимга тегманглар, улар ухлаяптилар!

Назаримда аёлнинг ўлганига бир кун бўлганди. Болалар бир кундан бери унинг тепасида ўтиришганди. Йўлбошловчи бизни нимага бу ерга олиб келганини шунда тушундим. Унинг ишораси билан жасадни кўтариб, ташқарига олиб чиқдик. У қотиб қолганди. Ёш боладек енгил эди.

Ортимиздан болалар эргашди, йўлимизни тўсишди.

– Онамизни ташлаб кетинглар, қаёққа олиб кетяпсизлар уни?

– Оналарингни кўмишимиз керак, – дедим болаларга қараб.

– Уни уйимизга олиб кетамиз, узимизнинг қабристонимизга дафн этамиз. Бу ерга куммаймиз. Дадам келсалар онамни олиб кетамиз!

Йулбошчи болаларни қувмоқчи булар, лекин улар унинг дук-пупасаларидан қуркишмасди.

Атрофдаги чодирларнинг эшиги ортидан унлаб кузлар бизни таъқиб қиларди. Марҳум аёлнинг фарзандлари анча жойгача ортимиздан эргашиб борди. Оғизларидан «Онамизни қаёққа олиб кетяпсизлар, уни ташлаб кетинглар», деган сузлар тушмасди. Уларнинг гапларини эшитиб юрагим эзиларди. Қафасда қолиб кетган ғғлим куз олдимга келарди. У ҳозир нима қиляптийкин? Мана бу болаларга ухшаб, мендан ҳавотирланиб ўтиргандир...

Чодирлардан биридан чиққан икки аёл болаларни ушлаб, қаршиликларига қарамай уларни ичкарига олиб кириб кетди. Аммо овозлари биз қабр қазиган жойгача етиб борди.

– Қуйиб юборинг, биз онамизнинг олдига борамиз! Қуйиб юборинг!

Барзанги мурдаларни кумадиган жойга бошлаб борди. Қабристон янги эди.

– Шу ерга дафн қиласизлар, – деди у бош ерни курсатиб.

Атрофда паст-баланд дунгликлар куп эди. Булар қабрлар эди. Ер остида ажалидан бурун улганлар, юртини соғиниб ичи эзилиб жон берганлар ётарди. Биз гур қазишга киришдик.

Белкурагимиз ерга санчилмасидан аллақаердан бир аёл пайдо булди. Унинг бошида румоли йуқ, оқ оралаган сочлари ёйилиб кетганди. Буйни қилтириқдек келарди. Юзи куринмасди, аммо кузлари ялтирарди. Кийимлари ҳам бир аҳволда. Куп жойлари

йиртилган. Кўйлагининг чап енги узилиб тушганди. Қоп-қора, буришган ва териси қотиб қолган билаклари худди офтобда куйган саксовулнинг томирига ўхшарди. Очиқ сийнаси буришиб, пичоқ тилгандек тарам-тарам ажинлар билан қопланганди.

– Менинг қизимни ўлдиришди, отиб ташлашди, пешонасидан отишди. Хунук, серсоқол бир бадбуруш одамга турмушга чиқмагани учун отишди. У хунук эди-да. Худди кекса маймунга ўхшарди. Қоп-қора эди. Қизимни ўша лаънати отди. Ҳовлига олиб чиқиб «Менга хотин бўлмасанг отаман» деди. Қизим «Отсанг отавер» деди. У мана бундай қилиб отди, – аёл бир қўлини милтиққилиб, «пақ-пақ» деди, – Ўқ боламни кўксига тегди. Йиқилаётиб, «Онажон, онамжоним», деб мени чақирди. Мен келиб унинг бошини тиззамга қўйдим, сийнамга босдим. Манглайидан ўпдим. Қизим, кузингни оч, дедим. У очмади. «Онажон, мен Худонинг ҳузурига кетяпман, бокира бўлиб кетяпман», деб ўли...иб қолди. Боламни шу ерга кўмишди. Анови думбайиб турган қабр ўшаники, ёнидаги бўш жой эса меники. Бу ерга ҳеч кимни кўмдирмаяпман. Отаси анача бурун урушга кетганди, милтиқ кўтариб кетганди. Ҳалиям келмаяпти. Сизлар уни кўрмадиларингми? Курсаларинг, айтинглар, мен ўлмасимдан бурун келсин... Эсларингда бўлсин, мен ўлсам шу ерга, боламнинг ёнига кўмасизлар! Биз ёнма-ён ётамиз. Болам ўн тўрт ёшга тўлгунга қадар мен билан ётарди, қўлимни ушлаб ётарди. Биз қабрда ҳам бир-биримизнинг қўлимизни ушлаб ётамиз-да... Сизлар қаердан келдиларинг, кимни ўлдирдиларинг, кимни кўмаяпсизлар? Мени ҳам тезроқ ўлдира қолинглар. Боламнинг олдида ётгим келяпти, уни жуда соғинганман...

Аёл бошқа гапирмади. У боласининг қабри тепасига борди. Иссиқ тупроққа бағрини берди. Энди у боласи билан гаплашарди:

– Қизим, мен келдим, сени соғиниб келдим, қўлларингдан ушлаб ётай деб келдим. Сен ҳам мени соғиндингми? Онам қачон келади, деб кутиб ётибсанми? Жоним болам, анови одамларга айтаман, менга ҳам қабр қазийдилар, ўлмасам ҳам шу қабр ичига кириб ётаман. Қўлларингдан ушлаб, гаплашиб ётаман, – Аёл бизга қаради. Унинг сўзлари юрагимни илма тешик қилиб ташлаганди. Бўғзимга нимадир қадалганди, нафас ололмай қийналардим. Укириб йиғлагим келарди. Кўзларимдан тинимсиз ёшлар оқарди, аммо овозим чиқмасди.

– Хой, эшитдиларингми, қизим нима деганини эшитдиларингми? Менга ҳам қабр қавлаб берасизлар экан? Болам мени ёнига чақираяпти. Тезроқ келинг деяпти. Мени ҳам кўмиб кетинглар, хўпми?

Етакчи аёлга қараб ўшқирди.

– Бас қил! Валдираб, буларни ишдан қуйма! Бор, ишингни қил. Ўлсанг, сени болангни олдига кўмиб қўямиз. Бор энди. Буларга ҳалақит қилма!

Боласининг доғида ақлдан озган бу аёл қаерга ҳам борарди. У айланиб ургилиб қизининг қабри тепасига борди. Кўксини офтоб қизитган тупроққа босиб ётди. У билан гаплашди. Кейин тиззаларини қучоқлаб, йиғлай бошлади. Йиғи орасида нималарнидир дерди.

Ер қаттиқ эди. Анчагина ишладик. Йўлбошчи бетоқат эди, қўлидаги соатга тез-тез қараб қўяр, ора-сира биз тинимсиз ишлаётган бўлсак-да, «Тезроқ бўлинглар», деб қистарди. Қабр тизза бўйи бўлмасидан «Бўлди, бас, жасадни келтиринглар»,

деди. Биз мурдани тиззамиз баробар чуқур ичига дафн этдик. Мен мархум ҳаққига дуо қилмоқчи бўлдим. Йўлбошчи бунга изн бермади.

– Мумкин эмас!

– Нега?

– Бу аёл мусулмон эмас!

Кетдик. Ортимиздан аёл қичқириб қолди.

– Қаёққа кетяпсизлар? Мени кўмиб кетмайсизларми? Ахир қизим мени чақиряпти, мени олдига кўмиб кетинглар...

* * *

Биз лагерга қайтиб келганимизда одамлар уяси бузилган қумрсқалардек шовқин-сурон кўтариб, у ёқдан бу ёққа изғишарди. Улар жазавали ва ғазабноқ эди. Барчанинг қўлида қурол. Худди жангга жунаб кетишаётгандек. Уларнинг урушда қон кечиб, милтиқ отавериб, одам ўлдираверіб дийдаси қотгани шундоқ афтларидан билиниб турарди. Юзлари мум сурталгандек совуқ эди.

– Хўш, жангга тайёрмисан? – деб суради кўзларининг четидан ёш оқаётган кимса.

Мен бош чайқадим.

– Мени жанг майдонига олиб бормоқчимисан?

– Шунинг учун ҳам сени қафасдан чиқардик, – жилмайди у.

– Мен ҳеч қачон урушга бормайман, қўлимга қурол ҳам ушламайман!

– Ярамас, аҳмоқ, қандай қилиб бошлиғимизнинг гапини икки қилишга ҳаддинг сиғди? – ўшқирди унинг ёнида турган кимса. – Яна бехосият оғзингдан шундай сўзлар чиқса, аҳволингни танг қиламан!

– Қадрингни бил, билмасанг, кўз ёшингга қараб утирмаймиз. Этингни бир булагини кесиб, улаксахурларга едираман. Тушунарлими? – яна бир жангари кекиртагини чўзиб деди.

– Рухсат беринг, у муртаднинг бошини мажақлаб ташлай!

"Шилпиқ кўз" қўлини кўтарди. Ёнидагилар жим қотди.

– Эмаклаб бошлиқнинг олдига бор, бўлмаса, мана бу автоматдаги бор ўқни юрагингга қадайман! – бошқа жангари қуроли билан таҳдид қилди. Уларнинг важоҳатлари қўрқинчли эди, ҳеч нарсадан тап тортишмасди.

– Мен фақат Аллоҳнинг ҳузурида тиз чукаман, бандасига эгилмайман!

Бошлиқ сўзларимга эътибор бермади.

– Агар буни олиб, бизнинг сафимизга қўшилсанг, ўғлинг икковинг соғ-саломат юртинга қайтасан! – деди қўлидаги автоматга ишора қилиб.

– Болам оч, икки кундан бери туз татигани йўқ, унга нон беринглар, ҳозир қафасда қийналиб, буғилиб ўтирибди, илтимос қиламан, чиқариб юборинглар уни!

"Шилпиқ кўз" сўзларимга эътибор бермади. Елкасидан автоматни олиб узатди.

– Ушла! Бу қурол билан сен болангни қутқариб қолмай, балки ўзингни бизга бўлган садоқатингни исботлайсан!

Баданим ток ургандек жимирлади. Қулоқларим остида ўғлимнинг боя айтган сўзлари жаранглади. "Отажон, қўлингизга қурол олманг!.. Эшитдингизми, қўлингизга қурол ола кўрманг. Бу энг оғир гунох, Аллоҳ икки дунёда ҳам кечирмайди".

Бирдан ўзимга келдим. Энг жирканч нарсани чангаллаб оладигандек ортга чекиндим. "Шилпиқ кўз" устимга бостириб кела бошлади.

– Қўрқяпсанми, қурқма, ол. Бу юрагингга қувват беради, кучинга куч қўшади. Сени шон-шарафларга буркайди. Олсанг, ўғлингни ҳам қафасдан чиқарамиз. Ахир у оч, букланиб ўтирибди. Унга раҳминг келмайдими? Бечора йигит, очликдан касал булиб қолиши мумкин. Олақол! Қандай юраги тош отасан!

"Шилпиқ кўз" мени жодулаб қўйгандек амрига буйсундирди. Қўлим ихтиёрсиз автоматга чўзилганини ҳамда унинг оғир дастасидан тутганимни ўзим пайқамай қолдим. Қуролни олдиму, бутун дунёнинг юки елкамдан босгандек қаддим букилди. Ўзимни ёвузлик асирига айланганимни, кимнидир улдиришимни тасаввур қилдим ва бу фикрдан баданим жимирлаб кетди.

«Эй Яратган эгам, мен осий бандангни кечир. Қулимга қуролни олганим билан бирорта инсонга, жонзодга қарата ўқ отмайман, деб Сенга ваъда бераман».

«Шилпиқ кўз» менга мамнун боқиб турарди.

– Энди ўғлимни ҳам чиқаринглар! Уни ёнимда булишини истайман. Бизларни бир-биримиздан айирманг!

У хурсанд бўлди.

– Жуда соз, ҳозироқ унинг қўлига ҳам қурол тутқазамиз. Сен билан бирга жангга боради! Душманларимизни отади!

– Йўқ, йўқ, асло бундай қила кўрманг. У ҳали ёш, энди ўн еттига кирди. Қурол нималигини билмайди...

– Биз ўғлингга тушунтирамиз, ўргатамиз. Бизнинг сафимизда жанг қилса, қорни тўйиб овқат ейди, қа-

фасда эмас, юмшоқ тўшакда ётади. Тоҳир ҳазратлари салтанат тахтига ўтирган куниёқ сизларни ҳурмат эҳтиром билан уйларингга кузатиб қуямиз!

– Йўқ, мен уни қулига қурол олишига рози эмасман. Мен тирик эканман, болам жангга кирмайди!

– Унда сен ўғлинг учун ҳам жанг қиласан! Уни очликдан ўлмаслигини, қафасда мушук боласидек қисилиб ётишини истамасанг, биз учун жангга кирасан! – деди "шилпиқ куз"нинг ёнида турган паст бўйли, бақалоқ, кўзлари кукимтир кимса менинг олдимга келиб. Унинг овози ута ёқимсиз эди.

Мен иложсиз қолгандим. Боламни оч, тор қафас ичида қийналиб ётишини истамасдим.

– Розиман, фақат боламни ҳозироқ қафасдан чиқарасизлар.

– Майли, биз унга бир тишлам нон ва икки қултум сув киритамиз. Қайтиб келганингдан кейин у билан ўзинг тарбиявий соат ўтказасан! Ҳозир бориб, анови жангчилар сафига қўшил. Улар сенинг шерикларинг, улардан ажралсанг, уққа учасан. Боланг сенинг ўлганингни эшитса, душманларимиздан қасос олиш учун қулига қурол олишга мажбур булади. Қани, бўла қол!

– Мен боламни ташлаб кетаманми?

– Буни биз эмас, ўзинг истаяпсан-ку, шундай эмасми?

– Айтдим-ку, мен боламни қулига қурол олишини истамайман деб!

– Кўпам маҳмадоналик қилма, бугун истамаса эртага хоҳлаб қолади, қафасда ётиш жонига тегса, очликдан қийналса, биздан ёрдам сўрайди. Кеча бошлиқнинг гапини эшитдинг-ку, унга нон ҳам, сув ҳам берилмасин, деди.

Мен иложсиз жангарилар сафига қўшилдим.

– Эмне килат эленг узунгида балдарингда кийнаб, бари бир кулуга курал алат экенсин-ку? – деди нарида турган жангарилардан бири қирғизчалаб. Унинг соч соқоли шу қадар ўсиб кетганди-ки, қарими ёшми фарқлаб бўлмасди.

– Бир маротаба жангга кириб, автоматдан ўқ отсанг, қўлингдан қурол тушмайдиган бўлиб қолади, – деди бошқаси.

Атрофдагилар кулишди.

– Балки бу автоматни нима қиламан, деб ўйлаётгандирсан, а? Бу билан қаршингдан чиққан одамларни тариллатиб отасан! Улар эса қўлларини кўтариб, отманг, отманг, деб ялиниб, оёқларингга тиз чўкишади. Шунда сен уларни тиз чўктирганингдан ўзингни дунёдаги энг ботир одам эканлигингни англаб етасан. Лекин уларнинг кўз ёшларига ишонма, сўзлари каби кўз ёшлари ҳам сохта. Бундай пайтда ўқни аяма, раҳминг келса, отмасанг, пана жойда туриб сени отишади. Тушундингми? Уруш одам ўлдириш дегани!

Бошим айлангандек бўлди. Атрофимдагилар кўзимга одам қиёфасига кириб олган шайтон бўлиб кўринарди. Олтмиш йил яшаб бировдан "Инсонларни от, ўлдир" деган сўзни эшитмагандим. Буниси қандоқ бўлди? Наҳотки, дунёда "от, ўлдир", дейдиган кимсалар бўлса? Эй, Худо, мен бандангни ўзинг кечир. Қайдан ҳам қўлимга олдим бу савилни".

Автоматни "Шилпиқ кўз"нинг оёқлари остига ташламоқчи, "Мени боламнинг олдига олиб кир, ула улгунимча у билан бирга қафасда ётаман, лекин одам ўлдирмайман, қўлимга лаънати бу қуролни олмайман", демоқчи эдим, кимдир баланд овозда:

– Мени эшитинглар! – деб қичқирди. Ҳамма у томонга юзланди Мен уни танидим. Бу Тоҳир эди. У атрофда тўпланиб турган жангариларга қарата ўзининг момақалдироқдек товуши билан шиддатли хутба ирод қилди:

– Сизлар ўтган куни ҳукумат қўшинлари биздан тортиб олган қишлоқни бир ҳамла билан вайрон қилиб келасизлар. Кутилмаган жойдан туриб душманларимизга зарба берасизлар. Кўзингизга кўринган тирик жон борки, уқни аяманг. Болага ҳам, чолга ҳам раҳмингиз келмасин. Топшириқ тушунарлими?!

– Тушунарли! – қичқирди жангарилар.

– Бу ғалабага ҳисса қўшган ҳар бир одам минг долларлардан мукофотланади. Кимдаким жангда иштирок этишдан бўйин товласа, хоин сифатида осиб ўлдирилади!

Бунга жавобан оломон қичқирди:

– Биз сиз учун, сизнинг буюк салтанатингиз учун жанг қиламиз!

– Аллоҳнинг изми ила шаҳарни фатҳ этажакмиз.

– Аллоҳ сиздан рози бўлсин!

– Тахт байроғини бугун қўлга киритамиз!

Бу олқишларга жавобан Тоҳир:

– Қаршингиздан чиққан тирик жон борки, аяманг, пашшадек қиринг! Чолми, гудакми фарқи йўқ. Биз учун у душман! Бугун ўлдирмасак, эртага қўлига қурол олиб, бизга қарши ҳужумга ўтиши мумкин! – деди.

– Ўлдирамиз, қирамиз! – қичқиришди жангарилар.

Паст бўйли кимса унинг ёнига борди.

– Эй, Тоҳир жаноблари! Сиз бизга Яратгандан куч сураб беринг, қувват сураб беринг, зафар сураб бе-

ринг. Биз сиз қурадиган буюк давлат йўлида жангга кириб, керак бўлса, қонимизни тўкамиз, жонимизни берамиз, жаҳаннам оловида ёнамиз!

Тоҳир жангариларга қаради. Унинг юзида мамнунлик акс этарди. Қўлларидаги қуролни бошлари узра кўтариб, қичқираётган оломон шу топда унинг кўзига худди беҳисоб лашкарлардек кўринган бўлса ажаб эмас.

– Сизларни зафар билан қайтишларингга ишонаман! – деди у. – Қани, азаматларим, олға!

Жангарилар яшикдаги ўқларни худди олтин талашаётгандек, чангаллаб чунтакларига, қўйниларига солишарди. Ерга тушганларини териб олишарди. Нотаниш кимсалардан бири "Отмасанг ҳам ёнингда бўлсин", деб менинг ҳамёнимга ҳам бир чангал ўқни солиб қўйди. Улар баданимга тикондек ботди. Кейин бир донадан тушёнка, ярим булакдан нон улашилди. Мен буларни ўғлимга ташлаб кетмоқчи эдим, аммо "Тўпланинглар", деган буйруқ мени орқага қайтишга мажбур қилди. Бизлар тезда сафландик.

– Қани, ортимдан, муқаддас жанг учун олға! – буйруқ берди "Шилпиқ кўз". Одамларнинг оқими мени ўзлари билан оқизиб кетди.

Иложсиз қолдим...

Бир неча қадам босганимда қаршимдан бир қучоқ ўтинни орқалаб келаётган одамни кўриб қолдим.

– Худо хайрингни берсин, сендан илтимос, менинг ўғлим ичкарида, қафасда ётибди. Юк халтаси эса Тоҳирнинг эшиги олдида. Ўша халтани боламнинг олдига киритиб берсанг!

У ўқрайиб қаради-да, индамай ортига бурилиб кетди. Сўзларимни тушунмади, деб ўйладим.

Қўйнимдаги нон билан тушёнка менга тинчлик бермасди. Кўз олдимдан қафас ичида букланиб утирган оч ва ташна Юсуф кетмасди. Тухтадим, ортимга қайрилдим. Орқага қайтишга, егуликларни боламнинг олдига олиб кириб беришга қарор қилдим. Сафдан чиқишим билан икки жангари йўлимни тусди.

– Қаёққа? – уларнинг важоҳатлари хунук эди.

– Қўйиб юборинглар, қўйиб юборинглар мени! – мен уларнинг чангалидан чиқиш учун бутун ажудум билан олдинга ташландим.

– Мана шу нонни ўғлимга бериб келай!

– Узингни қаёққа кетаётганингни ўйласангчи, нодон. Боланг шу ерда, сен эса урушга кетаётирсан, у ерда ҳеч нарса беришмайди. Ўқдан эмас, очдан ўласан!

Олдимга «Шилпиқ кўз» келди. У менинг сўзларимни эшитди.

– Мен ошпазларга тайинладим, болангга овқат киритишади.

Унинг сўзига ишондим. Анча узоқлашиб қолган шерикларимга етиб олиш учун қадамимни илдамлатдим.

* * *

Бизлар ипга тизилгандек "Шилпиқ кўз"нинг ортидан кетиб борардик. Кўпчилик ёш, навқирон йигитлар эди. Улар урушга эмас, қандайдир байрамга бораётгандек хушчақчақ эдилар. Бир-бирлари билан хазил мутоиба қилиб боришарди. Ҳайронман, бу йигитларни қўлига қурол олишга, граната улоқтиришга, портлатишга, одамларни ўлдиришга

нима мажбур қилдийкин? Ким учун, нима учун қон тўкишмоқда, жон беришмоқда – буни ўзлари билишармикин?

Орқароқда мен каби ёши ўтиб қолган кексалар борардик. Баримиз хомуш ва хаёл дарёсига ғарқ бўлгандик. Мен жангга киришдан, халок бўлишдан асло қўрқмасдим. Қўрққаним бегона юртда ўлиш, жасадимнинг қолиб кетиши. Ўлим доимо ёнимизда, бошимиз узра гир айланиб юради. Шундай бўлгач у ҳақда ўйлашга не ҳожат.

Оёқларимга худди вазмин тош осилгандек зўрға қадам босардим. Кўксимдан нимадир итарар, ичимдан орқага, болангни олдига қайт, деган товуш келарди. Бироқ орқага қайтолмасдим. Қайтадиган бўлсам, "Шилпиқ кўз" бошимни дорга илиши муқаррар эди. Юсуфни темир қафасдан чиқариш учун бу кимсаларга қўшилиб, жангга киришга мажбур эдим. Боламни азоб тортиб, қафасда букилиб, бўғилиб ўтиришини истамасдим.

"Шилпиқ кўз"нинг ортидан қул каби эргашиб, оёқларимиз билан ернинг чангини қоқиб, кун ботиш томон кетиб борардик. Мен ўзимни кучли оқим таъсирига тушиб қолгандек ҳис этардим. Бу оқим ўзининг шиддатли тўлқинлари устида мени олиб кетаётгандек эди. Хаёлимда эса қафас ичида қолган Юсуф. Қўйнимдаги тушёнка билан нон баданимни қиздирарди, чўнтакларимдаги ўқлар бир-бирига урилиб, устимдан кулаётгандек қўнғироқ мисоли жиринглади. Қўйнимдаги овқатни ўғлимга киритиб беролмаганимдан пушаймон эдим. Босаётган қадамим мени тобора фарзандимдан йироқлаштирарди. Бояги ўтинчи юк халтани боламга олиб кириб бердимикин? Агар шундай қилган бўлса, Юсуф

оч қолмайди. Пупанак босиб, қотиб қолган нонни тишлари орасида ғажиб утиради, очликни унутади. Ишқилиб қўлимга қурол олиб, жангга кетаётганимни куриб қолмадимикин? Эртага (мен бунга ишонардим) қайтиб келсам, "Отажон, мен сизга нима дегандим? Нега ўша лаънати қуролни олдингиз?" деб сураса, жавоб қайтаришга сўз топа олармикинман. Оҳ, буни ундан беркитиб бўлармиди? Ахир мен қуролни олганим билан отиш ниятим йўқ-ку. Эй, бори Худоё, нималар қилиб қўйдим, а? Узинг кечир, тавбамни қабул айла!

* * *

Жангарилар этиклари билан ерни гумбирлатиб босиб борардилар, бу овоз узоқдан ҳам эшитиларди. Тепаликка чиққанимда мен тўхтадим ва ортимга, ўғлим ётган бинога қарадим. Лагерь бу ердан кичкинагина бўлиб куринарди. Оёқларимиз остидан кўтарилаётган қуюқ чанг уни кўздан яширарди. Назаримда ўғлим қайсидир тешикдан менга боқиб тургандек туюларди. "Жангдан қайтаманми, йўқми", деган ўй илк бор кўнглимни вайрон қилиб ташлади. Кўзларимдан сизиб чиққан қайноқ ёшлар юзимни ювиб тушарди. "Хайр, ўғлим, хайр қуёшим. Мен, албатта Аллоҳнинг изми ила олдингга қайтиб келаман. Ҳа, албатта қайтиб келаман. Ўшанда "Нега қўлингизга қурол олдингиз?" деб сурама. Бунга мажбур бўлдим, ҳа, сени ўша темир қафас ичида буғилиб ўтиришингни кўришга сабрим ҳам,тоқатим ҳам етмади. Сени қутқариш учун, эркин нафас олишинг учун лаънати бу қуролни қўлимга олишга мажбур бўлдим. Қайтиб келганимдан кейин сенинг

кўз олдингда бу автоматни Тоҳирнинг юзига қараб улоқтираман. "Ўлдирсанг ўлдир, жоним керак бўлса ол, лекин қайтиб инсонларга қирон келтирувчи бу матоҳингни ушламайман", деб айтаман. Ҳа, шундай деб айтаман. Кейин биз, албатта, бирга уйимизга қайтамиз. Бизни кутаётган онангни, сингилларингни бағрига қайтамиз, бутам".

Шерикларим анча илгарилаб кетишганди. Мен келганимдан бери бу одамларнинг бирортасини намоз ўқиганини, Аллоҳ, Аллоҳ, деганини эшитмадим. Одам сифат бу шайтонларга ачиниш билан қарардим. Елкамдаги автомат зил-замбилдек вазминлашиб, қаддимни букиб, мени орқага тортаётгандек бўларди. Кунжимдаги ўқлар ҳамон шиқилларди, баъзида ерга тўкиларди. Бу мен учун аҳамиятсиз эди. Жангга кириб, ўқ отмаганимдан кейин уларнинг нима кераги бор менга. Уйим, фикрим қафасда қолган жигаримда. Унинг панжарага юзини босиб, "Отамни қаерга олиб кетяпсанлар?" – деб қичқиргани ҳали ҳамон қулоқларим тагида жаранглайди. Умр бўйи қишлоқда устачилик қилган, одамларнинг уйини қуриб берган мендек одамни қурол кўтариб, урушга киришни аянчли ҳол. Буни ўзгалар тасаввурига сиғдириши қийин, деб ўйлайман. Мен урушни кинолардагина кўрганман, ўқ овозларини ҳам киноларда эшитганман. Бир оёғини Польша тупроғига кўмиб келган, данакдек снарядни умрининг сўнгги кунларигача қуймичида сақлаб келган ва унинг азобларидан кечалари ухламай, тўлғаниб чиққан отамнинг оҳларидан биламан. Бу ерга келганимда ва отилаётган ўқ овозларини эшитганимда кинолардаги ўқ овозларини нақадар даҳшатли эканлигини ич-ичимдан ҳис этдим. Дард азобида оҳ чекиб,

тўлғаниб, тунларни уйқусиз утказган отамнинг қиёфасини кургандек бўлдим. Миямда бир-биридан қўрқинчли саволлар, ҳис-туйғулар айланарди. "Мен қандай қилиб Худонинг бандаларини отаман? Уларга жонни Аллоҳ ато этган, бу жонини фақат Унинг ўзи олишга қодир. Мени инсонларнинг қонини тўкишга ҳақим йўқ. Бундай қилолмайман. Яратган Эгам беайб бандасининг қонини тўккан кимсани асло кечирмайди"...

– Нега анқайиб, эсинг оғиб қолди, юрмайсанми тезроқ? – ортимдан келаётган жангарилардан бири милтиқнинг қундоғи билан елкамга туртди. Унинг менсимай, истеҳзо ва адоват билан ўқрайган кўзлари совуқ ялтирарди.

Ғарбдан қоп-қора булутлар галаси оқиб келарди. Булар бомбалар тушиб, вайрон бўлиб, гуруллаб ёнаётган уйлардан кўтарилаётган тутунлар эди. Улар шу қадар қалин эди-ки, қуёш юзини тўсганди.

Хонавайрон қилувчилар этиклари билан ерни гурс-гурс босиб, чангини тўзитиб қишлоқ сари кетиб боришарди. Қаршимизда даҳшатли манзаралар кўзга ташлана бошлади. Димоғларимиз порох ҳидидан ачишарди, кўзларимиз ёшланарди. Ҳар қадамда чуқурлар, ҳандақлар. Қурт-қумурсқалар этини талаётган жониворларнинг жасадлари.

Қуёш бузариб, ётоғига ёнбошлаётган паллада биз навбатдаги тепаликдан ошиб ўтдик. Бу кичкинагина қишлоқ эди. Яқинда бу ерда қаттиқ отишма бўлгани, қишлоқ остин-устун қилингани шундоқ билиниб турарди. Атрофда вайрон бўлган уйлар, куйиб, қорайган ёғочлар сочилиб ётарди. Гоҳида уликларга ҳам дуч келардик. Уларни кимлардир отиб ёки суйиб ташлаган эди. Бу жанг майдонига

яқин келиб қолганимиздан далолат берарди. Кўзим хашаклар остида қолиб кетган одамга тушди. Уни елкасидан йўғон хода босиб қолганди. Ниманидир олмоқчи бўлгандек қўлини чўзиб, ерга тушини бериб ётарди. Уни жони чиқиб кетган деб бўлмасди, тирикка ўхшарди. Бориб қўлидан тортиб, ёғоч ва хашаклар остидан чиқариб олмоқчи бўлдим. Қўлидан ушладиму, шу заҳоти менинг ёрдамимга муҳтож эмаслигини тушундим. Мурданинг ёнида ўн ёшлар чамасидаги боланинг жасади ҳам ётарди. У юзини ерга босганча жон таслим қилганди. Қулоғининг чеккасидан оқиб чиққан қон юзида қотиб қолганди. Афтидан ота-бола уйнинг томига бомба тушганда ташқарига чиқишмоқчи бўлишган, қулаётган уйнинг устунлари эса ҳар иккисини босиб қолган.

Шерикларим мурдаларга эътибор бермай ўтиб кетишди. Кўп юрмасимиздан қаршимиздан яна бир уй чиқди. Унинг эшиги йўқ эди, ўрнига қалин парда тортиб қўйилганди. Парданинг ярми ёниб, тепадаги қисми осилиб турарди. Уйнинг бир дона деразаси бўлиб, унинг ойналари қачонлардир синиб тушган ёки кимдир кўчириб кетганди. Унга яқинлашганимда дахшатли манзара мени ақли ҳушимдан айираёзди. Деразага беш-олти ёшлардаги қиз боланинг жасади қоқиб қўйилганди. Унинг сочларидан осишганди, кейин қўлларини икки ёнга ёйиб михлашганди. Боши яланғоч ва тилинган кўкрагига осилиб тушганди. Буни кўрган заҳотимоқ бошимдан ҳушим учиб, турган жойимда тошдек қотдим. Ўзимни қўлга олишга қанчалар уринмай, бунинг иложи бўлмади, ҳунграб юбордим. Ёшгина болада душманнинг не қасди бор эди? Бу ишни ким қилган бўлмасин у Аллоҳнинг бандаси эмас. Бундайларга минг лаънатлар бўлсин!

Ўзимга келганимда осмондан қулаб тушган самолёт ёнидан ўтиб борардик. Бу "МИГ-26" қирувчи самолёти эди. Осмонда портлаб, тумшуғи билан ерга санчилиб қолганди. Кабина ойнаси синган, учувчи эса бошини бир томонга қийшайтириб жон берганди. Башараси кўринмасди. Кимдир унинг шлемларини ечиб олганди. Бечорани яланғочлаб кетганди. Нарироқда эса чуқурлик бўлиб, унинг туби кўринмасди. Қуёш нури йилнинг ўн икки ойида ҳам унинг остини ёритмасди. Жар тубидан аллақандай сирли товушлар шарпаси келарди. Берироқда эса инсоннинг бир жуфт оёғи тупроқ остидан чиқиб қолганди. Унинг ёнида бўлинган одамнинг танаси ётарди. Худди қилич билан чопилгандек. Бу манзара шу қадар хунук ва қўрқинчли эдики, одамнинг ақлдан озиши ҳеч гап эмасди. Жангариларнинг дийдалари қотиб кетган бўлса керак, мурдаларни этиклари билан топтаб ўтишарди. Даҳшатли бу манзаралар анчагача кўз олдимдан кетмади. Юрагим кўксимга сиғмасди, аъзойи баданим увишарди. Бағритош шерикларимнинг ўликларни оёқлари билан тепиб, босиб ўтишлари қаҳр-ғазабимни жунбушга келтирарди. Бундай манзараларга дуч келганимда кўзларимни юмиб оладиган бўлдим. Калимамни ўгириб, билган дуоларимни ўқиб, Худога истиғфор айтардим. Бироқ бундай ҳолда узоққа бориб бўлмасди. Йиқилиб ёки чуқурга тушиб кетишим мумкин. Кўзимни очганимда шундай чуқурлардан бирининг нақд тепасига бориб қолгандим, шошиб ўзимни четга олдим. Бу снаряд ёки бомба ўйиб ташлаган ўра эмасди. Жасад қўйиладиган лаҳад эди. Нарироқда кафани титилиб, териси чириб, эти корайиб кетган мурда ётарди. Ундан пастроқда эса бошқа бир май-

йиднинг бош томони пастга осилганча турарди. У кафансиз эди. Боши мажақланиб, пешонасининг қопқоғи очилиб қолганди. "Вой, Худойимей", деб қичқириб юбордим... Кўзимни қайси томонга олиб қочмай, шопирилган тупроқ билан бирга юқорига чиқиб қолган мурдаларни кўрардим. Мен кучли қўрқувдан ёки ўликларнинг қисматига ачинганимдан эмас, балки инсониятнинг бошига мусибатлар солаётган бемеҳр ва шафқатсиз кимсаларнинг қилмишидан изтироб чекардим.

– Нега йиғлайсан? – ортимдан кимнингдир овози келди. Бу соф ўзбек тилида айтилган сўз эди. Мен билан бирга келган шерикларимдан бири бўлса керак, деб хаёл қилдим. (Дарвоқе, уларнинг кейинги тақдирлари менга қоронғу эди). Мен тўхтадим ва ортимга ўгирилдим. Озғин, яноқлари бўртиб чиққан, дўрдоқ лаблари осилиб, сарғайган тишлари кўриниб турган бу кимсанинг башарасини биринчи бор кўриб турибман эди. У менинг кўнглимдан кечаётган гаплардан бехабар сўзида давом этди.

– Умрингда ўликларни кўрмаганмисан! Қани юр, тезроқ!

Қош қораяётганди. Куннинг энг бахтиёр одамларни ҳам озми кўпми ғамбода қиладиган пайти эди. Кўп ўтмай олислардаги тоғларнинг чўққилари ортидан кумуш ёғдуларини ёйиб ой ҳаволанди. Уйқудаги юлдузлар бирин-сирин кўз очишди. Атрофда рўй берган даҳшатли гумбурлаш баримизни ҳушимизга келтириб қолмай, балки жанг майдонига яқин келиб келганимиздан огоҳ этди.

Қип-қизил аланга билан қоп-қора тутун уйғунлашиб кўкка ўрлаётган томонга қарадик. Кўкка сонсиз чўғлар сочиларди. Улар худди мушакдек ёйилиб

ғойиб бўларди. Тутун аралаш аланга тун юзидаги қора чодирни юлиб олмоқчи бўлгандек атрофга тараларди. Шабода йўналишини ўзгартириб юборди. Аланга кучайди. Қаршимизда бинолар, дарахтлар кўринди. Одамларнинг қичқириқлари, бунга жавобан автоматларнинг тариллаши эшитилди. Бомбанинг портлаганини илк бор шу ерда кўрдим. Олисда, темир панжара ичида қолган ўғлим ёдимга келди. Назаримда даҳшатли бу овозларни у ҳам эшитаётгандек эди. "Худойим, ўзинг паноҳингда сақла. Юсуфнинг олдига қайтиб боришни насиб айла. Қолган умримни у билан қафас ичида ўтказишга розиман. Менга бундай озодликнинг кераги йўқ".

Бир чақиримча ичкариладик. Бомба тушган қабристон, ер бетига чиқиб қолган мурдалар, қулаб тушган самолёт олисда қолганди. Ажалнинг кўзга кўринмас қонли дарёсини кечиб ўтардик. Бу дарёнинг туби ҳам, сохили ҳам йўқдек. Истаган жойида бизни тубига тортиб кетиши мумкин.

Ҳамма қуролини қўлига олиб, овозини ютиб, белини букиб борарди. Жанг майдонига янада яқин келиб қолгандик. Бу майдонга кирган одам, албатта, қаршисидаги одамга қарата ўқ отишга мажбур. Сен уни отмасанг, у сени отади. Урушнинг азалий қонуни шу. Буни ҳеч ким ўзгартира олмайди. Сен урушга лаънатлар айтасанми, отаётганларни қарғайсанми, унга раҳминг келадими – бу қизиқтирмайди уларни. Ҳатто сени ер тишлатганидан қувониб, дўпписини осмонга улоқтиришади. Шерикларига "Мен бир ёвнинг қоқ пешонасидан урдим, у тил тортмай ўлди", деб мақтанади. Тарих бундай воқеани "Бу шонли ғалаба йўлида отилган муқаддас ўқ", деб баҳолайди. (О, болам, орамизда ўз ёвузлиги, худ-

бинлиги ва қотиллиги билан фахрланадиган ношуд кимсаларнинг борлиги жамият ва даврнинг фожиаси эмасми?)

"Шилпиқ кўз" ун беш дақиқага дам олишга рухсат берди. Ҳаммамиз чарчагандик, ҳолдан тойгандик. Атрофга нажот билан қарадим. Кўпчилик қуролларини оёқлари остига ташлаб, тошдек қаттиқ ерга чўзилишган, айримлар сигарет чекяпти, бошқаси автоматини артяпти. Одамларнинг тинкаси қуриганди, чуқур-чуқур нафас олишар, оғриётган оёқларини уқалашарди. Қўйниларидаги тушёнка билан нонни олиб, оғизларига солиб, чайнаб-чайнамай ютишарди. Орқамда кимдир ҳиқиллаб йиғларди. Овози худди боламнинг овозига ўхшарди. Қарасам, ёшгина йигит экан. Юсуфдан икки-уч ёш катта. Букилган оёқларини қучоқлаб, бошини тиззасига қўйиб йиғламоқда. Шериги юпатиш билан овора.

– Бўлди, бас қил, йиғлама...

– Нега йиғламай? Онамни соғиндим, қишлоғимизни соғиндим. Юрагим соғинчдан эзилиб кетмоқда. Бу ерда бир кун ҳам чидаб туролмайман. Ўлдирса ўлдирсин, отса отсин, кетаман. Бари бир кетаман. Қачонгача одамларни ўлдириб, болаларни ҳайвондек суйиб яшайман.

– Сени тушунаман, бўлди қил, лагерга қайтганимиздан кейин гаплашамиз!

Йигит жим бўлди, аммо йиғиси қулоғимга чалиниб турарди.

Мен икки кундан бери туз татимаганимни, очликдан ичакларим қулдираётганини ҳис этдим. Қўйнимдаги тушёнка билан нонни ўғлим билан баҳам кўрмоқчи эдим. Ахир у ҳам оч. Бир ҳафтадан бери қорни тўйиб овқат егани йўқ. Ташқарига

чиқаришдимикин? Ўтин кўтарган кимса юк халтани киритиб бердимикин? Бир-икки қуйнимдаги тушёнка билан нонга қўл чўздим. Ҳеч бўлмаса нондан бир тишлам еб олай, дедим ўзимга ўзим. Аммо шу ондаёқ фикримдан қайтдим. Қўлим нонга текканда Юсуф кузимга кўриниб кетди...

Оёғим остига келиб тушган тушёнка банкаси хаёлимни тузитиб юборди. Кимдир уни мен томон улоқтирганди. Бошимни кўтариб, атрофга қарадим, икки қадам нарида ётган йигитда кўзим тўхтади. У менга кўз қирида қараганча ёнбошлаб ётарди.

– Ўзбекмисиз? – сўради кўзларимиз учрашганда.

– Ҳа, гапларингиздан сиз ҳам ўзбекка ўхшайсиз. Ёки менинг она тилимни биласизми?

– Қайси шаҳардансиз? – сўзларимни эшитмагандек сўради йигит. Назаримда у ўттиз-ўттиз беш ёшларда эди.

– Водийданман, – гуноҳкордек тилим зўрға айланиб жавоб бердим.

– Ҳамюрт эканмиз.

– Ота-оналарингизнинг кимлигини айтсангиз, балки таниш чиқиб қолармиз?

Йигит буни истамади.

– Сизга маслаҳатим, лагерга қайтганингизда ўғлингизга тушунтиринг, қайсарлигини ташласин. Бу ерга келдими, қўлига қурол олишга мажбур. Кетаман деганларнинг ҳаммаси қум остида ётибди.

– Ўғлим буни тушунишни истамайди. У урушдан шу қадар қаттиқ нафратланади-ки, буни сизга тушунтириб беролмайман.

– Нега?

– Тоғаси афғонда ўлган.

– Унда нега бу ерга келдиларинг?

– Бизларни алдашди. Чегаранинг сим тусиқларини кўрганимиздан кейин алданганимизни тушуниб қолдик. Орқага қайтишнинг иложи бўлмади. Қочмоқчи бўлган шеригимизни отиб ташлашди, жасади даштда қолиб кетди.

– Одам отиш уларга писта чаққан билан баробар. Нега ўлдирдинг, нима айб қилганди, деб суриштирадиган одамнинг ўзи йўқ бу ерда. Ўғлингиздан айрилиб қолишни истамасангиз, базага қайтганда унга тушунтиринг, қайсарлик қилмасин, нима дейишса хўп десин.

– Кўп бор ялиндим, лекин бунингфойдаси бўлмади.

– Шундай бўлса ҳам қайта-қайта уқтиринг! Акс ҳолда болангизга қийин бўлади. Тоҳир тобе ва мутеъ бўлганларни яхши кўради, аксинча итоатсиз кишиларнинг бошига дўзах азобини солади.

– Нега Тоҳир ўғлимга ёпишиб олганини тушунмаяпман...

– Унга сизнинг болангизга ўхшаган ёшлар керак. Билсангиз, ҳозир Сурияда олти юз мингдан зиёд қашшоқ болалар яшайди. Улар бир бурда емишга зор. Бир тишлам нон топиш илинжида кўчаларда тиланчилик қилишади. Тоҳир эса уларни сизнинг ўғлингизнинг қўли билан ўлдиради.

– Ўлдиради дедингизми? – қўрқиб кетдим.

– Ҳа, у ўзи тайёрлаган болаларнинг қўлига ҳар хил ширинликлар суртилган нонларни бериб, тиланчилар юрган жойларга ташлайди. Болалар бўлса суюниб, ўша нонларни оғизларига солишади. Шунда нон орасидаги мослама ишга тушиб портлаб кетади. Қараб турибсизки, бир тишлам нон ўнлаб болаларни ҳалок қилади. Бу Тоҳирнинг ўз душманларидан ўч олишнинг осон йўли.

– Ахир гўдакларда нима гуноҳ, уларнинг айби нима? Ота-оналари учун болаларни ўлдириш шартми?

Йигит саволимга жавоб қайтармади. Хаёлимдан қафасда ётган ўғлим ўтди. Ишқилиб мен боргунимча омон бўлсин. Бир кунглим ҳозироқ ортга қайтгим келди. Бироқ бунинг иложи йўқ эди.

– Биз қачон лагерга қайтамиз? – сўрадим суҳбатдошимдан.

У менга қараб:

– Ортга қайтишга умид қилмасангиз ҳам бўлади. Тоҳир жўнатган одамларини тирик қуришни истамайди. Биз қишлоқни вайрон қилишимиз ёки шу жангда ўлишимиз керак.

– Аллоҳнинг ризоси учун менга ёрдам беринг. Болам мени кутмоқда. Унга қайтиб келаман, деб ваъда берганман. Уни қафас ичида қолдириб келдим. Худо кўрсатмасин, менга бир гап бўлса, жигаримнинг ҳоли не кечади? Боя айтганингиздек, Тоҳир унинг қўлига нон тутқазиб, оч болаларни ўлдиришга юборса-чи? Эй, Худойим, ўзинг паноҳингда асра!

Узоқларда автоматлар сайради, бошимиз узра снарядлар учди. Кейин тинди. Йигит бояги саволимга жавобан:

– Қутилишнинг ягона йўли бу ўлимни буйинга олиб қочиш. Бошқа йўл йўқ.

– Биз бу ерларни яхши билмаймиз, қаёққа борсак қаршимиздан қўлига қурол ушлаган одамлар чиқади. Назаримда улар ер куррасини эгаллаб олгандек. Улардан қутулиб бўладими?

– Сизни бу ерга ким жўнатган? – бироз ўтиб сўради у.

– Олижаноб бир инсон.

– Қандай қилиб унинг тузоғига илиндингиз?

– Хотиним бетоб эди, уни касалхонага ётқизиш учун беш юз долларга муҳтож бўлиб, таниш-билишларимдан қарз сўраб юрганимда у йўлимдан чиқиб қолди ва беш юз долларни қўлимга тутқазди.

– Сиз пулларни олдингиз. У эса топганингизда қайтарасиз, деб айтди.

– Жуда тўғри, худди шундай деди.

– Кейин учрашганингизда у сиз билан ўғлингизга яхши хақ тўлайдиган иш жойи топиб бераман деди...

– Сиз бизнинг ўртамизда бўлиб ўтган гаплардан хабардорга ўхшайсиз. Балки сиз хам унинг домига илингандирсиз, а?

Йигитнинг сўзларидан ҳангу манг бўлиб қотиб қолдим. У кўриб, билиб турган одамдек гапирарди. Ўғлимнинг Сурия чегарасида айтган гапларини эсладим: "Сахий амаки бизларни чув тушрибди. Бизларни бу кимсаларга сотган. Улар эса бизларни жангарилар бошлиғининг қўлига топширади".

– Нега бундай қарорга келдингиз?

– Яқинда эшитдим, қандайдир кимсалар қишлоқларга бориб, одамларга "Яхши иш топиб бераман" деб, уларни Сурияга жунатишар экан. Уша сахий одам хам ўшаларнинг шериги бўлса керак. Ўшанда ўғлимнинг гапига ишонмаганимдан афсусландим.

Нимадир ширқ этди. Кўз олдим ёришиб кетди. Йигитга қараганимда унинг қўлида телефон аппаратини кўриб қолдим. У ёруғликни бошқалар сезиб қолмасин дегандек, шоша-пиша енгининг ичига тиқди ва менга қараб:

– Сиз жунашингиздан бир-икки кун бурун ўша олижаноб одам қўлингизга яна пул берган ва ойлик жунатгунингизга қадар аёлингиз бу пулни рўзғорга ишлатиб турсин деган, шундайми? –суради у...

– Худо хаққи сиз бизнинг суҳбатимиз тепасида тургандек гапиряпсиз...

– Йўлга отланамиз! – "Шилпиқ кўз"нинг наъравор товуши келди. Ҳамма бирдек ўрнидан турди. Одамлар қуролларини қўлларига олиб, бир-бирларининг ортидан эргашиб кета бошлашди. Оёқлар остидаги тупроқ тап-тап этарди, чанги кўкка урларди. Мен бояги йигит билан суҳбатимизни давом эттириш истагида эдим, бироқ у жангарилар орасида кўринмасди. Излаш фойдасиз, ҳеч бўлмаганда исмини сўраб олмаганимдан афсусландим.

Тун яримдан оғиб қолганди. Кўк юзи тутунга тўлганди. Димоғлар остида ачимсиқ ҳид анқирди. Биздан бир чақиримча нарига снарядми, бомбами тушди. Осмон ёришиб кетди. Шунда биз қаршимизда баланд бинолар турганини кўриб қолдик. Ҳеч ким гапирмасди, гуё тилини йўқотган соқов эдик. Гарчи қоронғу бўлса-да, шерикларимнинг юз-кўзларида қўрқув шарпаси изғиётганини сезардим.

Қарши томондагилар бизни пайқаб қолишди. Пулеметлар янгради, автоматлар тилга кирди. Бақир-чақир, сукинишлар эшитилди. Осмон гумбурларди, ер қарсилларди, борлиқ остин-устун бўлиб кетгандек. Бу одам боласининг иши эмас, ваҳшийлик, деб ўйлардим. Узимизни қаёққа уришимизни билмаймиз, жон сақлайдиган пана жой йўқ. Кимлардир жанг майдонидан қочарди, кимлардир яшириниб оларди, бошқаси нима қилишни билмай ерга ётиб олганди. Қарши томондан отилаётган ўқлар зулмат бағрини тилиб, кўз илғамас тезликда визиллаб учарди. Ўқ текканлар йиқиларди, ўлганлар ётган жойларида мангу уйқуга кетарди. Яралорлар додлаб жон берарди. Улардан қон ҳиди келарди. Юзлаб

томоқлардан чиқаётган ўкириклар баъзида автоматлар овозини босарди. Назаримда уруш дунёнинг шу еридан бошланиб, у чеккасигача ёйилиб кетгандек.

Ёнимдаги бино портлаб кетди. Унинг тўлқини мени анча нарига улоқтириб ташлади. ҳушимни йўқотаёздим. Кўз олдим қоронғулашиб, пешонамдан тер чиқиб кетди. Устимни тупроқ босганди. Бошимни кўтариб атрофга қарадим. Ҳозиргина ёнимда турган шерикларим кўринмасди. Улар тупроқ остида қолганди ёки менга ўхшаб портлаш тўлқини анча нарига улоқтириб ташлаганди. Емаклаб ортимга қайтдим.

Мен қаттиқ қўрқиб кетдим ва ўзимга овлоқ жой изладим. Рупарамдан чиққан чуқур ичига тушиб олдим. Бу хавфсиз ва хатарсиз эди. Мурданинг устига ўтириб олганимни кейин билдим. У яқинда ўлган бўлса керак, танаси иссиқ эди. Орқаси билан ариқ лабига суянганча бошини осилтириб ўтирарди. Ўқ миясини ошқозоқ мисоли иккига ёриб ташлаганди. Кўксида қон тўпланиб, қотиб қолганди. Мен шу қоннинг устига ўтириб олгандим. Мурданинг танасига қўлим текканда сесканиб кетдим. Тепага қандай чиқиб қолганимни ўзим пайқамадим. Каллам фикрлашдан тўхтагандек, худди ақлдан озган телбадек эдим. Вужудим безгак тутган кишининг танасидек қалтирарди. Ёнимдан ўтаётган шерикларим эса эмаклаб, кўкракларини ерга ишқаб мурдалар устидан ошиб ўтишарди. Устларидан эса ўқлар учарди.

Мен кўзимни очиб юмгунча тўртта ўликни кўрдим. Улар қуролларини ишга солишга улгурмай жон беришди. Орқароқда келаётган жангарилардан бири мурдаларнинг олдида тўхтар, ўликларнинг

чўнтакларини титарди ва қўлига илинган нарсаларни қўйнига соларди. У мени тескари қараб турганим учун кўрмасди. Мен эса уни аниқ кўриб турардим. У фақат пулларни оларди. "Пулга бўлган ўчлик, пулга қўйилган ҳирс одам боласини йўлдан оздиришга олиб келади, одам боласи пулни жонидан ҳам яхши курса, унинг кўзига бошқа нарса кўринмайди", деганлари шу бўлса керакда.

– Нега отмаяпсан! – бақирди нарироқда турган жангари. – Автоматингни қўлингга ол! Душманларга қарата ўқ от! Улар яқинлашиб келаётир. Кўрмаяпсанми? Пешонасидан от!

– Мен Аллоҳнинг бандаларини отмайман! – деб жавоб қилдим. Бироқ сўзим унинг қулоғига етиб бормади. Буйруқ берган бу одамнинг атрофига дўлдек ўқлар тушиб, танасини титиб юборди. Мен ўзимни ён томонга ташлашга аранг улгурдим.

Ўқлар чийиллаб, миналар портлаб, снарядлар учиб, тупроқ тўзиб, одамларнинг бақир-чақирлари билан тўлган осмон остида жанг тобора шиддатли тус оларди. Ўқлар ёмғир мисоли ёғиларди. Жангарилар бирин-кетин ўқ еб йиқиларди. Бу ёнда уликлар, буёнда ярадорлар ётибди. «Ёрдам беринг»! Уларнинг заиф овозлари бомбанинг портлашидан даҳшатли эшитилди. Юрагим титрарди. Уликлар оғизлари очиқ, ўлим олдидан нимадир деб бақирмоқчи бўлишгану, куксига ўққадалиб, оғзини ёпишга улгуролмай жон беришган. Айримларнинг мияси мажақланган, бошқасининг ичак чавоғи чиқиб кетган. Ҳар қадамингда мурдалар. Олдинга силжишга имкон қолмаганди. Аскарлар бостириб келарди. Ерни қучоқлаб ортга чекина бошладик. Шу пайт ён томондан ҳам ўқлар ёмғири ёғилди. "Ўз паноҳингда ўзинг асра,

Эгам. Шу ердан омон чиқиб олай, бориб жигарбандимнинг дийдорини кўрайин. Мен унга сенинг муборак номингни тилимга олиб қайтиб келаман, деб ваъда берганман. Мени уялтириб қўйма, Аллоҳим. Мен мана шу қирғинбарот жангда ўлиб кетсам, боламнинг ҳоли не кечади? Қаерга боради у? Ким уни паноҳига олади? Ўзинг сақла, Роббим"!

Отишмалар бироз тинди. Ўрнимдан туриб, ҳандак ичидан чиқиб, чекиниб, анча нарига бориб қолган шерикларимга етиб олишга шошилдим.

– Ёт! – кимдир оёғимдан тортди, йиқилиб тушдим. Юзимга қайноқ нарса ботди, бу одамнинг узилиб тушган қонли қўли эди. Астағфуриллоҳ, ўзинг кечир, Роббим". Уни нарироққа ташлаб юбордим. Шу пайт беш қадамча нарига нимадир келиб тушди, ер титраб кетди. Ёнимга қарадим. Боя оёғимдан тортган одам оғзидан қон оқиб, жон таслим қилганди. Ўқ миясини пачақлаб юборганди. Қон аралаш мия суюқликлари яноғига оқиб тушарди. Отишлар, портлашлар давом этарди. Ёнимда, тупроқ остида кимнингдир оёғи чиқиб турарди. У тинимсиз қимирларди. Мен қўлларим билан ерни кавлай бошладим. Тезда ярадорни тупроқ остидан тортиб олдим. Бечора нафас ололмай бўғилиб, улар ҳолга келганди. Бошини кўтарганимда у тутун ва чанг аралаш ҳаводан ютоқиб нафас олди. Кийимларидан бизни ўққа тутган ҳукумат қўшинларининг аскари эканлигини билдим. Унинг кимлиги мен учун аҳамиятсиз эди.

Отилаётган ўқлар, ярадорларнинг инграши, бақир-чақирлар босилганда қулоғимга ёш боланинг йиғиси эшитилди. Атрофимда бирор шеригим кўринмасди. Қаердан келмоқда бу овоз?

Атрофга боқдим. Ёнимда томини бомба учириб, тўрт девори қолган уй кўринди. Унинг деразаси ёниб кетганди, ичида одам яшаса керак, ўрнига қаро мато тортиб қўйилганди. Яқинроқ бордим, пардани тортдим. Ичкарида одам кўринмасди. Овоз шу қоронғулик ичидан келарди. Болалар ота-онасини йўқотган бўлса керак, деб уйладим. Деразадан ошиб ўтдим. (Нега бундай қилганимни ўзим билмайман) Ичкарида одам кўринмас, тутунга ўхшаш ачимсиқ нарса сузиб юрарди. Овоз бошқа хонадан келарди. Осмонда нимадир ялтиради, ичкари бир зумгина ёришди. Кўзим пардали эшикка тушди, ичкарига кирдим. Бурчакда лампа чироқ милтирар, ўзидан пушти ранг ёғду сочарди. Бурчакда икки бола бир-бирини қучоқлаб, йиғлаб ўтиришарди. Улар ярим яланғоч эди. Озиб-тузиб кетишганди. Этлари кетиб, суяклари қолганди. Ич-ичига ботган кўзлари нурсиз ва совуқ ялтирарди. Улар мени кўриб йиғидан тухташди. Булар уч ва беш ёшлардаги гудаклар эди. Очликдан қийналишаётганини билдим. Кунглим бузилиб, ичим эзилиб, қўйнимда нон билан тушёнка борлигини эсладим. Нонни топдим, бироқ тушёнка йўқ эди. Афтидан у жанг майдонида тушиб қолган бўлса керак.

Болалар олдига бориб, нонни иккига бўлиб, уларнинг қўлларига тутқаздим. Иккиси ҳам хавотир билан нонни олишди. Кейин шоша-пиша оғизларига солишди.

Ортимда нимадир ғийқ этди. Секин ўгрилдим. Эшик очилиб, ичкарига қўлига ўлган мушук ва болта кўтариб олган аёл кириб келди. У ҳудди арвоҳга ўхшарди. Суякка йиртиқ-ямоқ куйлакни кийдириб қўйгандек озғин эди. Сочлари тузиб, юзининг ярми-

ни тўсганди. Унинг ориқ юзлари хайратланарли ва қўрқинчли эди. Озиб кетганидан кўзлари катта-катта кўринар ва бу кўзларда урушга нисбатан, унга ва оиласига зулм ўтказган кимсаларга нисбатан нафрат қотиб қолганди. У мени кўриб, даҳшатдан ҳайкалдек қотиб қолди. Кейин бирдан ўзига келди ва болтани боши узра кўтариб, мен томон ҳезланди. Унинг гапларидан шундай деганини англадим.

– Нима истайсан, нега кирдинг менинг уйимга? Болаларимни ўлдирмоқчимисан?

– Мен гудакларингга нон бердим, Уларнинг йиғлаётганини эшитиб қолдим, – жавоб қайтардим мен ҳам ўз тилимда

Аёлнинг важоҳати қўрқинчли эди. Ғира-шира қоронғуликда ялтираётган кўзлари ҳеч нарсадан қайтмаслигини билдирарди. Елкамда қурол бўлса-да, ўзимни ҳимоя қилиш мақсадида уни қўлимга олмадим. Аллоҳга берган ваъдам бунга имкон бермасди. (Уни жанг майдонида ҳам қўлимга олмагандим) Очиғи ожиза аёлнинг ҳамласидан сақланиш учун қуролни пеш қилиш эркаклик ғуруримга тўғри келмасди. Тангримга илтижо қилдим: "Эй, раҳмдил Раҳмоним. Бу аёлнинг кўнглига меҳр солгин, унинг қаҳридан сақлагин! Мен унга ёмонлик истамайман».

Аёл тўхтади. У болаларини нон ейишаётганини кўриб, қўлидаги болтани пастга туширди. Иккинчи қўлидаги мушукни эса деразадан ташқарига улоқтирди. Мен у кирган эшикдан ташқарига чиқиб кетдим.

Боламнинг олдига қайтиш фикри хаёлимдан кетмасди. Олов ичида, ўқлар овози эшитилаётган, миналар, гранаталар портлаётган жанг майдонида уни бир неча бор кўрдим. Юсуф тутунлар ичидан менга қараб тургандек эди. «Тезда орқага қайтинг, ота,

қишлоғимизга қайтинг, онам билан сингилларим сизни кутишмоқда», дерди у. Мен олға эмас, ортга қараб юрардим. Тезда шерикларимга етиб олдим. Бу пайтда иккитаси бирин-кетин йиқилди. Бири елкасидан, иккинчиси белидан ўқ еганди. Улардан бири "Онажон" деб чинқириб юборди. Унинг оҳи юрагимни эзди.

– Эй Худо, ўзинг паноҳингда асра, тезроқ бу ердан кетайин, ўғлимнинг олдига борай, мен ўлиб кетсам унинг ҳоли не кечади? Ўзинг мадад бер, ўзинг қўлла, отилаётган ўқлардан сақла. Урушни бошлаганларга, қуролни ўйлаб топганларга лаънатлар бўлсин!.. – дея Тангрига илтижо қилдим.

Ўн қадамлар нарида снаряд портлади. Тупроқни шопириб, устимиздан сочиб, зулмат қоплаган жанг майдони гўё чақин чақнагандек ёришиб кетди. Қочаётганлар, биз томон бостириб келаётганлар, жон талашиб ётганлар кўринди. Снаряд тушган жойда икки одам осмонга учиб, чархпалакдек айланиб, анча нарига бориб тушди. Кўзимни очганимда ўша томондан ўн чоғлик ҳукумат аскарлари биз томон бостириб келаётганди. Улар ҳаёт-мамот орасида жон талашиб ётган ярадорларни оёқлари билан тепиб, кейин отишарди. "Ҳозир мени ҳам отишади", деб қўрқиб кетдим ва бошимни тупроққа қўйиб, ўликдек чўзилиб олдим. Икки дақиқача ўтди. Бошимни кўтарганимда атрофимда мурдалардан ўзга тирик жон қолмаганди. Йигирма қадамлар нарида қип-қизил аланга ичида қолган одамни кўриб қолдим. У худди устидан бир пақир ёқилғи қуйиб юборилгандек олов ичида қолганди. Гоҳ даҳшатли қичқирар, гоҳ йиқилар, гоҳ думаларди. Шунда яна ўрнидан туриб кетарди. Бироқ бунинг фойдаси йўқ

эди. У сунгги бор йиқилди ва қайтиб ўрнидан турмади. Димоғимга одам гўштининг ҳиди урилди.

Аскарлар қаёққадир ғойиб бўлганди. Шериклаким ўлган ёки қочиб қолган деб ўйладим. Ўрнимдан туриб келган йўлимдан кета бошладим. Беш-олти қадам босганимда биров илон мисоли оёқларимга чанг солди. Ерга йиқилдим. Ҳали куксим тупроққа тегмасидан бошим узра бир неча ўқ учиб ўтди. Ярадор «Хузний маъак» (арабча, мени ўзинг билан олиб кет), – дерди ўпкаси тўлиб, кўз ёшлари билан ювилган юзини мен томонга ўгириб. Мен унга тикилганча туриб қолдим. Кейин тилини тушунмаганимни пайқаб ўзбекчалади.

– Мени ташлаб кетманг, мен яшашни истайман, ўтиниб сўрайман, ўзингиз билан бирга олиб кетинг, амаки, илтимос қиламан... Мен бу ерга жанг қилиш мақсадида келмагандим. Ишлайман, пул топаман деб келгандим. Лаънатилар мени алдашди, амаки... Қишлоғимда ота-онам қолган. Уларга тезда қайтаман, деб ваъда берганман. Улар мени кутишмоқда. Эшитяпсизми, улар мени кутишмоқда. Ёрдам беринг, ўтиниб сўрайман сиздан, жанг майдонидан олиб чиқиб кетинг...

У Юсуфдан икки-уч ёшлар катта эди. Кўкрагидан яраланганди. Суяги этини тешиб чиққанди. Бунинг устига қорни ёрилганди. Ичак чаваги кўриниб турарди.

– Ёрдам беринг, амаки, ёрдам беринг, – у ҳамон ёлворарди.

Мен ярадорнинг ёнига эмаклаб бордим, у қўлларини мен томон чўзиб тинимсиз ёрдам сўрарди. Кўзлари ёмғирдек ёш тўкарди. Тилидан бир сўз тушмас ва тинимсиз такрорларди.

– Ёрдам беринг, мени ташлаб кетманг!

Бирдан йигитнинг овозидан таниб қолдим. Бу боя ўз шеригига «Онамни соғиндим, қишлоғимизни соғиндим. Юрагим соғинчдан эзилиб кетмоқда. Бу ерда бир кун ҳам чидаб туролмайман. Ўлдирса ўлдирсин, отса отсин, кетаман. Бари бир кетаман. Қачонгача одамларни ўлдириб, болаларни ҳайвондек суйиб яшайман», – деб зорланган йигит эди.

Ярадорни ёлғиз ташлаб кетишга кўнглим бўлмади. Ахир у ҳам мен каби одам. Уйида ота-онаси, хотини, болалари кутаётган бўлиши мумкин. Уни елкамга ортиб олдим. Бошим гангиб, қайси томонга юришни билмасдим. Ўн қадам босмасимдан ортимдан ўқлар қувди. Узимни ерга ташлашга зўрға улгурдим. Ярадор бир қоп гўшт мисоли шалоплаб оёғим остига тушди. Орқасини ўқлар илма тешик қилиб ташлаганди. Икки кураги ўртасидан қон оқарди. Бошини кўтариб, тиззамнинг устига қўйдим. Энди у менинг ёрдамимга мухтож эмасди. Ўрнимдан турганимда кимдир қўлимдан ушлади. Орқада яна бир ярадор ётганди. Қўли билан кун чиқиш томонга ишора қилиб, ўз тилида нималардир деди. Юрти ўша томонда бўлса керак, деб хаёлладим. Гапларига тушунмасам-да, кўзларидан оқаётган ёшга тоқат қилолмадим. Бироқ ёрдам бериш қўлимдан келмасди. Энди кеч эди. У қўл-оёқларини типирчилатиб, охири қийналиб азоб ичра ўлим топди. Ўлими олдидан бир сўзни тилидан қўймади:

– Игфир зунубий, аллаахумма! (Узинг гуноҳларимни кечир, эй Худойим).

Ҳаётимда инсоннинг ўлим олдидан чеккан азоблари ва изтиробларига илк бор мана шу жанг майдонида гувоҳ бўлдим ҳамда бу воқеалар умримнинг

сунгги онларигача хаёлимдан учмайдиган булиб миямга муҳрланиб қолди. Марҳум кун чиқиш томонни кўрсатганда яна кўз ўнгимда ўғлим гавдаланди. Юсуф чегарада, машинадан тушганимизда осмонга қараб, "Ота, юртимиз шу томонда, буни эсингиздан чиқарманг", деганди. Унинг сўзлари айни дамда қулоқларимни чўғдек қиздирди. Кун чиқиш томонга қарадим. Ғуборлик, бушлик узра ўз диёримни кўргандек бўлдим. Юрагимда соғинч уйғониб, кўзларим ёшланди.

Бир неча сония ўтиб, ён томонимда автомат тирилади. Бу овоз мени ўзлигимга қайтарди. Негадир аввалгидек қўрқмадим. Мен учун уруш оддий ҳодисадек бўлиб қолганди. Бошимни кўтариб, атрофга боқдим. Уфқ бўзариб, тун пардасини тортаётганди. Оқ-қора ва пушти ранглар уйғунлашиб борарди. Шунда... шунда, оҳ, кўзларимга ишонгим келмайди: Камалак мисоли ранглар жилоси ичидан Юсуф чиқиб келарди. Ҳа, ҳа, менинг ўғлим, Юсуф чиқиб келарди. "Ота, бу нима қилганингиз, ахир қурол ушламанг, деб тайинлагандим-ку. Нон-туз берган элнинг юзига қандай қараймиз? Ортга қайтинг, мен сизни кутмоқдаман. Биз она юртимизга, элимизга кетамиз, соғиниб, йўлимизга кўз тикиб ўтирган онамнинг олдига қайтамиз. Отажонимиз қачон келаркин деб, эшик пойлаб ўтирган сингилларим ҳузурига қайтамиз. Одамлар бизлардан қаерда эдиларинг, нима иш қилдиларинг деб сўрашса, мўминлар мўминлар томонидан отиб ўлдирилаётган юртда эдик, биз ўз диндош биродарларимизни отдик, қонини тўкдик деймизми? Тезроқ қайтинг, ота. Мен сизни кутаётирман".

– Нега қоққан қозиқдек ғудайиб турибсан! – кимдир оёғи билан орқамга тепди. Боламнинг сийра-

ти нурдан қочган соядек йўқолди. Бояги одамнинг кетидан эргашдим. Йўл йўлакай аллақаерда писиб ётган кимсалар сафимизга қўшилиб бораверди. Улар ҳандаклардан, мурдалар остидан чиқишарди. Қўлларида эса ана шу мурдаларнинг кийимлари. Ҳеч ким уларга эътибор бермасди, нафасини ютгандек жим эди. Биз бораётган йўлдан бир неча қадам нарида иккита танк тумшуғини осилтириб турарди. Уларнинг занжири узилиб кетганди. Бомба тушиб, балонлари ёниб, ерга утириб қолган юк машинаси эса қоқ иккига ажраб кетганди.

Мен урушнинг тугаганига ишонгим келмасди. Бизни тор-мор этган аскарлар истаган пайтда ортимиздан ёки қаршимиздан чиқиб, ўққа тутиб қолишлари мумкин, деганхавотирда эдим.

Урушда нималар бўлмайди дейсиз. Бизнинг чекинаётганимизни аскарлар кўриб қолди, аммо ортимиздан қувишмади, ўққа ҳам тутишмади. Йўлда беш-олтита жангарилар ҳолдан тойиб, силлалари қуриб ерга йиқилишди. Улар танишларига "Бизларни ташлаб кетманглар, олиб кетинглар", деб зорланишди. Бироқ уларнинг илтижоларини ҳеч ким назар-писанд қилмай, тепиб, автоматнинг қундоғи билан уриб, баъзиларининг оёғидаги этикларини ечиб олиб кетишарди.

Йўлда яна бир ярадор ҳолсизланиб ерга йиқилди. У йигирма беш ёшлардаги йигит эди. Ҳали мўйлови ҳам чиқмаганди. Жангарилардан бири унинг тепасига келди.

– Мени олиб кетинглар, – ёлворди ярадор, – Илтимос қиламан, ташлаб кетманглар... Уйда хотимни қолган, у ёлғиз, мен қайтиб бормасам қийналади...

Жангари унинг сўзларига қулоқ солмади. Автоматини унинг кир-чир пешонасига тираб тепкини босди. «Та...та» деган овоз эшитилди. Йигит тил тортмай жон берди. Жангари унинг оёғидаги ботинкасини ечиб олди. Мен жанг майдонида қурган мурдаларнинг ҳатто устидаги кийимлари ҳам йўқ эди. Тириклар уларни ялонғочлаб кетишарди.

Юрагимда турган қаттиқ оғриқ мени азобларди...

МУАЛЛИФДАН

Юсуф ташқаридаги ғала-ғовурларни эшитиб турарди. Боланинг назарида жангарилар қаёққадир жўнашга ҳозирлик кўришаётгандек. Юсуф отасини ҳам мана шу одамлар орасида эканлигини қалбан ҳис этарди. "Наҳот отам қўлига қурол олиб урушга кетаётган бўлса?" деб уйлар ва бундан қаттиқ изтироб чекарди. Йигитча падарининг қўлига қурол олишини, жангга кирганда мана шу қурол билан одамларни отишини мутлоқо истамасди. Ахир у ҳамиша инсонларга яхшилик қилиб келган, бировга қаттиқ гапирмаган, ҳатто болаларни ҳам сизлаб чақирарди. Тилидан Аллоҳнинг каломи тушмасди. Беш вақт намозини канда қилмасди. Бундай одамнининг қўлига қурол ушлаши ва инсонларга қарата ўқ отиши мумкинми?

Юсуф ишонади, отаси урушга бормайди, қўлига қурол ушламайди. Мабода унга қурол беришса, уша заҳотиёқ уни улоқтириб ташлайди. Юраги сезиб турибди, у шу ерда, балки Тоҳирнинг ҳузурига кириб, ўғлимни қафасдан чиқар, деб илтимос қилаётгандир? Ҳали замон хушхабар билан қайтиб кирар. "Уғ-

лим, суюнчи бер, уйимизга қайтишга рухсат олдим", дейди. Шунда у отасини бағрига босиб, "Мен сизни урушга бормаслигингизга ишонардим", дер.

Тоҳирнинг эшиги олдида унутиб қолдирган юк халтасини олиб, уларининг қадрдон она юртларига қайтишади. Йўл-йўлакай онаси ёпиб берган сутли нонни халта ичидан олиб, қарсиллатиб чайнашарди. Бу нон уларнинг бир неча кундан бери очлик азоб бераётган ва тинкасини қуритган танасига қувват ато этади.

Йигитча ширин хаёллар гирдобига чўмиб, ташқаридаги ғала-ғовур босилганини сезмай қолди. Узига келганда атрофда сокинлик ҳукмрон эди. Бояги оломон қаёққадир жўнаб кетганди. Аҳён аҳёнда кимларнингдир овози бу сокинликни бузиб турарди. Нега отамдан дарак йўқ? Нима бўлди унга? Боланинг уйига келган фикр вужудини титратиб юборди. У қафасга юзини маҳкам тираб, кўзлари билан девор тешиклари ортидан кўриниб турган кенгликка назар ташлади. Афсуски, у ҳеч нарсани кўролмади. Йўқ, отам улар билан кетмаган, қўлига қурол ушламайди, урушга бормайди, инсонларга қарата ўқ отмайди. У иймонли одам, қалби тўла Худога муҳаббат!

Қоронғулик чука бошлади. Отасидан эса ҳануз дарак йўқ. Юсуфнинг юрагидаги хавотирортди. Кўзларини йўлакдан узмасди. Ташқаридаги овозларга вужуд-вужуди билан қулоқ тутарди. "Нима бўлди, отамга? Нега ёнимга қайтмаяпти? Юсуф овозининг борича отасини чақирмоқчи эди, бироқ бу фойдасиз эканлигини уйлаб, ўзини қўлга олди.

Йигитчанинг бели тошдек қотган, бўйин соҳасида оғриқ турганди. Бунинг устига очлик ичини ке-

мирарди. Кўнгли беҳузур бўлиб, қусқиси келар, ўқчиганида оғзидан сарғимтир суюқлик чиқарди.

Очлик, ташналик, уйқусизлик йигитчани ҳолдан тойдирди. Кўзлари очиқ ҳолда туш кўрди. Жанг майдони ичра қўлига қурол ушлаб, бир-бирларига қаратаўқ узаётган одамлар у ёқдан - бу ёққа чопишмоқда. Автоматлар тинимсиз тариларди, бомбалар гумбурларди. Инсон қонига беланган тупроқ гурилаб ёнарди. У томондан, бу томонга ернинг чангини тўзитиб, заминни зириллатиб, экинзорларни пайҳон қилиб танклар ўтарди. Кимдир ўқ еб йиқилар, бошқаси азоб ичра ўлим топарди. Бу одамлар орасида у отасини ҳам кўрди. Ё, алҳазар, ё, алҳазар! Унинг қўлида автомат. Ўнлаб жангариларга бош бўлиб, уларни жангга бошлаб бораётир. Наҳотки... наҳотки менинг отам қўлига қурол олган бўлса?

Мўмин худди кинолардагидек автоматини одамларга қаратиб, тариллатиб ўқ узарди. У отган ўқлардан бири қуролсиз кекса одамга тегди. Қария шу заҳотиёқ тошга қоқилгандек, юз тубан тунтарилиб тушди. Ортидан бораётган жангарилар эса уни оёқлари билан эзибўтишди. Чол ўлими олдидан бошини кўтариб, ортига, олов ичида қолган уйига боқди. Кейин йиқилди. Кўксидан чиқаётган қон тупроқни қизил рангга белади. Олам қип-қизил тусга кирди. Бирдан отаси кўринмай қолди.

Яна жанг майдони, яна қуролли кишилар, яна танклар кўринди... Олдинда бошига оппоқ рўмол ўраган аёл қочиб бораётир. Шамол рўмолини тортқилайди, у эса байроқдек ҳилпирайди. Жангарилар уни қувишди. Кутилмаганда аёлнинг бошидаги рўмол учиб кетди. Бағридаги гўдаги кўриниб қолди. Она уни маҳкам қучиб борарди. Атрофдан

пана жой изларди. На бир туп дарахт, на бир бино кўринарди.

Юсуф юрагини ҳовучлаб олганди, онага ўқ тегишини истамасди, ёлвориб Худога нола қиларди: "Эй, поки Парвардигор, бу аёлни ўзинг ҳимоянгга ол. Кўряпсан-ку, унинг бағрида фарзанди бор. У жуда ҳам ёш, чақалоқ, ҳали онасининг сутига туймаган норасида. Иккисига ҳам ўқ тегмасин, сен уларга ўз паноҳингдан жой бер, эй Роббим. Уларни ҳеч ким отмасин. Бирорта ўқ уларга тегмасин. Унга қарата отилаётган ўқлар Сенинг қудратинг ила эриб кетсин. Она ўлса, чақалоғининг ҳоли не кечади? Дунёда онасиз, етим бўлиб, сутга туймай ўсадими? Ким онанинг жасадини жанг майдонидан олиб чиқиб, ота-боболари мангу қўним топган қабрга қўяди? Одамлар оёқлари билан топтаб ўтади-ку, танклар ғилдираклари билан мажақлаб кетади-ку. Чақалоқнинг оҳидан дунёга ўт кетади-ку.

Ўқлар қочиб бораётган онанинг ортидан қуваётгандек гоҳ ёнидан, гоҳ бошидан визиллаб учарди. Ерни ўпириб ташларди, чангини чиқариб ташларди. Она эса ўқларга чап бериб, боласига қўксини қалқон қилиб чопарди.

Олдинда бомба портлади. Тупроқлар оловга айланди. Юсуф бомба ташлаётганларга қарата қичқирди: "Хой, Аллоҳнинг бандалари, раҳм айланг, шафқат қилинг. Олдинда бораётган душман эмас, у она. Барчамизнинг онамиз. Сизнинг ҳам онангиз. Унинг қучоғида боласи бор. Уни ўлдира кўрманглар! Уни эҳтиёт қилинглар, асранглар, авайланглар. Агар она ўлса, замин йиғлайди, дунё қон қақшайди. Фарзандлар онасиз қолади.

Юсуф қанчалар куйиб пишмасин унинг гапига ҳеч ким қулоқ солмасди. Бирдан... бирдан у яна отасини кўриб қолди. У тепалик устида, ерга ётиб олиб, автоматини онага тўғрилаб, уни нишонга оларди. Юсуф кўзларига ишонмасди. «Наҳотки бу менинг отам бўлса?.. Йўқ... бўлиши мумкин эмас. Отамнинг қалби Аллоҳга нисбатан битмас-туганмас меҳр-муҳаббат билан лиммо-лим тўлиб тошган. Яратганнинг амалларини бекаму куст бажаради. У одам ўлдирмайди... У Аллоҳнинг бандаларини ўлдиришга қарши. Бу гуноҳ эканлигини билади.

Бирдан отаси бармоғини тепкининг устига қўйди. Юсуф чидамади, отаси томон чопди, йўл йўлакай автомат нишонига ўзининг кўксини тўғрилаб борди. Бироқ оёқлари бир жойдан жилмасди. Кейин тепалик томонга бурилиб қичқирди.

– Ота, отажон, отманг!! Аёлни отманг, унинг кўксида боласи бор, зинҳор ота кўрманг!

Отишма авжига минарди. Қасир-қусур ўқлар у томондан бу томонга визиллаб учарди. Ўқ еганлар тўнтарилиб тушарди. Шовқин суронда Мўмин боласининг овозини эшитмасди. У ҳамон автоматнинг учини аёлга тўғрилаб, уни нишонга олиш билан овора эди. Ниҳоят тепки босилди. «Та...та». Автомат учидан учиб чиққан ўққип-қизил чўғдек бориб аёлнинг кўксига қадалди. У қалқиб кетди, кейин ерга йиқилди. Чақалоқ эса она бағридан чиқиб, қуш мисоли кўкка кўтарилди. Йўқ, у ерга қайтиб тушмади, нурдан ясалган илоҳий қўллар уни ушлаб қолди. Кейин ўзи билан бирга осмону фалакка олиб чиқиб кетди. Кўкси қонга беланган она қўлларини боласи томон чўзиб,ўрнидан туришга уринди, бироқ бунинг иложи бўлмади. Ётган қуйи арш сари учиб юбораётган ўғлига қараб.

"Қаёққа, қаёққа кетяпсан, болажоним?" – дея илтижо қилди.

Гудак бир зум осмон бағридаги бушлик узра туриб қолди. Нигоҳларини пастга қадаб, қўлларини чўзиб турган онасига шундай деди:

"Аллоҳимнинг ҳузурига кетаётирман, она. Хавотир олманг, фаришталар мени олиб кетаётир".

Она юраги таскин топгандек ерга йиқилди ва заминга қонли бағрини босиб жон берди.

Юсуф аламдан қичқириб юборди:

– Ота!

У уз овозидан уйғониб кетди. Бошини темир тусиққа уриб олди. Кўрганлари руё эканлигини билди. Узини жанг майдонида эмас, қафас ичида кулча бўлиб ётганини билди. Лекин анча вақтгача ўқлар овози, одамларинг қийқириқлари, бомбаларнинг гумбурлаши ва шўрлик онанинг кукка қўл чўзиб, "Болам", деб бузлагани қулоқларидан кетмади.

Юсуф безгак тутган бемордек қалтирарди. Ҳозиргина кўрганлари туш эканини билса-да, тинимсиз "Ота, ота, куролни ташланг, орқага қайтинг", деб шивирларди. Бир неча дақиқа утиб узига келди. Бошини кутариб, кукка боқди. Қоп-қоронғу осмонда на юлдуз, на ой кўринарди. Шунда уузининг меҳрибон Тангрисига илтижо қилди.

– Эй Худойим, Сендан утиниб, ёлвориб сурайман: отамни ёнимга қайтар, уни паноҳингда асра. Илоҳим, у лаънати куролни қўлига олмаган бўлсин, унинг қули пок, умр буйи меҳнат қилган қўлларида курол кўришни хоҳламайман. Ишқилиб, Сенинг бандаларингга қарата ўқ отмаган бўлсин. Қаерда бўлса ҳам уни ҳимоянгга ол. Тезроқ ёнимга қайтсин. Бизларни қишлоғимиз, хаста онажоним, сингилларим

кутаётир. Агар отамга бирор гап бўлса, мен қаерга бораман, ким мени юртимга олиб кетади? Онам ва сингилларимнингҳоли не кечади? Ё Аллоҳим, Сендан ёлвориб сўрайман: отамни тезроқ ёнимга қайтар!Агар унинг жони душманга керак бўлса, меникини ола қолсин. Мен ўлимимга розиман!..

* * *

Темир эшик тарақлаб очилди. Ичкари қуёш нурига тўлди. Бироқ бу нур Юсуф ётган қафасгача етиб бормади, аммо зулмат пардасини кўтариб ташлади. Юсуф ғам ва қайғулардан оғриётган бошини кўтарди. Унинг киртайган ва уйқуга тўймаган кўзлари ичкарига кириб келаётган икки соқчига тушди. Улар оёқларидаги этиклари билан ерни ноғарадек қоқиб, чангини чиқариб келишарди. Соқчилар йигит ётган қафас тепасида тўхташди. Илон сингари кулча бўлиб ётган Юсуфга:

– Ўликмисан, тирикмисан?! – дейишди.

– Нима истайсиз? – Сўради йигитча ётган жойида қимир этмай.

– Ташқарига чиқ! Сени ҳазрат сўрамоқдалар. Бошингга бахт қуши қунадиган бўлди!

Улар кулишди.

– Отам қаерда? Уни қаерга жўнатдиларинг?

– Отанг, ҳазратнинг топшириғини бажаргани кетди.

– Кетди, қаёққа? – банди ўрнидан турмоқчи эди, бошини сим панжарага уриб олди. Кўзларидан учқун сачради, аммо оғриққа эътибор бермади.

– Буни ҳазратдан сўрайсан!

– Мени тезда отамнинг олдига олиб боринглар.

– Талабингни ҳазратнинг ўзига айтасан. Биз ундан бесўроқ ҳеч нарсани ҳал қилолмаймиз. Қани бўл, ташқарига чиқ!

Соқчилар қафас эшигини очишди. Юсуф отасини кўришни истарди, унинг қайтиб келмаётганидан юраги ҳавотирда эди. Қийналиб, букилиб, судралиб қафасдан чиқди. Унинг бел ва оёқлари қотиб қолганди. Ўрнидан туришга қийналди. Амаллаб қаддини ростлади, аммо бирданига юриб кетолмади. Соқчилар ортидан оёқларини судраб борарди.

Ташқарида одамлар кечагига қараганда икки ҳисса кўп эди. У ёқдан бу ёққа чопишарди. Бақириб-чақириб, бир-бирларига нималарнидир дейишарди. Юзлари ташвишли кўринарди. Гўё бу ердан кўчиб кетишга ҳозирлик кўришаётгандек. Тала-тўп ичида боши, қўл-оёғини боғлаб олган ярадорлар ҳам бор эди. Уларни кўрганда Юсуфнинг хаёлига ўтган тунда бўлиб ўтган отишма келди. Нигоҳлари билан отасини ва йўлдаги ҳамроҳларини ахтарди. Унинг жовдираган кўзларига отаси ҳам, танишлари ҳам кўринмади. "Қаёққа кетишган бўлиши мумкин? Отам улар билан бирга кетдимикин? Йўқ, у мени ташлаб кетмайди, шу ерда", деган фикр йигитни бақириб юборишдан зўрға тийиб турарди. Юсуфнинг йиғлагиси, овозини қўйиб отасини чақиргиси келарди. Соқчилар эса бунга имкон бермасди, ҳар қадамда тезроқ юришга ундаб, ора-сира елкасига туртиб қўярди.

Соқчилар Юсуфни чодир олдига бошлаб бордилар. Бу ерда бир неча сув идишлари бор эди. Атрофга кўп сув тўкилганидан бу ерни ювиниш жойи эканлиги билиниб турарди.

– Юзингни ювиб ол! – буюрди соқчилардан бири.

Юсуф четга чиқиб қул ва юзини чайди. Кийимларини эпақага келтирди. Айниқса шими мижиғланиб, маҳор босиб кетганди. У ташна эди, икки кундан бери сув ичмаганди. Сувдан ичкиси келди. Бироқ у шўр ва тақир эди. Оғзига олганини тўкиб ташлади. Соқчилар уни чодир ортига олиб ўтишди. Бу ерда ўтирадиган темир курси бор эди. Уларнинг буюруғи билан Юсуф шу курсилардан бирига ўтирди. Ичкаридан чиққан одам унинг олдига кепакдан қилинган қоп-қора нон ва лиёлада чой қўйди.

– Еб ол, бироз ўзингга келиб оласан! – дейишди соқчилар.

Юсуф оч бўлса-да, шу тобда томоғидан ҳеч нарса ўтмасди. Отасини кўргиси келарди. Кўзлари билан уни изларди. Йигитча чойдан ичди, бир парча нонинг ярми томоғидан зўрға ўтди. Ортганини чўнтагига солиб олди. Бел ва оёқларидаги оғриқлар салпал босилганди.

Соқчилар яна йигитни бошлаб кетишди. Улар Юсуфга таниш бўлган кечаги уй томон боришарди. Ичкарига киришганда Тоҳирнинг ёнида иккита одам ўтирарди. Юзлари қуёш нурини кўрмаган, оппоқ, кийимлари бошқача, буйинларида буйинбоқ. Улар Юсуфга бир зум тикилиб туришди. Кейин бир-бирларига қарашди. Тоҳир уларнинг тилида гаплашди. Нималар дейишгани йигитчага тушунарсиз эди.

Меҳмонлардан бири ўрнидан туриб, Юсуфга яқин борди. Йигитчанинг кўзларига термулди. Кейин узун бармоқлари билан киприкларини кўтарди. Бироз сарғайган кўзларига тикилди. Тоҳирнинг олдига қайтгач унга яна нималарнидир деди. Тоҳир ҳам унга алланималарни айтди. Меҳмон унинг сўзлари-

ни инкор қилгандек бош чайқади. Иккиси узоқ тортишди. Меҳмон кўп бор қўл силтади. Тоҳир у билан тортишиб ўтириш фойдасиз эканлигини тушунгач жим қолди. Юсуфга ҳумрайиб қаради, кейин соқчиларга арабчалаб "Жойига олиб боринглар" деди. Йигитча ундан отасининг қаердалигини сўрамоқчи эди, соқчилар бунга имкон бермади. Юсуфнинг билагидан ушлаб, уни ташқарига судрашди...

Юсуф меҳмонларнинг кимлигини ва қандай мақсадда уни текширишганини билмасди. Булар Тоҳирнинг хориждаги танишлари эди. Вақти-вақти билан бу ерга келиб, соғлом ва бақувват ёшларни ўз юртларига олиб кетишарди. Тоҳир уларнинг ички аъзоларини катта миқдордаги пулга сотарди. Бу лагердагиларга аён эди. Айниқса, ёшларга. Уларни таниб қолган йигитлар меҳмонлар келганда кўздан йироқ бўлишга ҳаракат қилишарди. Уларнинг қўлларига тушгандан кўра, жангга кириб, урушда ўққа учиб кетишни афзал билишарди.

Соқчилар ҳазратнинг "Жойига елтиб қўйинглар", деб Юсуфни чиқариб юборганидан билдиларки, у меҳмонларга ёқмаган.

Соқчилар уни яна темир қафас ичига ташлаш мақсадида олиб кетишаётганини сезган Юсуф безовталаниб қолди. У кўзлари билан ҳамон отасини ва бирга келган танишларини изларди. Улар эса кўринмасди. Юсуф тўхтади ва соқчига юзланиб:

– Мени отамнинг олдига олиб боринглар! Отам қаерда, уни топиб беринглар! – деб шовқин кўтарди. Ва айни дамда йигитнинг кўзларидан соғинч ёшлари оқиб тушарди.

– Отанг сени ичкарида кутмоқда, қани бўл, илдамроқ юр!

Соқчилар йигитчани туртиб суришарди.

– Мен отамсиз ҳеч қаерга бормайман, уни менга топиб беринглар! Айтинглар, отам қаерда! – у шундай деб ерга ўтириб олди.

Соқчилар Юсуфни гоҳқуллари билан, гоҳ оёқлари билан калтаклай бошлашди.

– Қани, тур ўрнингдан! Тур дедим сенга!

Юсуф баданига келиб тушаётган зарбалардан ҳосил бўлган оғриққа аҳамият бермади. У фақат отасини кургиси, унинг ёнида бўлгиси келарди. Соқчилар бечора йигитчани қўл-оёқларидан ушлаб, замбардек кўтариб, қафас ичига олиб кириб кетишди.

МЎМИННИНГ ҲИКОЯСИ

Бошқа йўлдан орқага қайтдик. Кўп юрганимдан оёқларим шишиб, кирза этигимга сиғмай қолганди. Оқсоқланиб борардим Юлдузлар сўнганди, ой ботганди, тонг бўзариб, қушлар уйғонган палла эди. Субҳ эпкини димоқларимизга куйинди, порох ва яна аллақандай ёқимсиз иснинг уйғунлашиб кетган ҳидини урарди. Тирик қолганлар Тоҳирнинг топшириғини қойилмақом қилиб уддалагандек ҳис этишарди ўзларини. Баримиз бирдек чарчаб, ҳолдан тойгандик. Мен тунда бўлган урушни, кўзим билан кўрганларимни унутишга қанчалик уринмай, бунинг уддасидан чиқа олмасдим. Кўзим олдидан урушнинг манзараси, қулоқларим остидан ўқларнинг, снарядларнинг, бомбаларнинг мудҳиш овози кетмасди. Ўзимни ҳали ҳам жанг майдонида юргандек ҳис этардим. Тирик қолганимга ишонмасдим.

Қаршимиздан кичик қишлоқ чиқди. Уйлари пахса девор билан кўтарилганди. Уларнинг кўпини

деворлари кучиб, эшик деразалари ёниб кетганди. Биноларга қараб бу ерда эллик, олтмишта оила яшашини билса бўларди. Ўнлаб кўзлар ёнган, нураган уйларнинг эшиклари ортидан бизларни кузатишарди. Икки соатлар ўтиб яна бир қишлоқдан чиқдик. Хижобга ўралган аёллар, юзлари қорайиб, эти устихонига ёпишган чоллар, кир-чир, ярим ялонғоч болалар озғин қўлларини чўзиб биздан егулик сўрашарди. Улар орасида чоллар, кампирлар ҳам бор эди. Кекса ёшдаги қария менинг эътиборимни тортиб қолди. Унинг пешонасидаги чизиқлар уруш ва қашшоқликнинг азоб-уқубатларидан кўпдан озор чекаётганини билдирарди. Тақир боши, тирналган бурни, оппоқ соқол қоплаган чўзинчоқ юзи, яноқлари тарам-тарам ажинлар билан ажралган, қийшайган огзи эса очиқлигича қолганди. Агар кучлироқ шамол турса, уни учириб кетиши ҳеч гап эмасди. Ингичка бўйни бошини кўтаролмагандек осилиб турарди. Буларнинг бари ичида кечаётган оғриқ ва изтиробларни акс этирарди. Назаримда, унинг нон бер, дейишга ҳам мажоли қолмаганди. Ҳозир ёнимда бирор егулик бўлганида эди, асло иккиланмай шу қариянинг қўлига тутқазиб кетган бўлардим.

Болалар эса биз билан ёнма ён боришарди. Бечоралар озиб-тўзиб кетганди, қовурғалари чиқиб, кўзлари ич-ичига ботганди. Нурсиз кўм-кўк бу кўзлар мисоли соққага ўхшарди, ташқарига чиқиб кетадигандек гўё. Улар тобора кўпайиб, қўлларини чўзиб: "Аржуукум хат лий тоаам»! (Нон беринглар, егулик беринглар), деб зорланишарди. Бироқ шерикларим болаларни ёнларига яқин келтиришмасди, гоҳ оёқлари, гоҳ қуроллари билан туртиб, узоқлаштирарди. Зардам қайнаб, ўзимнинг ти-

лимда "Илтимос, болаларни урманглар", деб юбордим. Бироқ сўзларимгақулоқ соладиган одам йўқ эди. Ҳатто кимдир "Қоч, итвачча", деб жеркиб, мени четга суриб ташлади. Бошқа биров эса автоматидан ўқ узиб, болаларни ҳайдади.

Ўн ёшлардаги бола шериклари умид узиб, қайтиб кетишган бўлишса-да, ортимиздан қолмасди. У анча йўлни биз билан бирга босиб ўтганди. Қишлоқ ярим чақирим олисда қолганди. Ҳар биримизнинг олдимизга келиб, ориқ қўлини чўзиб, бир тишлам бўлса-да, нон беришимизни илтимос қиларди. Ўзи ҳам бир аҳволда эди. Рангида қон йўқ. Эти кетиб, суяги қолган. Озғин ва нимжон гавдаси хумдек бошини зўрға кўтариб турарди. Олдинда бораётган шопмўйлов тушёнкасини очиб, ичига қўлини суқиб таомни ошаб борарди. Бола унинг овқат еяётганини кўриб қолди. Шошиб олдига борди, ўзининг тилида таом сўради. Мен уларнинг суҳбатини эшитиб турсам-да, тилига тушунмасдим. Лекин ўзимча фараз қилардим:

– Амаки, овқатингиздан бир қошиқ бўлса ҳам беринг, уйда онам касал, бир ҳафтадан бери овқат егани йўқ...

Шопмўйлов уни жиркиб ташлади.

– Кўзимдан йўқол, хароми!

Бола умидсизланмади. Унинг изидан қолмади. Сукишларига эътибор бермади. Қўлларини чўзиб, тинимсиз овқат сўраб бораверди. Жангари аччиқланди, болани орқасига тепди. У йиқилди ва тезда ўрнидан туриб яна шопмўйловнинг ёнига борди. Шунда ҳеч ким кутмаган ходиса рўй берди. Жангари жаҳд билан болани ушлаб, оёқларидан кўтариб, бошини осилтириб четга чиқди. Ҳамманинг кўзи унда

эди. Шериклари қаҳ-қаҳ отиб кулишарди. Бу баттол болани нима қилмоқчи, деб ўйладим. Бечора болакай юраги ёрилгудек қичқирарди, типирчиларди ва ҳамон ўзининг тилида егулик сўрарди.

Кўзим шолмўйлов бораётган томондаги қудуққа тушди. Унинг қопқоғи йўқ эди. Ичида сув бор-йўқлигини ҳам билиб бўлмасди. Наҳотки... миямга мих каби санчилган фикрдан сесканиб кетдим. Жангари болани қудуқ тепасига олиб келди. Шўрлик унинг темирдек бақувват қўлида худди соатнинг кўрсаткичидек чайқаларди. Жангарилар эса қоринларини чангаллаб кулишарди. Шолмўйлов болани қудуқ ичига ташлаб юборди. У боши билан пастга учиб тушди. Овози қудуқ тубидан ҳам эшитилди. Лекин бу унинг сўнгги нидо, сўнгги фарёди эди. Бир сония ўтиб жимиб қолди. Шолмўйлов ҳеч нарса бўлмагандек ҳали ҳамон кулаётган шерикларининг олдига қайтди. Мен қаттиқ ғазабландим. Ҳозироқ бориб қўлларим билан бўғиб, тишларим билан ғажиб ташлагим келарди. Қўлим ихтиёрсиз елкамдаги автоматга чўзилди. Шолмўйловга қўшиб шерикларини ҳам отиб ташламоқчи бўлдим. Шунда қафас ичида букланиб, очлик ва ташналик азобидан қийналиб, мени кутаётган ўғлим кўз олдимга келди. Қўлим шалпайиб ёнимга тушди. Ўзим сезмаган ҳолда ҳали ҳам жойимда қотиб турардим. Кимдир "Нега қоққан қозиқдек туриб қолдинг", деб туртиб ўтди. Ўзимга келдим ва яна шу лаънати оқимга қўшилиб кетдим, у мени олиб кетди, ортидан эргаштириб кетди...

Қишлоқ ортда қолди. Тупроғи қонга беланган жанг майдони олисда қолди. Бирга келган шерикларимнинг маййити қолди. Уларнинг ўлим олдидан

қичқирган овозлари қулоғим остидан ҳали ҳамон кетмасди. Мурдалар мен билан ёнма ён келишарди. Мен бутун вужудим билан олға интилардим. Тезроқ ўғлимни кўришга ошиқарди юрагим. Уни соғингандим. «Оч қолмадимикин, сув беришдимикин, қафас ичида букилиб, бели оғриб қолмадимикин? Очликдан силласи қуриб ётиб қолган бўлса-я», дея юрагимни изтироб эзарди. Ўзим сезмаган ҳолда қадамимни илдамлатиб, шерикларимдан бироз илгарилаб кетгандим. Назаримда у ҳали ҳам қафас ичида мени кутаётгандек эди. "Сабр қил, ўғлим, мен тезда ёнингда буламан ва сенга нон, сув олиб кираман. Мен қайтмоқдаман, сени қафасдан чиқариш учун, она юртга қайтишимиз учун ўқларга чап бериб келаётирман. Қанчадан қанча одамлар ўққа учиб, кўз ўнгимда жон беришди. Худо асради, сенинг дуоларинг асради мени. Урушнинг нима эканини, унинг даҳшатли фожиасини кеча ўз кўзим билан кўрдим, болам. Ўқлар ёмғири остидан тирик чиққанимга сира ишонгим келмайди. Илоҳим курганларим ортда қолган бўлсин. Жонимни суғуриб, этимни майда-майда қилсалар ҳам қайтиб қўлимга қурол ушламайман," дея ўзимга ўзим ваъда берардим.

Кетаётганимизда эллик-олтмиш чоғли киши эдик, ҳозир ўн битта. Қолганлар ўққа учди, қочди, ярадор бўлиб жанг майдонида қолиб кетди. Кўпчиликнинг кийимига қараб бўлмасди. Юзлари тутундан, чангдан қорайиб, ўқлар шилиб ўтган яраларидан қон оқарди.

Кутилмаганда хаёлимга мен билан гаплашган йигит келди. Уни кўзларим билан изладим. Қоронғуда юзини яхши эслаб қолмагандим. Тириклар орасидан тополмадим. Наҳотки жанг майдонида қо-

либ кетган бўлса? Исмини сўраб олмаганимдан, ҳозир афсусдаман. "Пакана" ҳам кўринмасди. "Шилпиқ кўз" яна сафда пайдо бўлиб қолганди. У олдинда оқсоқланиб борарди. Тавба, жанг пайтида на ўзини кўрдим, на овозини эшитдим...

Узоқдан лагерь кўринди. Кўзларим билан Юсуф ётган бинони топдим. Ундан нигоҳимни ололмай борардим. Тез юрганимдан гоҳ қоқилардим, гоҳ йиқилардим.

Тоҳир бизга пешвоз чиқди. Унинг ортида юзи мумдан ясалгандек, ҳиссиз, қора кийимли икки соқчи турарди. У хурсанд эди. Кеча менинг кўзимга кўринган қайғу шуъласи ўрнини шодлик эгаллаганди. Кимдир "Қаттиқ жанг бўлди, ҳукумат қўшинларини ер тишлатдик. Қишлоқни вайрон қилдик» деб, ёлғон хабар етказган бўлса керак, у йўқотилган жангариларга ачинмади. Қўли билан ҳар биримизнинг елкамизга миннатдор бўлгандек уриб қўйди. Мен тушунмаган тилда нималарнидир деди. Олдимга келганда ўзимни тута олмадим:

– Ўғлимни кўрмоқчиман.

Тилмоч тезда сўзимни арабчага ўгирди.

– Сен уни кўришга ҳақлисан! – деди Тоҳир. Кейин тилмочга нимanидир айтди. У муҳофизларга "Боласини олиб келинглар, отаси билан кўришиб олсин", деди. Кўп ўтмай Юсуфни олиб чиқишди. Боламнинг бели букчайиб қолганди. Қаддини тик тутолмай келарди. Қаттиқ дард ва азоб чекканини оқаринқираган юз-кўзи айтиб турарди. У кўзларимга озиб-тўзиб кетгандек кўринди. Кўзимиз кўзимизга тушганда, Аллоҳим унга қувват берди:

– Отажон! – қичқириб юборди ўғлим ва олдимга чопди.

Иккимиз қулочимизни очиб, бир-биримизга интилдик.

– Ўғлим!

Биз узоқ йиллар кўришмагандек бир-биримизни бағримизга босиб, ҳунграб юбордик.

– Хайрият, тирик экансиз, ота. Ёмон тушлар кўргандим...

– Босган ҳар қадамимда Аллоҳдан сен билан учраштиришини сўраб илтижо қилдим. Меҳрибон Тангрим муродимга етказди.

– Мен ҳам сизни дуо қилдим, ота.

– Мана, Яратган Эгамнинг марҳамати билан яна кўришдик, ўғлим!

Юсуф елкамдаги автоматни кўриб, бирдан орқага тисарилди.

– Ота, елкангизда қурол? Жангга кирдингизми? Ахир қурол ушламанг, деб тайинлагандим-ку, сизга!

– Отанг жангда унлаб душманларимизни ер тишлатди, ҳа, уларни қийратиб отди, – Тоҳир ёнимга келиб, овозини кутариб шундай деди.

– Қандай қилиб, ахир... – Юсуф Тоҳирнинг кўзларига тикилди.

– Қандай қилиб деганинг нимаси, автомат билан отди-да. Кўрмаяпсанми, елкасидаги қуролни.

– Ишонмайман!

– Ишонмасанг, жангдан қайтганлардан сўра!

Юсуф ёнимга қайтди. Менга тикилиб:

– Шу гап ростми, ота? – деб сўради.

Боламнинг кўзлари ёшли, қалби ғамли эди.

– Ўғлим...

– Сизни одам отишингизга ишонмайман, ота.

– Мени тўғри тушунишингга ишонардим, ўғлим. Сени қийнашмасин деб, ўша савилни қўлимга олиш-

га мажбур бўлдим. Лекин Худо номи билан қасам ичиб айтаманки, битта ҳам ўқ отмадим.

– Ташланг, ота, ҳозироқ ташланг! Инсонларни ўлдирадиган, уларни тавба-тазарру билан яшашга мажбур қиладиган қуролни ташланг! Бу кимсалар шу қурол ёрдамида ўзларининг кучли ва қудратли қилиб кўрсатишади. Узингизни бу одам қиёфасидаги шайтонларнинг мақсади йўлида қурбон қилишни истамасангиз, қуролни ташланг, ота!

– Ўғлим...

– Қурол ушлаб ўлгандан кўра, уни қўлга олмасдан ўлган шараф!

Мен елкамдан автоматни олдим. Кейин ортга қарадим. Атрофдагилар қатори Тоҳир ҳам мендан кўзини олмай турарди. Мен унинг олдига бордим. Қуролни оёғи остига ташладим. Руҳим енгил тортди.

– Мана, қуролингиз, энди буни менга ҳеч қачон кераги йўқ! – дедим. Кейин чўнтакларимдаги ўқларни олиб ерга ирғитдим. Ўқлар атрофга сочилди.

Шунда бирдан ўзимни гуноҳлардан ҳоли бўлгандек ҳис этдим. Юсуфнинг ёнига қайтдим. Унинг сочларини силадим.

– Мени кечир, ўғлим...

– Ота, онамни, қишлоғимни соғиндим. Бошлиққа айтинг, бизга рухсат берсин. Кетайлик бу ердан.

– Кетамиз, албатта кетамиз, ўғлим! Тирик эканман, сени бу ерда қолдирмайман. Лекин бизга осонликча рухсат беришмайди, ҳозир кетсак, отишади.

– Мен уйимизни ташлаб чиққан кунимоқ ўлиб бўлганман, ота. Ҳозир қайтмасак, булар яна қўлингизга қурол тутқазишади. Мусулмон биродарларимизга қарши жангга солишади. Унда Аллоҳ тавбан-

гизни қабул қилмайди. Унинг ҳузурига пок иймон билан боролмайсиз, ота...

– Ўғлим, сабрли бўл. Бу ерда ҳам бизга ўхшаб юртни соғинган, алданиб келганлар бор экан. Улар бизни тўғри йўлга солишар.

– Ота, мен қон ҳиди анқиб турган ҳаводан нафас ололмаяпман!

– Ўғлим...

Юсуф Тоҳирнинг олдига борди.

– Бизга рухсат беринг, уйимизга кетайлик, – деди унга. Тоҳир бошини кескин кўтарди, кўзларида вахшиёна кек билан деди:

– Ҳали сен жиҳод жангига киришдан бўйин товлаяпсанми, шайтонвачча? Сенлар энди ҳеч қаёққа кетолмайсан. Уйингни унут, отанг каби қўлингга қурол ол! Душманларимизга қарши жангга кир! Мен сени жаннатнинг капалагига айлантираман! (Тоҳир белига бомба боғлаб, одамлар гавжум жойларда ўзларини портлатиб юборадиган болаларни "Жаннатнинг капалаклари", деб атарди).

– Сиз олиб бораётган уруш жиҳодга кирмайди. Бу жанг мўминларни, ўз диндош биродарларимизни қириш жанги. Уларнинг бошига кулфат ва офат солиш жанги! Аллоҳнинг қаҳрини келтиргувчи жанг!

– Бас! Сабримни синаб, шарафимни синдирма! – қичқириб юборди жангарилар етакчиси.

Юсуфнинг гапларидан исён, итоатсизлик ва бош тортиши очиқ кўриниб турарди. Бу ердагиларнинг барчаси у олиб бораётган жангни жиҳод жанги деб турганда, бир боланинг инкор этиши одамларнинг тушунчасини ўзгартириб юбориши ҳеч гап эмаслигидан хавотирда эди.

Тоҳир дарғазаб бўлди. Унинг силовсин кўзларидек кўзлари ўқрайиб, буғдой ранг юзида қорамтир доғлар кўринди.

– Бизнинг куч-қудратимиз қаршисида тиз чўкмайдиган, сўнмайдиган, барбод бўлмайдиган нарса йўқ. Паймол қилинганлар, тиз чўктирилганларнинг бари бизнинг қудратимиз олдида ер ўпадилар, муте бўладилар. Бундан кейин ер юзидаги одамларнинг тақдирини биз ҳал қиламиз. Одамлар, миллатлар, халқлар эса ўлаверади, бизнинг ғоямиз гуркираб яшайверади. Дунёнинг гоҳ у чеккасида, оҳ бу чеккасида портлашлар, тўнтаришлар ҳосил қилиб, душманларимизнинг асабини қитиқлайверамиз. Биз ўз ғалабамизга, зафаримизга ишонамиз. Алал оқибат барча инсоният бизнинг ғояларимизни қабул қилишга, биз тарафимизга ўтишга мажбур бўлади. Дунё ҳаракатини биз бошқарамиз.

– Шундоқ, ҳақ гап! – дейишди атрофдаги мулозимлар.

– Гапларингизга итоат қила оладиган оламга ҳукмрон бўлишга ҳақлисиз.

Тоҳир бу гаплардан роҳату фароқ топди. Юсуф эса бирдан ўзгариб, илон каби қаҳру ғазабини сочди.

– Сиз бизнинг қаддимизни букишингиз, қудратингиз олдида тиз чўктиришингиз мумкин, аммо ер юзидаги инсонларнинг тақдирларини ўзгартира олмаганингиз каби дунёнинг ҳаракатини бошқаролмайсиз. Инсоният ҳам, олам ҳам Аллоҳнинг ҳукмидадур! Одамлар эзгулик сари, бахтли келажак сари адолат, ҳақиқат сари тинчлик байроғини кўтариб олға интилаверади! Урушга, қон тўкишларга, зулм ва зўравонликларга қарши бораверади!

– Икки қулоғинг билан эшитиб қўй, биз Яратганга таваккал қилиб, бу урушни бошлаганмиз. Қуёш нури тушиб турган жойлар, олам ва ер ўртасидаги жамики бойликлар бизники! Биз роҳат топмаган жойда бошқалар ҳам рушнолик кўрмайди! Биз бу жангга улуғ мақсадларни кузлаб кирганмиз, ўзимиз истаган давлатни барпо этамиз ёки шу йўлда шаҳид кетамиз!

– Улдирмоқ осон, яшаш машаққат! – деди Юсуф. Лекин унинг сўзига биров эътибор бермади.

Атрофдагилар Тоҳирни олқишлашди.

– Ғанимларингизга нисбатан қаҳру ғазабингиз тинимсиз оқиб турган дарё бўлсин, жаҳонгир Султоним! – деди боши ерга теккудек таъзим қилиб пахмоқ соқоллари орасидан сулоҳмандай бесунақай бурни туртиб чиққан кимса. Унинг ички дунёси ташқи қўринишига асло ўхшамаслигини билиб олиш учун бош қотиришнинг асло ҳожати йўқ эди. – Аллоҳ сарвари Султонимизга мададкордир!

– Олдинда бизларни сиз зафар байроғини тикадиган бахтли кунлар кутаётир!

– Бундай тили заҳар кимсаларга давлатпаноҳимизнинг жаннатларида жой йўқ!

– Ўлимга маҳкум қилинсин!

– Давлатпаноҳимизнинг жаннатидан қувилдинг, энди жойинг дўзах!

– Бале, бу дунёнинг ўзи бир жаҳаннам, бизга қўшилмайдиганлар шу жаҳаннамга ғарқ бўладилар!

– Бу бола сизнинг марҳаматли сўзларингизни қайтариб, кечирилмас гуноҳ қилди. Бизга содиқ хизмат қилмайди. Иккиси ҳам хоин! Бошларини дорга илиш лозим!

Бу дағдағадан руҳим тушиб, ғаранг бўлиб қолдим.

Шовқин тингач, яна бир жангари Юсуфга заҳарханда назар ташлади-да, Тоҳирга қараганча ҳамма эшитадиган овозда:

– Душман жонини берса ҳам сирини бермайди, ҳазратим. Уламоларимиз ҳақ гапни айтурлар. Буларни кўпчилик олдида жазоламасак, йигитларимиз тарқаб кетиши тайин, – деди.

– Ҳақ гап, лутфи карамингизни кўрсатинг, ҳазратим. Аввалам бор иккисининг тилини чўғда қиздирилган қайчи билан кесмоқ керак, – қўшимча қилди чувак одам.

Тоҳир Юсуфга яқин келиб;

– Қаршингда иккита йўл бор, қўлингга ташлаб юборган анови қуролни олсанг ёки ўз қорнингга ўзинг чўкиб ўласан! – деди.

– Бу жазо ўз юртимни, ўз уйимни соғинганим учунми? Қўлимга қурол олмаганим учунми? Одамларни ўлдирсангиз, Аллоҳ қиёмат кунида сизни дўзах оташида куйдиради. Сизда юрак йўқ, юрак ўрнида тош бор экан. Айтингчи, динда ўч олиш борми?

Бу гаплар Тоҳирнинг дилига ханжардек санчилди. Адолат ва ҳақиқатнинг аччиғига чидай олмади.

– Тилинг бурро экан. Сен менинг қудратимга ишонмаяпсан. "Ҳар бир одам бошига не мусибат тушса, тилидан кўрсин", – деганлар ҳақ. Демак, сен қўлингга қурол олмайсан!

Тоҳирнинг ёнида турганлардан бири ўғлимнинг олдига яқин келиб:

– Ҳазратимизнинг лутфлари олдида бош эг! Айтган гапларингга тавба қил! Акс ҳолда ҳозир олаётган нафасинг сўнггиси бўлиб қолиши мумкин! – деди. Бунга жавобан Юсуф:

– Сиз ҳар нарсани кўргувчи ва ҳар нарсага раҳм ва адолат этгувчи Аллоҳ борлигини унутманг. У ўз бандаларига зулм ўтказган одамларни жазосиз қолдирмайди, – деди.

Юсуфни Тоҳирнинг юзига қараб далил гапириши менинг вужудимни қалтиратиб юборди. У ҳозир боламни ўлдириб қўядигандек кўрқиб кетдим.

– Кечиринг, ўғлим ҳали ёш, ҳеч нарсанинг фарқига бормайди, нима деяётганини ўзи тушунмайди. Ўтиниб сўрайман сиздан, унинг гуноҳидан кечинг! Унга берадиган жазони менга беринг, фақат боламга тегманг!

Мен унинг устидаги хилпираб турган тунининг этакларидан тутдим. Жангарилардан бири Тоҳирга яқин келиб, қулоғига шивирлади. Бошлиқнинг кўзлари олайиб, қути ўчди.

– Ота, буюк Роббимнинг адолатидан ҳеч ким қочиб қутилолмайди. Туринг, туринг ўрнингиздан! Нега зулмкорнинг оёқларига тиз чўкяпсиз? Нега тунининг этагини ўпяпсиз? Ахир у қонга беланган. Қанчадан қанча бегуноҳ одамларнинг хуни сачраган. Бас, туринг ўрнингиздан! – Юсуф мени ўрнимдан турғазмоқчи бўлди. Лекин унинг илтимосини бажармадим.

– Истасангиз ҳар куни сиз учун жангга кираман! Сизга отилаётган ўқларга кўкрагимни тутиб бераман. Душманларингизнинг қаршисига ўзим чиқаман. Фақат боламга тегманг, у ҳали ёш. Жувонмарг бўлишини истамайман...

Тоҳир оёғини юзимга қўйиб итариб юборди. Тош йўлак устига йиқилдим.

– Жангга кирибсану, душманларга битта ҳам ўқ отмабсан! Сен бизга панд бердинг, синовимиздан

ўтолмадинг! – деди у қаҳр билан. – Сен ғофил, садоқатсиз одамсан, жазосиз қолмайсан.

Қулоқларимга унинг сўзлари кирмади. Бутун фикри зикрим уни ғазабидан тушириш эди. Ўрнимдан турдим. Гудакдек эмаклаб Тоҳирнинг ёнига бордим. Юсуф йўлимни тўсди.

– Ота! Қадрингизни билинг! Кимларнинг авлоди эканингизни, қайси миллатнинг фарзанди эканлигингизни унутманг. Ялинманг буларга! Буларнинг иши одам ўлдириш! Туринг ўрнингиздан!

Болам қўлтиғимдан олди, ўрнимдан турдим.

– Ўғлим... – томоғимга аччиқ нарса қадалиб, йиғлаб юбордим.

Атрофга анчагина одамлар тўпланганди. Кўпчиликнинг кўзи бизда эди. Қисматимиз қандай якун топишини кутишарди. Тўдабошининг ялпоқ юзи совуқ ургандек кукарганди. Қув кўзлари қисилиб, қаҳр-ғазаб учқунлари чақнарди. Айримларнинг юраклари ачишаётганини сезардим. "Демак, одамлар сафида раҳмдиллари бор экан, эртага улар ҳам юртларига қайтишни талаб қилишади", деб ўйладим. Тоҳир этиги билан тош йўлакни бир-бир босиб менга яқинлашди.

– Уйингга қайтишни истайсанми? – сўради.

– Шундай, бизга изн беринг, кетайлик...

– Майли, шуни истар экансан, нима ҳам дердим.

– Худо умрингизни зиёда қилсин, Тангрим сизга икки дунёнинг саодатини берсин.

– Лекин арзимас шартим бор.

– Айтинг, қандай шартингиз бўлса бажараман!

– Иккингиздан бирингиз шу ерда қоласиз!

– Нега? – ажабландим.

– Ўйлаб кўрсам, ота-боланинг бир жойда жанг қилиши ақлга сиғмас экан.

Бу гап ўлим ҳукми билан баробар эди. Қандай қилиб биз бир-биримизни ташлаб кетамиз.

– Ҳазратим, иккимизга ҳам рухсат беринг, бирга келгандик, бирга кетайлик...

– Мен сузимнинг устидан чиқдим. Уйингга рухсат бердим, иккингдан биринг кет дедим. Яна нима қилиб беришим керак. Истаганинг кет, йўлингни ҳеч ким тусмайди.

– Илтимос, бизларни бир-биримиздан тириклай жудо қилманг. Мен кетсам, онаси "Ўғлим қани, уни ўзингиз билан олиб кетгандингиз-ку. Қаерга ташлаб келдингиз, топиб беринг", деб ҳоли жонимга қуймайди.

– Фарзандингга юрагинг ачиса, хотинингдан қурқсанг, унда боланг кетсин. Ҳар қалай ундан "Отанг қани?", деб сурамаса керак, а?

Тудабошининг ёнида турганлар кикирлаб кулишди.

Юсуф менга қараб:

– Ота, мен бу ерда қоламан, сиз кетинг! – деди.

Тинимсиз оқаётган кўз ёшларим юзимни ювиб, тошлар устига томчиларди.

– Йўқ... йўқ, ўғлим, бундай дема. Сени ташлаб кетмоққа кунглим розилик бермайди. Яхшиси сен кет!

– Онамга боланг соғ-омон денг, тез кунлар ичида келади, денг! Худо йўлимни очса, албатта бориб қоламан.

Мен ўғлимни қучоқлаб йиғлаб юбордим.

– Қандай қилиб сени ташлаб кетаман, жигарим. Мингдан минг розиман сендан. Ёшим ўтиб қолган, йўлда қийналишим бор. Силлам қуриб йиқили-

шим бор. Сен кет. Қуни-қушнилар, ёру дустларим сурашса, "Отам соғ-омон дегин, алҳамдулиллоҳ, тез кунларда келиб қолажак", дегин. Минг бор мени кулимга курол олганимни айта курма.

– Йуқ, ота, бундай деманг, сиз кетинг! Ялиниб сурайман, сиз кетинг, отажон!

Тоҳир менга косасидан буртиб чиққан кузларини қадаб;

– Ўғлинг куринишидан ювош, мумин, лекин тоғдек кудрати бор. Мен бундай болаларни ҳурмат қиламан. Қолаверса, бундай довюрак йигитлар ўз юртига ҳам керак, – деди ва ортига ўгирилиб:

– Собир! – деб қичқирди.

Бошида битта ҳам туки йуқ, қоп-қора калласи худди мой суртилгандек ялтираб турган, устига ҳарбий кийим кийган, елкасига автоматни илиб олган менга таниш чеҳра одамлар орасини ёриб чиқиб, Тоҳирнинг қаршисида пайдо бўлди. Унинг важоҳати ҳар доимгидан қўрқинчли эди. Қаҳри ва дийдаси қаттиқлигини товоқдек ялпоқ юзи, думалоқ бурни, косасидан ирғиб чиққудек олайган кузлари айтиб турарди. Уни кўриб ичимга қўрқув тушди..

– Буюринг, Султоним.

Тоҳир унинг қулоғига нималардир деб шивирлади, кейин ҳамма эшитадиган овозда:

– Йигитчани уйига кузатиб қўй! – деди.

– Амру фармонингиз буюкдур!

Собир Юсуфнинг билагидан чангаллаб ушлади. Темирдек бармоқлар унинг жонини оғритганини ўғлимнинг буришган юзидан илғадим.

– Илтимос, боламни қийнама, у ўзи кетаверади! Агар мумкин бўлса, уни ўзим кузатай.

Сузларимга ҳеч ким эътибор бермади.

Юсуф Собирнинг чангалидан чиқишга тинимсиз ҳаракат қиларди. Қўлини мен томон чўзиб қичқирарди.

– Ота... отажон!!

– Ўғлим, – кўнглим нохуш воқеа рўй беришини сезгандек Юсуфнинг ортидан бормоқчи бўлдим. Бироқ тўрт нафар қора кийимли соқчилар йўлимни тўсиб, мени орқага суриб ташлашди.

Юсуф одамлар орасида гоҳ кўриниб, гоҳ кўринмасди, фақат "Отажон", деган овозигина қулоқларимга етиб келарди. Назаримда овози олислардан келаётгандек туюларди.

– Ҳой одамлар, ёрдам беринглар, у боламни ўлдирмоқчи, ёрдам беринглар! – овозимни қўйиб қичқирдим. Бироқ оломон ичида менинг илтижоларимга қулоқ соладиган кимса топилмади. – Ҳой, жаллод! Ўлдирсанг, мана, мени ўлдир, аммо ўғлимни қўйиб юбор! У кўзимнинг оқу қароси!

Собир сўзларимга қулоқ солмади. Юсуфни қўлидан маҳкам чангаллаганча судрарди. Ўғлим унинг чангалидан чиқмоқчи, ортга қайтмоқчи бўлиб ўзини орқага ташларди. Оёқларини ерга тираб оларди. Бироқ Собирнинг темирдек мустаҳкам бармоқларидан чиқиб кета олмасди. У ўғлимнинг қўлини суғуриб оладигандек силтаб борарди. Юсуфнинг оёқларини тошлар тиларди. Йўлак қон томчиларидан қизил рангга бўяларди.

– Қўйиб юборинглар! – Мен жон жаҳдим билан силтаниб, ўғлимнинг ортидан бормоқчи бўлдим. Жангарилар яна йўлимга девор бўлишди. Мендан анча нарида турган Тоҳирга юзландим.

– Бу нима қилганингиз, нега ўғлимни азоблаб олиб кетмоқда!..

– У уйига кетмоқда ёки унинг кетишини истамайсанми? – тиржайди Тоҳир. Бу совуқ табассум остида ваҳшийлик яширинганди.

Болам тинмай типирчиларди, оёқлари билан тошларни тепарди. Кўйлак ва шими йиртилиб кетганди. Яралари очилиб, қон оқарди. Бироқ Собирнинг чангалидан чиқа олмасди.

– Ота, ота! Мени қутқаринг!

Собирнинг мақсади энди Юсуфга ҳам аён бўлганди.

– Ўғлим, ўғлим! Уни қўйиб юборинглар! Жон керак бўлса, қон керак бўлса, мени ўлдиринглар, боламга тегманглар! – кўз атрофимни қоп қоронғулик қоплаганди. Кўзимга на одам, на олам кўринарди.

Собир ўғлимни судраганча тепалик сари кўтарилиб борарди. Энди менга ҳаммаси кўринарди. У бораётган жойда ҳеч ким йўқ. Тепалик орти жар. Келган кунимиз Шокирни бағрига ютгани учун у ер кўзимга жуда совуқ кўринарди. Илдизлари кўриниб турган ёлғиз кекса дарахт жарнинг ёқасида ўсарди. Миямга биров болта ургандек, олам остин-устун бўлиб кетди. "Йўқ... йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас". Мен жон жаҳдим билан яна олдинга ташландим. Соқчилар тутиб қолишди. Қўлларимни қайириб, бошимни эгишди.

– Қотиллар, иблислар! Агар боламни ўлдирсанг, ҳаммангни дуои бад қиламан! Сенларнинг жонингни Аллоҳ олади! Баринг Яратганнинг қаҳрига учрайсанлар! Худо юборадиган балодан омон қолмайсанлар! – аламимни оғзимга келган сўзлардан ола бошладим.

Бошимни кўтариб қараганимда Собир Юсуфни дарахт олдига олиб борганди. Энди у қаршилик

кўрсатмасди. Бошини тик тутиб, рўпарасида турган хунхўрнинг қон тўлган кўзларига боқиб, "Қани, отасанми, отавер", дегандек, она юртининг байроғидек тик турарди. Енгил шабода йиртилган кўйлагини танасидан ечиб оладигандек тортқиларди. Билмадим, бундай жасорат қаердан пайдо бўлди унда? Балки, ажали етганини билиб, Худойим юрагига ота-боболарининг шижоатини солдими, душман қаршисида бошини баланд кўтариб, миллат ғурурини, она-Ватан шарафини ўйладими? Ёки жасорати билан дунёга донг таратган Жалолиддин Мангуберди кўз олдида намоён бўлдими? Балки қони бекордан-бекорга тўкилмаслигини, қанчадан қанча инсонларнинг муқаррар ҳалокатдан қутқариш учун жон бераётганини тушуниб етдими? Юсуф яшашни, қайсидир соҳада эл юртига наф келтиришини хоҳларди. Лекин ҳозирги тўкиладиган қони ҳам самарасиз эмаслигини, балки ўзи каби ёшларга ибрат бўлишини сезганди назаримда. У бу дунёдан кўз юмиши билан бу кимсаларнинг адолат ва ҳақиқат тушунчалари мағлуб бўлиб қолмаслигини, ортидан минглаб Юсуфлар халқ орасидан етишиб чиқишини тушунгандир. Мана шунинг учун ҳам у бошини баланд кўтариб, ҳаётдан рози бўлиб жон беришига тайёр эди. Мен фарзандимни ўз Ватани ва элини таассуб ва инҳисор билан севишини,унинг шаъни ва шарафи учун ҳеч нарсадан қўрқмаслигини шу ерда билдим.

(О, ботир ўғлоним-ей, о, киприк қоқмай ўлимга тик боқиб қурбон бўлган, шунқорим-ей. Сен ўлимнинг олдидан душман кўзига тик боқиб, буюк элнинг, қудратли Ватаннинг бугунги ёшлари қандай матонатли ва жасоратли эканлигини кўрсатиб қўй-

моқчи бўлдингми-а? Бу ёвузларга қарши сен курашмасанг, мен курашмасам, бу она замин қандай қилиб бизларни бағрида кўтариб юради, деб ўйладингми-а?)

Собир автоматини олиб, ўқлаб, учини ўғлимнинг кўкрагига тўғрилади ва бир неча қадам ортга чекинди. Ҳамма жим эди, ҳайкалдек қотганди. Ҳатто нафасларини ютишганди.

Негадир у тепкини босмади. Тез-тез юзини қашларди. Қандайдир ҳашарот юзига урилаётган бўлса керак, уни ҳайдаш билан овора эди. Ниҳоят тепки босилди, ўқ отилди. Оломон ичидан унга яқин одам, "Оҳ, единг-ку, болани" деб юборди. Иссиқ қўрғошин Юсуфнинг сийнасига ботганди. Отилиб чиққан қайноқ қон бир зумда кўксини қизил рангга буяди. Ўғлим икки букилиб, бир зум осмонга тикилиб, кейин титроқ қўллари билан дарахтга ёпишиб шилқ этиб ерга йиқилди. Мен икки қўлимга осилганларни итариб, йўлимни тўсмоқчи бўлганларни суриб, ўғлим томон чопдим. Бояги оломон тўзиб кетганди.

– О, бошимга тушган қаро кун шумиди? Энди қаерга урай бу бошимни, – деб дод солдим.

Ниҳоят ўғлимнинг олдига етиб бордим. Юсуф кўксини чангаллаб, кўзларидан қайноқ ёшлар тўкиб, гўё бу дунёнинг яхши ёмонлари билан видолашаётгандек дарахтга суяниб ўтирарди. Бармоқлари шилимшиқ, қайноқ қонга белангганди. Собир қилар ишини қилиб, автоматни елкасига илиб, мағрурона қадам ташлаб, шерикларининг олдига қайтарди. Менинг вужудимдан қайнаб тошиб келаётган нафрат ва ғазаб, атрофимдагиларни куйдириб юборадиган оташдек эди гўё. Қандай қилиб,

унга ташланганимни, "Қотил! Нега ўғлимни ўлдирдинг, нега? Ахир у ҳали бола эди-ку! Қани от, от мени ҳам! Қонга ташна бўлсанг, қонимни тўк, қонхўр бўлсанг қонимни ич! Нега имиллаяпсан, қўрқаяпсанми, қани от", деб унинг ёқасидан олганимни ўзим сезмай қолдим. Икки қўллаб бўйнидан бўғар эканман: "Қўлларинг синсин, заҳар заққум ичиб жигаринг эзилсин. Ўғлимни толиб бер, уни қайтариб бер. Уни бер менга!» деб силтай бошладим. Бироқ Собир менга нисбатан икки баробар бақувват эди. Қўлларимдан ушлаб, маҳкам чангаллаб итариб юборди. Анча нарига бориб тушдим. Унга қайта ташланишга жазм этолмадим, аммо юрагим ғаму ҳасратда куйиб, тинимсиз қарғардим.

– Муштдек боламни ўлдириб нимага эришмоқчи бўлдинг, қонхўр?! Мени фарзандимдан айирганинг учун Аллоҳимга товон тўлайсан, азоб ичра ўлим топасан. Ўлмай туриб жаҳаннам азобини чекасан! Билиб қўй, бу – Худонинг қарғиши, илоҳим, боламни отган қўлларинг акашакдек оқиб тушсин, илоҳим, кўзларинг мумдек эриб кетсин, илоҳим, фарзанд доғида юрагинг эзилсин. Сени у дунё-ю бу дунё қарғаб ўтаман, лаънатлаб ўтаман, нафратланиб ўтаман! Ҳа, сени Худога солдим. Жазоингни Парвардигоримнинг ўзи берсин!

– Ота... – ингради қонига беланиб ётган шўрлик ўғлим.

Мен уни қучоқлаб олдим.

– Ўғлим...мм... Мен шу ердаман, ёнингдаман, болам.

Ота, энди мен сиз билан видолашаман. Мен Аллоҳнинг ҳузурига кетаман, фаришталар мени олиб кетгани келишди. Алвидо, мени кечиринг. Аллоҳим сизга сабр тоқат берсин!

– Йўқ... йўқ, кетма, кетма, жоним болам. Қиёмат куни Парвардигоримнинг ҳузурида қандай жавоб бераман. Кетма, дилбандим. Чироғингни ўчириб кетма. Бундай қила кўрма, жоним болам. Мени ташлаб, жонимни ўртаб кетма. Сен кетсанг юрагимга ханжар ураман, сенсиз куйиб ёнаман.

– Ота, йиғламанг. Кўзларингизда ёш кўришни истамайман!

– Нетай, бошимизга тушган қаро кунлар йиғлатмоқда, ўғлим...

– Ота, мени уйга қайтгим келяпти. Онамни, сингилларимнинг олдига қайтгим келяпти. Уларни жуда соғиндим. Бугун тунда ҳаммаларини тушимда кўрибман. Бир дастурхон атрофида овқатланиб ўтирган эмишмиз!

– Албатта биз ўз юртимизга қайтамиз, ўғлим.

– Сизни Аллоҳга топширдим. Энди мен қишлоғимга, онамнинг олдига қайтолмайман...

– Йўқ, йўқ... бундай дема, ўғлим. Мен ўлсам ўламанки, сени бегона юртда, ёвузлар маконида қолдирмайман. Сенсиз юрагим жудолик азобларига дош беролмайди. Худо хоҳласа, юртга бирга қайтамиз, бахти қаро сағирим, менинг.

– Ота, мени дуо қилинг. Дуо қилсангиз, поклангандек бўламан. Биз, иншааллоҳ охират куни Аллоҳнинг ҳузурида кўришамиз. Ўшанда фаришталарга боламнинг гуноҳи йўқ эди, у ҳам жаннати эди, деб айтинг. Уйга қайтганингизда мени сўраганларга "Ўғлим, қишлоғига, онасининг бағрига талпиниб яшади", деб айтинг!

– Ўғлим, сенинг бошингга бу мусибатларни мен солдим, мен...

– Сиз уйга қайтинг, ота. Албатта, уйимизга қайтинг... Сизни севган одамлар олдига қайтинг. Онамни, укаларимнинг олдига қайтинг! Улар сизни кутаётир.

– Энди уйимизга борадиган йул беркилди, болам. Онанг оқ сут бериб боққан, тарбиялаган боласининг дийдорига туймасдан қоладими? "Қора кузли, ширин сузли Юсуфим қани, қаерга ташлаб келдингиз? деб сураса, қандай жавоб қайтараман. "У ўлди, уни отиб ўлдиришди. Қора ерга топширдим, Ҳақнинг раҳматига кетди", – дейманми? Шундай десам "Қабри қаерда, ўша қабр олдига олиб боринг!" – деса, боламнинг лошини саҳрога, қум остига кумиб келдим дейманми? Бу гапни қандай тил билан айтаман. Эй Аллоҳим, тилимни тошга айлантириб қуйсанг сендан рози бўлардим. Оҳ Худо, не кунларга қолдим-а!

Юсуф қонга беланган қўлларини кутарди. У аёз шамолида қолган япроқдек титрарди.

– Ота... вужудум совиб бормоқда, мени қучоқланг, бағрингизнинг тафти танамни иситсин...

– Ё Роббим, ҳаётим шамини сундирма. Ўзинг кукартирган дарахтимни синдирма, ўзинг ёққан чироғимни учирма. Не қилсанг қил, аммо бизни бир-биримиздан жудо қилма, Худойим.

Мен ўғлимнинг кўзларидан она юртига бўлган соғинч ва интилишни уқиб олдим.

– Ота... соғинганингизда мен тушларингизга кириб тураман, фақат ўғлим деб бағрингизга босолмайсиз.

Юсуф бир-икки ютинди, кейин хириллаб нафас ола бошлади.

– Ҳой одамлар, ёрдам беринглар, ўғлимни қутқаринглар! Тезроқ ёрдам беринглар!

Ҳеч ким ёнимга келмади.

Юсуфнинг кўзларидан иссиқ ёш оқиб, юзини ювиб, ерга томчиларди.

– Ота, мен Парвардигоримнинг ҳузурига бораман... Иншааллоҳ сиз билан Кавсар ҳовузи буйида учрашамиз... Сиздан розиман, Роббим ҳам сиздан рози бўлсин, онам, сингилларим сизга омонат...

– Отасининг арслони, бундай дема, кўзларингни юмма, болажоним, оч. Сизни ташлаб кетмайман, деб айт, болам. Ташлаб кетмайсан а? Гапирсангчи, ўғлим! Бирор нарса дегин!

– Лаа илаҳа иллаллоҳ...

Бўғзимдан даҳшатли қичқириқ чиқиб кетди:

Юсуф!!

Ўғлимнинг куксидан бўшаган сўнгги нафаси қайтиб ичига кирмади. Руҳи танасидан абадият сари чиқди. Роббимизга омонатини топширди. Бегона элда, қучоғимда жон берди. Ўз Ватанида, ўз уйида жон бериш насиб қилмади унга. Қалбимдаги қуёшим сўнди. Аламу ҳасратга тўлган юрагим ўлчанмаган бўшлиқларга сиғмай портлади. Мен жон азобида ларзага келиб, чексиз қайғуга чўмиб, ўғлимнинг қонли қўлларини юзимга суртиб, бошимга тушган жудолик ўтида дили жоним куйиб, муттаасир бўлиб, қон ютиб ҳўнграб юбордим.

– Эй, Парвардигор, қайси гуноҳларим учун бу жазони юбординг менга! Нега боламни ҳимоя қилолмадим?

Юсуф ҳаётни севарди, яшашни истарди, аммо Тоҳирга ва унинг одамларига бўй синишни ўзига эп кўрмади. Боламнинг жасадини бағримга босиб, кўксимни тиғлаб, кўз ёшимни тўкиб, нолаи фарёд чекиб узоқ бўзладим. Кимдир ёнимга келиб:

– Боланг бу йўлни ўзи танлади. Энди хоҳлаган томонингга кетишинг мумкин. Йўлингни ҳеч ким тўсмайди, – деди

Мен унинг юзига қарамадим. Лекин "Сенлар бағримни тилдинг, мени фарзанд доғида куйдирдинг, энди товонига қоласанлар", – дедим аламли овозда. Илк бор боя қуролни ерга ташлаб юборганимдан афсусландим. Қани энди у ҳозир қўлимда бўлганида, Аллоҳ номи билан қасам ичиб айтардимки, иккиланмай атрофдагиларнинг барини қийратиб ташлаган бўлардим.

Жангарилар тарқалишди. Ҳамма ўз жойига кетди. Дарахт остида боламнинг қонга беланган таначасини қучоқлаб ёлғиз ўзим қолдим.

Орқа томондан кимнингдир оёқ товуши эшитилди.

– Бардам бўлинг, биродар. Ҳаммамиз ҳам фониймиз. Бир кун келиб бу дунёдан кўчиб кетамиз. Худойимдан сабр суранг. Иншааллоҳ болангиз Тангрининг фарзи амалини адо этди. Юртига қайтиш ҳақидаги гаплари кўпчиликнинг кўзини очди. Аллоҳ юртни суйганларни, унга талпинган бандалари учун жаннат эшикларини очиб беради. Болангиз иншааллоҳ жаннатидир. Энди уни жойига қўймоқлик жоиз.

Бошимни кўтариб, ортимга қайрилдим. Рупарамда мен тенги, чўққи соқол, юзи қошиққа ўхшаган одам турарди.

– Боламнинг жойи бу ер эмас. Уни ўз юртим тупроғига қўймоқни истайман, – дедим овозим хириллаб.

– Бунинг иложи йўқ, биродар. Сиз юртдан йироқдасиз. Жасадни олиб кетолмайсиз...

У ҳақ эди. Мен жасадни ҳеч қаёққа олиб кетолмасдим. Қучоқлаб кўтардим-да, уни охират сафарига олиб чиқдим. Ортимдан бегона бир одам эргашди. Юзига қарамадим. Унинг бир қўлида белкурак, иккинчисида сув тўла меш бор эди. Соқчилар йўлимизни тўсишмади, "Қаёққа кетяпсанлар?" деб сўрашмади ҳам. Қуёш қиёмдан оғиб қолганди. Кум қайнарди. Бироқ менинг вужудим муз эди. Оёқларим остидаги қумнинг тафти юзимга уриларди. Кўзларимдан ёшим тўкилиб, жудолик доғида юрагим куйиб саҳро ичкарисига кириб борардим. Бу атрофда ер йўқ, борлиқ қумликдан иборат. Анча ичкариладик. Кўзимга каттагина бир юлғун кўринди. Унинг шоҳларини саҳронинг довуллари синдириб ташлаганди. Қабрни шу юлғун остига қазишни лозим топдим. Шундай қилганимда ўсимликнинг илдизлари жасадни қум босиб қолишидан асрарди. Бу эса бизнинг мусулмончилик удумларимизга тўғри келарди.

Қабрни бегона одам қазиди, мен фарзандимни бағримга босиб турдим. Унинг хиёл очиқ қолган кўзларидан нигоҳимни ололмасдим. Назаримда ўғлим бағримда ухлаб ётган чақалоққа ўхшарди. Ҳозир уйғониб, "Ота, бу ерда нима қиляпсизлар?" деб сўраб қоладигандек эди. Бундан ўн икки йил муқаддам бўлиб ўтган воқеа ёдимга тушди. Ўшанда Юсуф олти ёшда эди. Мактабда қоровул бўлиб ишлардим. Уйга икки кунда бир борардим. Кечки пайт қўшнимизнинг ўғли олдимга келиб, "Уста ака, тезда уйга бораркансиз, янгам айтдилар", деди. "Нега?" деб сўрасам "Билмайман", деди. Унинг овози ташвишли эди. Юрагим орқага тортиб, уйга шошилдим. Келсам хотинимнинг ранги бир аҳволда. "Нима гап?" сўра-

дим ундан. "Юсуф касал бўлиб қолди", жавоб қилди аёлим. Ичкарига кирдим. Ўғлим тўшакда иситмада куйиб ётарди. Менинг келганимни билмади. Тезда касалхонага олиб бориш кераклигини тушундим. Кўтариб, бағримга босиб қишлоқ четидаги амбулаторияга жўнадим. Вақт кеч бўлиб қолгани учун дўхтир уйига жўнаб кетган экан. Қоровул чол бизни унинг уйига бошлаб борди. Боламнинг тана ҳароратини ўлчаб, у ҳам қўрқиб кетди. Тезда дори-дармон қилди. Икки соат ўтиб, Юсуфнинг иситмаси тушди. Эрталаб ўзига келди. Уни кўтариб, яна уйга қайтдим. Йўлда келаётганимизда у: "Ота, менга нима бўлди, нега мени кўтариб олдингиз, қўйиб юборинг, ўзим кетаман", деди. Боламни авайлаб ерга қўйдим. Оёғи ерга тегиши биланоқ уйимиз томон чопқиллаб кетди. Назаримда у ҳозир ҳам бағримда туриб, "Ота, нега мени кўтариб турибсиз, қўйиб юборинг, уйимизга ўзим кетавераман", деяётгандек эди.

Қумда ер қазиш азоб. Бир томондан қазийсан, иккинчи томондан шовуллаб қум тўкилаверади. Шеригим кўп заҳмат чекди. Ниҳоят лаҳад тайёр бўлди. Жасадни ювдик. Ҳеч бўлмаса онаси боласининг ҳидини искаб юрар, деган мақсадда Юсуфнинг қонли кўйлагини ўзим билан олиб кетишга қарор қилдим. Белимдаги белбоғим билан уни кафанладик. Лаҳадга ўзим тушдим. Қария марҳумни узатди. Кичкинагина бўлиб, узайиб қолган ўғлим қучоғимдан охират сафарига чиқди. Ҳаёти давомида қилган барча яхши ёмон амаллари унга ҳамрох бўлди. Олтин бошини қиблага қаратиб, маййитни мангу маконига қуяётганимда димоғимга хушбўй ҳид урилди. Бу фаришталарнинг икроми эди. Юқорига чиққим келмасди. Ич-ичимдан хўрсиниқ ва ўкирик

келарди. Аччиқ-аччиқ бўзлардим: "Алвидо, алвидо, ўғлим, ўғилжоним, шер юракли лочиним, алвидо. Мен сени Аллоҳимдан тилаб олгандим. У сени яна қайтариб олди. Энди сенсиз уйга қандай кириб бораман. Онангга, сингилларингга нима деб жавоб бераман. Сенинг муқаддас қонинг ўзга юрт тупроғига томди, жоним болам, кечир мени! Сени сақлаб қололмадим. Уволинг бўйнимда қолди. Қабрингда тинч ётгин. Охиратда кўришгунча, алвидо. Сенинг қонингни тўкканларни Худога солдим. Аллоҳ уларнинг жазосини берсин. Алвидо, болам, алвидо"!

Юрагимнинг қаърида ҳасрат оловланиб, бутун фикримни, борлигимни куйдириб, қовжиратиб юборганди.

– Биродар, бўлди, чиқинг! – деди қария қўлини чўзиб. – Кун қайнамоқда, жасад бузилади...

Қўлим билан тер ва кўз ёшларим аралаш юзимга ёпишган қум зарраларини сидириб, хурланиб, юрак бағрим тутдек тўкилиб тепага кўтарилдим. Кейин истар-истамас ердан бир сиқим қум олиб, лаҳад ичига ташладим. Бу менинг сўнгги бор Юсуф билан видолашишим эди. Шеригим белкуракда қирғоқда тўпланиб қолган қум уюмларини пастга тушира бошлади. Бир зумда кичкинагина сағана пайдо бўлди. Қабрнинг бош томонига ўтиб, марҳум ҳақига тиловат қилдим.

– Аллоҳим! Гуноҳкор бандангни ўз даргоҳингга қабул эт. У Сени яхши кўрарди. Токи қиёмат кунига қадар унинг қабрини ўзингнинг илоҳий нурларинг ила чароғон айла. Боламнинг билиб-билмай қилган гуноҳлари бўлса, мағфират эт, унга раҳм айла, кечир уни. Ўзингдан ўтиниб, ёлвориб сўрайман, болагинамга бу дунёдаги уйидан ҳам мукаммал уй

ато эт. Қабр ва фитна имтиҳонидан, дузах азобидан қўриқла!

Қўёш қайтди. Қоронғулик сепини ёйди. Мен ҳамон қабр тепасида бошимни эгиб ўтирардим. Кунниг ботганини ҳам билмасдим. Билган дуоларим тилимдан тушмасди. Энди менинг борадиган жойим, кутадиган одамим йўқ. Тоҳирнинг қароргоҳини кўзга кўринмас панжаралар тўсганди. Шошилмаслигимнинг сабаби шунда эди. Тунни ухламай, қарши олдим. Куйган бағримни, хунга тўлган жигаримни қабрга қўйиб ётдим. Қоронғу кеча қаърида айрилиқ ҳасрати оловланиб, бутун фикримни, борлиғимни куйдириб, қовжиратди. Қария ҳам мен билан қолганди. Ора-сира ўзим билмаган ҳолда, беихтиёр "Ўғлим, эшитяпсанми, юрагимнинг уришини. У сени соғинди, жуда-жуда соғинди, сени кургиси келмоқда", деб гапириб юборганимни ўзим пайқамай қолардим. Тонг ғира-ширасида хаёлотимдами ёки тушимдами ўғлимнинг овози қулоқларим остида эшитилгандек бўлди.

"Ота, иккимиз ҳам Тангрига ёқмайдиган гуноҳ ишларга аралашиб қолдик-да. Энди бунинг учун астойдил Яратганга тавба қилишимизга тўғри келади. Акс ҳолда қиёмат кунида меҳрибон зотҳузурида бошимиз эгик бўлади. Иккимиз унинг уйига борайлик, қилган гуноҳларимиз учун тавба қилайлик, ёлвориб кечирим сурайлик, унга ёзғирайлик".

"Ўғлим, мен Байтуллоҳни кўрмаганман, бу ердан жуда узоқда бўлса керак? Бунинг устига атрофимиз саҳро, йўлни билмаймиз, адашсак, қийналамиз"

"Хавотирланманг, ота, сизни ўзим бошлаб бораман. Иккимиз саҳрони кезиб ўтамиз. Қани, туринг, йўлга чиқайлик".

Уйғониб кетдим. Шоша-пиша атрофга боқдим. Ўғлимни тополмадим. У кўзимдан томган ёшдек қумга сингиб кетганди. Поёнсиз саҳро аза тутгандек жим эди. Кўзим олисдаги тепаликда тўхтади. Эндигина кўтарилаётган офтоб ўзининг дастлабки нурлари билан борлиқни олтин рангида ёритиб турарди. Қуёшга термулиб қолдим. Бирдан тепалик устида, қуёшнинг олди томонида ўғлим кўринди. Ҳа, менинг ўғлим! У кўкракларини кериб, бошини баланд кўтариб мен томон боқиб турарди. Боши устидан камалак рангли нурлар тўкиларди.

– Ўғлим, ўғлим! – жон ҳолатда қичқириб юбордим ва ўрнимдан туриб кетганимни ўзим сезмай қолдим. Бир неча қадам олдинга ташландим. Қумда оёғим тойиб йиқилиб тушдим. Қайта ўрнимдан туриб, ўзимга келиб, тепаликка боққанимда Юсуф ҳам, ўша илоҳий ёғду ҳам ғойиб булганди.

Бошимни чангаллаб, кўзимнинг ёшини оқизиб, ўзимга сиғмай ўкириб юбордим.

– Эй Худойим, бундан ортиқ жазоинг йўқмиди, менга!

Ортимдан шеригим етиб келди ва мени юпатишга уринди.

– Сабрли бўлинг, қадрдоним. Болангизни чақирманг, руҳи безовта булади. Аллоҳ раҳматига олган булсин, макони жаннат булсин. У шарафли ўлим топди.

– Чидамаяпман, чидамаяпман, биродар! Қонхўрлар гуноҳсиз боламни кўз олдимда отиб ташлади. Юрак бағрим куйиб чўғ бўлди, чўғ! Ҳаммасини ўлдиргим келмоқда!

– Аллоҳни эсланг, муборак дуоларини тилга олинг. Унга шукр қилинг ва сабр суранг!

Мен тиловат қилдим, вужудим билан Аллоҳнинг уйига юзланиб, дуога қўл кўтардим.

– Эй, бизга ёруғ оламни ато этган,- нозу неъматларни яратиб берган, барча жонзотларга жон ато этган раҳмдил ва меҳрибон Тангрим. Дилимни ҳаёт оромидан, қайғу надоматидан, ўткинчи неъматлардан поку табар этгин. Сендан сўрайдиганим оёкларимга қувват, кўзимга нур, нафсимга ором бергин. Мен тезроқ Сенинг муборак уйингга борай, Сенга тавба қилайин. Эй Раҳмони Раҳим! Сендан ёлвориб нажот сўрайман, мен бандангни мағфиратингдан бегона қилма. Сенинг уйингдан гуноҳлардан поклаииб оиламга қайтишни насиб этгин. Омин!

Юзимга фотиҳа тортдим.

– Энди бу ердан кетайлик, биродар, – деди шеригим.

– Қаерга? – нохуш овозда сўрадим.

– Бизни паноҳига оладиган жойга!

– Мен жаҳаннамга қайтмайман. Бундай ёвуз кимсалар орасида яшай орлмайман, улар нафас олаётган ҳаводан нафас ҳам ололмайман. Улар инсон эмас, маҳлуқ. Улар учун муқаддас тушунчанинг ўзи йўқ. Мен улардан нафратланаман, нафратим менга куч беради.

– Бундай деманг, ахир биз юртдан ва меҳрибон одамлар орасидан йироқдамиз, очликдан шишиб ўламиз.

– Менинг борар манзилим бор.

– Наҳот юртга қайтишни истамайсиз?

– Лекин ҳозир эмас. Аввало Худонинг ва элнинг олдида қилган гуноҳларимдан покланиб олишим керак. Елкамдаги шармандалик юкини кўтариб борсам бир умр виждон азобида қийналаман. Ишонсан-

гиз, бу кеча тушимга дилбандим кириб, "Ота, мен сизни Байтуллоҳда кутаётирман, тезроқ келинг, иккимиз биргалашиб Парвардигоримдан авфу этишини сўрайлик", деди.

– Аллоҳнинг уйига бормоқчимисиз?

– Ҳа, Аллоҳҳақи, Пайғамбаримиз ҳақи, ҳазрати Али ҳақи мен Байтуллоҳга бораман! У ерда кеча-ю кундуз тоат-ибодат қиламан, чўпи-ҳасдан кўп гуноҳларим бор, Аллоҳимдан уларни кечиришини сўрайман. Зора шафқат қилиб, мен осий бандасини афу этса...

– Йўлни билмайсиз-ку?

– Адашганнинг олди йўл, деган гап бор. Шу олди бетга қараб йўл тортаман. Умид қиламанки, Роббим йўлимга нурини тўшаб туради.

– Бир ўзингиз кетмоқчимисиз?

– Боламнинг покиза руҳи менга ҳамроҳ бўлгай.

– Қачон жўнайсиз?

– Ҳозир!

– Унда мен сизга ҳамдамман. Биз йўлга бирга чиқамиз, сиз қаерга борсангиз, мен ҳам ўша ерга бораман. Илтимос, таклифимни қабул қилинг. Мени ҳам Яратганнинг қаршисида гуноҳларим бисёр. Уйимни, оиламни, яқинларимни ташлаб келганман. Сизнинг сўзларингиз менинг кўзларимни очди. Сиз билан Байтуллоҳга бориб, бошимни саждага қўйиб, ибодат қилиб, покланаман.

Шеригим шу сўзларни айтиб, бироз кутиб турishimни тайинлаб лагерга бориб келишини маълум қилди.

– У ерда боламнинг юк ҳалтаси қолганди. Сиздан илтимос, уни олиб келсангиз, – дедим унга.

– Албатта!

Шеригим лагерга кетди. Мен яна тиловатқилдим. Бир соатдан кўпроқ вақт ўтди. Негадир ҳамрохимдан дарак бўлмасди. Қайтиб келмаса керак, деб ўйлагандим. Йўқ, у қайтди. Юк халтани олдимга ташлади. У енгил, ичи бўм-бўшдек эди. Ичини очганимда иккита нон қолганини кўрдим. Улардан бирини қўлимга олиб, пешонамга, юз-кўзларимга суртдим, лабларимга босдим. Қишлоғим, бугдой сепган дала қирларим, сой бўйидаги сув тегирмони кўз олдимдан ўтди. Хотинимнинг "Нон – бу ризқ, ҳамроҳ", деган сўзлари қулоғим остида жаранглади. Кийимларимиз эса йўқ. Афтидан кимдир уларни олиб қўйганди.

– Мен сафарга тайёрман! – деди шеригим, – қўйнидан иккита баклашкадаги сувни олиб, улардан бирини менга узатаркан, – Биттаси сизга, чўллаганимизда томоғимизни ҳўллаб оламиз.

– Эслатиб қўяй, йўл азоби оғир, биз иссиқда, қум устида борамиз, неча кун йўл босамиз бу Яратганга аён. Очлик ва ташналик ҳамиша бизга ҳамроҳ бўлгусидир. Ҳар хил офатларга, кулфатларга йўлиқишимиз бор. Бундан афсусланмайсизми?

– Сиз нима бўлсангиз, мен ҳам шуман, биродар!

Мен қабр тепасида ўғлим билан сунгги бор видолашдим. Кейин Аллоҳга муножот қилдим. "О, Тангрим, агар мени тинглаётган бўлсанг, бизларни ўзинг авфу эт. Гуноҳларимизни кечир. Норасида бир қулингни ўз паноҳингга лутфан қабул қил, жаннатнинг сўлим жойларидан унга жой ато эт. У ҳали мурғак эди, ҳаётнинг яхши ёмонини тушуниб етмаганди. Сендан ўтиниб сўрайман, унга раҳм қил, Аллоҳу Карим... Биз бугун сенинг Улуғ уйинг – Байтуллоҳ сари йўлга чиқмоқдамиз. Ўзинг ҳамроҳимиз

бўл, йўл кўрсатувчи чироғимиз бўл. Оёқларимизга мадор, белларимизга қувват бўл, Аллоҳим! Биз Сендан сафаримизда яхшилик ва тақвони Ўзинг рози бўладиган амалларни сўраймиз, Аллоҳим! Ўзинг бизга бу сафаримизни осон қилгин, узоғимизни яқин қилгин. Аллоҳим! Ўзинг сафардаги соҳибимизсан. Сендан сафар қийинчиликларидан, турли ёмонликлардан паноҳ сўраймиз. Омин!

Юзимга фотиҳа тортиб, бир сиқим қумни олиб, румолчамга тугиб, гурсиллаб ураётган юрагим устидаги чунтагимга солиб, янги танишган ҳамрохим билан муқаддас сафарга жўнадим...

МУАЛЛИФДАН

Мумин ҳикоясини шу ерга етказганда масжид мутаваллиси аср намозига азон чақирди. У ҳикоясини тўхтатди. Имом бошини кўтарди ва мусофирга юзланди.

– Ҳа, бошингга ўта оғир мусибатлар тушибди, – деди у чуқур хўрсиниб. – Намоздан кейин ҳикоянгни давом эттирасан, ҳозир юр, биргаликда Худога ибодат қилайлик.

Мумин урнидан турди ва имомга эргашди.

ИККИНЧИ ҚИСМ

МУАЛЛИФДАН

– Кимсан, нега менинг олдимга келдинг?

– Мен Юсуфман, амаки.

– Юсуф? Қайси Юсуфсан?

– Танимадингизми?

– Мени Юсуф деган танишим йўқ!

– Наҳот унутган бўлсангиз? Ахир сиз мени анови дарахт олдига олиб бориб кўкрагимдан отиб ташлагандингиз-ку.

– Ахир... ахир... сен ўлгандинг-ку. Отанг жасадингни кўтариб саҳро ичкарисига кириб кетганди-ку. Қабринг ўша ерда эди-ку.

– Одам танаси ўлгани билан руҳи ўлмас экан.

– Йўқ, сен ўлгансан, ҳа, ўлгансан, руҳинг ҳам ўлган. Менинг ўқим бехато кетмаган. Айт, нега келдинг? Нима истайсан мендан?

– Сизни ўзим билан олиб кетмоқчиман.

– Қаёққа?

– Аллоҳнинг даргоҳига!

– Мен ҳеч қаёққа кетмайман, қоч, кўзимга кўринма, кет, даф бўл! Йўқол! Эшитяпсанми, мен ҳеч қаёққа кетмайман!

Собир уйғониб кетди, ҳали тонг ёришмаганди. Юраги гурсиллаб урарди, ҳаво етишмаётгандек бўғиларди. Вужудини совуқ тер қоплаганди. У ўрнидан турди, бироқ тезда жойига қайтиб ўтирди. Эрталабгача уйқуси келмади. Ҳашарот чаққан кўзи

қум тулгандек ачишарди. Ишқалаган сайин баттарлашарди. Ойнага қараганди, унга бегона одам боқиб тургандек туюлди. Қовоғи шишиб, кўзининг атрофи қизариб кетганди. Хона ичидаги нарсалар айқаш-уйқаш кўринарди.

Собир қўрқиб кетди. Эрталаб шифокорнинг олдига борди, унинг қаергадир кетганини айтишди. Икки кўзини боғлаб, оғриқдан тўлғаниб, кун буйи хонасидан чиқмай ўтирди. Кечга борганда, оғриқ ҳуруж қилди. Хасталик иккинчи кўзига ҳам утганди. Бунинг устига хаёлидан Юсуф кетмасди. Худди ёнида утиргандек туюларди.

"Юринг, бу ердан кетамиз", дерди бола.

Бунга жавобан Собир:

"Қаёққа?» деб сўрарди.

"Аллоҳнинг ҳузурига".

"Мен ҳеч қаёққа бормайман, қоч, кўзимга кўринма, кет, даф бўл! Йўқол"! У ғазабланганидан ўрнидан туриб кетарди.

Шомга яқин дўхтир келди.

– Нима бўлди сизга? – сўради кўзини боғлаб, каравотда ётган бемордан.

– Кўзим оғрияпти...

– Нима булганди?

– Кеча қандайдир ҳашарот чақиб олганди. Аввалига қум тўлгандек ачишди, кейин оғриди. Ярим тунда оғриқ ўнг кўзимга ҳам утди.

– Уша ҳашарот қаерда чаққанди?

– Ҳовлидаги дарахтнинг остида.

– Менга батафсил гапириб беринг!

Собир Юсуфни отмоқчи бўлганда қандайдир ҳашарот кўзи айтрофида айланиб, кейин чақиб олганини сузлаб берди.

– Боғични ечинг! – деди дўхтир.

Собир боғични ечди. Бирдан юраги орқага тортиб кетди.

– Дўхтир, кўзларим... кўзларим ҳеч нарсани кўрмаяпти, – деди йиғлагудек бўлиб.

Дўхтир қўлини унинг кўзига яқинлаштириб, соатнинг капгиридек тебратди.

– Нимани сездингиз?

– Ҳеч нарсани?

Дўхтир беморни дераза томонга қаратди. Қуёш нурлари ойнадан тушиб турарди.

– Ёруғликни ҳис этяпсизми?

– Сал-пал.

– Афсус, – деди дўхтир.

– Нега афсусланяпсиз?

– Сизни операция қилиш лозим. Бунинг учун камида уттиз минг доллар керак бўлади.

– Ахир менда сиз айтган пул йўқ, уттиз минг доллар тола олмайман.

– Шерикларингиздан сўранг.

– Бунинг сира иложи йўқ, дўхтир. Уларда ҳам пул йўқ. Ўзингиз даволанг.

– Бахтга қарши, менинг қўлимдан ҳеч нарса келмайди.

Шифокор чиқиб кетди. Собир уттиз минг доллар топиш ҳақида бош қотирди. Бунча пулни топиш осон эмасди. У Тоҳирнинг ҳузурига киришга қарор қилди. Унинг кўр бўлиб қолганини эшитган Тоҳир соқчиларига "Қуролини олиб, каравотини янги келганларга бўшатиб беринглар. Ўзини саҳрога ҳайданг", деб тайинлади.

Соқчилар Собирнинг қўлига асо тутқазиб, ҳозироқ бу ердан даф бўлишини тайинлашди. Собир

қаёққа боришни билмасди. У "Мени бу ердан ҳайдаманглар", деб йиғлади. Жангарилар уни саҳро томон борадиган йўлга солиб қўйишди.

– Тўғри юрсанг, қишлоқдан чиқасан. У ерда тиланчилик қилиб кун кечираверасан!

У бир неча қадам босди. Бошини дарахтга уриб олди. Пешонасининг чети ёрилди. Юзи қонга беланди. Унинг ғадир-будур танасини қўллари билан силаб, шу дарахт остида Юсуфни отиб ўлдирганини эслади. Мўминнинг зорлари қулоқларида жаранглади: "Ҳой одамлар, ёрдам беринглар, у боламни ўлдирмоқчи, ёрдам беринглар!"

Овоз қулоғидан нари кетмади, асабларини қақшатиб юборди. Кейин хаёлотида бола намоён бўлди. "Отманг мени, амаки, отманг". Асаблари дош бермади. Худди ота-бола рўпарасида тургандек, "Йўқ, йўқ, қочинглар, менинг олдимдан, кетинглар", деб қичқириб юборди. Лекин ота-боланинг овози гоҳ ўнгдан, гоҳ сўлдан эшитилаверди, эшитилаверди. Ҳатто миясининг ичидан ҳам келарди. Гоҳ униси, гоҳ буниси қичқирарди:

"Ҳой одамлар, ёрдам беринглар, у боламни ўлдирмоқчи, ёрдам беринглар"!

"Отманг мени, амаки, отманг"!

Собирнинг қулоқлари шанғиллаб кетди. Бу ердан тезроқ кетиши, агар кетса қулоқлари остида бақираётган Юсуф ҳам, унинг отаси ҳам шу ерда қолиб кетадигандек, уни таъқиб қилмайдигандек туюлди.

Анча нарида жангарилар уни калака қилишар, масхаралаб устидан кулишарди. Собир "Эй Худо, менинг кўзларимни кўр қилгунча жонимни олсанг бўлмасмиди?" деб фарёд чекарди.

Собир ҳассасини ерга уриб, гоҳ йиқилиб, гоҳ сурилиб, саҳро томон кетиб борарди. Йул нотекис эди. Чуқурчалар ҳам, тепаликлар ҳам кўп эди. Ғишт парчалари атрофда сочилиб ётарди. Ҳар икки қадамда қоқилиб, йиқилиб тушай дерди, шунда қўлидаги асо асқотиб қоларди. Ҳатто бир гал йиқилиб тушди, асо қўлидан учиб кетди. Мук тушганча қўллари билан ерни пайпаслар, асосини ахтарарди. Узоқдан уни кузатиб турган жангарилар:

– Ён томонингда, икки қадам олға юр! – дейишарди.

Собир уларнинг гапига ишониб икки қадам юрар ва яна ерни пайпаслар бироқ ҳассасини топа олмасди. Қўллари билан ахлат ва чиқиндиларни ушлаб оларди. Жангарилар эса: "Орқангга қайт, ярим қадам ўтиб кетдинг", деб ичаклари узилгудек, қоринларини чангаллаб, қотиб-қотиб кулишарди. Собир шерикларига масхара бўлаётганини тушуниб қолди ва ерга қуксини босганча йиғлаб юборди. У узоқ йиғлади, кўз ёшлари қуриди. Жангарилар эса тарқаб кетишди. Бир пайт ёнига кимдир келди ва унинг қўлидан ушлади.

– Кимсиз, эй яхши одам? – тирик қолишга юрагида умид уйғонган Собир ундан сўради.

– Мен Юсуфман, амаки...

– О, Юсуф?Яна келдингми?

– Сизни олиб кетмоқчиман.

– Юртимизгами?

– Йўқ, Парвардигоримнинг ҳузурига!

– Йўқ... йўқ... мен бормайман... бормайман!..

– Наҳот ўз Роббингиз ҳузурига боришдан қўрқсангиз?

– Ахир бу дунёда қилган гуноҳларим учун унга ҳисоб беришим керак! Гуноҳларим эса сочимнинг

тукидан кўп, қайси бирига жавоб бераман. Мусулмон банда сифатида на намоз ўқидим, на одамларга яхшилик қилдим. Менинг жойи растоним жаҳаннам!

– Бари бир бугун бўлмаса эртага унинг ҳузурига борасиз-ку, қилган яхши ёмон амалларингиз учун унга ҳисоб беришга мажбурсиз-ку...

– Шуни ўйласам юрагим орқага тортиб кетади. Ўлгим келмайди, жоним чиққан заҳотиёқ фаришталар мени Аллоҳнинг ҳузурига олиб боришини ўйласам, вужудум муз бўлиб кетади. Яхшиси, мени бу ердан олиб кет, бирорта қишлоққа елтиб қўй. Ўша ерда тиланчилик қилиб кунимни кўриб юрай...

– Унда мен кетдим, амаки...

– Тухта!

– Нима дейсиз?

– Мени кечирасанми?

– Айт, кечирдингми, мени?

Кун иссиқ эди, ер қайнарди. Ҳам кўкдан, ҳам заминдан олов чиқарди. Ўзининг қайноқ тиллари билан Собирнинг юзини яларди. У иссиққа чидай олмасди. Бардошсиз эди. Юраги томоғига тиқилгудек пишиллаб нафас оларди. Бўғиларди, қийналарди. Кўп бор орқага, шериклари ёнига қайтгиси келди. Бироқ энди лагернинг қайси томондалигини унутганди. Олам унинг учун зулматдан иборатдек эди. У Юсуфни чақирди.

"Нима дейсиз, амаки?"

"Чанқадим, сув бер, бир томчи булса ҳам сув бер, ичим қизиб кетмоқда".

"Сувга етиб боришимиз учун анча юришимиз керак".

"Мен ортиқ чидаёлмайман. Бир қултум бўлса-да, сув бер"!

"Бу атрофда сув йўқ, фақат қон бор, мен каби инсонларнинг қони жилға бўлиб оқмоқда".

"Ўша қонни бўлса-да, бер"!

Юсуфдан жавоб бўлмади. Собир унинг ғойиб бўлганини тушунди. Бир амаллаб ўрнидан турди. Узоқ юрди. Ниҳоят ҳолдан тойиб йиқилди. Димоғига юлғуннинг ҳиди урилди. Аксирди. Қўллари билан бўшлиқни пайпаслади. Бу ерда қандайдир тепалик борлигини ҳис этди-ю, аммо шу тепалик остида Юсуф ётганини, унинг қабрини қучоқлаб олганини билмасди. Ташналик ҳамон унинг ичини куйдирарди. Охири у яна Юсуфни чақирди. Бироқ ундан жавоб қайтмади.

Собир уч кун шу юлғун остида, ўзи билмаган ҳолда Юсуфнинг қабрини қучоқлаб ётди. Кейинги куниси жангарилар саҳро осмонида ўлаксахўр қушлар айланиб юрганини кўришди...

* * *

Намоздан кейин имом Мўминни масжид ёнидаги ошхонага таклиф қилди. Бу ерда ходимлар уч маҳал овқатланишарди. Улар бирга таом ейишди. Кейин ҳужрага қайтишди. Мўмин узилиб қолган ҳикоясини давом эттирди. У ўзининг хотираларини ёдга олар экан, кўнгли ором топиб, ўзини тобора енгил ҳис этаётгандек бўларди. Унинг ҳикояси имомни ҳам бефарқ қолдирмади. Қаршисида ўтирган инсоннинг метиндек иродасига ич-ичидан таҳсин ўқирди.

МЎМИННИНГ ҲИКОЯСИ

– Эрталабданоқ ҳаво юрагим каби қайнай бошлаганди. Саратон чилласи яқинлашарди. Саҳронинг ранги ўчиб, гиёҳларнинг япроқлари сўлиб қолганди. Йўлга чиқадиган пайт бўлганди. Саҳро ичкарисига қараб юрдик. Олдинда барханлар кўзга ташланарди. Жанғарилар ўз бошлиқларига бизнинг кетаётганимизни етказишганига шубҳа қилмасдим. Лекин ортимиздан ҳеч ким қувмади. Йўлимиз унмасди. Оёқларимизни судраб босардик. Юрагимнинг каттагина бўлагини мана шу саҳронинг бошланиш қисмига ташлаб кетаётганимга чидаёлмас эдим. Бархан устига чиққанимизда ортимга қайрилиб, босиб ўтган йўлимга боқдим. Ястаниб ётган ҳад-ҳудудсиз саҳро этагида, офтоб тиғида ялтираб турган қабрда кўзим тухтади. Юсуф менга қараб тургандек туюлди. Қалбим ўрмонга ўт кетгандек ёнди. Ич-ичимдан қаттиқ қайғурдим. Кимсасиз гўнг ва соқов саҳродаги қабрга термулиб, кўзларимдан алам ёшлари оқди.

– Алвидо, ўғлим, алвидо... Кечир, сенинг жасадингни бегона юрт тупроғида қолдириб кетмоқдаман. Аммо руҳинг мен билан. Биз албатта Байтуллоҳда кўришамиз. Ахир узинг шундай ваъда бергандинг-ку...

Гапимни давом эттиролмадим, томоғимга нимадир қадалди, ҳўнграб юбордим. Ич-ичимдан ҳўрсиниқ келиб, овозимни қўйиб, қўлларим билан кўксимни мижиғлаб, суякларим ирғиб чиққан елкаларим силкиниб-силкиниб бўзладим.

Шеригим тасалли берди:

– Бўлди, биродар, сабрли бўлинг!

Вужудум илон заҳар солгани каби изтироб, аламда ўртанарди. Кўзларимда жудолик чироғи ёнарди... Йўлда давом этдик. Қуёш юқориларди. Замин қизирди. Атрофда соя-салқин жой кўринмасди. Борлиқ қумликдан иборатдек. Оёғимиз остидан жониворлар у ёқдан, бу ёққа ўқдек учишарди.

Кўз ёшларимни артдим. Бу ёшлар ичимдаги жудолик аламларини ювиб ташлагандек эди. Руҳим енгил тортиб, бошимни кўтариб, осмонга боқдим. Кўк юзида қоп-қора қуланкалар булут мисоли сузиб юрарди. Улар орасидаги масофа бир неча қадам. Болам билан ўтказган дамларим кўз ўнгимда намоён бўлди. Ана у, томга чиқиб, менинг йўлимга термулиб, жажжи қўлларини силкитиб турибди, ана у, елкасига сумкасини илиб мактаб томон кетмоқда, ана у, қаршимда бошини егиб, "Ота, ҳафа бўлманг, мен ҳам ишлайман, онамнинг тузалиши учун пул топаман", деб кунглимни кўтармоқда. Ҳозир ҳам ортимдан эргашиб келаётгандек, "Ота, Аллоҳнинг уйига бориб, қилган гуноҳларимиз учун тавба қиламиз, Яратган эгам ўзи меҳрибон, чин кўнгилдан тавба қилсак, у бизни кечиради. Уйимизга пок иймон билан кириб борамиз".

Кўзим нури тушган жойларда боламнинг кулиб турган сиймоси намоён бўларди. Ҳатто оёқ шарпаси қулоғимга етиб келарди.

– Ота, – дерди у. – Икки кундан бери овқатланмадингиз, қорнингиз ҳам очгандир?

– Аллоҳнинг уйига кетаётирмиз, ўғлим. Ибодат қиладиган, гуноҳлардан покланадиган одам нафсига ором бериши керак.

– Чанқамадингизми?

– Фаришталар оғзимни намлаб турибди.

– Мен сизга сув келтирдим, ичиб олинг!

Сув. У менинг томоқларим қуриб қолганини ёдимга солди. Сесканиб, ортимга қарадим, ўғлим худди ҳавода эриб кетгандек ғойиб бўлганди. Унинг руҳи билан менинг ўртамда сирли, илоҳий бир вобасталик пайдо бўлгандек эди. Кўзларим боламни ахтариб тополмади, йиғлаб юбормаслик мақсадида ортимдан келаётган шеригимга юзландим.

– Исмингизни ҳам сурамабман, биродар...

– Эргашали, – жавоб қилди йўлдаги йўлдошим.

– Меники Мўмин...

Қумда юриш одамнинг тинкасини тез қуритди. Оёқ кийимларимизнинг ичи қумга тўлар, бу эса юришимизни баттар мушкуллаштирарди. Шеригим менга нисбатан кўпроқ қийналарди. Чарчаганда дам олгиси келиб, тез-тез ётиб оларди. Назаримда, у бу қадар узоқ йўлни ҳаётида биринчи бор пиёда босиб ўтиши эди. У гоҳ йиқилар, гоҳ думаларди. Қияликларда эмаклаб оларди.

– Ичим ёниб кетмоқда, гўё бир парча чўғни ютиб олгандекман, – деб сувдондаги сувни олиб, ундан ютоқиб ичарди.

– Озроқ ичинг, ҳали кўп йўл босамиз, – дердим. Бироқ менинг сўзларимга эътибор бермасди у.

Мен бўрон ва давуллар юзага чиқариб ташлаган ўсимликларнинг томирини топиб, ундан иккимизга ҳасса ясадим. Кечгача юрдик. Очликдан ҳолдан тойдик. Бир гал у йиқилиб тушди. Ёнига келиб, қўлидан тортиб, ўрнидан тургазаётганимда кўзим соқоли орасидаги мошдек нон увоғига тушиб қолди. Шундай бўлса-да, юрагимдаги улуғ мақсад ёмон фикрга келишимга имкон туғдирмади.

Қуёш кўкдан заминга олов пуркарди. Қум қайнарди, олмос зарраларига ўхшаб кўзни қамаштирарди. Иссиқдан миям қизирди. Ҳавода миқ этган эпкин сезилмасди. Дов-дарахтлар эса кўринмасди. Олдинда барханлар ястаниб ётарди. Жазирамада осмоннинг тасвири сувга ўхшаб кўринарди. Кутилмаганда шеригим "Мумин", деб қичқириб юборди. Шошиб ортимга қайрилганимда Эргашали мендан йигирма қадамлар нарида турарди. "Нима бўлди унга? Илон чақиб олдими", деб югургилаб олдига бордим.

– Оҳ, қандай фароғат, қаранг денгизда кемалар, одамлар!

Мен у қараб турган томонга юзландим. Сувларни олтин тусда мавжланиб турган денгиз манзаралари оқ ҳарир парда ичра жимирлаб кўзга ташланарди. Уммон кенгликларида кемалар сузиб юрарди. Сохилда эса яшнаб ётган водий, барқ урган дов-дарахтлар. Буни кўриб юрагимни масрурлик ва завқ-шавқ эгаллади. Эргашали сурур бахш туйғуларни ичига сиғдиролмай денгиз томон чопқиллаб кетди.

– Сув, оби ҳаёт!

Қум устида гоҳ оёғи тойиб, гоҳ йиқилиб, яна ўрнидан туриб бораётган Эргашалига эргашмоқчи бўлдим. Кутилмаганда бу сароб эмасми, деган фикр мени тўхтатиб қолди.

– Эргашали, ҳов Эргашали, тўхтанг! – деб шеригимнинг ортидан қичқирдим. Бироқ у менинг ҳайқиригимга қулоқ солмади. Ортидан боришга мажбур эдим. Тезда етиб олдим. Қўлларидан ушлаб тўхтатдим.

– Нима қилмоқчисиз? – деди у кўзлари олайиб. – Нега мени ушладингиз, мен денгиз бўйига бораман, кемалардан бирига чиқиб юртимга кетаман! Қўйиб юборинг!

– Сиз кўриб турган нарсалар сароб, улар алдамчи... Ҳозир ғойиб бўлади.

Эргашали сўзларимга ишонмагандек яна ўша томонга қаради. Бироқ бу пайтда қуёш ёнбошлаб, сароб йўқолганди.

Қаршимизда баланд-паст барханлар ҳумрайиб турарди ва улар саробда турли манзаралар кашф этганди. Йўлимизда тепаликлар сероб эди. Биридан ошсанг, иккинчиси чиқади. Баландликка тирмашиб, пастга ғизиллаб тушасан. Бундай пайтда Эргашали ўзини тўхтата олмасди. Оёқлари чалишиб, йиқилиб, умбалоқ-думбалоқ ошиб, оғзи-бурни қумга тўлиб, терчилаган кийимлари лой бўларди. Нафаси ҳалқумига тиқилиб қолгудек ҳансирарди. Бир гал унинг қўйнидан латтага ўралган қандайдир нарса тушди ва юқоридан сидирилиб тушаётган қум кўчкиси остида қолди. Мен унга эътибор бермадим.

Биз яна бир барханнинг чўққисига кўтарилдик. Дўнг устида тўхтаб, йироқларга боқиб, атрофни томоша қилдик. Лагерь кўринмасди. Ўнлаб тепаликлар уни кўзимиздан яширганди. Кўкда кўчиб юрган тутунлар уюми ҳам ёйилиб кетганди...

– Қорним очди, нон беринг! – деди шеригим. Юк халтамдаги иккита нонни тенг иккига бўлиб қўйгандим. Оч қолганимизда ўша бўлаклардан олиб тамадди қилиб олишни мўлжаллагандим. Халтадан бир бўлак нонни олиб шеригимга узатдим. У нонни тишлари орасида майдалаб ютиб юборди.

Аллақаердан гуриллаган овоз келди. Юрагимда "Одамлар яшайдиган қўналғага келиб қолдикмикин", деган умид уйғонди. Овоз кўкдан келарди. Юқорига қарадик. Тепамиздан қирувчи самолёт учиб ўтарди.

– Ётинг! – қичқирди Эргашали ва ўзини менинг устимга отди. Биз бир-биримизни қучоқлаб пастга юмалаб кетдик. Самолётдан дўлдек уқлар ёғилиб, қум бағрига санчилди. У ўтиб кетди.

– Тирикмисиз? – сўради бошини кўтариб Эргашали.

– Тирикман, – жавоб қилдим юз-кўзларимга сачраган қумни артиб.

– Худога шукр! Бундан кейин самолёт кўринса, эҳтиёт бўлинг, тезда ерга ётиб олинг!

– Нега, ахир менинг қўлимда қурол йўқ-ку. Мен тинчлик истаган одамман.

– Буни учувчилар билишмайди. Лагерь атрофидаги ҳар қандай одамни душман деб ўйлашади.

Биз бир муддат қайноқ қумга бошимизни қўйиб ётдик. Самолёт эса анча олислаб кетган, ҳатто овози ҳам эшитилмасди. Ҳудди варракка ухшаб кўринарди. Бироз ўтиб лагерь томондан даҳшатли гумбурлашлар эшитилди. Кейин осмонга қуюн мисоли қоп-қора тутун кўтарилди. Самони қоплаган бу тутун ерга ним ранг бўлиб ёйилар эди.

– Лагерни вайрон қилишди, – ўзича таҳмин қилди Эргашали.

– Демак жангарилар тугабди-да, – дедим.

– Қайда, сиз кўрганлар бир қисми, уларга икки баробар кўпи бошқа лагерларда яшашади.

– Нега улар бўлиниб кетишган?

– Шундай қилишмаса самолётлар бир кечада ҳаммасини қириб ташлайди.

Юрагимда титроқ уйғонди. Тутун бурқсиётган томондан кўзларимни олмай туриб қолдим.У томонда ўғлимнинг қабри қолганди.

– Бирор пана жой бўлса, салқинлардик, – деди Эргашали. – Кун қайнамоқда, бошимиздан иссиқ ўтиб, касал бўлиб қолишимиз мумкин.

Иккимиз ўрнимиздан турдик. Атрофга кўз юбордим. Соя берадиган дарахтлар ҳам, ўсимликлар ҳам кўринмасди. Лекин паст бўйли тиконли ўтлар сероб эди. Улар ғуж-ғуж бўлиб, коптокдек юмалоқ бўлиб ўсарди. Эргашалининг ёнида узун тиғли пичоқ бор эди. Шу билан ўсимликларнинг илдизини қирқдик. Мен ҳассаларни ерга суқиб, капача ясадим, устига шохларни, қуриган ўт-ўланларни ташладим. Икки одамни бағрига сиғдирадиган уйча ҳосил бўлди. Ўзимизни унинг соясига урдик. Бироқ белимиздан пасти офтобда қолди.

– Чанқадим, – деди Эргашали ўзини сояга уриб. – Қани энди бир коса яхдек сув бўлса.

Менинг ҳам ичим қизирди, юрагим ёнарди. Томоғимни намлашга тупугим ҳам чиқмасди. Ёнимдаги сувнинг ярмидан кўпини ичиб бўлгандим. Бунинг устига очликдан ичакларим қулдирарди, кўнглим беҳузур бўларди.

– Сабр қилинг, назаримда биз тез орада бирор қишлоққа ёки чўпонлар яшайдиган ўтовга етиб борамиз, – ўзимча шеригимга тасалли берган бўлдим.

– Худди бу ерларни биладиган одамдек гапираётирсиз, сабабини тушунтиринг?

– Осмонга қаранг!

Эргашали кўкка боқди. Осмон шу қадар тиниқ ва равшан эдики, ҳар қандай одамнинг кўзи қамашиб, тепасида нима бор, нима йўқлигини тезда ажратиб ололмасди. У ғарб томон қанот қоқиб кетаётган бир жуфт қушни зўрға илғади.

– Қушлар! – деди суюниб. – Қушларни кўряпман!

Қушлар осмонда кичик бир нуқтага айланиб, кейин кўздан ғойиб бўлди.

– Улар бизлар кетаётган томонга учишмоқда. Демак, ўша ёқда одамлар яшайди, у ерда сув мўл. Биз шу беминнат оби ҳаётдан қониб-қониб ичамиз.

– На фақат ичамиз, балки чўмиламиз ҳам!

– Албатта!

– Ҳали узоқ юрамизми?

– Менимча беш-олти чақиримлик масофа.

Иккимизнинг юрагимизда умид уйғонди, очлик ва ташналикни унутиб, тезда ухлаб қолдик. Мен туш кўрдим. Тушимга ўғлим кирганди. Ота-бола уйда эмишмиз. Юсуф велосипедда келиб, ўзини қучоғимга отди.

– Ўғлим, анчадан бери кўринмайсан, қаерда эдинг? – сўрармишман ғадир-будур қўлларим билан сочларини силаб.

– Ўртоқларим билан бирга эдим, ота. Келинг, мен ҳам ёрдамлашиб юборай.

Ота-бола лой қариб, бузилган пахсанинг ўрнини кўтардик.

– Энди мен борай, ота, ўртоқларим кутиб қолишди.

– Узоқ қолиб кетмагин, ўғлим.

– Тезда қайтаман, ота.

Юсуф велосипедини миниб кетди. Ортидан кўзларимни узолмай қолдим. У ўзи билан мени, юрагимнинг парчасини олиб кетаётганди. «Юсуф», деб қичқириб юбордим. Чўчиб уйғондим. Кўзимни очдим, кўрганим саҳро бўлди, тутганим бир сиқим қум бўлди, юрагимнинг қаърида ҳасрат оловланди, бутун фикрларим, бутун борлиғимни куйдириб, қовжиратиб юборди. Овозимни ютишга қанчалик

уринмай, қумни чангаллаб ўкириб юбордим. Ҳозироқ ўрнимдан туриб, олисда қолган боламнинг қабри томон қушдек учгим келди.

– Тинчликми, нега йиғлаяпсиз? – ён томонимда ётган Эргашалининг овози келди. У кўзларини катта-катта очганча "Бу ақлдан озмадими" дегандек ер остидан менга тикилиб турарди. Индамадим.

Ўрнимиздан турдик ва йўлда давом этдик. Кўмкўк осмон остида, сап-сариқ қум устида юриш осон эмасди. Саҳро шу қадар чексиз ва кўз илғамас даражада бепоён эди-ки, одам ўзини бир дона қум заррасидек ҳис этарди. Куннинг тафти синган бўлса-да, қум оёқни қиздирарди. Унутилган очлик ва ташналик яна уйғонганди. Қаршимизда чўққиларини буронлар сидириб кетган барханлар худди биз билан олишмоқчи бўлган паҳлавондек кўкрагини кериб турарди. Саҳронинг адоғи кўринмасди. Барханлар бир-бирига уланиб кетаверарди.

МУАЛЛИФДАН

Раҳима умид ва ҳавотир ичида юраги ўртаниб, жони ҳалак бўлиб, умид ила икки кўзини эшикка тикиб яшарди. Кунларнинг ўтиши қийин кечарди. Айниқса кечалари. Боши болишга тегиши биланоқ Худога ёлворарди: "Парвардигорим, болам билан ёстиқдошимни ўз паноҳингда асрагин. Уларга келиши мумкин бўлган бало-офатларни даф айлагин. Мусофир бандаларингнинг йўлдоши ўзингсан. Уларни соғ-омон бағримизга қайтаргин".

Эри билан ўғлининг уйдан чиқиб кетганига ҳам бир ой бўлмоқда. На хат бор, на хабар. У эрига кўп тайинлаганди. Ўшанда айтган гаплари ҳозир ҳам

қулоқлари тагидан кетмайди. "Ойлик олишингиз билан жўнатинг, олижаноб одам қарзини қистаб келиши бор, қўни-қўшнилар олдида шарманда бўлмай... Эй, Худойим, ишқилиб бирор ишнинг этагини тутган бўлишсинда. Иш тополмай сарсон бўлишмаса бўлгани".

Раҳима чет элга пул топамиз деб кетган қанчадан қанча одамларнинг кўпчилиги ойлаб иш излаб, охири қўлларини қуруқ чўнтакларига солиб қайтиб келишаётганини кўп эшитган... Йўқ, олижаноб одам уларга иш топиб бераман, ётоқхоналарингг, ойликларинг тайин, деб айтган. Бўлмаса, бекордан бекорга қарз берармиди?

Қарз ёмон нарса, бу дунёда бошингни эгади, охират кунисида Аллоҳнинг ҳузурида жавоб берасан. Дўзах азобини тортасан. Қайсидир йили маҳалладаги одамлардан бери бировларнинг ҳақини еб кетгани учун кўп азоб тортган, жон беролмай қийналган, ўлими олдидан баданига яра ташиб, бадбуй ҳид чиқиб, олдига яқинлари ҳам боришолмаганини Раҳима эшитганди. Ичида унга раҳми келган, ачинганди. Бундай савдо ўзининг ҳам бошига тушишини ўшанда хаёлига келтирмаганди.

Раҳима ишхонасидан олаётган ойлигини тежаб-тергаб сарфларди. Рўзғордан ортганини тишининг кавагида сақларди. Бунинг устига қизлари ҳам эрталаб тонг саҳарда кетмонни елкаларига қўйиб фермернинг даласига кетишади. Чанг-чунга беланиб, шом қоронғусида уйга ҳассага таянгудек қайтишади. Бечоралар отамизнинг қарзини узамиз, деб на тўйиб овқатланишади, на мириқиб ухлашади. Кунига йигирма, уттиз минг сўм пул кўтариб келишганидан хурсанд.

Раҳима минг хижолат билан, юзлари оловдек ёниб, уларнинг қўлидан пулни олади ва кўрпанинг қатига қистиради. Қизлари эса оналарининг кунглидан нималар кечаётганини пайқашади.

– Ойи, хижолат бўлманг, тортинмай олаверинг, дадам билан акам пул жўнатсалар қарзимизни бира тўла узамиз, кейин ишлаб топганимизга кийим-кечак, дафтар-китоб сотиб оламиз, уқишга пул тўплаймиз, – деб оналарига таскин беришади.

Кунлар бир-бирини қувиб ўтарди, бироқ пулдан дарак бўлмасди. Раҳиманинг ҳавотири соат сайин ортарди. "Нима бўлдийкин, уларга?" деб уйқуси қочган кечалар хаёл сурарди. "Иш тополмай сарсон бўлиб юришган бўлишса-я. Балки уйга қайтишга пуллари қолмагандир? Йўқ, олижаноб одам уларга ёрдам берган. Ўзининг танишларини олдига жўнатган. Иш тайин бўлмаса, ёнидан йўл ҳақи сарфлармиди...

Ўша кеча Раҳима қўрқинчли туш кўрди. Кўзини очганида ташқари коронғу эди. Юлдуз ҳам, ой ҳам кўринмасди. Одатдагидек чироқ ўчганди. Раҳиманинг юраги гурсиллаб урарди. Миясининг икки чеккаси худди томири ёрилиб кетадигандек луқиллаб оғрирди. Раҳима бошини чангаллаб, ҳозиргина кўрган тушини хотирлади.

Кимсасиз яланг саҳро. На бир бино бор, на дарахт. Ота-бола шу саҳро ўртасида кетишаётир. Юсуфнинг елкасида юк халта, Муминнинг қўлида таёқ. Жазирама иссиқ, замин олов пуркаётгандек. Кутилмаганда қум бўрони турди. Бир зумда чанг-тўзон кўтарилиб қуёш юзини тўсди. Борлиқни зулмат қоплади, ҳеч нарса кўринмай қолди. Фақат фалакдан қум ёғарди. Раҳима у ёқдан бу ёққа чопармиш. Гоҳ ўғлини, гоҳ эрининг исмини айтиб чақирармиш.

– Орқага, орқага қайтинглар!

Овози бўғзини ёриб чиқмасмиш. Бўрон забтига олармиш. Қум тўзонлари ота-болани кўздан яширди. Иккиси ғойиб бўлди. Раҳима атрофга аланглармиш. Бирдан бўрон тинди. Чанг-тўзон босилди, қуёш кўринди. Қаердандир Мўмин пайдо бўлди. Бир ўзи, ҳамма ёғи чанг. Кийимлари йиртилган. Қўлида таёқ.

"Ўғлим қани? Қани менинг арслон келбатли полвоним, қани? Қаерга ташлаб келдингиз уни?" – сўрармиш Раҳима эрининг бўйнига осилиб.

"Ҳавотир олма, ўғлингни бўрон аршга олиб чиқиб кетди. Ҳали замон қайтиб тушади. Ҳа, у, албатта, қайтиб тушади", хотинини юпатмоқчи бўлармиш Мўмин.

"Йўқ, мен чидамайман... мен тоқат қилолмайман. Қандай отасиз-ки, ўз фарзандингизни бўроннинг ихтиёрига топшириб қўйсангиз! Тезда ортидан чопинг, бўронни қувиб етинг, паҳлавонимни қайтариб келинг. Боринг... тезроқ боринг! Юрагим қизиб, вужудим ёнмоқда. Боламни кўргим келмоқда... Усиз ўлиб қоламан. Тезда қайтаринг, болажонимни!"

...Ҳали тун ярим бўлмаганди. Ҳўроз қичқиришига анча бор эди. Раҳиманинг юраги ҳамон қалтирарди. У тўшак устида мук тушганча киприк қоқмай тонгни кутиб олди. Тун чодирини кўтарганида, қуёшнинг олтин тусли нурлари аёлнинг зулмат қоплаган қалбини оз бўлса-да, ёритди. Раҳима ўрнидан турди, қизларига нонушталик ҳозирлаши керак. Улар далага офтоб чиқишидан олдинроқ етиб боришлари лозим.

Шу кундан бошлаб Раҳима эри билан ўғли ҳақида кўп ўйлайдиган бўлди. Кунларнинг ўтиши қийин

кечарди. Унга қандайдир ёмон хабарни етказишдан чўчиётгандек. Ишда ҳам, уйда ҳам хаёлидан эри билан ўғли кетмасди. Назарида улар билан қандайдир нохуш воқеа рўй берадигандек. Кечалар кўзига уйқу келмасди. Туш кўришдан қўрқарди. "Нега розилик бердим, нега?" дея афсус надомат чекарди. Ўзини ўзи айбларди, куксига муштларди.

"Нега рухсат бердим, нега?"

Ишдан қайтганида қизлари "Уйимизга нотаниш бир одам келди, сизни сўради, яна келармиш", деб айтишди. "Бу ўша, олижаноб одам, уйлади Раҳима. Ҳақини сўраб келган".

Яна аёлнинг тинчи бузилди. Эшик тиқ этса, кўчада нотаниш одам учраса ёки директор чақириб қолса, юраги товонига тушарди. Олижаноб кимса кўпчилик ичида, "Эрингиз мендан беш юз доллар қарз олганди, қайтаринглар, мен ўз юртимга кетадиган бўлиб қолдим", деса нима дейди. Ишқилиб ишхонасига қистаб бормаса бўлгани. "Эй Худойим, ўша кимсага ўзинг инсоф бер, дилига раҳм-шафқат сол. Пул келгунича бизларни учраштирма".

Раҳима илгари дарддан азоб чекарди. Унинг қаердалигини ўзи биларди. Бир дона дори ичиб олса, оғриқ қоларди. Буниси бошқа, вужуди узра кўчиб, жонига азоб бермоқда. У ҳосил қилган азоб аёлнинг юзларида, танасида ва ҳатто қалбида чуқур из қолдирганди.

Кунлар ўтарди. Кутилмаганда эшик тақиллади. Раҳима ишдан яқинда қайтганди. Қизларининг келишига овқат пишираётганди. У ташқарига чиқди. Эшик ортида маҳалла раиси Алишер билан нотаниш одам турарди. Раҳима уни илгари қишлоқда кўрмаганди. «Тумандан бўлса керак, бизга ёрдам бериш

мақсадида келгандир», деб ўйлади. Кейин унинг кийимларидан танигандек бўлди. Эри олижаноб одамнинг қиёфасини суз билан тасвирлаб берганди. «Бу уша – олижаноб одам», деган фикр миясига урилди. Кейинги кунларда ўзи билан ўзи бўлиб, у ҳақда ўйламай қўйганди.

– Уста мана бу биродаримиздан сени даволатиш учун беш юз доллар қарз олган экан, электрга ҳам юз доллар тўлаган экан. Шундан сенинг хабаринг бормиди? – суради Алишер. Куп овқат еганидан бўлса керак, юзи қизариб, пишиллаб нафас оларди. Кекирганида оғзидан ёқимсиз ҳид чиқарди.

– Хабарим бор, – деди Раҳима овози титраб.

– Хабаринг бўлса, нега қайтармаяпсан?

– Биродарингиз эрим билан ўғлимни четга ишлагани жўнатганлар. Кетганларига бир ой бўлди. Пул юборишларини кутиб ўтирибман. Келиши билан тўлаймиз.

– Ё товба, ё товба. Ўзинг қуруқ тўхматингдан асра, Парвардигорим. Ишга мен жўнатмаганман, четга бориб ишлаб, пул топинг деб айтмаганман ҳам, – кўзлари олайиб, жазавага тушди олижаноб одам. – Ўзи ёнимга келиб, ялиниб, бирор иш топиб беринг, ишлаб ҳақингизни тўлай, деб ҳоли жонимга қўймади. Мусулмон одамга ўхшайди, деб азбарои раҳмим келганидан, савоб учун Москвадаги бир танишимнинг манзилини бергандим. Суриштирсам, йўлда бегона одамларга илашиб, бошқа томонга сурварибди. Мана, яхшиликнинг оқибати... Ё Аллоҳ, ё Аллоҳ, ўзинг қуруқ тўхматингдан асра!

Раҳиманинг ичидан бир нарса узилиб тушгандек бўлди. Олижаноб одамнинг сўзларидан хижолат тортди. Хаёлига келган ўйларни, кўрган тушини,

нега пул келмаётганини тушунгандек бўлди. Анча вақт хаёли бошқа томонда бўлди. Алишернинг сўзидан ўзига келди.

– Қизишманг, меҳмон, мен сизга кафолат бераман, уста ҳалол одам. Ҳеч қачон бировнинг ҳақини еб кетмайди. Ишга жойлашган бўлса, албатта, пул юборади. Бу ой бўлмаса, нариги ойда келади.

– Лекин, биласиз, мен уйимга жўнашим керак, чақирув муддати тугаган,,бир кун ҳам бу ерда қололмайман!

– Ҳаммасини ҳал қиламиз!

Шундан кейин маҳалла оқсоқоли Раҳимага юзланди:

– Бу одамнинг ҳақини бер. Юртига, бола-чақаларининг олдига кетсин.

– Айтдим-ку, менда пул йўқ деб. Озгина сабр қилсинлар, зора келиб қолса.

Маҳалла оқсоқоли Раҳиманинг сўзини кесди.

– Биламан, сен ҳам намозхонсан, Худодан қўрқасан, қарз нима эканлигини яхши биласан. Қарздор ўлса, унга таъзия ўқилмайди.

Раҳима бу гапларни эшитиб, пиқиллаб йиғлаб юборди.

– Эй Худойим, қандай ёмон кунларни солдинг менинг бошимга...

Алишер сўзида давом этди.

– Эски китобларда "Қарзи бор одам қазо қилса, жаннат юзини кўрмайди", дейилган. Рўзи маҳшар куниси Аллоҳ ҳақдорнинг гуноҳларини сенинг елканга юклаб қўяди. Бу тўғрида бир ривоят ҳам бор. Кунларнинг бирида бир аёл бандачиликни бажо келтирибди. Унинг қилган савоб ишлари тоғдан ҳам баланд экан. Ғойибдан бир нидо келибди.

– Кимга савоб керак бўлса, олсин!

Ҳар тарафдан одамлар келишибди ва тоғ каби уюлиб ётган савобни талашиб тортишиб, қопларига сола бошлашибди. Бироқ аёлнинг савоби тезда тугаб қолибди. «Нега бундай бўлди?» деб одамлар ҳайрон қолишибди. Яна бояги овоз келибди.

– Чунки бу аёлнинг одамлардан олган қарзлари қилган савоб ишларидан кўпроқ эди. Аллоҳнинг амри ила унинг савоблари сизларга, сизларнинг гуноҳларингиз эса унга ўтди.

Ривоят Раҳимага ёмон таъсир қилди. Эри олган қарз ўзининг елкасида тургандек боши эгилди. Бечора хушидан кетаёзди. Алишернинг ўзи муаммога ечим топди.

– Бир йўли бор. Агар хўп десанг айтай.

Аёл кўксида умид уйғонди. Узига келди.

– Гапиринг...

– Сен касал бўлиб ётганингда ўзим уста билан гаплашгандим, қизталоқ ўшанда гапимга кирмаганди. Хўп деганида бу кўргуликлар сени ҳам, унинг ҳам бошига тушмасди.

– Тушунтириброқ айтинг! – умидворлик билан деди аёл

– Шу десанг, мен устага ўзимни эмас, махалла қўйнинг манфаатини кўзлаб, ҳовлингни бир бурчагида устахона очайлик. Шуни орқасидан уч-тўртта одам ишли бўлиб қолади, деб эдим...

Ҳалима оқсоқолнинг иддаосини тушунди.

– Хабарим бор, айтгандилар, аммо биз ҳовлини сотмаймиз.

– Оқсоқолнинг таклифини қабул қилинг, синглим. Шариатимизда қарздорларга ёрдам бериш сифатида бой-бадавлат, мумин-мусулмонлар уларнинг

қарзини узиб қуйсалар катта савоб оладилар, дейилган, – суҳбатга аралашди меҳмон.

Алишер унинг сўзини илиб кетди.

– Синглим, мен сен тушунаман, ҳовлини сот демоқчи эмасман. Бурчагидан икки сотихча жойни ажратиб берсанг кифоя. Шу ерга машиналарни таъмирлайдиган кичкинагина устахона очиб қўяман. Ўйлаб кўр, хўп десанг ҳозироқ меҳмонни рози қилиб юбораман. Сен қарздан қутиласан, эрингни ҳам иши юришиб кетади.

Олижаноб одам яна гапга суқилди:

– Шариат истилоҳида бир нарсани бошқа бир кишига унинг бадалини қайтариб бериш шарти ила мулк қилиб беришга ижозат этилур!

Раҳимани ўй босди.

– Бизга яхшилик қилмоқчимисиз? – сўради бироздан кейин.

– Юрагим ачийди-да, нима қилса ҳам қиёматлик қушнимиз. Сенинг оёғингга тикон кирса, менинг юрагим ачийди.

– Агар ниятингиз соф бўлса, бир ойга ўша пулни қарзга бериб туринг. Эрим пул жўнатган куниёқ олдингизга елтиб бераман.

– Нималар деяпсан, бунча пул менинг ёнимда йўқ. Олти юз эллик минг сўм ойлик оламан. Оиламга зўрға етиб турибди.

Раҳима унинг ёлғон сўзлаётганини сезиб турарди. Шунинг учун гапларига эътибор бермади.

– Пулни бир ой муддатга беринг, агар эримдан пул келмаса, майли, ўша икки сотих жойни сизга ажратиб бераман!

Алишернинг чеҳраси очилди.

– Гапингга ишонсам бўладими?

– Тепамда Худо бор!

– Мана бу бошқа гап. Муросага келсак ҳамма ишга ечим топилади. Сенга ишонаман. Лабз қилдинг. Мен ҳозироқ меҳмонни рози қилиб юбораман...

Алишер олижаноб одамни бошлаб кетди.

МЎМИННИНГ ҲИКОЯСИ

Қуёш нуридан қовжираб, сарғайиб қолган бепоён сахро Эргашалини гангитиб қўйганди. Йўл азоби жонига теккани, ичида менга эргашганидан пушаймон бўлаётгани юз-кўзларига тепчиб чиққанди. "Айб ўзимда, нега лагерга қайтиб кетмадим. У ерда мени ҳеч ким жангга ҳайдамасди. Қорним тўқ, истаганча овқат ердим, қониб-қониб сув ичардим. Ҳали ҳам кеч эмас, шу ердан йўлимни бурсам бўлаверади. Йўқ, бироз сабр қилай, беш-олти чақирим юраганимиздан кейин қишлоқ ёки чорвадорларга дуч келармиз, ўшанда йўлимни буриб, орқага қайтаман", деб дилимдан кечган бу гапларни кўзлари фош қилиб турарди.

Бошимда оғриқ турганди, кунглим беҳузур бўла бошлади. Кўз атрофим хиралашиб борарди. Қабрдан узоқлашган сайин ўғлим хаёлимдан кетмасди, у мен билан ёнма-ён бораётгандек эди. Гоҳида унинг оёқларини, қўлларини кўриб қолардим. Шунда юрагимдаги соғинч уйғониб, беихтиёр:

– Оёғинг куймадими, қорнинг очмадими, чанқамадингми, жоним болам? – деб юборардим.

Ўз овозимдан ўзим чўчиб, шошиб атрофга аланглаб, ҳозиргина боламнинг шарпаси келган жойнинг бўм-бўшлигини кўриб, ичим ағдар-тўнтар бўлиб кетарди. Куйган жонимга таскин излаб, Аллоҳ

Таолога ғоят севимли ва мезонда тош босадиган дуоларни ўқиб, Набий (с.а.в) га саловат айтардим.

– Эй, қодиру Мавлон! Биз қулларинг ўзингга бўй синиб, қайтарган ишларингдан қайтиб, сенинг розилигингни тилаб, ўзингга иймон келтириб, фоний дунёда билиб билмай қилган гуноҳларимизни мағфират айлашингни сўраб, саодат йўлидан буюк ва улуғ Байтуллоҳ сари бораётирмиз.

Чарчаганмиз, ҳолдан тойганмиз, томоғимиз, ичимиз оёқларимиз остидаги қумдек қизиган. Ўзинг вужудумизга куч, юрагимизга қувват, оёқларимизга дармон бергин, кўзларимиз нурини нурафшон айлагин. Ўзинг сафардаги соҳибимиз бўлгин, узоғимизни яқин қилгин, соғ-омон Байтуллоҳга етиб борайлик. У ерда гуноҳларимизни кечиришингни сўраб Ўзингга истиғфор айтайлик.

Эй, адолатли ва ғамхўр Тангри таъало! Бугун сендан улуғ боболаримнинг руҳларини, салобатларини руҳимга қовуштиришингни сўрайман. Йўлда қолиб кетмайлик, бўрон ва довуллар бизни кўмиб юбормасин. Зероки, сен Ғофурсан, Раҳмонсан. Менким, сенинг банданг қандайдир фирибгар кимсанинг домига илиниб, ҳокимият учун, тожу тахт учун бир бирининг жонини олаётган кимсалар даврасига тушиб қолдим. Улар мени ва ўғлимни Сенинг бандаларингга қарши қурол кўтариб, урушга киришга даъват этишди. Инсонларни отишни, ўлдиришни буйиришди. Биз қуролларни уларнинг оёқлари остига ташладик. Бомбаларнинг дахшатли тўлқини қабр ичидан чиқариб ташлаган бандаларингни жасадини кўрдим. Ўққа учиб, жон беролмай ётган одамларга ёрдам бера олмадим. Энг ёмони жигаримнинг қонига ўз қўлимни бўядим. Тарихда бундайи

бўлганми? Астағфируллоҳ, ўзинг кечир, эй Робби Раҳмоним. Ўзинг Ғофурдурсан, ўзинг Раҳиймдурсан. Сенинг раҳматингдан умидворман. Ёлғиз Ўзинггина бизларнинг гуноҳларимизни авфу этажаксан. Мен Сендан муҳаббатингни сўрайман ва Сенинг муҳаббатингга етказадиган амалларни сўрайман.

Эй, улуғ Раҳнамо. Сенинг қутлуғ уйингга, инсониятни тўғри ва ҳақ йўлга бошловчи Пайғамбаримиз Муҳаммад салаллоҳу алайҳи вассалламнинг муборак равзаларига етиб олгунча оёқларимга куч бер. У ерда қиладиган тавбаларимни қабул эт. Аллоҳим! Раҳматингдан умидвор бўлган бандангни сенга қилган ягона тилагидир бу.

Кун кетди-ю, шом қайтди. Қуёш нурларини йиғиштириб, уфқнинг нариги четидан аста-секин зулмат нафасини ютиб сокинлик билан қаро тун бостириб келарди. Салқин эпкин иссиқдан ҳолсизланган юракларга таскин берарди. Бундай пайтларда саҳро ўзининг янги даврасига киради. Жониворлар инларидан бошларини чиқариб, атрофга олазарак боқиб, ташқарига – тунги овга чиқишади. Саҳро сукунатини бузиб, уларнинг овози таралади. Қумга узимизни ташлаб, Саййидул аввалин ва охирин Имомул Анбиё ва Мурсалин Муҳаммад Мустафо саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ўз умматларига доимо ўқиб юришни тавсия қилган дуоларини овоз чиқариб айтдим: "Аллоҳим, Сенинг лутфу караминг боис келгуси кунга етамиз, Сен берган ҳаёт билан яшаймиз, Сенинг ироданг билан ўламиз. Биз фақат ўзингга қайтамиз"...

* * *

Узоқ йўл босдик. Ҳолдан тойиб, очлик силламиз қуриб, қум кўксида оёқ изларимизни қолдириб, қибла томон кетиб борардик. Таҳминан ўн чақиримча масофани ортда қолдирдик, бироқ мен тасаввур қилган қишлоқ, сувлар оқиб ўтадиган ирмоқдан дарак йўқ эди. Афтидан биз бошқа томонга кетаётгандек эдик. Олдимизда эса юксакдан юксак барханлар виқор тўкиб турарди. Ҳар гал "Биз ҳозир мана шу бархандан ўтиб олсак, кенгликларга чиқамиз", деган умид ила борардик.

Эргашалининг юраги нотинч эди. У чарчаган, ҳолдан тойган, оёқларини судраб босарди. Юраги шубҳа-ю гумонлар пардасига ўралиб борарди. Нигоҳлари бўшликдан ўзга нарсани илғамас, қути ўчган чеҳрасида азоб-уқубат шарпаси аксланарди. Бу эса қандайдир ғам-қайғу жонини ўртаётганини билдирарди. Гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона оҳ уриб қўярди. Ўйлашимча, унинг кўнглидан шундай гаплар кечарди. "Нега ўшанда изимга қайтиб кетмадим-а. Наҳотки, шу шўр пешона кимсага боғланиб қолган бўлсам? Ахир унинг дарди ўзи билан-ку. Мен ўламанми, қоламанми нима фарқи бор унга. Ёш боладек гапларига лаққа тушибман-а. Ахир унинг юраги фарзанд доғида ёнмоқда. Кўзига олам зимистон кўринмоқда. Байтуллоҳга бориб, Худодан кечирим сўраши шартмикин? Аллоҳ ҳамма жойда, ҳатто анови жангарилар ичида ҳам тавбасини қабул қиларди-ку. У борадиган даргоҳ бошқа томонда. Ишончим комил, йўлдан адашди. Озгина сабр қилай... Бирор овул ёки қишлоқ чиқса, "Бас, етар, бир тишлам эттга зор бўлган итдек

ортингиздан сакилладим. Бундан кейин яна қанча юрамиз, Худога аён. Ақлдан озмасимиздан, ҳушимизни йўқотиб, йиқилиб тушмасимиздан, жасадимизни қурт-қумурсқалар таламасидан орқага қайтайлик! Бориб бошлиқнинг оёғига ақлсиз бошимизни урайлик, ундан раҳм шафқат сўрайлик. "Кечиринг бизни, беадаблик қилдик, сиз берган нон-тузга ношукрлик қилдик. Қандай жазо берсангиз розимиз, лекин бизга бағрингиздан жой беринг", деймиз. Бошлиқнинг қаҳри тошдан қаттиқ бўлса-да, шафқатли одам, у бизни албатта, кечиради, истаса, қўлимизга қурол беради, истамаса гулаҳлигингни қилавер", дейди. Бизларга яшаш имконини берса бас. Унинг марҳаматидан юз ўгириш нодонлик, телбалик, ношукрлик".

Хаёлидан кечаётган бундай ўйлар унинг руҳини кўтарарди, оёқларига мадор бўларди. Буни унинг қув кўзларидан уқиб олардим.

Мен шеригимдан бир неча қадам олдинда борардим. Баъзида шамол учириб келган ва қум остида қолган ўсимликларни босиб олардим. Улар товонимни тешарди. Ярадан қон томарди. Белбоғ билан бош ва юзимни ўраб олгандим. У тердан увиганди. Йиқилганимда қумлар унга ёпишарди. Қултум сувга зор бўлсам-да, руҳим тетик эди. Босган қадамимда Аллоҳни зикр этардим. Тилимдан билган дуолар тушмасди. Қалбим, жоним офтоб тафтидан эмас, Яратганга муҳаббат ишқида ёнарди.

Эргашалининг сабр косаси тўлди шекили, ёнимга келиб:

– Биродар, биз кўра билан туриб олов устида кетмоқдамиз. Йўлдан адашдик. Ҳа, бунга ишонаман. Афтидан қаёққа кетаётганимизни ўзингиз ҳам бил-

майсиз, – дея аввалги сўзларини такрорлади бошини чайқаб.

Мен йўлга чиқишдан аввал қуёшга қараб олгандим. Ҳозир ҳам тез-тез қараб қўярдим. Офтобнинг йўналишини кузатардим. Кун ботиш томонни мўлжал қилиб олардим.

– Нега билмай, ахир биз Байтуллоҳга кетаётирмиз! – дедим шеригимга дакки бергандек овозимни баландлатиб. – Хотиржам бўлинг, биз йўлдан адашмадик!

– Йўқ, биз адашдик, ҳа адашдик. Бошқа йўлга тушиб қолдик. Гапимга ишонаверинг!

Шеригимнинг ишонч билан айтган гапларидан бироз хавотирлангандек бўлдим. "Наҳот янглишган бўлсам", деб ўзимдан ўзим сўрадим. Шунда ичимдан бир овоз келди. "Сен тўғри йўлдан кетмоқдасан". Бу сўз юрагимга далда бўлди.

– Хавотир олманг, мен йўлга тушишимиздан аввал қуёш бош қўядиган нуқтани мўлжал қилиб олгандим. Кечалар эса юлдузлар бизга йўл кўрсатишмоқда. Мен уларни яхши биламан.

– Биродар, келинг, ширин жонимизни қийнамайлик. Ортга қайтайлик, – мақсадини ошкор қилди Эргашали.

– Нега энди сиз ортга қайтишга қарор қилдингиз?

– Чунки, бу саҳродан соғ-омон чиқиб кетолмаслигимизга ишондим.

– Биз ўз тақдиримиз йўлида охирача курашамиз!

– Келинг, баҳслашиб ўтирмайлик-да, орқага қайтайлик. Бу энг тўғри ва одил танлов бўлади.

Мен тўхтадим, шеригимнинг кўзларига термулдим. Унинг нигоҳларида ўзим кутган қатъийлик ва журъатни топа олмадим.

– Қаерга қайтамиз? Ўша уруш бўлаётган маконгами? Одамларнинг қўлига қурол ушлатиб, бир-бирини отишга мажбурлаётган, ер юзини вайрон қилаётган шайтонларнинг ҳузуригами?

– Саҳронинг поёни кўринмайди. Иккимиз ҳам очмиз, ташнамиз. Силламиз қуриган. Бу аҳволда узоққа боролмаймиз.

– Раҳмдил ва меҳрибон зот бизларни паноҳида асрайди, Ўзи мададкор бўлади!

– Очиғини айтсам, менинг ҳаётга ҳам, яшашга ҳам умидим қолмади, фароғатим йўқолди, сиз эса мени мавҳум келажак сари юришга мажбурламоқдасиз.

– Мен ўз келажагимни курсатаётган Аллоҳнинг олдидаги гуноҳларим учун тавба қилмоқ мақсадида Байтуллоҳга интилаётирман. Қудрат ва ҳикмат соҳиби бўлган якка-ю ёлғиз Аллоҳнинг уйига талпинаётирман. Томиримда у ато этган қон оқар экан, бу дашту саҳро устидан ўтиб, очлик ва ташналикни, азоб ва уқубатларни енгиб, албатта, унинг муборак уйига кириб бораман.

Эргашали менинг юрак-юрагимдан чиққан бу гапларимни қайириб ташлай олмади. Боре, деб қўл силтаб орқасига қайтиб кетса керак, деб таҳмин қилгандим, бундай ҳам қилмади. Ноилож, буйнидан ип ўтказилган кўлпакдек изимдан эргашди. Тун буйи тумшайиб, ранги очилмай, қовоғи осилиб юрди. Миясини дардли ўйлар кемирарди.

– Келинг, иккимиз биргаликда Тангри таъалодан хифзу ҳимоятига олишини сўрайлик. Худо инсонга муҳаббат орқали намоён бўлади. Биз унга интилсак, унинг амалларини адо этиб борсак у бизга ўз саодатини ҳадя этади. Тенгримнинг хайри саховати чексиздир. Зеро биз унинг уйига кетаётган эканмиз,

унинг амалларини адо этиб, руҳимизни поклаб, покиза иймон билан Байтуллоҳга кириб борайлик. Амалларимиз билан Яратганнинг меҳри муҳаббатига мушарраф бўлмиз! Отам айтарди: ҳақ таолога юзланган одам қудратлидир. Мусулмон бўлиб Аллоҳга ва унинг расулига қалбида меҳр муҳаббат тўлиб тошмаган одам ҳақиқий мусулмон бўлолмайди. Шуннинг учун иккимизҳам динимизнинг устуни намозни адо этайлик, – дедим унинг шайтон макон айлаган қалбига Раҳмонни қайтариш илинжида.

– Нима демоқчи бўлаётганингизни тушунмадим. Қандай қилиб бу саҳрода Аллоҳнинг амалларини адо этамиз? – Эргашали ҳеч нарса тушунмаган одамдек елкасини қисди.

– Саҳрода ҳам амалларни бажариш учун Аллоҳ бандаларига имкониятлар берган! У бутун ер юзини Муҳаммад (с.а.в) учун, у зотнинг умматлари учун масжид қилиб қўйган. Ернинг қайси бир нуқтасида бўлса, намоз ўқилаверади. Ўқилган намозлар қабул бўлаверади.

Кейинги икки кун ичида кун қизиб кетганидан фақат кечалари юрардик. Табиатнинг қонунига кўра кечалари саҳро бирданига совуб, баданимиз жунжиқиб кетарди. Ҳозир дам олиш учун эмас, нафасимизни ростлаш мақсадида қумга бош қўйдик. Кўкка қараб ётар эканман осмонда юлдузларнинг бу қадар кўплигидан хайратга тушдим. Улар ҳар доимгидан кўра ёруғроқ нур сочарди.

– Байтуллоҳга бориб ўзимизни, руҳимизни поклаймиз, ибодат қиламиз, қалбларимизни макон айлаган шайтонни қувамиз. Шунда Раҳмон ўз ўрнига қайтади. Кейин биз Аллоҳ Яратган меҳр нигоҳи билан оламга боқамиз. Одамларни инсофга, дин ди-

ёнатга чақирамиз, бир-бирларига меҳр ва шафқатли бўлишга даъват этамиз.

– Аллоҳ қаршисида сиз ўзингизни шу қадар гуноҳкорман деб ҳисоблайсизми? Ёки қўлингизга қурол олгандан бошқа яна кўплаб гуноҳларга қўл урганмисиз? – сўраб қолди Эргашали.

– Нимасини айтасиз, эллик йилдан бери бу кўзларим нималарни кўрмади, бу қулоқларим нималарни эшитмади, бу суяксиз тилларим нималарни демади, бу қўлларим нималарни ушламади. Айниқса, қурол ушлаб, жангга кирганимдан буён ўзимни кечира олмаяпман. Кечалари тушларим булғашади. Виждоним қийналади. Назаримда бутун оламнинг гуноҳи кифтимда тургандек, – дедим.

Шеригим индамади. Ўрнимдан туриб, йўлда давом этдик. Кеча ойдин эди, ой бутун нурини саҳрога ёйганди. Атроф-теварак худди кундуз кунгидек кўзга ташланарди. Мен одатдагидек хаёл гирдобига ғарқ бўлгандим. Кутилмаганда қаршимда оппоқ куйлак кийган ўғлимнинг сиймоси гавдаланди. У мендан бир неча қадам нарида кетиб борарди. Иккимиз анча вақтгача суҳбатлашиб бордик. Бу пайтда тонг бўзариб, юлдузлар сўна бошлаганди.

"Ота, бомдод намозини ўқийдиган пайт бўлди, намозингиз қазо бўлмасин".

Боламнинг овозидан чўчиб тушдим. Уйдан чиққанимдан кейин намоз ўқимай қўйгандим. Айниқса, Аллоҳнинг уйига кетаётган одамнинг намоз ўқимаслиги оғир гуноҳ эканлигини ичимдан ҳис этардим ва бундан виждоним озор топарди. Ортимга қайрилганимда Эргашали мендан анча узоқда, оқсоқланиб кетиб борарди. Қадамимни илдамлатиб, унга етиб олдим.

– Биродар, тонг ёришмоқда, келинг, бомдод намозини ўқиб олайлик, – дедим унга.

– Қизиқ гапларни айтасиз-да, ахир биз яп-яланғоч саҳродамиз-ку. Таҳорат олишга на сув, пешонамизни қўйишга на жойнамоз бор, – деди қаддини тиклаб.

– Сув ўрнига туяммум қиламиз. "Роббимиз бизга қудратимиз етмайдиган нарсани юкламаган". Аллоҳимнинг Пайғамбаримиз (с.а.в)га ва мусулмонларга берган улуғ неъматларидан бири ерни поклончи нарса қилиб қўйганидир. Мусулмон киши тупроқ ила покланиши, таяммум ила таҳорат қилиши мумкин!

– Қиблачи? Сахронинг қайси тарафига қараб намоз ўқишни билмасак. Адашсак гуноҳга ботамиз.

– Киши қалби қайси тараф қибла эканлигини англаб, майиллик билдирса, ўша томонга қараб намоз ўқиса бўлади. Кечалари эса олтин қозиқ юлдузини топиб ўшандан аниқлаймиз. Чунки олтин қозиқ юлдузи замин қуёш юрган тарафга муқобил бўлиб шимол тарафда туради, – дедим бир пайтларда китобларда ўқиганларимни эслаб.

Уламоларнинг ривоят қилишларича ҳар бир қум донаси қиёмат кунида азон чақирилганига гувоҳлик бераркан. Ибодат сўнггида Яратган эгамдан куч сўраймиз, мадад сўраймиз!

Шеригим ноилож бош силкиди. Назаримда у кўп йиллардан бери саждага бош қўймаганди. Мен нима қилсам, нима десам шуни такрорлади. Икки кафтини ерга уриб, юзига масҳ тортар, кейин яна икки кафтини ерга уриб чап кафти билан ўнг қўлига, ўнг кафти билан чап қўлига масҳ тортарди. Бирга таяммум қилдик. Мен азон чақирдим. "Аллоҳу акбар,

Аллоҳу акбар", деган сўз узоқ узоқларга таралиб кетди. Саҳро неча замонлардан бери илк бор азон товушини эшитиб, ўз бағрида илк бор намоз ўқиётган инсонларни кураётган бўлса ажаб эмас. Ибодат сўнггида ўзимнинг оғир ўтмишимни, қилган гуноҳларимни ва Роббимдан узоқ бўлган вақтларимни эслаб, кўзларимдан жаладек ёш оқди. Кимдир қулоқларим остида пичирлади: «Қалбингни маҳзунлик ва афв учун бўшат. Токи бу икки нарса қалбингдан жой олсин ва сени Аллоҳга маъсият қилишдан тўхтатмасин, дўзахдан узоқлаштирсин". Кейин юзимни осмонга чевирдим, икки қўлимни кўкка кўтардим. Буюк Роббимга муножаат айладим.

– О, қудратли Тангрим, жумлаи жаҳондаги бандаларинг қаторида бизларни ҳам мана шу саҳрода қилган ибодатларимизни даргоҳингда қабул қилгайсан. Биз яхшиликни ва эзгуликни қалбимизга жо айлаб, гуноҳларимизни авфу этишингни сўраб сенинг муқаддас уйингга кетаётирмиз. Бизларни йўл азобидан, учраши мумкин бўлган бало-қазолардан асрашингни истаймиз, саботли қил, манзилимизни яқин айла, осмону ерни ёритган, қоронғуликларни аритган нурингни бошимиз узра соч. Ердан ва кўкдан келадиган ҳар турли офиятнинг балога айланишидан ва ҳар турли ғазабларингдан ўзинг асра. Куч ва қувват фақат сенинг-ладир, эй Парвардигоро!

Намозни ўқиб, қайноқ қумни босиб, жазирама ҳайбатидан баданимиздан тер оқиб, ташналигимиз ортиб, кўзларимиз тиниб, бошимиз айланиб йўлда давом этдик. Туш иссиғи қизигунча нигоҳларимиз уфқларда кезди.

* * *

Кейинги икки кун ичида Эргашали қаттиқ чарчади, ўрдакдек лапанглаб, оқсоқланиб ортимдан эргашиб келарди. Унинг изини кўрган ҳар қандай киши бу ердан маст одам ўтган, деган тахминга бориши шубҳасиз эди. Олдинда шамолларнинг амри ила ўз шакл шамойилларини ўзгартириб турадиган барханлар ялтирарди, унинг чеки кўринмасди.

– Чарчадим, ҳолим қуриди, оёқларим оқиб кетаётгандек оғримоқда. Дам оламиз, – деди Эргашали қум устига ўтирар экан.

– Кечаси юрсак йўлимиз унади! Иссиқ ва гармсел тинкамизни қуритмайди, Босган қадамимиз унумли бўлади, – дедим унинг сўзини қайириб.

Эргашали сўзларимга итоат қилишга мажбур эди. У буйнидан судраб кетилаётган қулга ўхшарди. Кўзлари ичига тортиб, оёқларининг мадори кетиб, гоҳ боши айланар, гоҳ қулоқлари шанғиллар, кўз олди қоронғулашиб бораётганидан шикоят қиларди. Хаёлида фақат ёмон ўй-фикрлар айланарди. Мен унинг руҳини кўтаришга, хаёлидаги ёмон ўйларни қувишга ҳаракат қилардим.

– Болалигимда отам раҳматликдан бир ривоят эшитгандим. Ҳозир шу эсимга тушиб қолди. Истасангиз сизга ҳам айтиб бераман, – дедим.

– Майли, жон қулоғим билан тинглайман, – ноилож розилик берди йўлдаги йўлдошим. – Фақат секинроқ юринг, сизга етиб бўлмаяпти.

Мен мийиғимда кулиб қўйдим-да, кейин ҳикоя-ни бошладим.

– Кунларнинг бирида уч савдогар йигит сафарга чиқибди. Узоқ юришибди. Кутилмаганда ҳаво-

нинг қавоғи осилиб, осмонни қоп-қора булутлар босибди. Ёмғир ёға бошлабди. Савдогарлар атрофга қараб, жон сақлайдиган жой излашибди. Шунда тоғ бағридаги ғорга кўзлари тушиб қолибди. Учовлари ичкарига киришибди. Унинг ичи кенг экан. Ёмғир тезлашиб жалага, жала эса селга айланибди. Тошқин сувлар тоғ елкаларидан шовуллаб, пастга қараб йўл солиб, катта-катта тошларни юмалатиб тушарди. Шунда катта бир харсанг ғор оғзини тўсиб қолибди. Йигитлар қоронғулик ичида қолишибди. "Қандай қилиб ғордан чиқиб кетамиз", деб ўйлашибди. Ташқарида эса ёмғир тобора тезлашиб, шовқин солармиш. Йўловчилар зерикмаслик мақсадида бошларидан ўтган воқеаларни бир-бирларига гапириб беришга қарор қилишибди.

– Бир куни қўшни қиз уйимизга чиқди. У жуда ҳам гўзал эди. Ҳовлида ҳеч ким йўқ эди. Мен кўпдан бери унга кўнгил қўйиб юрардим. Уни зурламоқчи бўлдим. Шунда қиз, "Эй Аллоҳим, ўзинг ёрдам бер менга, мен бировга унаштириб қўйилган бўлсам", – дебди зорланиб. Унинг илтижоларини эшитиб, қилган ишимдан пушаймон бўлдим. Қизни қўйиб юбордим ва раҳмдил Аллоҳдан кечирим сўрадим.

Иккинчи йигит ҳам бошидан ўтган воқеани айтди.

– Ота-онам касал бўлиб ётиб қолишганди. Мен ёш эдим. Бирор жойда ишламасдим. Агар овқат топиб келмасам, улар очликнинг қурбони бўлишарди. Бойнинг олдига бордим. Ундан шафқат сўрадим. Бироқ у текинга нон бермаслигини айтди. Мен шу кундан бошлаб унинг мол-қўйини боқдим. Хизмат ҳақимга у ярим кўза сут берарди. Шу сутни олиб келиб, ота-онамга ичира бошладим. Улар тез орада соғайиб кетишди.

Учинчи йигит деҳқон эди.

– Мен дарё бўйидан ун танобча ер ўзлаштириб, ўша ерда деҳқончилик қилардим, – дея ҳикоясини бошлади у. – Кузда ҳосилни йиғиштириб, уйимга олиб келардим ва ярмини қишлоқдаги ғарибу мискинларга тақсимлаб берардим. Улар шу билан қишдан соғ-омон чиқиб олишарди.

Шунда йигитлардан бири деди:

– Келинглар, биз ҳам ўзимиз қилган барча яхши амалларимизни васила қилиб, Яратгандан муъжиза курсатишини сурайлик. Ахир Аллоҳ қудратли, барчамизга меҳрибон ва раҳмдил зот. Зора бизнинг зорларимизни эшитиб, бу азобдан қутқарса, – деди.

Уч йигит ўзларининг одамларга қилган яхшиликларини, эҳсонларини Аллоҳга васила қилиб, кўзларида ёш, қалбларида муҳаббат билан чин дилдан сурадилар.

– Эй, поки Парвардигорим, қудратли кароматингни кўрсат, бизлар ичкарида қолиб кетмайлик! Юрагимизга яхши ният ва амалларни жо айлаб, сафарга чиққандик! Ўзинг раҳм қил, эй қудратли зот!

Уч йигитнинг овози ташқаридаги ёмғирни, селнинг шовқинини босиб тушибди. Шунда карами кенг Тангрининг мўъжизаси рўй берибди. Ғор оғзини тўсган баҳайбат тош иккига ажраб, ичкарига олам жаҳоннинг ёруғлиги кирибди.

Бундан хулоса шуки, инсоннинг яхши амаллари ҳеч қачон ҳисобсиз қолмайди. Йўлдами, чўлдами одам фақат ва фақат яхши ният қилмоғи керак.

Шеригим ҳикояни эшитиб, анча вақт жим борди. Мен унинг фикрини чалғитмаслик мақсадида бироз илгарилаб кетдим.

* * *

Ой ҳаволанганди, саҳрони уз ёғдусига буркаганди. Салқин сабо турганди. У совий бошлаган қум юзини ялаб, зарраларни учуриб, гулга кирган гиёҳлар ҳидини оламга таратарди. Ҳашаротларнинг тили чиқиб, турфа товушларда нағма қилишарди. Бу менинг юрагимга илоҳий куч-қувват, оёқларимга мадор бераётгандек эди.

Мен Аллоҳ буюрган амалларни бажариш ҳар бир мўминнинг бурчи эканлигини болалигимданоқ ҳис этардим. Отам раҳматлик диний илмдан яхшигина хабардор эди. Болалигида мадраса кўрганди. Қуръон ўқиганда унинг ширали овозидан сайраб турган қушлар ҳам жим қоларди. Уйимизда анчагина китоблар бўларди. Унинг вафотидан кейин китобларини амакиларим, қариндошларимиз олиб кетишди. У пайтларда ёш бўлганим ва янги уйланганим сабабли рўзғорни тебратиш мақсадида купроқ ишлашимга тўғри келарди. Ўзимнинг диний билимимни оширишга имконим бўлмаса-да, уйда ҳам, ишда ҳам беш вақт намозимни канда қилмасдим.

Қайсидир йили ёшгина бир йигит мени уйига олиб кетди. Эски деворни бузиб, янгилаш керак экан. Икки кун уникида қолиб ишладим. Иш битгач йигит келишилган пулни бериб, мени машинасига утказиб, уйимга ташлаб қўйди. Хайрлашаётганимизда чиройли пакетни қўлимга тутқазди.

– Шуни сизга илиндим, уста ака, – деди.

– Нима бу?

– Китоб, сизга, кунглимдан чиқариб илиндим. Китоб инсон қалбини зийнатлантиради.

Совғани рад этолмадим. Уйга кириб, шом намозини ўқиб бўлгач пакетни қўлимга олдим. Унинг ичидан кутилмаган туҳфа – Қуръон китоби чиқди. Кувониб кетдим. Уни юз-кўзларимга суртдим, бағримга босдим. Кейин очиб, болалигимдан менга таниш бўлган оятларни ўқишга киришдим. Ўқиган сайин қалбим тиниқлашиб, руҳим ёришиб борарди. Тун ярим бўлиб қолганини ҳам пайқамабман. Кейин китобни ётадиган каравотимнинг тепасига қўйиб қўйдим. Ҳар куни уйқуга кетишдан аввал уни қўлимга олиб, оятларни ёдлайдиган бўлдим. Китоб мени яхшиликка чорларди. ҳаромдан, бахилликдан, ичи қораликдан, гийбатлардан қайтарарди. Яратганга меҳр-муҳаббатимни оширарди. Ундан айрилишни истамасдим. Кундуз кунлари ишга кетсам, соғинардим. Қайтиб келганимда юз-кўзларимга суртиб, муталаага берилардим.

Аслида мен ўрта мактабда ҳам ёмон ўқимагандим. Уртоқларимга қараганда кўплаб романларни ўқиб чиққандим. Китоб менинг ҳамишаги ҳамроҳим эди. Мактабни тамомлаб, олий ўқув юртига ҳужжатларимни топширдим. Омадим чопмади. Кейин армияга кетдим. Қайтиб келганимда отам қазо қилганди. Уйда кекса онам ва икки синглим қолганди. Рузғорни тебратиш менинг зиммамда эди. Онамни ва сингилларимни ташлаб кетолмадим. Устага шогирд тушдим. Шундай қилиб қишлоқда қолиб кетдим. Уста бўлсам ҳам китоб қўлимдан тушмасди. Кечалари алламаҳалгача китоб варақлардим.

Уша куни уйдан чиқаётганимда ҳам китобни қўлимга олиб, "Эй Тангри таъло, ушбу муқаддас каломинг босган ҳар қадамимда йўлдаги ҳамдамим бўлсин" деб, юз-кўзларимга суртиб, бағримга босиб, кейин белбоғимга ураб жойига қўйиб қўйгандим.

– Нега кўзларингиз ёш, ота? – сўраганди ташқарига чиққанимда ўғлим.

Мен ўзим учун муқаддас бўлган, ҳар кеча юрагимга шодлик ва қувонч нурини олиб кирадиган, дунёдаги энг бебаҳо буюмимни, сирдошимга айланиб қолган суюкли китобимни уйда қолдириб кетаётганимдан қаттиқ афсусланаётганимни айта олмадим.

– Шундай, ўзим, ўғлим, – дея жилмайиб қўйгандим.

Боламнинг мургак юраги чироғи ўчган уйдек зимистон эди. Ўзига қолса уйини, онаси ва сингилларини ташлаб кетишга хоҳши йўқ эди. Бироқ унинг кўзига бу айрилиқ ортида беш юз доллар берган сахий амакининг сиймоси турарди. У бугун бўлмаса, эртага қарзини қистаб келадигандек туюларди. Қарзни тўлашга ҳозирда имконимиз йўқлигини, яшаш шароитимиз эса ўта оғирлигини билиб менга эргашганди.

Мен уйимнинг остонасини босиб ўтган заҳотимоқ ўзим билган дуоларни тилимдан қўймадим. "Лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаҳи ва лаа манжаа миналлоҳи" (Маъниси: Аллоҳдан бошқа ҳол ва қувват йўқ. Аллоҳдан, Унинг ўзидан бошқа нажот манзили йўқ) Дуонинг шарофати ила йўлларда қийналмадик. Мана, ҳозир қайнаб турган саҳрода ҳам тинимсиз пичирлаб, қуриган лабларим бир-бирига ёпишмай мезонда тош босадиган ўша дуоларни қайта ва қайта ўқирдим. Ўқинган сайин вужудум енгил тортиб, қуш мисоли олдинга талпинардим. Байтуллоҳ мени ўз бағрига чорлаётгандек бўларди.

Қалбимнинг бир четида доғ бор эди. Бу доғни йўқотишни истардим. Шундан ичим ғаш эди. Миям-

дан чиқариб ташлай олмасдим. Соя каби таъқиб қиларди у мени. Гуё онгимни, шууримни заҳарларди. "Қайдан бу ерга келдим, қайдан ҳам ёмон одамлар даврасига тушиб қолдим. Аллоҳнинг бандаларига, пайғамбаримизнинг умматларига қурол кўтариб бордим. Йўлимдан чиққан, кафансиз мурдаларни оёқларим билан босиб ўтдим. Энг ёмони боламнинг "Ота, қўлингизга қурол олманг, "Лаа илаҳа иллаллоҳ, деган бандани ўққа тутган одамни Аллоҳ аршда ҳам кечирмайди", деган сўзига хиёнат қилдим. Ўғлим жангариларга таслим бўлмади. Оёқлари остига йиқилмади. Қўлига қурол олишдан ўлимни шараф деб билди. Менда унинг журъати ҳам, жасорати ҳам бўлмади. Бу қўрқоқлик эди. Ҳа, ғирт қўрқоқлик! Роббимга ҳам, мусулмон умматига ҳам, Ватанга ҳам хиёнат эди. Эй, Аллоҳим, боламга берган жасорат ва матонатингни нега менга бермадинг? Унинг довюраклиги учун отиб ўлдиришди. Жаннат чечагини бағримдан юлиб олишди. Мен эса қўрқоқлигим учун тирик қолдим. Ўғлимни ота-болаларим ётган она юртим тупроғига кўмолмадим. Лоши бегона юрт, бегона эл тупроғи остида қолди. О, меҳрибон Тангрим, мени тезроқ ниятимга етказ, Байтуллоҳга етиб борай, Ватаним олдида, хотиним олдида, қизларим олдида, ҳамқишлоқларим олдида, ўғлимнинг пок руҳи қаршисида сендан кечирим сўрай. Гуноҳларимни ибодатларим билан ювай. Руҳим поклланмагунча Байтуллоҳни тарк этмасман", дея ўйлардим қоронғулик қаърида навбатдаги довондан ошиб ўтаётганимда.

Тонг ёришиб келарди. Аввал Эргашали, кейин мен ўзимни қум устига ташладик. Бироз шу ерда дам олишга қарор қилдик. Юк халтамда бир парча

нон қолганди, уни иккига тақсимлаб, ибодатимизга қувват бўлсин деб еб олдик. Бу охиргиси эди. Кейин азон чақириб, бомдод намозини ўқидик. Аллоҳнинг уйи сари йўлга тушганимиздан бери қандай аҳволда ва қандай шароитда бўлмасин намозимизни канда қилмай ўқиб келардик. Бомдод намозидан сунг яна йўл босдик. Йўл йўлакай шабнам қунган усимликларнинг япроқларини шимиб бордик. Чанқоғимиз қонмаса-да, нафсимиз ором оларди.

...Мен чуқур хаёлга чўмгандим. Хотиралар дамбадам кўз унгимдан ўтар экан, кутилмаганда совуқ ҳаво бўйнимни селпиб ўтгандек бўлди. Чўчиб бошимни кўтардим, кўзларимни каттароқ очиб атрофга қарадим. Шу томон келаётган оппоқ кўйлакли одамни кўриб қолдим. У яқинда биз ошиб ўтган бархан устидан тушиб келарди. Оёғи ерга тегиб тегмасди. Гўё учиб келаётганга ўхшарди. Ким бўлди бу? Бирдан буйи бастидан, юришидан танидим.

"Юсуф"!

Ўғлим етиб келди. Иккимиз бир-биримиздан кўзимизни ололмай туриб қолдик.

"Ота"! – ниҳоят тилга кирди ўғлим.

"Бу сенмисан, ўғлим?"

"Танимадингизми?"

"Офтобда юраверіб, кўзим хира тортиб қолибди, ўғлим. Хайрият, тирик экансан"...

"Нега бундай деяпсиз, ота? Ахир мен доимо сиз билан биргаман-ку".

"Ҳа-я, эсим қурсин, кечир, ўғлим... Ахир биз Аллоҳнинг уйига кетаётирмиз-ку. Йўлдан адашмадикми, ўғлим?"

"Йўқ, ота, тўғри кетмоқдамиз".

"Йўлимиз йироққа ўхшайди, толиқиб қолмадингми? Бунинг устига кун иссиқ, ер ҳаммомдек қайнамоқда".

"Бу ҳам Яратганнинг бир синови, ота. Кўнглимиз минг оташда куйса-да, Аллоҳнинг уйига боришимиз ҳам қарз, ҳам фарз. Айниқса, биз ёмон одамлар сафига қўшилиб қолдик. Парвардигоримнинг уйига борганимизда ундан бу қилмишларимиз учун тавба тазарру сўраймиз. Раҳмдил меҳрибон Аллоҳ албатта бизларни кечиради. Қалбимиз, иймонимиз, руҳимиз покланади. Ана ўшанда юртимизга, уйимизга оқ юз билан қайтамиз"!

"Сингилларингни соғиндим, онангдан ташвишдаман, болам. Кеча уларни тушимда кўргандим".

"Хавотирингиз ўринсиз. Сингилларим каби онам ҳам соғу саломат. Онам мактабда ишлаяпти".

"Анови олижаноб одам уйимизга келиб, қарзини қистамаяптимикин? Қарзни қайтариш қиёматга қолмаса деб қўрқаман".

"У бизларни алдагани, оиламизнинг тинчини бузгани учун Аллоҳнинг жазосига лойиқ".

"Биров ҳақида ёмон фикрга борма, ўғлим. Балки у бизни бу ерга келишимиздан бехабардир?"

Эргашали алаҳсирай бошлади. Чўчиб кўзимни очдим. Кўрганларим руё эди. Шеригим кейинги кунларда уйқусида жовлийдиган бўлиб қолганди.

– Булар меники, меники, билдингми?

У уйғониб кетди ва уйқуга тўймаган кўзлари билан атрофга аланглади. Кейин яна бошини қумга қўйди. Мен атрофни кўзларим билан кузатдим. Ўғлимни излаган бўлдим. Боя кўринган жойда ғалати ёруғлик нур таратарди. Буни кўриб юрагимнинг бир парчаси узилиб тушгандек бўлди. Кўкрагим остида

соғинч ҳисси уйғонди. Ич-ичимдан отилиб чиқаётган саволлар мени тинч қўймасди.

"Қани у? Қаерга кетди, менинг болам?"

Бўғилиб, овозимни ютиб йиғлаб юбордим.

* * *

Йўлга тушдик. Очлик силламизни қуритган, тиззаларимиз букилар, кўнглимиз айнир, юрагимиз нотинч урарди. Шундай бўлса-да, олға интилардик. Ҳар бир босган қадамимиз бизни Аллоҳнинг уйига яқинлаштирарди. Бундан менинг кўнглим ҳузур топарди. Эргашали ҳали ҳамон маст одамдек гандираклаб, оёқлари чалишиб ортимдан келарди. Негадир у очлик ҳақида гапирмасди, фақат ора-сира чанқаганини маълум қиларди ҳолос.

Ўша куни ҳаво қаттиқ исиди. Ер ўз бағридан олов пуркаётгандек эди. Ташналик шу қадар кучайди-ки, олдимиздан жилға чиқиб қолганида унинг сувини бир томчи қолдирмасдан ичиб қўядигандек эдик. Шеригимнинг идишида сув тугаганди. Мен ўзимнинг сувимдан унга идишнинг қопқоғида бир хўплам-дан бериб турардим. Ўшанда нимадир сабаб бўлиб хаёлим чалғиган экан, Эргашали ёнимдаги идишни олиб, ютақиб сувни симира бошлади. Уни олиб қўймасам ҳаммасини ичиб қўйишини, биз эса сувсиз қолишимиз мумкин эканлигини билдим.

– Нима қилаяпсиз, Эргашали? Бўлди, озроқ ичинг!

У сўзларимга қулоқ солмади. Сувни ғулқиллатиб ичаверди. Бирдан унга ташланиб, идишни қўлидан тортиб олмоқчи бўлдим. Лекин у идишни маҳкам чангаллаб олганди. Иккимиз олишаётганимизда идиш қўлимиздан чиқиб, пастликка думалаб кетди.

Бориб уни қўлимга олганимда ичида бир томчи ҳам сув қолмаганди...

Анча йўл босиб қўйган бўлсак-да, мен ҳали ҳам кўрган тушим таъсиридан чиқолмасдим. Юсуфнинг овози қулоқларим остидан кетмасди. "О, қани энди сени яна бир кўрсам, бағримга боссам", деб орзулардим. Дарвоқе, уни тушимда кўрдимми, хаёлатимдами – билолмасди. Билганим, эсимда қолгани у билан гаплашдим. Худди қаршимда тургандек суҳбатлашдим.

– Бу ерларнинг йўлини яхши биламан, ўзим сизга ҳамроҳ бўламан", – ўғлимнинг бу сўзларини ҳар сонияда ҳис этиб борардим.

Шу пайтгача менинг вақт билан ишим йўқ эди. Қуёшга боқиб ибодат қилардим. Кечалар юриш мен учун ёқимли эди. Чарчаган еримизда дам олардик. Сўнаётган ҳаёт салгина жонланиши билан яна ўрнимиздан туриб, йўлда ўрмалардик. Ўғлим гўё олдимда кетиб бораётгандек туюларди. Қум юзига ўша мен тонгда кўрган олтин рангли ёғду тушиб турарди. У кечаси ҳам, кундузи ҳам сўнмасди. Бу нур бизни ўз ортидан эргаштириб борарди.

Ўтган кун кўкда учиб юрган қушларни кўриб, сувга яқин келиб қолдик, деб ўйлагандим. Эллик чақиримча юрдик, аммо сувдан дарак бўлмасди. Эргашали яна ортга қайтишни маслаҳат берди. Бироқ жоним қанчалар азор чекаётган бўлса-да, таклифни қабул қилмадим. "Мен бу аҳволда юртга қайтолмайман, чунки бу ерда ҳаётимнинг қора кунлари ўтди, ундан покланишим керак", – дедим.

Биз яна кўп довонларни ошиб ўтдик. Ҳар сафар тепаликка чиққанимизда атрофга умид кўзини ташлардик. Олис-яқинларга тикилардик. Бийдай саҳрода на

бир қишлоқ, на одамлар кўринарди. Очлик эса ўзининг таъсирини ўтказар, ичимизни кемирарди.

Ўз галасидан ҳайдалган, дунёда якка-ю ёлғиз қолган кекса бўридек оёғини судраб келаётган Эргашали юрак бағрини азоблаётган йўл азобидан қутилишнинг чораси орқага қайтиш фикридан ҳали ҳамон қутилолмасди.

– Лақиллатганингиз етар! Бу саҳродан ҳеч қачон тирик чиқиб кетолмаймиз, очликдан, ташналикдан ўлиб кетамиз. Биров келиб биз учун қабр ҳам қазимайди, – умидларининг пучлигини ва аҳволини мушкул эканлигига ишонч ҳосил қилгандек деди Эргашали ва ўзини ерга таппа ташлади-ю, қум остига кириб кетадигандек оёқлари билан ерни титкилаб кетди. Мен унинг тепасига бордим. Эргашали эса надомат чекарди.

– Аттанг, нега ўшанда қайтиб кетмадим-а. Ҳозир лагерга етиб олган бўлардим. Очлик ва ташналикдан қутулардим...

– Ихтиёрингиз, ортга қайтсангиз қайтаверинг, лекин мен мақсадим йўлидан чекинмайман! Бошимдан дўл ёқса ҳам, совуқ изғиринларда қолсам ҳам, токи юришга мадорим бор экан, Аллоҳнинг уйига интиламан, – деб мақсадимни айтдим.

– Сиз қандай мақсадда Байтуллоҳга кетаётганингизни биламан, – деди Эргашали сирли бир оҳангда.

– Хўш, айтингчи, қандай мақсадда кетаётибман?

– Унинг ниятини билишга қизиқдим.

– Сиз табоб қилиш ниятида эмас, одамларга яхши кўриниш ҳамда вақти келиб юртга қайтганингизда терговда ўзингизни оқлаш учун кетмоқдасиз. Йўқса, қўлингизга қурол олганингиз учун ўлимга тик боқиб, бу саҳрода қийналиб юбрармидингиз!

– Мени кечиринг, хафа бўлсангиз ҳам айтаман, яхши одам эмас экансиз.

У хафа бўлди, тумтайиб олди. Ортга қайтиш йўли унинг учун аллақачон тўсилганини ўзи ҳам тушунарди. "Иссиқ элитиб, йўлда йиқилиб қолса, ёнида ёрдам берадиган ҳамроҳи йўқлигидан пушаймон бўларди.

– Менинг тақдиримга саҳрони кезиш ёзилган бўлса, энди қаерга ҳам борардим, – деб минғирлади.

Мен йўлдошимни қултиғидан олиб, йўлда давом этдим. У оёғини судраб босарди. Бутун оғирлигини менга ташлаб олганди. Охири хушдан кетган одамдек йиқилди. Унинг кўзларида ўлим аломатларини кўрдим. У гоҳ сўнар, гоҳ пайдо бўларди. Шошилинч ёрдам кўрсатилмаса, ўлиб қолиши мумкин, деб қўрқиб кетдим ва устидаги кийимларини ечиб, темирдек қизиган баданини совутмоқчи бўлдим. Чунтакларидан нон бўлаклари тўкилди. Белига қалин белбоқ боғлаб олганди. Ичида нимадир бордек эди. Мен унга аҳамият бермадим.

Кеч кирди. Шом намозини ўқидим. Ой саҳрога ўзининг зебу зийнатини ёйди. Эргашали кўзини очган заҳотиёқ уйғонган эди. У қаттиқ чанқаганди, қурқшаб, ёрилиб кетган лабларидан фақат сув деган сўз чиқарди.

Афсус, мен шу тобда унинг талабини қондиролмасдим.

– Сабр қилинг, биз албатта тез орада сув бор жойга етиб борамиз.

– Бас, мен энди юра олмайман, қийналиб кетдим, – у тилининг учи билан кўкарган лабларини ялаб олди-да?

– Ташналикдан ичим ёнмоқда, бир ҳовуч чуғни ютиб олгандекман, – деди. Кейин жим қолди. Бироз утиб;

– Мен ўлимга кўнгил қўйдим. Сиз айтган маконга етиб боролмайман, – деб қўшиб қўйди. – Ўлиб кетсам, мени кўмиб қўярсиз...

– Бардам бўлинг, ўзингизни қўлга олинг, биз саҳро ўртасидамиз. Бу жойда қолиб кетсак кечаси гўштимиз йиртқичларга таламош бўлади, – шеригимга далда бердим.

– Ярамайман, ўзингиз кетаверинг, – лабларига ёпишган қумни пуфлаб такрорлади Эргашали.

– Бундай қилманг, Худодан мадад сўранг, у албатта иккимизга ёрдам беради.

– Ажалгина менга ёрдам бериши мумкин...

– Руҳингизни туширманг, биз Байтуллоҳга бирга кетамиз. Бу гапни саҳрода ёлғиз қолишингиз учун айтаётганим йўқ. Худо ҳақи, сизни ташлаб кетгим келмаяпти.

– Унда айтганимни қилинг, ўзингиз кетаверинг! Мен у ерга борганим билан Аллоҳ менинг гуноҳларимни кечирмайди. Ибодат қилганим билан, амалларни бажарганим билан покланмайман.

– Аллоҳ кечиргувчидир. Қани, туринг, йўлга тушайлик, вақт бизларни кутиб турмайди. Токи танамизда озгина бўлса-да, қувват бор экан, кўзимизнинг нури сўнмас экан йўлда давом этамиз.

– Мени мажбурламанг, ҳеч қаёққа бормайман. Минг афсуски, турмоққа мадорим, юрмоққа ҳолим йўқ. Энди оёққа туролмасам керак.

– Худодан куч сўранг! – Унинг қўлидан ушладим, бармоқлари муздек эди. – Мен сизни елкамда кўтариб кетаман. Кўнглим сезиб турибди, яна бир неча

чақирим юрсак, одамлар яшайдиган бирор овулгами ёки чўпон-чўликларгами йўлиқамиз. Улар бизга ёрдам беришади, қорнимизни тўйдиришади. Кейин куч-қувватга тўламиз ва йўлда давом этамиз.

– Қаранг, оёғим шишиб кетди. Ерга боссам худди миямга мих санчилгандек оғрийди. Энди мени қистаманг, бир қадам ҳам юролмайман. Ўлишни истайман, ҳа, шу ерда ўлишни истайман, менинг жойи ростоним шу саҳро. Назаримда сўнгги манзилимга етиб келгандекман.

Эргашали қимир этмасди. Ҳақиқатан ҳам бу дунёдан умидини узиб, ўлимини кутаётган одамга ўхшарди.

– Наҳотки сиз елкангиздаги барча гуноҳи азимлардан ўлим билан қутулмоқчи бўлсангиз? – дедим уни фикридан қайтариш мақсадида.

– Ички сезгиларим ўлишимни ҳис этмоқда.

– Биз ўлмаймиз.

– Ҳар ҳолда бугун эмас.

– Ёдингизда тутинг, умид ҳамма нарсадан улуғдир, – дедим қандай бўлмасин шеригимни қундириш мақсадида. – Аллоҳнинг сўзи бор: "Агар сени ўлдирмоқчи бўлсам, ҳеч нарса сақлай олмайди, агар сақлайдиган бўлсам, сени ҳеч нарса ўлдиролмайди".

– Умид қилавериб, қилавериб, юрагимда заррача ишонч қолмади. Гапимга қулоқ тутинг, агар ростдан ҳам менга раҳмингиз келаётган бўлса, ортга қайтайлик, Тоҳирдан раҳм шафқат сўрайлик. Унга бизнинг сўнаётган ҳаётимизга қайта жон бағишлаши мумкин. Бу саҳронинг поёни кўринмайди. Саробдек кўзимизни алдайди, назаримда биз ёруғликка эмас, зулмат қўйнига кириб бораётирмиз.

– Умид сўнса, одам яшай олмайди. Бизни Парвардигорнинг ўзи қуллайди, ўзи толиққан оёқларимизга мадор беради. Ташналигимизни ўз қудрати ила қондиради. Қани, бўлинг, туринг ўрнингиздан, ҳар дақиқа ғанимат.

Мен шеригимни ўрнидан туришга қистадим.

– Мени мажбурламанг, ўзингиз кетаверинг, жоним қийналиб кетди. Жаҳаннам домига тушгандан баттарман. Илонлар қонимни сўриб, чаёнлар жонимни олаётгандек, – деди Эргашали. – Энди мен лагерга қайтаман. У ерда мени тириклик кутаётир, ҳаёт кутаётир, сувлар, овқатлар кутаётир, – қандайдир ички ишонч билан деди Эргашали.

– Биз учун орқага йўл йўқ. Жуда узоқ йўлни босиб ўтдик. Пешонамизга не битилган бўлса шуни кўрамиз. Аллоҳдан бало-қазолардан асрашини, оёқларимизга мадор беришини сўраб, Байтуллоҳ сари бораверамиз. Адашиб, бошқа томонга бурилиб кетсак ҳам мақсадимиздан қайтмаймиз. Қаршимизда иккита йўл бор, бири зулмат, иккинчиси ёруғлик. Бу йўлнинг бирида бизларни дўзах азоблари кутаётган бўлса, иккинчисида бахт ва рушнолик, ёркин келажак ва жаннат боғлари кутаётир. Қай биридан юришни ўзингиз ҳал қилинг!

Мен шеригимни йўлга солиш фикридан қайтмасдим. Уни бийдек саҳрода талаб кетишини ҳам хоҳламасдим. Ахир бу ерда ёлғиз қоладиган бўлса, ёки ортга қайтадиган бўлса, оғзини очиб турган ажал домига ўзини уради.

– Сиз эсини еб қўйган аҳмоқсиз ёки ақлдан озган тентаксиз! – Эргашали қаҳр билан шундай деди.

Унга гап уқтириб бўлмаслигини тушундим. "Ё Роббим, ўзинг қўлла", деб уни улоқдек елкамга ўн-

гардим. У вазмин эмасди, енгил эди. Эргашалини орқалаб, тоғимгача қумга ботиб, чайқалиб-чайқалиб, ҳар қадамимда Аллоҳнинг номини зикр этиб, кўзлаган манзилим томон йўл олдим. Бироқ кўп юролмадим. Пастда шохлари тарвақайлаб кетган юлғинга кўзим тушди. Ўша томон қайрилдим. Бу ўсимлик кекса эди, аллақачонлар қуриб қолганди. Шундай бўлса-да, бир одамни бағрига оладиган соя тўшаб турарди. Шеригимни шу қўланкага ётқиздим. Унга сув керак эди. Унинг ҳаётини сақлаб қолиши мумкин бўлган ягона озиқ шу сув эди.

Юлғин атрофида бир неча туп янтоқ ғуж бўлиб ўсарди. Бу ўсимлик томири доимо ер остидан намликни сўришини эшитгандим. Эргашалининг ёнида пичоғи бор эди, чунтакларини пайпаслаб тополмадим, афтидан йўлда тушиб қолган бўлса керак. Қўлларим билан қумни кавладим. Илдизга етиб бормасдан қаттиқ қатламга дуч келдим. Юлғуннинг шохларини синдириб, унинг ёрдами билан ерни қазидим. Қўлларим шилиниб, тирноқларим кўчиб, бармоқларим қонга беланди. Ниҳоят ўсимликнинг ўқ илдизини топдим. У жун арқондек қаттиқ эди, бир амаллаб қирқдим. Остига елим шишани қўйдим. Сув чакиллаб тома бошлади. Бунга қаноат қилиб бўлмасди, бунинг устига бекор қолишни истамасдим. Емиш топиш керак. Шеригимнинг аҳволи эса тобора оғирлашиб борарди. Худди хушини йўқотгандек ҳеч нарсани ҳис этмасди. Нафас олиши ҳам билиниб билинмасди. Яна бир ёнтоқнинг остини кавлашга киришдим. Бунисининг илдизи каттароқ эди. Қуриган япроқлардан нов ясаб, бир-бирига улаб, унинг сувини ҳам бояги идишга тўғриладим. Шунда кавлаган жойимдан қум кўчиб

тушди. Кичкинагина ўрача куринди. Ё Аллоҳ! Кўзларимга ишонгим келмасди. Тангрим менга туҳфа инон қилганди. Юрагим ҳафриқиб кетди. Ўра ичи тухумга тўла эди. Қувончим ичимга сиғмай қичқириб юбордим. Тухумдан бирини қўлимга олдим. Бу тошбақа тухумлари эди. Уларни битта-битта олиб, қум устига тердим. Санадим, қирқ битта. Одатда тошбақалар бир-бирларига яқин жойларга тухум қўйишини эсладим. Яна бир жойни қазишга киришдим. Бу ердан ҳам эллик битта тухум чиқди. Энди очликдан қутилиш мумкин эди.

Идишга сув томчиларди. Икки-уч қошиқча бўлиб қолганди. Эргашали ҳали ҳам кўзларини юмган қуйи ётарди. Ранги кесакдек гезарганди. Бисмиллоҳ, деб шеригимнинг оғзига сув томиздим. Оби ҳаётнинг таъми томирларидаги қонни жунбушга келтиргандек, кўзларини очди. Хайрият, деб юбордим севинчимни ичимга сиғдиролмай. Сўнг тухумларни артиб, учини тешиб шеригимнинг оғзига қўйдим.

– Ичинг, бу Худонинг бизга берган иноятн, биродар. Оғзингизни каттароқ очинг!

Мен унга ўн бешта тухумни юттирдим. Бироз ўтиб у ўзига келди.

– Раҳмат, сизга биродар, – деди ўрнидан туриб. – Тухумни қаердан олдингиз?

– Аллоҳ етказди. Эгамнинг берган неъматига шукроналар бўлсин!

Ўзим ҳам бешта тухум ютдим. Қолганини асраш керак эди. Йўл олис, манзил йироқ. Олдинда бизларни нималар кутаётганини Аллоҳдан ўзга зот билмайди. Тухумларни эҳтиётлаб, ўзимни артадиган матога ўрадим.

Қуёш сўнди, қоронғулик чўкди. Бағри куйиб, узидан иссиқ ҳовур таратиб турган саҳро узра енгил эпкин турди. Тун барханларни чулғаб, уфқни яшириб, унсиз, товушсиз ёйилиб келарди. Йўлга тушадиган пайтимиз бўлганди. Кутилмаганда эпкин кучайиб, шамолга айланди. Қум зарраларини олдига солиб қува кетди. Ғарбдан оқиб келаётган булутлар қизариб, бузариб кўтарилаётган ой юзига парда тортди. Шамол секин аста забтига оларди. Бундай пайтда саҳрода юриб бўлмасди. Араблар Самум деб атайдиган чанг ва қум буронлари одамни учириб кетиши ва кўмиб юбориши муқаррар.

Олислардаги Тибасти ёки Ахамжар тоғлари ортидан чиқиб келаётган булутлар аста-секин мисдек қизиб ётган саҳро осмонини қоплаб олди. Димиқтирувчи ҳаво нафасни қиса бошлади. Бироз ўтиб майда томчиларини тўкди. Улкан дарахт сингандек момақалдироқ қарсиллаб, чақмоқ ярқираб, булутларни қайчилаб ёмғир томчилади. Мен худди одамлар яшайдиган қишлоққа етиб келгандек қувониб кетдим ва овозимни қўйиб бақириб юбордим.

– Эргашали, қаранг, ёмғир, ёмғир ёғмоқда! Осмондан оби ҳаёт дурлари тўкилмоқда. Бу Аллоҳнинг бизга берган инояти. У илтижоларимизни эшитган, бизга раҳми келган. О, меҳрибон Тангрим, берган неъматингга мингдан минг шукроналар бўлсин!

Шеригим ўзига келиб қолганди, ёмғир ёғишини кутаётганди. Ҳатто йўлда кўп бор "Қани эди устимиздан шовуллаб ёмғир қуйса", – деб орзу қилганди.

– Ўрнингиздан туринг, Эргашали! Ёмғир сувида чўмиламиз, баданларимизни кирлардан тозалаймиз. Аллоҳ бу ёмғирни биз бандаларининг поклани-

ши учун юборди! Ахир, сиз кеча Яратгандан ёмғир сўрагандингиз-ку!

Эргашли аранг ўрнидан турди, иккимиз бир-биримизнинг қўлимиздан ушлаб, бошимиз узра қўяётган Аллоҳнинг неъматига шукрлар айтдик. Вужудумиз ором топгандек ҳузурланарди.

Мен жиққа ҳўл куйлагимни ечиб, сувини сиқиб ташладим. Кири кетмаган бўлса-да, қум зарралари тушиб кетганди. Куйлагимни бошим узра кўтариб турдим. Бир зумда сув йиғилди. Уни идишга қуйдим. Шеригим иккимиз ундан симириб ичдик. Бир неча кундан бери ичимизни куйдириб, ёндириб келаётган оташ босилди. Кейин устимиздаги турсикдан бошқасини ечиб чўмилдик. Баданларимиздан мағор кетди. Эргашали мен кўрган белидаги тасмага ўхшаш белбоғини негадир ечмади...

Сув руҳимизни кўтариб қолмай, балки танамизга қувват ато этганди. Бироқ қувончимиз узоққа чўзилмади. Ёмғир тобора ғазаб отига минарди, шиддат билан ёғарди, гўё осмоннинг туби тешилгандек. Марварид томчилар қумга шатир-шутур урилиб, одамнинг қонини яхлатиб, дилга қўрқув ва ғулу соларди. Биз ўзимизни юлғун остига урдик. Кўп ўтмай шамол булутларни шимол томонга суриб ташлади. Бир пайтнинг ўзида шамол босилиб, ёмғир тинди. Осмон кўринди. Ҳа, очиқ осмон кўринди. Булутлардан тозаланиб бораётган кўкда ой чеҳрасини кўрсатиб, саҳро узра нурини тўкиб жон киргизди. Энди йўлга чиқиш мумкин эди. Бештадан тухумни пўчоғига қўшиб ютдик. Эргашали ўзига келиб қолганди. Бироқ миясида ҳали ҳам ўша ёвуз фикр исён кўтараётганини зафарон юзлари, ич-ичига ботиб кетган нурсиз кўзлари яширa олмасди. Ортга қай-

толмаслигига ишонгани учун тавакқал қилишга мажбур эди. Бу унинг сўнгги умиди ва нажоти эди. "Йўлда бирор чўпонга ёки қишлоққа дуч келиб қолсак, ўша ерда қолиб кетаман. Ҳа, албатта қолиб кетаман", – деб ўзини ўзи овутаётган бўлса ажаб эмас, беқарор бу одам.

– Икки кундан бери йўлдамиз, бир-биримизни яқиндан танимаймиз. Кимсиз? Бу юртга қандай қилиб келиб қолгансиз, биродар? Шулар ҳақида сўзлаб беринг. Гаплашиб кетсак, йўл босганимизни, чарчаганимизни ҳам сезмаймиз,– дедим унга.

Эргашали анча жойгача жим борди, мен ундан жавоб кутардим.

– Байтуллоҳга етиб борайлик, ўша ерда ҳаммасини айтиб бераман, – деди ниҳоят ўзининг қора ўтмишини ёдга олишни истамаган йўлдошим. Кейин қўшиб қўйди. – Балки Байтуллоҳга борганим билан Худо менинг гуноҳимни кечирмас...

– Нега кечирмас экан, чин дилдан қилинган тавба, албатта, ижобат бўлади.

– Мен ўта оғир гуноҳ ишларга қўл урганман.

– Одам ўлдирганмисиз? – бу сўз беихтиёр оғзимдан чиқиб кетди. Кейин ўзимнинг қўполлигимдан афсуслангандек, – Агар шундай гуноҳ қилган бўлсангиз ҳам Аллоҳ гуноҳингизни кечиради, – деб қўшиб қўйдим..

– Далил исбот келтиринг!

Хаёлимга Абу Саъийд розияллоҳу анхунинг бир ривояти келди.

"Аллоҳнинг Набийси соллаллоҳу алайҳи васаллам: "Сиздан аввал ўтганларнинг ичида тўқсон тўққизта одамни ўлдирган бир киши бор эди. У олим кишидан сўради. У бир роҳибга йўлланди. У

унинг олдига бориб, узининг тўқсон тўққиз жонни ўлдирганини айтиб, тавба қилса буладими ёки йўқми деб сураді. У булмаслигини айтди. Шунда у уни ҳам ўлдириб, марҳумлар сонини юзтага етказди. Кейин ер юзидаги энг олим киши ҳақида сураді. У бир олим кишига йўлланди. Узининг юзта жонни ўлдирганини айтиб, тавба қилса буладими ёки йўқлигини сураді. У булишини ва у билан тавбанинг орасини ҳеч ким тусолмаслигини айтди. Сунгра "Фалон фалон жойга бор. У ерда Аллоҳга ибодат қилаётган одамлар бор. Улар билан бирга Аллоҳга ибодат қил. Уз ерингга қайтма. Чунки у ёмон ердир", деди.

У жунаб кетди. Ярим йўлга етганида унга ўлим етди. Раҳмат фаришталари билан азоб фаришталари уни талашиб қолдилар. Раҳмат фаришталари:

" У тавба қилиб, қалби ила Аллоҳ таоло томон келди", дедилар. Азоб фаришталари эса:

"У ҳеч қачон яхшилик қилган эмас", дедилар.

Уларнинг олдига бир фариштa одам суратида келди. Улар бу фариштани ҳакам қилдилар.У:

"Икки ер орасини ўлчаб кўринглар. Қай бирига яқин булса, у ушаники булади", деди.

Ўлчашганда у ўзи ирода қилган ерга яқин чиқди. Уни раҳмат фаришталари олдилар.

Ривоятни эшитиб, Эргашалининг чеҳраси ёришиб кетди. Назаримда унинг юрагидаги умидсизлик туман мисоли тарқаб кетганди.

Биз йўлга чиқдик. Бироз юрганимиздан кейин шеригим тилга кирди.

– Биродар, кеча айтган ҳикоянгиз менга маъқул келувди. Ҳали йўлимиз олис куринади, зерикмаслигимиз учун яна бирор қизиқарли ҳикоями, ривоятми айтиб берсангиз-чи.

Шеригимнинг таклифи мени хушнуд этди. Назаримда у инсофга келиб қолгандек эди. "Ахир бирор қизиқарли ҳикоями, ривоятми айтиб берсам ўзим ҳам чарчоқни унутаман. Муҳими ташналик ва очлик хаёлимиздан кўтарилиб, анча йўл босиб қўямиз. Бунинг устига булар бўлмас фикрлар миясидан чиқади. Вужуди билан Байтуллоҳга ошиқса ҳам ажаб эмас. Бир пайтлар маҳалла имомидан эшитган ривоят эсимга тушди.

– Қадимда бир отанинг икки ўғли бўлган экан. Лекин уларнинг табиатлари бир-бирига ўхшамас, катта ўғил меҳнатсиз бойлик орттиришни ўйласа, кичиги илм излаб, юртга таниқли одам бўлишни орзу қиларкан. Ниҳоят улар вояга етишибди. Катта ўғил бошқа қишлоққа кўчиб кетибди. Қароқчилар сафига қўшилиб, чўлдан ўтаётган савдогарларнинг карвонини талабди. Шу йўл билан катта бойлик орттирибди. Шахона қаср қурдирибди. Бу гаплар уканинг қулоғига етибди. "Бориб акамни кўрай, шунча йил илм излаб янги уй қуролмадим, бирим икки бўлмади. Балки унга қўшилсам катта бойликнинг эгаси бўларман", деб ўйлабди. Ака эса укасига ҳавас қиларкан, "Укам илм излаб, юртга таниқли олим бўлди. Энди мен қароқчиликни ташлаб, унинг олдига бориб илм ўргансам", деб ният қилибди. Ака-ука бир пайтнинг ўзида, бир-биридан бехабар йўлга чиқишибди. Улар яшаётган икки қишлоқни катта саҳро ажратиб тураркан, уни кесиб ўтиш учун уч кун вақт кетаркан. Ака-укалар йўлга чиққан куннинг эртасига кутилмаганда бурон турибди. Қумларни тўзитибди. Ука кўчкилар остида қолибди. Ака эса бу фалокатдан омон қолибди.

– Бунинг сабабини билгандирсиз? – сурадим шеригимдан ҳикояни якунлаб.

У анча жойгача жим кетди. Назаримда у ният энг улуғ нарса эканлигини тушуниб етганди.

Биз ҳар кунгидан мўл юрдик. Ҳаво салқин эди, ғир-ғир эсиб турган эпкин саҳронинг ўзига ҳос, бетакрор ҳидларини узининг кўзга кўринмас қанотлари қаътида оламга таратарди. Тунда ёққан ёмғирнинг таъсири эди бу.

Йўлга чиққанимизга бугун олти кун бўлди. Саҳро жониворларининг тухумлари овқатимиз бўлди. Янтоқларнинг илдизини шимиб, ташналигимизни қондириб борардик. Бир сўз билан айтганда иккимиз ҳам саҳро ҳаётига кўниккандик.

Саҳронинг этаги кўринмасди. Биз тобора унинг бағрига кириб борардик. Ботиб бораётган қуёшнинг қизғиш шуълаларида у янада ҳадсиздек кўринарди.

Бирдан кўзим қум устида жавҳардай ялт-юлт қилиб турган нарсага тушиб қолди. Одатда бундай муъжизавий нарсалар саҳрода тез-тез учраб туради. Айрим ҳашаротлар, ўсимликлар ўзидан нур тарата-ди. Лекин кўриб турганим хашарот ҳам, ўсимлик ҳам эмасди. Шу боис эътиборимни тортиб қолди. Тўхтаб қолганимни кўрган Эргашали ёнимга келди.

– Нима бўлди? – сўради у мен нигоҳларимни узмай турган томонга юзланиб.

– Ановини кўряпсизми? – дедим қўлимнинг учи билан ялтироқ нарсага ишора қилиб.

– Нима экан у? – хайрон бўлди шеригим.

У мендан аввал ялтироқ буюмнинг олдига борди. Ерга тиз чўкиб, унга қўл чўзди.

– Бу ханжарнинг олтин сопи-ку! – қичқириб юборди Эргашали уни қўлига олар экан.

Йўлда учрайдиган ҳар турли буюмларга қўл текизиб бўлмаслиги ёдимга тушди.

– Тегманг! Жойига қўйиб қўйинг! – дедим шошиб-пишиб.

У нега дегандек менга хайрон юзланди. Қум ичидан одамнинг суякка айланиб қолган бармоқлари чиқиб турарди.

– Назаримда бу ерда қачонлардир вафот этган инсоннинг жасади ётибди.

– Ётса ётгандир, бизга нима?

– Мурдаларнинг буюмларига тегиб бўлмайди, уларнинг руҳлари безовта бўлади. Бошимизга турли фалокатлар келиши мумкин. Сиздан илтимос қиламан, ханжарни жойига қўйиб қўйинг!

– Сизни ҳеч тушунмадим, биродар, буни ҳеч гуноҳ жойи йўқ. Бунчалар иримчи бўлмасангиз? – шеригим ҳафа бўлди.

– Эгасига вафо қилмаган буюм бизга ҳам вафо қилмайди. Қолаверса, биз яхши ниятда, покланиш мақсадида Аллоҳнинг уйига кетаётирмиз!

Гапларим таъсир қилди шекили Эргашали ханжарни жойига қўйиб қўйди.

Мен кафтим билан қум юзини бир оз сидирган эдим, одамнинг бош суяги кўринди. Манглайининг қоқ ўртасида ёнғоқдан кичикроқ шишага ўхшаш ялтироқ тош чиқди. У бир неча рангда товланиб, ялтирарди. Бу жуда қимматбаҳо буюм – олмос ёки бриллиант эди. Ҳар икки топилма бундан икки аср муқаддам араб қабилалари ўртасида тахт талашишлар учун олиб борилган жангларни ёдимга солди. Ким билсин, балки, олтин ханжар ва мана бу бебаҳо тош уша жангларда жон таслим қилган шаҳзодалардан бирига тегишлидир.

– Шундай бойликларни қум остида қолдирамизми? – шеригимнинг сузи хаёлимни булди. – Ўйлаб

кўринг-а, мана бу олтин сопли ханжар билан қўлингиздаги лаъл қанча туради? Агар буларни ўзимизники қилиб олсак, подшолардан бадавлатроқ яшаймиз.

– Унутманг, ҳаром луқма одамни дўзах оловига бошлагани каби ўзгаларнинг буюми хорлик батқоғига ботиради.

– Шариат йўлдан топиб олинган буюмларни макруҳ этмаган бўлса керак?

– Лекин биз муқаддас даргоҳга кетмоқдамиз. Мақсадимиз ва ниятимиз покланиш, қилган гуноҳларимиз учун тавба қилиш. Бундай улуғ ниятда кетаётган одамни бойликлар йўлдан оздирса, унинг келажаги нима билан якун топишини тасаввурингизга келтириб кўрингчи?

Эргашали бироз ўйланиб турди-да, истар-истамас ханжарни жойига қўйди. Мен ҳам лаълни ўз ўрнига қўйиб, устига қум тортиб қўйдим.

Йўлда давом этдик. Ярим соатлар юрмасимиздан Эргашали қорни оғриётганини айтди. Менинг ҳам ошқозоним очликдан исён кўтара бошлаганди. Ёнимдаги тухумларни олдим. Уларни тенг иккига тақсимладим.

– Бу сунггиси, – дедим.

Эргашали менга ғалати қараб қўйди. Кўзларида ишончсизлик шарпасини сезгандек бўлдим. Иккимиз чордона қуриб тухумларни пўсти билан ютдик. Бир қошиқ сув ичган билан тенг бўлди.

– Оғриқ босилдими?

– Баттар кучайди, ғижимлаб оғрияпти.

– Унда шу ерда дам оламиз. Тун ярмида йўлга чиқамиз.

Эргашалининг овози хаста одамникига ўхшамасди.

– Емишимиз тугаган бўлса, энди нима қиламиз?

– Чўл жониворларини ейишдан бошқа иложимиз йўқ. Бу ерда игуаналар кўп экан. Эшитишимча, уларнинг танаси суюқликдан иборат эмиш.

Атрофда буталар кўп эди. Қушлар шу ўсимликлар орасида тунашади. Эргашали бетоблиги учун шом намозини ўзим ўқидим, кейин овни бошладим. Бундай пайтларда қушларнинг кўзи ҳеч нарсани кўрмайди. Ов қилиш учун қулай фурсат. Эргашали қорнини ерга бериб ётди. У нимадандир безовта эди. Ора-сира инграб қўярди.

Учта қуш тутдим. Уларнинг патини юлиб тозаладим. Аммо пиширish учун ёмнимда гургут йўқ. Қумдан учқун чиқариш мумкин эмас. Эрталаб нонуштада ҳомлигича еймиз, деб бир четга қўйиб қўйдим. Кўзларимни очганимда ярим кеча бўлганди. Тепамда беҳисоб юлдузлар порлаб турарди. Шеригим ҳам уйғонган эди. У мени ширин табассум билан кутиб олди.

– Яхши дам олдингизми?

– Раҳмат, кўпдан бери бугунгидек мириқиб ухламагандим.

– Мен кеча буталар орасидан учта қуш тутгандим, шундан иккитасини сиз ейсиз.

– Аллоҳ рози бўлсин, сахийлигингизнинг чеки йўқ.

Мен йўлдошим билан шунча кундан бери бирга юриб бундай ёқимли сўзни эшитмагандим. "Хайрият, Аллоҳим унинг кўнгилини поклабди", деб қувондим.

Айтганимдек, қушлардан иккитасини унга бердим. У қушларни шоша-пиша еб олди. Овқатланиб бўлгач йўлга тушдик. Ҳаво салқин эди, ғарбдан ёқимли эпкин эсиб турарди. Шу сабабли узоқ йўл босдик.

Чарчоқни ҳам, чанқоқни ҳам ҳис этмадик. Қуёш киёмга келганда чарчадик, танамиздаги суюқликни йўқотмаслик мақсадида, ўсимликлар остига кириб ухлаб олдик. Куннинг тафти қайтганда ўрнимиздан туриб, яна йўлга тушдик. Кечга яқин рўпарамиздан баланд барҳан чиқди. У тик қояга ўхшарди. Айланиб ўтишнинг иложи йўқ, барҳан ғарб ва шарқ томон чўзилиб кетганди. Ягона йўл ундан ошиб ўтиш.

– Оёғим оғрияпти, худди шишиб кетгандек, – деди ўзини қум устига ташлаган Эргашали хирсиллаб нафас оларкан.

– Тепаликдан ошиб ўтсак дам оламиз, – дедим унга.

– Бу барҳан эмас, тоғ-ку! Қандай ошамиз, қувватимиз йўқ!

– Ҳаракат қиламиз, Худодан мадад сўраймиз! Ўзи қўллайди.

– Одам ҳам ўзини шунчалик қийнайдими? Келинг, бирор соат анови саксовул остида дам олайлик.

– Дам олишга ҳали эрта. Вақтни бехуда ўтишини истамайман!

– Кунглимдан адашдик деган фикр кетмаяпти.

– Бу фикрни шайтон миянгизга қўрғошиндек қуюб қуйибди. Яхши ният қилинг. Кунглим сезиб турибди, Парвардигор бизни тўғри йўлга солган.

Иккимиз мажолсиз қадам ташлаб тепалик сари борардик. Кўзларимиз фақат олдиндаги барханнигина кўрарди. Ундан қандай қилиб бўлмасин ошиб ўтишни ўйлардим. Оёқларимиз иссиқни ҳам, ботаётган тиконларни ҳам сезмасди. Шеригим эса тез-тез йиқиларди, йиқилаётиб ҳам бархандан кўзини олмасди. Уни умидсизлик таслим қилиб бўлганди.

Барҳан остига етиб келдик, бироз нафасимизни ростлаб олиш мақсадида қум устига ўтирдик.

– Баландлиги эллик метр келади, – деди шеригим тепаликка ишора қилиб.

– Ваҳима қилманг, қўрққанга қуш қўринади, деганлар. Нари борса, уттиз метр.

– Нима бўлганда ҳам биз ошиб ўтган тепаликларнинг энг баланди шу!

– Гапингизга қўшиламан.

– Қани энди, бир тишлам нон ёки тухум бўлганида.

Атрофни кузатдим. Осмонда на бир қуш, атрофда на бир жонивор кўринарди. Ҳаммаси қандайдир бир хавфни сезиб, инига кириб кетгандек сирли тарзда ғойиб бўлганди.

– Туринг, ўтирганимизга ҳам анча бўлди. Донишмандлардан бири "Юрган одамнинг юргиси келади, тухтадингми, ўтиргинг, ўтирсанг ётқинг, ётсанг ухлагинг келади", – деб айтган экан. Ўтирсак ўтираверамиз. Ҳеч бўлмаса тепаликка чиқиб олайлик!

Барханга тирмашдик. Кўп бор сирпаниб, кўп бор думалаб, қумга беланиб пастга тушиб кетдик. Бу эса бизни баттар ҳолдан тойдирди. Мен ҳар гал юқорига интилганимда, "Узинг қулла, Тангрим", деб овозимни кўтариб қуярдим. Зора шеригим ҳам тилига Худонинг номини олса, чин юракдан ундан мадад сураса, иккимиз қилган илтижо, албатта, ижобат буларди. Бироқ ундан садо чиқмасди. Тилидан фақат афсус ва пушаймонлик сўзлари тушмасди.

Бир неча қадам юқорига кўтарилгач Эргашалининг йиқилишига оз қолди. Боши айланди шекили, ҳаводан таянч топишга интилгандек қўлини олдинга чўзди. Лекин ўзини тутиб қололмади. Гандираклаб, пастга думалади. Бу пайтда мен ундан бироз олдинроқда борардим. Шеригимнинг йиқилганини

кўриб, мен ҳам пастга тушишга мажбур бўлдим. Эргашали хушсиз одамдек чўзилиб ётарди. Ўзим ҳам кўп куч йўқотгандим. Зўрға оёқда турардим, ўпкам бўғзимга қадалиб қолгандек ҳансирардим. Оёқларим гавдамни тутолмасди, шеригимнинг олдига йиқилдим. Ярим соатлар ўтиб, бироз дадиллашдим. Эргашали ҳам ўзига келиб қолгандек кўринди кўзимга.

– Қани, дўстим, олға! – деб қўлидан ушлаб ўрнидан турғаздим.

Танамизда йиғилган қувватни юқорига чиқишга сарфладик. Бу гал бир-биримизнинг қўлимиздан ушлаб, бағримизни қумга бериб, эчкиэмардек чўққи сари ўрмаладик...

Юқорига чиққанимизда тамоман ҳолдан тойгандик. Юрагимизнинг ўйноғи босилмасди. Ҳаво етишмаётгандек ҳансирардик. Чор атрофдан бостириб келаётган қоронғулик борлиқни ямлаб келаётганди. Осмон қоронғу, юлдузлар кўринмасди, ойсиз эди. Тепалик устида тунашга қарор қилдик. Иккимиз қумни кавлаб, чуқур ичига тушиб уйқуга кетдик. Қанча вақт ўтганини билмайман, қулоғимга чалинган ғалати товушдан уйғониб кетдим. Бу гал мени юракларга қутқу солгувчи саҳро шамоли уйғотиб юборганди. У учириб келган қум учқунлари юзларимга тикон мисоли санчиларди. Шамол тобора кучаяр, қумларни тузитиб, чангини қоқарди. Кўзим қумга тўлди.

Эргашали ёнимда туйган бўридек ғужанак бўлиб, пишиллаб ухларди. Шамолнинг ўкиришини, қум зарраларини юзига урилишини сезмасди. Уни уйғотдим.

– Эргашали, туринг, шамол қутирмоқда!

У кўзини аранг очди.

– Нима дедингиз?

– Шамол эсмоқда. Буронга айланиб кетиши мумкин.

Гапими тугамасдан шамол унинг юзига тикондек чанг солди. Шеригим қўллари билан юз-кўзини тўсди:

– Мен чарчаганман, дам олишим керак, безовта қилманг, – деди у ва яна бошини қумга қўйди.

– Шамол кучаймоқда, довулга айланиши мумкин, тезроқ пастга тушиб олмасак қум босиб қолади. Қани, бўла қолинг, туринг ўрнингиздан!

Шеригимнинг қўлтиғидан олиб, бир амаллаб, оёққа турғаздим. У бешикдек чайқаларди.

– Қани, юринг, тезда пастга тушайлик!

– Сизга эргашганимдан бери тўйиб ухлолмаяпман. Жонимга тегдингиз! – ҳафа бўлди уйқуси ёзилиб кетмаган шеригим.

– Бундай ёмон ўйларга борманг, вазият жиддий. Бирғалашиб Аллоҳдан мадад сўрайлик. Унга бизга ёрдам бериши мумкин.

– Тилингиздан Аллоҳ тушмас экан, нега ҳамма нарсани Аллоҳга боғлайсиз. Очиғини айтсам ғирт диндор одам экансиз!

– Айтган гапингиз учун ҳозироқ тавба қилинг. Улуғ Мавло "Аллоҳни кўп ёд этинглар, шунда нажот топасизлар", деган. У бизларни ҳимоясига олади. Тўғри йўлга солиб қўяди. Шу кунга қадар У бизни йўлимизда дуч келган турли ходисалардан, жазирама иссиқлардан, очлик ва ташналиклардан асради. Аниқроғи Унинг қудрати соясида яшадик. Шу ергача етиб келганимизнинг сабаби ҳам Унинг иноятидир.

– Ўзингиз кетаверинг, мен шу ерда сафаримга нуқта қўяман. Орқага қайтаман, саҳрода хор-зор бўлиб юргандан кўра, сиз ёқтирмаган жангариларнинг хизматини қилиб, қорним тўқ, устим бут бўлиб яшаганим афзал. Боринг, кетинг! Сизни кўргани кўзим йўқ! Нега менга қараб турибсиз, нима истайсиз, мендан!

– Энди сиз учун орқага қайтиш йўллари ёпилган. Мен сизни бу саҳрода ўлиб кетишингизни истамайман. Байтуллоҳга боришни истамасангиз қаршилик қилмайман. Бирор қишлоққа етиб борганимиздан кейин хоҳлаган томонингизга кетаверасиз.

– Тушингизни сувга айтинг! Мен шу ердан, ҳозироқ орқага қайтаман!

Эргашали шундай деб ортига бурилди. Мен унинг қўлидан ушлаб қолдим.

– Сиз ҳали мени ёлғиз ташлаб кетасизми? Йўқ, сафарга бирга чиқдикми, бошимизга не келса, шуни бирга кўрамиз!

– Билишимча сиз менсиз бир қадам юролмайдиган кўринасиз!

У қўлимни силтаб ташлади-да, кўкрагимдан итариб юборди. Мен йиқилиб тушдим, оғзи бурним қумга тўлди. Эргашали шамолга қарши юриб кетди.

Шу пайт шамолнинг қаҳри келиб, мангу дарё каби шовқин солиб, довулга айланди. Кўкрагимиздан итариб, қумга йиқитмоқчи бўлди. Кўринмас қўллари билан қумларни кўкка шопирарди. Фалакдан устимизга қум ёғиларди. Икки қадам нарини кўриб бўлмасди. Қум тўзон кўз очиргани имкон бермасди. Бошим узра ажинага ўхшаган қандайдир юмалоқ нарсалар учиб ўтарди. Булар саҳро ўсимликлари эди. Довул уларни илдизи билан қўпориб, аллақа-

ерлардан учириб келарди. Кутилмаганда шеригим кўринмай қолди. Овозимнинг борича чақирдим.

– Эргашали!!

Бўрон ув солди. Узоқдан овоз келди.

– Мумин!

Орқа томонимдан келган ваҳимали товуш фалокатга йўлиққан одамнинг овозига ўхшарди.

– Эргашали!

Мен дафъатдан ўгирилиб қарашим биланоқ кўзим қумга тўлди. Бир неча сония ҳеч нарсани кўрмай қолдим. Кўзларимни тозалаб, ёнимга қарағанимда шеригим жойида кўринмасди.

– Эргашали!! – жон ҳолатда қичқирдим. Бироқ товушимни довул бошқа томонга олиб кетди. Шу пайт янада кучли довул қўзғолди. Назаримда у саҳронинг бутун қумини кўчириб, бошим узра сочгандек бўлди. Мен мисоли кучли зарба еган одамдек неча марта йиқилиб турдим. "Ишқилиб оёғимни синдириб олмай", деб хавотирландим. Довул эса кучайиб, қаҳрли тус олиб, бошимдан қум тўзонини сочарди. Устимга қум ёғиларди. Ниҳоят йиқилиб тушдим. Ҳаракатсиз ётиш мумкин эмасди. Довул билан олишиш ва унинг ҳалокатли тажавузидан сақланиш керак эди. Қум вазмин, кўмиб ташласа, остидан чиқолмайман. Амал-тақал қилиб ўрнимдан турдим. Афсуски, довулнинг зарбасини кўтаролмай яна қуладим. Бу гал думалаб кетмаслик мақсадида қўлларим билан қандайдир ўсимликнинг илдизини чангаллаб олдим. Қарши томондан келаётган қумлар учиришдиси игна мисоли юзимга чанг соларди. Оғиз бурним, кўзларим, қулоқларим қумга тўларди. Шунда мен ўзимни ажал ёқасига келиб қолганимни ҳис этдим. Ўрнимдан тураман ёки бир умр

шу ерда қолиб кетаман, деган фикр чақин мисоли хаёлимдан кечди. Қўлларим билан ерни пайпаслаб, қаддимни ростлай деганимда, тўлқин мисоли кучли зарба мени коптокдек думалатиб, анча нарига олиб бориб ташлади. Шу топда мен ўзимнинг қаердалигимни ҳам билмасдим.

Ўрнимдан туришга қувватим қолмаганди. Довул билан олишиб, тинкам қуриганди. Вужудумдаги кучни сарфлаб бўлгандим. Ҳаёт чегарасидан чиқиб, ажал ёқасига келиб қолгандим. Мени қутқарадиган ёлғиз карами кенг Аллоҳ эди. Нажоткоримга ёлвордим. "Эй мағфиратининг чексиз раҳмати беқиёс Роббим! Қувватимиз қолмаганини, чорасиз қолганимизни фақат сенга арз қиламан. Эй марҳаматлиларнинг марҳаматлиси, бу саҳрода ёлғиз сендан умидвормиз. Сендан келадиган қувватга интизормиз, Ғазабингга дучор бўлишдан қўрқамиз. Сен зулматларни зиёга айлантирган нурингга бизларни интизор айлама. Куч ва қудрат фақат Сенинг қўлингдадир. Ўзингдан мадад сўраймиз. Бу ерда менга ва шеригимга ёрдам берадиган Сендан ўзга ҳеч ким йўқ. Агар паноҳингда асрамасанг, иккимиз ҳам нобуд бўлишимиз муқаррар. Сенинг мададинг билан иссиқлардан омон қолдик, очликка сабр қилдик, ташналикка чидадик. Бу офат бизларни ҳаётдан олиб кетмасин. Ўтиниб сўрайман, ҳибзу ҳимоянгга ол. Биз дилимизга яхши ниятларни жо айлаб, Сенинг муқаддас даргоҳингга етиб борайлик. У ерда мени фарзандим кутмоқда. Отам қачон келаркин деб, кўзлари йўлимга нигорон. Биз биргалашиб қилган гуноҳларимиз учун Сенга истиғфор айтамиз".

Бу сўзлар довулдан ҳам кучлироқ товушда, юрагим қаъридан отилиб чиқди.

Довул кутирарди, ув соларди, бўкирарди. Ғадир будур панжалари билан борлиқни ағдар-тўнтар қиларди, қумларни тўзитарди, худди йўғон арқон сингари, улкан аждарга ўхшаб эшилиб, буралиб бошим узра қумлар учарди, шовуллаб ерга сочиларди ва яна юқорига кўтариларди. Шу тариқа саҳро қўйнида янгидан янги барханлар ҳосил бўларди. Довул билан олишиб ҳолдан тойдим. Жойимдан жилолмай қолдим. Қум кўчкилари эса мени ўзининг вазмин тўшагига ўрарди.

* * *

Тонг бўзарганда, довул тинганди. У саҳронинг шакли шамоилини минг куйга солганди. Одам диққат билан қараса, саҳрода ҳали ҳеч бир мусаввир чиза олмаган манзарани кўриши ва бундан ҳайратга тушиши шубҳасиз эди. Бу гўзаллик мени ўзига мафтун айлаганди. Қуёш барханлар ортидан чўчинқираб кўтариларди. Ҳозирдан заминни ёндирмоқчи бўлгандек оташ пуркарди. Кўзларим қумлар устида жилва қилаётган шафақ ранглардан қамашди. Юксак барханлар чўкиб қолган, пастликларда эса катта-кичик тепаликлар ҳосил бўлганди. Бу табиатнинг муддаом янгиланиб туриши, аскиларнинг янгилари билан алмашиши эди.

Устимни қум босганди. Бошимгина очиқ қолганди. Оёқларим жонсиздек, қимирламасди. "Урнимдан туришим керак, бу аҳволда ётаверсам очликдан силлам қуриб, ҳолдан тояман. Кейин ҳеч қачон туролмайман", – дедим ўзимга ўзим. Устимдаги қум "қўрпа"ни суриб ташладим. Яраттувчидан қувват сураб, Бисмиллони айтиб ўрнимдан турдим. Мен ҳа-

ётимда ҳозиргидек ноқулай аҳволда қолмагандим. Қаддимни тиклаб, атрофга назар солдим. Шеригим ёдимга тушди. Қаерда қолди у? Атрофга аланглади-дим. Жовдираган кўзимга қумдан ўзга нарса кўринмади. "Ё Худойимей". Юрагим шув этиб, орқамга тортиб кетди. Беш-ўн қадам нарида судралиб бораётган илонга кўзим тушди. У ойнакдек силлиқ қум устида ўрмалаб, юқорига тирмашарди. Оғзидан пастроқ қисми коптокдек думпайиб турарди. Узунлиги икки қулоч келарди. Унинг ортидан эса кичкинагина илонча эргашиб борарди. Афтидан боласи бўлса керак.

– Эргашали, хов Эргашали! Қанисиз, қаердасиз, биродар?!

Жимлик. Яна овоз қилдим. Тағин сокинлик. "Наҳотки мени ташлаб кетган бўлса", деган фикр кунглимдан ўтди. Бу гал овозимни баландлатиб чақирдим:

– Эргашали!!

Ўрнимдан туриб атрофни айландим. Ичимдаги овоз у кетмаган, қум остида қолиб кетган", дерди. Довул уюган катта-кичик барханларни қўлларим билан титиб чиқдим.

– Эй, Худо, у қаерда қолган бўлиши мумкин? Кетмаган, мени ташлаб, бир ўзи кетиши мумкин эмас, у шу атрофда, албатта уни топаман, топмасдан кетмайман!

– Эргашали, ҳов Эргашали!

Мен шеригимни икки соатдан кўпроқ ахтардим. Охири ҳолдан тойиб, бошимни чангаллаганча ўтириб қолдим. Эргашалининг ғойиб бўлишида ўзимни айблардим. "Унинг қўлидан маҳкам тутиб олганимда бундай кўнгилсизлик бўлмасди. Эй Худойим,

наҳот Сенинг олдингда яна бир гуноҳга қўл урган бўлсам!"

Энди бу ерда ўтириш фойдасиз. Кун қизимоқда. Қорним аллақандай оғриқдан безилларди. "Бўлди, ўрнингдан тур, тезроқ йўлга чиқ". Ичимдаги овоз шундай дерди. Бу қонундек, унга итоат қилишга мажбурлик ҳиссини туйдим.

Урнимдан турдим, юрагимдаги умид сўнмаганди. Шеригим кетмаган, мени излаб юрган бўлса-чи? Атрофни сўнгги бор кузатдим. Мендан нарироқда довул уюб ташлаган қуюмлар олдига бордим. У ерда ҳам шеригимни тополмадим. Орқага қайтаётганимда кўзим тепалик остидан чиқиб турган одам оёкларига тушиб қолди. Бояги она-бола илон шу тепалик олдидан судралиб ўтганди.

Юрагим ўпирилиб, ерга йиқилиб тушдим. "Эргашали, Эргашали", дея ўша томон эмаклаб бордим. Қорайган, пўстлари шилинган, товонидаги жароҳатлари қотиб қолган оёқларни чангалладим. Бу оёқлар Эргашалиники эканлигига шубҳа қилмадим. Саҳро ўзининг қудратли юки билан елкамдан босаётгандек, мудҳиш сокинлиги билан юрагимни мижғилаётгандек бўларди. Чунқайиб, юз-кўзларимни чангаллаб йиғлаб юбордим.

Мурдани шундай аҳволда ташлаб кетолмасдим. Шеригимни мусулмон удумига кўра кўмишга қарор қилдим. У менинг фарзандим учун жазирамада қабр қазиган, кафанлаган. Мен ҳам уни мангу маконига урф одатларимизга амал қилган ҳолда қўйиб, устига тупроқ тортмасдан кетолмайман. Қўлларим билан жасад устидаги қумни суриб, уни тортиб олдим. Бирдан юрагим шув этиб кетди. Марҳумнинг қорни ёрилган, ичаклари чиқиб қолганди. Жигари йўқ эди.

Бу бояги она-бола илоннинг иши деб таҳминладим. Белига боғлаб олган мато пастга тушганди. Хаёлимдан марҳумни шу матога кафанлаб кўмиш фикри ўтди. Уни ечдим. У ичига темир солингандек вазмин эди. Чокини сўкиб, очдиму донг қотдим. Кўзларимга ишонгим келмасди. Ичидан ҳисобсиз пуллар чиқди ва атрофга сочилиб кетди. Булар сахий киши менга берган пулларга ўхшарди. Ҳа, худди ўшанинг ўзи, фарқи сахий киши бергани беш дона эди, марҳумнинг белидан эса юзлаб пуллар чиқди. Булар менинг бошимга не савдоларни, кулфату балоларни ёғдирмади, дейсиз? Юртимдан, оиламдан, фарзандимдан жудо айлади. Қулоқларим шанғиллаб, кўз олдимга жанг майдони келди. Отилаётган ўқлар, портлаётган гранаталар, жон талашиб, оғриққа чидамай бақираётган яradорлар, ерда чўзилиб ётган мурдалар ҳамда жанг майдонини ташлаб, жонини ҳовучлаб қочаётган оломон... Шулар орасида мурдаларнинг чўнтагини титкилаб, пулини олаётган одам ҳам хотирамда уйғонди... Уни хаёлимдан кувишга қанчалик уринмай, чўнтактитар кўз олдимдан кетмасди.

Кун қизиб борарди. Қабр қазиб, мурдани кўмиш керак. Белкурак қаердадир тушиб қолганди, қўлим билан кавладим. Бунга узоқ вақт сарфладим. Ниҳоят ёрма қабр тайёр бўлди. Маййидни лаҳадга қўймоқчи бўлганимда кўзим яна бир нарсага тушди. Бу биз йўлда кўрган марҳумнинг қўлидаги олтин сопли ханжар эди. Шеригим ўша тунда, мени ухлатиб, яширинча бориб, уни олиб келган экан. Мен пулга ҳам, олтин сопли ханжарга ҳам тегмадим. Шу ҳолатда шеригимни кафанлаб, уни мангу маконига қўйдим. "Тоборак" сурасини ўқидим.

Йўлга тушиш вақти келганди, ўрнимдан турдим. Кучсиз эсиб турган гармсел марҳумнинг қабри атрофида сочилиб кетган пулларни худди қулоғидан чўзгандек учириб уйнарди...

"Тангрим, мен тағин бир гуноҳга ботдим. Шеригимни йўқотдим, уни асраб қололмадим. У менга эргашиб келаётган эди. Кўп бор ортига қайтмоқчи бўлганди, йўлини тўсгандим. Сенинг уйингга бориб гуноҳлардан покланишни жуда-жуда истаганди. Қисмат экан, омонатини шу саҳрода топширди. Балки уни уйинга боришини истамагандирсан. Балки қилган гуноҳлари ўзининг бошига етгандир. Нима қилганда ҳам у сенинг бир бандинг, уни ўз даргоҳингга қабул қил, борар маконини жаннат айла"

Юзимга фотиҳа торгиб, ўрнимдан турдим. Бу ёғига энди ёлғиз кетишимга тўғри келарди. Қанча масофани босиб ўтдим яна қанча юришим керак? Қачон одамлар яшайдиган жойларга етиб бораман, қачон сувга қонаман, қачон қорним тўйиб овқат ейман. Буни билмайман. Фақат Ўзинг сабр тоқат берсанг бас, Роббим!

Мен энди очлик ва ташналик азоби каби ёлғизлик жабрини ҳам тортардим. Ҳаёт раво кўрган тақдир йўлидан олға силжирдим. Йўлим унмаётганга, бир жойда айланиб юрганга ўхшардим. Энди илгаригидек юролмасдим. Тез-тез тўхташга мажбур бўлардим. Умид билан олисларга боқардим. Кўзларимга фақат ва фақат кенглик ва барханлар кўринарди. Гўё каттагина палотнодаги бир хил манзара атрофида айланиб юргандек эдим. Қўл-оёқларим увишиб, пойларим тортишиб, ҳаракатдан қолгандек эди. Ташналикдан лабларим қуриб, ёрилиб, кукариб кетганди. Томоғимни ҳўллашга оғзимдан тупик ҳам

чиқмасди. Ниҳоят, кўзим тиниб, қандайдир чуқур ичига йиқилдим. Упирилган жойдан чиқиб турган илдизларга кўзим тушди. Уларни катта қийинчилик билан юлиб олдим ва оғзимга солиб, қум тўлган тишларим орасида ғажий бошладим. Илдиз ўта тақир бўлса-да, туфлаб ташламадим. Симиб, сувини сўрдим. Кейин яна бошқасини оғзимга солдим. Шундай қилиб беш-олтита томирни ғажидим. Бу емиш нафсимга оз бўлса-да, ором берди. Кейин ухлаб қолдим. Туш кўрдим. Ўғлим мен ётган чуқур тепасида турганмиш. Қўлларини чўзиб, қўлтиғимдан олиб, "Ота, отажон, нега бу ерда ётибсиз? Туринг, тезроқ туринг! Ибодат вақти бўлиб қолди", дермиш.

Чўчиб кўзларимни очганимда тепамда юм-юмалоқ, сап-сариқ, қуёш тилло ранг гардишларидан юзимга олов пуркарди. Атрофга аланглади. Ўғлимни изладим, бироқ у кўринмасди. Соғинчдан ичим эзилиб, юрагим тутдай тукилиб кетди. Икки кўзим сим-сим ёш тўкди. "Ўғлим, жигарим, жоним болам, қанисан, қаердасан?" деб қичқириб юбордим. Жавоб қайтмади. Бошимни чангаллаб, узоқ ўтирдим. Вақтни бой бераётганимни тушунардим. Бундай ўтириш мени тобора ҳалокат ёқасига яқинлаштирарди. Бисмиллоҳни айтиб, ўзига шукр келтириб, ўрнимдан туриб, чуқурдан чиқдим. Қайси томонга юришни билмай бошим қотди. Миям фикрлашдан тўхтаб қолгандек эди. Шу топда келган йўлимни ҳам эслай олмасдим. "Наҳот янглишдим", дедим ўзимга ўзим.

Пешин бўлганди. Таяммум қилдим. Ўзим қибла деб билган томонга юзланиб намоз ўқидим. Юзимга фотиҳа тортаётганимда кўз олдимда ғалати бир манзара пайдо бўлди. Олтин ранг парда ортидан ўғлим Юсуф чиқиб келарди.

"Ота, йўлга чиқар пайтингиз бўлди?" – деди у.

"Ўғлим, мен қаёққа юришни билмай, бошим қотиб қолди – дедим унинг саволига жавобан. – чамамда, йўлдан адашдим. Қайси томонга юришни билмайман».

Ўғлим деди:

"Ота, мен сизга ердаги чизиққа қараб юраверинг, у сизни Байтуллоҳга элтади, деб айтгандим. Ёдингиздан кўтарилдими?"

"Бу чизиқ эмас, нур-ку, болам"!

"Ҳа, нур! Шу нур устидан юраверинг".

«Бисмиллоҳ» деб ўрнимдан турдим. Қум юзига боқдим. Мен турган жойда рангли чизиқ пайдо бўлган ва у мен юзимни буриб намоз ўқиган томонга чўзилиб кетганди.

Изнинг устидан юрарканман, қаршимдан яна бир тепалик чиқди. У мен ошиб ўтган барча барҳанлардан юксакроқ кўринди кўзимга. Юқорига чиқишга кўп куч ва чидам даркорлигини тушундим. Иродамни жамлаб, хушсизлик денгизидан чиқиб, кўкка боқиб, ўзимнинг раҳмдил ва меribон Роббийимга нола айладим.

– Ўзинг қўлла, ўзинг мадад бер, эй Роббим!

Барҳан бироз нишоб эди. Тундаги довул уни янада нишоб қилиб ташлаганди. Худди сирпанчиқ қояга ўхшарди. Салгина нотўғри қадам қўйсам пастга умбалоқ ошадигандек. "Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи, субҳаналлоҳил ъазийм", деб, қайноқ қумга куксимни босиб, эчкиэмардек юқорига тирмашдим. Тепаликка чиқиш азоб эди. Бунинг учун кўп куч сарфлаш лозим эди. Ҳозир танам мадорсиз эди. Улкан қурт мисоли буралиб-буралиб чўққига интилардим. Гоҳида қум кўчиб, ўзи билан мени

пастга олиб тушиб кетарди. Қайноқ қумни чангаллаб, бир муддат нафасимни ростлаб, ҳаммасини яна бошқаттадан бошлардим. Буни ярим соатда уддаласа бўларди. Лекин очлик, ташналик ва чарчоқ сабаб мен соатлаб вақтимни сарфлашимга тўғри келди. Қумга қорним билан ётиб, сочилиб кетган бутун фикру хаёлимни жамлаб, қайта ва қайта судралганча тепалик сари сурилиб борардим. Дил дилимдан Яратганга илтижо айлардим. "Эй, карами оламни ёритган улуғ Тангри таоло! Узинг ҳолсиз вужудимга қувват бергин, кучимга куч қўшгин. Шу тепаликдан омон-эсон ошиб ўтайин. Ота-боболарим салобатини сендан сурайман, қувват бер менга".

Икки бор пастга думалаб тушдим. Учинчи бор интилдим. Агар бу сафар ҳам чиқолмасам ётган жойимда абадий қолиб кетаман. Танамда куч-қувватдан асар ҳам қолмаган. Бошимни кутариб, баландликка қарадим. Тиккага келган қуёш узининг бутун нурини шу чўққига сочгандек эди. Мен тепаликдан кўзимни олмай қараб қолдим. Бирдан... бирдан беҳисоб одамларни кўрдим. Улар олтин дарвозалардан масчит ичига кириб боришарди. Ичкаридан эса Қуръон товуши тараларди. У дилларга сурур бахш ато этарди. Сахро эпкини эса узининг олтин қанотларида бу овозни кўз илғамас кенгликларга олиб кетарди. Кукка бўй чўзган миноралар қуёш шуъласида жилваланарди. Ахир бу Байтуллоҳ-ку. Мен соғиниб, кумсаб келаётган Аллоҳнинг уйи-ку. Ахир болам мени шу ерда кутмоқда-ку! Минглаб одамлар ичида ўғлим Юсуфни ҳам кўрдим. У менга қараб "ота, тезроқ келинг, намоздан кечикасиз" дерди. Мен Аллоҳнинг уйига кириш учун яна бир неча қадам босишим кераклигини билдим ва намоздан кечикмас-

лик мақсадида олға қараб интилдим. Айни пайтда қувончимни ичимга сиғдиролмай йиғлардим... Булар сароб эканлигини қуёш бироз ёнбошлаганидан кейин билдим...

Чўққини забт этгандим. Олдинда нималардир саҳро тугаб, бутунлай янги олам бошланишидан дарак берарди. Ҳолсизликдан кўзим тиниб, бошим айланди. Борлиқ кулранг туман ичида қолгандек кўринарди. Чигиндек қизиб кетган баданимдан тер қуюларди. Тиззаларимнинг гўшти чиқиб, товонларим ёрилиб кетганди. Кийимларимга қум ўтириб, лойга айланганди. Шу алфозда ярим соатча бағримни иссиқ қумга босиб ётдим. Юрагимнинг гурсиллаб уриши босилди. Кўзларим равшан тортди.

– Йўқ, мен таслим бўлмайман, асло таслим бўлмайман. Эй буюк Тангрим, қасам ичиб айтаманки, мен Байтуллоҳга албатта етиб бораман. Сенинг висолинг сари йўлимда йўлиқадиган ҳар қандай қийинчилик ва машаққатларни енгиб ўтаман!

Тирсагимни қумга тираб, бошимни кўтардим. Қаноти қайрилган бургутдай олисга, ёруғ оламга умид билан тикилдим. Кўзимга саҳро олов ичида қолгандек қип-қизил тусда кўринарди. Мен тобора ҳолдан тойиб, бундан у ёғига юролмаслигимни ҳис этдим. Менинг етиб келган манзилим шу чўққи бўлди. Мақсадим Аллоҳнинг уйини тавоб этиш, қилган гуноҳларим учун тавба қилиш эди. "Ё Роббим, кечир мени. Ўзингга минг қатла шукр, нафас олмоқдаман, оёқ-қўлларим ҳаракатланмоқда, шундай экан юришим керак. Фақат олға!

Мен қанчалик чиранмай бунга эришолмадим. Турган жойимда қалқиб кетдим. Бирдан... хиралашиб бораётган кўзларимга қандайдир жониворлар

кўрингандек бўлди. Балки саробдир... Кўзимни қайта ва қайта юмиб очдим. Йўқ, бу сароб эмасди. Жониворлар туёқлари билан ерни ноғорадек қоқиб, чангини чиқариб, емиш излаб шу томон келишарди...

– Қўйлар! Қўйлар! – севинчдан юрагим ёрилгудек қичқирмоқчи бўлдим, бироқ овозим чиқмади. – Наҳотки, мен одамлар яшаётган жойга келиб қолган бўлсам!

Кейин қўйлар орасида эшак минган одамни кўрдим. У эгар устида оёқларини чалиштириб, атрофни кузатиб келарди. Ўрнимдан туришга уриндим, аммо оёқларим гавдамни кўтара олмай қум устига чўккалаб қолдим.

Чўпонни чақиришга мадорим қолмаганди. Шу лаҳзада бутун оламда сукунат ҳоким эди. Мен тилдан қолгандим, қулоғим бир сасни эшитмасди. На оғриқни, на азобни, на очликни, на ташналикни ҳис этардим. Нигоҳларим қотиб қолгандек гўё. Қуриган томоғимдан ҳатто нафасим ҳам қийналиб чиқарди. Қўлимни зўрға кўтардим ва бошим узра айлантирдим. Бу охирги имконият ва умид эди. Чўпон менинг ишорамни кўрдими, йўқми билмадим. Мадорсиз ҳолда йиқилдим...

* * *

Кўзимни очганимда ўзимни юлғун шохларидан ясалган чайла ичида кўрдим. Шох-шаббалар орасидан қуёш мўралаб юзимга найзадек нурлари санчилиб турарди. Лабларим устида чивинлар қуниб кетиб, ғинғилларди. Димоғимда бадбўй ис айланарди, кунглим беҳузур бўларди. "Мени бу ерга ким

олиб келди?" деган ўй утди хаёлимдан. Кейин саҳро бағрида ўтлаб юрган қўй-қузиларни, эшак минган чўпонни эсладим. Демак, мени кўрган у!

Атрофга қарамоқчи бўлиб бошимни кўтардим, бирдан кузим тиниб, каллам пўстакдан ясалган болиш устига тушди. Ташқарида кимнингдир қадам товушлари эшитилди.

У ичкарига кириб, ҳушимга келганимни кўриб, бошим узра энгашиб нимадир деди. Унинг қоп-қора, беўхшов юзига ола-кула офтоб нури тушиб турарди. Кўриниши хунук, бадбашара бу одамнинг оқарган сочлари елкасига тушган, манглайининг чети оқарганди. Қўллари қарғанинг панжасидек ингичка ва узун, арвоҳга ўхшарди.

– Сув... – ўз тилимда шивирладим. Тилимда нам қолмаган, қотиб қолгандек эди. Овозим чиқмади, фақат лабларим қимирлади. Чодир эгаси нима деганимни тушунди. Қаддини букчайтирганча ташқарига чиқиб кетди. Бироз ўтиб қўлида коса кўтариб кирди.

– Ич! Қултумлаб ич, – у туркча гапирарди.

Лабимни идишга чўздим, ичаётганим сув эмас, сут эди. Лабларим дириллаб, тишларим тақиллаб сутдан симирдим. Ичимни куйдираётган оташ бироз босилди.

– Кимсан? Мол-дунё ишқида юраги ёнган савдогармисан? Ёки дунё кезиб юрган оворайи жаҳон дарвешмисан? – сўради чайла эгаси юзларимдан кўзини олмай.

– Мусофирман!

– Кўриб турибман, бу атрофда ўзингдан ўзга ҳеч ким йўқ. Сен келган йўллардан жонидан тўйган одам юрмайди. Дунёдаги ҳамма нарсадан ҳафсаланг

пир бўлганми? Қайси томондан келмоқдасан, қаёққа кетаётирсан?

– Уруш бўлаётган жойлардан, одамларни одамлар ўлдираётган макондан келмоқдаман, – дедим ўзимни қўлга олиб, синиқ бир оҳангда.

– О, қўлинг қон экан-да?

– Ундай эмас, мен шу қондан қочиб келмоқдаман!

– Қаёққа кетаётирсан?

– Буюк қудратнинг уйига!

– Сен у ерга бориб Худодан нимани сўрамоқчисан? Одамлар бекордан-бекорга шунчаки ибодат қилиш учун саҳро кезиб, қум кечиб, янтоқларни босиб, товонини қонатиб, ўлимни бўйнига олиб бормайдилар! Балки бойлик сўрарсан, а?

– Менга бойликнинг кераги йўқ. Уни ўз юртимда ҳам топишим мумкин.

– Унда ниятинг нима?

– Мен қўлимга қурол ушлаб қўйдим. Одамзотнинг бошига қирон келтиргувчи қуролни ушладим. Шунинг учун Аллоҳдан кечирим сўрамоқчи бўлиб, унинг уйига кетаётирман. Шу билан бирга бандаларга меҳр-оқибат, раҳм-шафқат, бир-бирига ота-инилардек яхши муносабатда бўлишларини сўрамоқчиман.

– Адолат излаб кетяпман де?

– Шундай!

– Адолат тарозиси аллақачон бузилган. Одамлар пулга, бойликка, амал ва мансаб курсиларининг қулига айланишган. Золим ва зўравонлар, нафсга қул бўлганлар мансаб курсиларини эгаллаш ва уни сақлаб қолиш истагида юрт бойликларини, халқ мулкини, ризқ-рўзларини талаш билан овора. Подшолар юртда адолат бўлсин, деб турган пайтда бит-

та золимнинг, битта порахўрнинг вужудга келиши минглаб золимларнинг, минглаб порахўрларнинг туғилишига сабаб булади. Улар туғилганда арш ларзага келаркан, тоғларнинг тошлари қуларкан, дарёларнинг сувлари қуриркан, саҳролар олов бўлиб ёнаркан.

– Сен бир чўпон бўлсанг бу гапларни қаердан биласан? Худди олимлардек фикрлайсан? – сурадим ундан.

– Болалигимда отам айтарди, мен эшитардим. Унинг айтганлари қўрғошин мисоли қулоғимга қуйилиб қолган.

– Отанг айтган ўша кимсалар адолатсиз жамиятдан келиб чиқади ва ўз халқига, Ватанига хиёнат қилишади, – дедим мен ҳам худди зиёлилардек фикр юритиб. Кутилмаганда суҳбатимиз жиддий тус ола бошлади.

– Сен менга айт-чи, ўша адолатли жамиятнинг ўзи борми?

Иккиланиб ўтирмай, жавоб қилдим:

– Бор!

– Хўш, бўлса қаерда у?

– Аллоҳнинг уйида! Унинг карами кенг, у сен сура, мен бераман деган. Зора, унинг уйида туриб, ўзига илтижо қилсам, золимлар зулмини, босқинчилар қўлидаги қуролини, мунофиқлар муғомбирлигини, худбинлар ярамасликларини, инсофсизлар очкўзлигини, порахўрлар элни талашни бас қилса. Она заминимиз уларнинг қусурларидан покланса!

– О, жуда ҳам оғир юкни елкангга олибсан-ку, а. Сен сурайдиган нарсалар аллақачон одамзотдан қочиб кетган.

– Янглишдинг, токи ер қуррасида Аллоҳга, унинг муқаддас каломига меҳр қўйган бандалар бор экан,

улар Тангрини ёд этиб, унинг қутлуғ уйига интилиб, адолат ва ҳақиқат учун курашиб келаверади.

– Айтганларинг ичимни эзди, хотирамни уйғотди, ўтмишимни ёдга солди, – деди чўпон бироз жимликдан кейин.

Мен яна косадаги сутдан симирдим. Вужудум ором топиб, танам аста қувватга кира бошлаганди.

– Менга кўмак бер, тезроқ бу саҳродан чиқиб, Байтуллоҳга борай, Яратганга юрагимдаги дардларимни етказай.

– Афсуски сенга ёрдам бериш қўлимдан келмайди, – бош чайқади чайла эгаси.

– Нега?

– Борар манзилинг жуда олис, – чуқур хўрсиниб, гапида давом этди чўпон. – Сен ҳали йўлнинг ярмини ҳам босиб ўтмадинг. Саҳро энди тугади, лекин олдингда поёнсиз дала-даштлар бор. Йўлингда учрайдиган азоб-уқубатларга одам боласи чидамайди.

– Мен борадиган йўлда одамлар яшамайдими? Сенга ўхшаган олижаноб, ҳиммати улуғ чўпонлар йўлиқмайдими?

– Одамлар яшайди, улар қабилаларга бўлиниб кетган. Қароқчилик ва босқинчилик билан шуғулланишади. Боя айтганимдек, Худони танимайди улар. Бойлик ва мол дунёга кўнгил бериб, меҳр-оқибатни, раҳм-шафқатни унутишган. Не-не замонлардан буён бир-бирлари билан жанг қилиб, бир-бирларининг қонини тўкиб, мол-қўйларини талашиб келишади. Агар сен уларга рўбарў келсанг, ўша заҳотиёқ асирга олишади. Улар билан қолишга рози бўлмасанг, аёллари баданингга бигиз санчишади. эркаклари қилич билан жисмингни нимталашади. Кейин қонингни ичишади. Уларнинг удуми шун-

дай. Сенга маслаҳатим, орқангга қайт. Бу йўллардан ўтишни орзу қилма. Уларнинг қўлига тушганингда Буюк қудратнинг уйига боришни хаёлингдан чиқарсанг ҳам бўлади.

– Сен-чи, сен ўзинг ҳам қароқчимисан?

– Йўқ, мен қароқчи эмасман, аммо ўша қароқчилар бошлиғининг қўйларини боқаман. Унинг исми Мамо. Унинг отаси менинг ота-онамни асрга олиб, бу ерга келтиришган. У пайтда мен ёшгина бола здим. Миллатимни, динимни билмайман. Ҳатто юртим қаердалигини ҳам унутганман. Ўн тўрт ёшга тўлганимда ота-онам бирин-кетин қазо қилишди. Уларнинг ўрнига мен чўпон бўлиб қолдим. Мана, эллик йилки, қайноқ саҳрода якка-ю ёлғиз қум кечиб, подачилик қиламан.

– Қароқчилар шу атрофдами?

– Йўқ, улар бу ердан жуда йироқда, кун ботиш томонда, сенинг йўлингда яшашади. Бу ерга ҳафтада бир келиб, бўшаб қолган мешларимни сувга тўлдириб кетишади. Келмай қолган пайтлари ҳам бўлади. Турган жойимни кўриб турибсан, қуп-қуруқ ҳувиллаб ётган дашт. Агар истасанг мен билан қол, иккимиз шу ерда яшаймиз. Бизга ҳеч ким ҳалақит қилмайди. Қўлимизга қурол олишга ҳам мажбур қилишмайди. Ер куррасида содир бўлаётган адолатсизлик ва ҳақсизликлардан, жабр ва зулмлардан, инсон болаларининг хўрланишидан, улар чекаётган азоб-уқубатлардан виждонимиз озор чекмайди. Биз бу ерларда уларни кўрмаймиз. Ўқ овозларини ҳам эшитмаймиз. Саҳро золимлардан, зўравонлардан, товламачи ва фирибгарлардан, ўғри ва каззоблардан ҳоли жой. Тинч ҳаёт шу ерда.

– Мен улуғ мақсад йўлида йўлга чиққан мусофирман. Йўлимни илоҳий қудрат нури билан ёритиб ту-

рибди. Орқага қайтсам Аллоҳга лафзсизлик қилган бўламан. Лафзсизлик мунофиқликнинг белгисидур. Мунофиқ кишининг тавбаси ҳеч қачон, ҳеч қаерда ижобат бўлмагай...

Чайла эгаси бошини эгиб ўй суриб қолди.

– Қароринг қатъий бўлса, мен сени орқангга қайт, деб мажбур қилмайман, – деди ниҳоят кекса чўпон бошини кўтариб менга юзланаркан. – Аллоҳ дилингга солган саодат йўлидан кетишинг мумкин. Бироқ йўлиқишинг мумкин бўлган хатарлардан огоҳ бўл.

– Инсоний бурчингни тушунганингдан хурсандман.

– Ҳозир кетмоқчимисан?

– Ичимда илоҳий қудрат мени Аллоҳнинг уйига тезроқ боришга ундаётир. Қани энди қушдек учиб борсам, ибодат қилсам, гуноҳларим тўкилса. Сўнг юрагим покланиб, она юртимга, бола-чақаларимнинг бағрига қайтсам.

– Унда мен сенга кийим-бош берай. Устингдагилар йиртилиб, баданинг очилиб, дарвешларга ўхшаб қолибсан. Бундай аҳволда Байтуллоҳга кириб борсанг, одамлар сени ақлдан озган Мажнун деб қувишлари мумкин.

– Мен ялтироқ кийимлар билан эмас, улуғ ният, пок мақсад билан бормоқчиман.

– Сени тушундим, эй Аллоҳнинг суюкли бандаси.

– Яна нима истайсан мендан, эй меҳрибон инсон?

– Қара, саҳрода юриб товонларинг ёрилиб кетибди. Мен яраларингга малҳам суртай.

Чайла эгаси ўрнидан туриб, ташқарига чиқиб кетди ва кўп ўтмай сопол идишни кўтариб кирди. Унинг ичида елимга ўхшаш қандайдир суюқлик бор эди. Ҳиди ҳам нохуш эди. Чўпон бармоқларига илиб,

уни яраларимга суртиб, тери билан боғлаб қўйди. Шу заҳотиёқ яраларим олов босгандек қизиди.

– Энди бир-пас мизғиб ол, қозонга эт ташлаб қўйганман, пишса, иккимиз бирга тамадди қиламиз!

У ташқарига чиқиб кетди. Яна сут ичдим. Кейин бошимни пўстак ёстиққа қўйдим. Тезда кўзим илинди. Уйғонганимда асир пайти бўлганди. Намоз эсимга тушди. Ўрнимдан туриб, ташқарига чиқиб таҳорат олдим. Бу пайтда чайла эгаси ташқарида қозон олдида турарди. Ўчоқда олов гурилларди, гўштнинг ҳиди димоққа уриларди. Чайла четидаги ерни тозалаб, азон чақирдим. Уй эгаси овозимни эшитиб, ҳайрон қолди. Намозни ўқиб бўлгач, Аллоҳдан мадад сураб, дуо қилдим.

– Сен ҳозир нимани ўқидинг? – сўради чайла эгаси ёнимга келиб.

– Аллоҳнинг каломини.

Аллоҳнинг каломи қаерда?

– Юрагимда!

– Менинг қалбимда ҳеч нарса йўқ-ку?

– Аллоҳ қалбингда, бироқ сен уни кўрмайсан, билмайсан.

Унинг қизиқиши ортди.

– Қандай қилсам кўраман, биламан?

– Бунинг учун иймон келтиришинг лозим.

– Унда иймонни ўргат менга.

– Мен устоз даражасида эмасман, аммо сен шуни истар экансан, билганимча ўргатаман.

Бирга овқатландик. Овқатдан кейин мен унга намоз тўғрисида билганимча тушунтирдим. Таҳорат олиш қоидаларини, Исломдаги қирқта фарзни, намозда ўқиладиган сураларни ёдлатдим. Чайла эгасининг хотираси ёмон эмасди. Мен ўргатган су-

раларни ёдлаб олди. Шу кундан бошлаб у мендан соатлаб сабоқ оларди, беш вақт намозни ёнимда туриб ўқирди. Бу ҳолат ҳар куни такрорланарди. Мен бу ерда узоқ қололмасдим. Йўлга чиқиш фурсати келганди. Бунинг устига қувватга кириб қолгандим.

– Энди менга рухсат берсанг, йўлга чиқсам. Мана, бир неча кун сен билан туз-намак бўлдик.

– Кетмоқчимисан? – овози титраб сўради чўпон. Кутилмаганда унинг ранги ўзгариб кетди. Назаримда мендан айрилгиси келмасди.

– Ҳа, – дедим томоғимга алланима қадалгандек... Бирдан ўзим ҳам унга ўрганиб қолганимни ҳис этиб, ғалати бўлиб кетдим.

– Сен қалбимга Аллоҳ ишқини солдинг. Унинг каломини ўргатдинг. Зулмат қоплаган дилимни Аллоҳнинг ишқи билан нурафшон айладинг. Гўё онадан янги туғилгандек ҳис этаётирман ўзимни. Бугундан бошлаб Аллоҳга муҳаббат билан яшайман. Тоат-ибодатларимни қолдирмайман. Фақат ва фақат инсонларга яхшилик қиламан. Шу саҳродан утган ҳар бир йўловчига чанқоқ бўлса, сув тутаман, оч бўлса, қорнини тўйдираман. Чайламдан бошпана бераман"!

– Яхши ниятинг йўлдошинг бўлсин, биродар!

Чайла эгасининг юраги илоҳий қувонч ҳамда шодликларга тўлиб тошганди. Тинимсиз Тангри таолога илтижо қиларди. "Ё қудратли, Эгам! Сен менинг қалбимни худди қуёш мисоли нурга тўлдирдинг, уни ўзингга ва инсониятга бўлган битмас туганмас меҳр-муҳаббат, эзгулик туйғулари ила нурафшон айладинг. Эй қудратли, Мавлон! Мен бандаи ожизингни суқир кўзларини очганинг учун ўзимнинг битмас туганмас шукроналаримни Сен-

га изҳор қилаётганимдан хурсандман. Кечир мени, Сени кеч бўлса-да, танидим, шу банданг бўлмаганида мен Сенсиз ғафлат уйқусидан ҳали уйғонмаган бўлардим. Шу банданг Сенга тавба қилиш мақсадида поёнсиз саҳрони кезиб, жазирама иссиқда куйиб, бир қултум сувга зор бўлиб, Сенинг ишқингда ёниб, меҳру муҳаббатингга мушарраф бўлиш истагида Сенинг уйингга ошиқиб кетаётир. Яна уни олдинда чўлу биёбонлар, жазирама иссиқ, ташналик, очлик кутаётган бўлса-да, Сенга талпинаётир. Энг аянчлиси, у йўлда қароқчилар бошига солиши мумкин бўлган мусибатлардан чўчимаётир. Чунки у Сенга ишонади. Паноҳингда асрашингга умидвор. Нажотни Сендан кутаётир. Наҳот мен шу бандангчалик эмасман? Мен кўр эканман, суқир эканман. Шу банданг кўзларимни очди, Сени танитди. Кечир, Парвардигорим, кечир".

Унинг чин юракдан айтаётган сўзларини эшитиб, кўзларим ёшланди.

– Аллоҳга, Унинг муқаддас китобларига, фаришталарига ва Расулига иймон келтирган инсон ҳеч қачон завол кўрмас, – дедим дашт эгасининг айтаётган гапларидан мамнун бўлиб. – Бизни Ўзи яратди ва Ўзи даргоҳига қабул қилгай. Эгам бизларни пок қилиб яратди, бизлар ҳам унинг ҳузурига пок бўлиб қайтишимиз шарт! У бизларни Яратганда қалбимизга иймонни жо айлади. Бандаларга яхшилик қилишни, эзгулик улашишни, ҳаромдан ҳазар қилишни, бировларнинг ҳақига ҳиёнат қилмасликни онги шууримизга сингдирди. Биз нечук Унинг ҳузурига гуноҳларга ўралиб боришимиз керак! Нечук Унинг амалларини бажармаслигимиз керак? Сен буни кеч бўлса ҳам тушунибсан, эй Аллоҳнинг

суюкли бандаси. Бироқ ўзларини ақл фаросатли, билимдон, зукко қилиб кўрсатаётган кимсалар-чи? Улар нега тушунишни исташмайди? Нега зўрлик ва зўравонликларини кўрсатиш мақсадида қуролларини пеш қилишади? Нега Аллоҳнинг бандаларини хўрлашади, улар устидан ҳукмронлик қилишади? Наҳот улар Сенга, Сенинг адолатингга, қудратингга эмас, қуролларга таъзим қилишади, уларга сиғинишади? Тўкилган қонларни, берилган жонларни шон-шараф деб билишади. Бойликлари, мол-дунёлари билан мақтанишади. Камбағал, мискин, фақир ва илм эгаларининг устидан кулишади. Зўрлик ва зўравонликни олий фазилат деб ўйлашади? Булар бизнинг юракларимиздаги оғриқ ва изтироблар эмасми?

– Айтганларинг рост, эй яхши одам, – ўз ташаккурини билдирди чўпон. – Аллоҳга, унинг Расулига, фаришталарига ва муқаддас китобларига иймон келтирганимдан бери қалбим чароғон, кайфиятим хуш. Кима иш қилсам, бароридан келаётир. Сен келган кундан бери бирорта қўй-қузиларим ҳаром ўлмади. Қутонимга бўрилар ораламади. Қудуқлардаги сув қуриб қолмади. Аллоҳ сендан рози бўлсин! Менга одил ва ҳақ йўлни кўрсатганинг учун, қалбимга Аллоҳнинг ишқини солганинг учун минг бор ташаккур. Иншааллоҳ, бугундан эътиборан ҳеч қачон намозимни канда қилмайман, тилимдан Аллоҳнинг номини қўймайман!

– Энди менга рухсат бер, эй Аллоҳнинг қули. Мен қалбимни чорлаётган Яратганнинг уйига борай!

– Аллоҳ сендан рози бўлсин. ҳақингга дуода бўламан. Кетишингни асло истамасдим. Тўғрисини айтадиган бўлсам, сен билан ўтказган кунларим ҳа-

ётимнинг энг бахтли онларига айланди. Аллоҳнинг уйига бориб тавбаларинг ижобат бўлгач, шу ерга қайт, бирга яшайлик, бирга Аллоҳнинг фарз амалларини адо этайлик. Биргаликда қўлларимизни дуога очиб, Яратгандан дин-диёнатини унутган ёмонларга, мансаб учун, амал учун, ҳокимият учун, салтанат учун одамлар қўлига қурол бериб, жангга солаётган зўравонларга инсоф сўрайлик!

– Сени ўзим билан бирга олиб кетишни жуда-жуда истардим...

– Мана шу осмон остидаги яланг ер менинг Ватаним. Афсуски, бу заминни ташлаб кетолмайман, бутун қалбим билан боғланиб қолганман!

Биз бир-биримизни бағримизга босиб хайрлашдик.

Чайла эгаси сумкамга эт ва иккита мешда сув солиб қўйди;

– Қорнинг очганда ерсан, бироқ сувим озроқ. Сенга икки кунга етади! – деди.

– Аллоҳ сендан рози бўлсин, эй меҳрибон одам! – миннатдорчилик изҳор қилдим. Сумкамни елкамга илар эканман. – Сенинг ғамхўрлигингни ўлгунимча ёдимдан чиқармайман! – делдим.

– Уч кун юрганингдан кейин қаршингдан катта кўл чиқади. Унинг суви чучук. Остидан иссиқ булоқлар отилиб чиқади. Яқин борсанг куйдиради, четлаб ўтасан. Сувидан ича кўрма, лабингни ҳўлласанг кифоя. Сувдаги туз қонингга сурилиб ўласан. Йўлим яқин бўлсин десанг, кўлни кечиб ўт. У белингдан келади. Айрим жойлари бўйинг баробар. Кўлнинг тубидан гоҳ иссиқ, гоҳ совуқ булоқ сувлари отилиб чиқади. Суви гоҳ иссиқ, гоҳ совуқ. Қудуқлар ҳам бор, уларнинг сувидан ича кўрма, ўлат теккан.

Қулдан ўтганингдан кейин мен айтган қабила ҳудудига кирасан. Атроф-теваракда қароқчилар изғиб юради. Уларга бас келиб бўлмайди. Маслаҳатим, уларнинг кўзига кўринма. Улар сени тутиб олишса, қабила бошининг ҳузурига олиб кетишади.

– Мусулмон эмасми улар?

– Динини унутишган!

– Ҳудудни айланиб ўтишнинг чораси йўқми?

– Йўқ!

– Наҳот бирор нажот йўли топилмаса?

– Нажот йўли бор, боя айтганимдек уларнинг қон тўлган кўзларига кўринмаслик!

– Лекин бунинг иложи йўқ деб айтяпсан-ку.

– Фақат тунда юришингга тўғри келади.

– Аллоҳ мададкор бўлсин!

Мен бошимни кўтариб, минг азоб билан ошиб ўтган барханга боқдим. Қумлар остида қолиб кетган Эргашалини эсладим. Уни йўқотганимдан қаттиқ пушаймон эдим.

– Негадир сендан хавотирдаман, – деди чайла эгаси ортимдан қараб қоларкан.

– Ташвишланма. Мен покланиш мақсадида муборак сафарга кетаётирман. Тангри таолонинг ўзи мададкор, унинг буюк қаломи йўлдошим. Аллоҳ ҳамроҳ бўлса, ҳеч қандай бало қазолар менга даф қилолмас.

Мен йўлга чиқдим. Куп юрмасимдан тўхтаб, ортимга қайрилдим. Очиқ жойда ҳамма томондан довулу бўронларга бағрини тутиб турган чайлага ва унинг эгасига қарадим. Ҳаётимни сақлаб қолгани учун унга миннатдорчилигимни изҳор қилдим. Энди қумлар тугаб, шўрҳок ерлар бошланганди. Барханлар кўзимга текисликдек кўринарди. Атроф

бўшлиқ эди. Ер бетини ярим қарич қордек оппоқ туз қоплаганди. Оёқ қўйсам ғичирларди. Ўша илоҳий нур кўзимга ташланиб турарди. Бу ёғду мени Байтуллоҳга бошлаб боришига ишонардим.

Кўкдан олов пуркаётган қуёшнинг тафти негадир илгаригидек қорайиб кетган баданимни куйдирмасди. Қаршимдан шабода эсарди. Қорним очган, ташналигим ортган жойларда тўхтаб, енгил тамадди қилиб, беш вақт намозимни ўқиб борардим.

Иссиқ сабаб гўшт сасий бошлаганди. Уни ташлаб юбордим. Сув ҳам оз қолганди. Мешнинг оғзини яхши беркитмаган эканман, ярми тўкилиб кетибди. Бу ерларда заҳарли ҳашаротлар ва илонлар деярли ҳар қадамда учрайди. Улар йўлимдан чиқишади, ўсимликларнинг шохларида осилиб туради. Ҳатто айримларини босиб ҳам олардим. Бахтимга чодир эгаси берган пўстак этик уларнинг заҳарли тишидан асрарди. Илонлар ўта қўрқинчли эди. Ўлжа кутиб тургандек бошларини кўтариб, юмалоқ кўзларини бақрайтириб, менга қараб қолишарди. Мен уларга озор бермай, четлаб ўтардим. Учинчи куни сувим қолмади. Сўнгги томчиларни ичдим. Очлик ва ташналикдан қийнала бошладим. Ўчакишгандек кун ҳам заминни тандирдек қиздирарди. Кунглим беҳузур бўлиб, ошқозоним ачишарди. Емиш топиш ҳақида бош қотиришимга тўғри келди. Шу пайтда чўпон айтган кўл бўйидан чиқиб қолдим. У улкан бир коса ичидаги сувга ўхшарди. Ўртасидан қуюқ туман каби буғ кўтариларди ва атрофга ёйилиб кетарди. Кўлнинг суви тиниқ ва беғубор эди, осмоннинг, ҳатто учиб ўтаётган қушларнинг акси кўринарди. Чопқиллаб бориб, шу сувдан қониб-қониб

ичгим келди. Бироқ чўпоннинг гапларини эслаб, фикримдан қайтдим. Мен шу кўлни кечиб ўтишим керак. Унинг боши ҳам, охири ҳам кўринмасди. Қолаверса, шу кунга қадар менга йўл кўрсатиб келаётган илохий нур энди сув устида ялтирарди.

Ечиниб сувга тушдим. Кийимларим қўлимда,уларни тугиб бошим узра кўтариб олдим. Сув совуқ эди, тишларим такиллаб кетди. Олға қараб сузишда давом этдим. Ичкарилаган сайин сувнинг тафти ўзгариб борарди: гоҳ иссиқ, гоҳ совуқ. Худди муъжизанинг ўзи. Айрим жойлар чуқур, иягим баробар. Оёғим ости қум. Сув остида нималардир ўрмалар, оёқларимга зулукдек ёпишар, баъзида енгил тишлаб оларди. Балиқлар деб хаёллагандим, аммо булар бошқа жониворларга ухшарди. Кўлнинг ўртасига етганимда чуқурга дуч келдим. Сув мени кумиб юборди. Кийимларим ҳўл бўлди. Худди чўкиб кетадигандек қўл-оёқларимни ҳаракатга солиб суза бошладим. Қулоч отиб, бошим билан сувни иккига ёриб сузардим. Кутилмаганда юрагим орқага тортиб кетди. Мен қанчалик қулоч отмай магнит майдонига тушиб қолгандек жойимдан жилмасдим. Охири қўл-оёғимни қимирлатишга ҳам ҳолим қолмади. Чўка бошладим. "Наҳот жасадим сув тубида қолиб кетса", деган қўрқинчли фикр хаёлимга урилди. Тақдирга тан беришга мажбур эдим. Энди менинг қабрим ер устида эмас, мана шу кўл тубида буладиган бўлди. Оёқларимни пойи тортилгандек қимирлатолмасдим, ерга ҳам тегмасди. Кўлнинг туби йўқдек чўкардим. Миямнинг икки чеккасида оғрик турди, қон томирларим ёрилиб кетгудек гурсиллаб урарди. Упкам шишиб борарди. ҳушимдан кета бошладим. Шунда кимдир мен томон сузиб

келаётганини ҳис этдим. У менга қўлларини чўзди. Кўзларимни очдим ва кўм-кўк сув тубида ўғлимни кўрдим.

"Юсуф".

"Ота, қўлингизни беринг",– дерди у. Қўлимни чўздим. У мени юқорига тортди. Бошим сувдан чиқиши биланоқўпкамдаги димланган ҳаво бўғзимдан отилиб чиқди. Олам жаҳон ярқ этиб кўзимга ташланди. Юсуф мени сохил томон судраб борарди. Амаллаб қирғоққа чиқиб олдим. Устимдан дурдек томчилар қум устига томчилаб, ер остига сингирди. Қулимдаги кийимларим жиққа ҳўл. Атрофга қарадим, болам кўринмасди. У юрагимда адоқсиз соғинч ҳисларини уйғотиб ғойиб бўлганди.

– Юсуф, Юсуф, қанисан, ўғлим, қаерга ғойиб бўлдинг, жоним болам?

Сохил бўйи сукут сақларди. Мен эса кўз ёшларимни тиёлмай йиғлардим... Чарчоқ ва дармонсизликдан гандираклаб, қандайдир усимликнинг остига йиқилдим. Узоқ вақт ўрнимдан туролмай ётдим. Ўзимга келиб, кўзимни очганимда бошим узра қушлар қанот қоқиб, чўл ҳавосидан яйраб, сайраб учишарди.

Кун ботди, кеч тушди. Мени ҳамон уйқу элитарди. Яна донг қотиб ухлаб қолдим. Эрталаб Шарқдан кўтарилган қуёш нурлари кўзларимга тушиб уйғотиб юборди. Ихраб-ихраб ўрнимдан туришга ҳаракат қилдим, бироқ қақшаётган оёқларим қимирлашга имкон бермасди. Бўғинларим занглаб қолгандек эди. Бари бир оёққа турдим. Кўзларим билан ўша сирли ёғдуни изладим. Арқон мисоли чўзилиб кетган нур устидан кета бошладим.

Даштда мевали усимликлар кўп эди. Аҳён-аҳёнда тухтаб, уларнинг меваларидан узиб, кафтимни тўл-

дириб худди нос чеккан одамдек оғзимга солардим. Мевалар мени очликдан қутқара олмасди, аммо ташналигимни босарди. Юрган сайин оёқ оғриғи безовта қиларди, аммо бу азоб қорин оғриғи олдида ҳеч нарса эмасди.

Очлик ва оғриқни унутиш мақсадида олисда қолиб кетган хотинимни ва болаларимни эсладим. "Менсиз уларнинг ҳоли не кечдийкин? Хотиним тузалиб қолдимикин? Қизларим-чи? Мактабни ташлаб, мардикорликка чиқиб кетмаган булишсин-да? Пул топамиз, онамизни боқамиз, отамизнинг қарзини тўлаймиз деб, шолипояда тиззаларигача сув кечиб, шоли утаб юрган булишса-я. Анови олижаноб одам уйга келиб, ҳақини талаб қилмаяптимикин? Болаларим, кечиринглар мени, сизларни яхши боқолмадим. Лекин сизларга бир тишлам булса-да, ҳаром луқма едирмадим. Томоқларингни булғамадим. Томирларингда оқаётган қон тоза. Ийманларинг саломат. Яратганнинг қаршисида юзларинг ёруғ. Сизлар элнинг кўзига ҳам, юртнинг юзига ҳам тик боқа оласизлар".

Бийдек даштликда ўсимликлардан бошқа нарса кўринмасди. Гоҳ чангалзорлардан, гоҳ бутазорлардан ўтдим. Шохлар кийимларимни парча-парча қилиб ташлаганди. Баданимнинг тилинмаган жойи қолмади. Яна кеч кирди. Қуёш ётоғига бош қўйди, шафақнинг сўнгги ёлқинлари борлиқни олов рангига буяди. Ўзимни бута остига ташладим. Уйқу ўз қучоғига тортди. Юрагим эса бунга қўймасди. "Юриш керак, ҳа, тезроқ юриш керак", дерди ичимдаги кўзга кўринмас одам. "Сени Байтуллоҳда уғлинг кутаётир, отам қачон келаркин деб, йўлингга термулиб утирибди".

Ўзимни қанчалик мажбурламай, ҳозир йўлга ярамасдим. Оғриқдан вужудим қақшарди. Тилинган жойлар ачишарди. Ғир-ғир сабо эсарди, майса-ю гиёҳларга қўшиб мени ҳам аллаларди. Ой ҳаволанарди. Олисда қолиб кетган барханлар зулмат қучоғидан чиқиб, ойнинг сарғиш нурлари остида секин тебранарди. Юлдузлар эса тобора ерга яқинлашарди, ёрқинроқ порларди, нур сочарди, менинг ҳолимни томоша қилишарди. Мен яна ухлаб қолдим.

Кўзимни очганимда тонг бўзарганди. Кутилмаганда атрофимда қоронғулашган манзара пайдо бўлди. Бироқ у ўзининг ўрнида қўрқув ва хавотир қолдириб, лаҳзада ғойиб бўлди. Қаердадир от кишнади. Бошимни кўтариб, шохлар орасидан атрофга боқдим. Юз қадамча нарида икки одам тулпорларини уйнатиб, қушларга пайконлар отиб келишарди. Улар ёввойиларга ўхшарди. Устиларида кийимлари йўқ, ярим яланғоч. Баданлари кумирдек қора. "Чайла эгаси айтган одамлар шулар бўлса керак", деб ўйладим. Мабодо улар шу томонга юрадиган бўлса, мени кўриб қолишлари мумкин. Паст бўйли усимликлар мени отлиқлар нигоҳидан тўса олмасди. "Аллоҳим, уларнинг кўзидан ўзинг асра, мен томонга қарашмасин", дея чин кўнгилдан Худога ёлвордим.

Суворийлар ҳамон бир-бирлари билан гаплашиб туришарди. Афтидан ниманидир муҳокама қилишарди. Бироз ўтиб, от бошини мен томонга буришди. Ичимда қалтироқ турди. "Энди нима қиламан? Қочадиган жой йўқ. Эй, Парвардигор, ўзинг уларнинг кўзидан яшир".

Отлиқлар яқинлашиб қолганди. Уларнинг нафас олишлари қулоғимга эшитиларди. Бошимни аста кўтариб, қарамоқчи бўлдим, лекин ички қўрқув

бунга имкон бермади. Аксинча, ғужанак бўлиб, ерга қапишиб олдим. Энди бари тамом, қўлга тушдим. Булар мени соғ қўйишмайди. Дуо ўқидим: "Бисмиллоҳу аллоҳу таваккалту вала ҳавла вала қувватал илла биллаҳ".

Отлиқлар ёнимдан ўтиб кетишди. Мени кўришмади. Худо асради. "Хайрият, қутилдим" деб суюндим. Бир соатча жойимдан жилмадим. Кейин отлиқлар олислаб кетишган деб, ўрнимдан турдим. Атрофга қараб олишни унутган эканман, беш-ўн қадам юрмасимдан кўнгилсизликка дуч келдим. Ортимдан худди ер остидан чиққандек, бошқа отлиқлар келишарди. Улар олтита эди, мени кўриб, отларини қисташди. Атрофимни ўраб олишди. Менга қандайдир ноёб буюмга қарагандек тикилиб туришди. Нима қилишни, нима дейишни билмай туравердим. Суворийлар ўзларининг тилида, баланд овозда бир-бирларига алланималар дейишди, тилига тушунмадим, важоҳатларидан аччиқланишганини сездим. Отлиқлардан бири эгардан тушиб, чилвир билан қўлларимни боғлаб, арқоннинг иккинчи учини эгар қошига илиб отига минди.

Улар мени судраб, шўрҳоқ ердан номаълум томонга олиб кетишарди. Отлар илдам қадамлар билан борарди, улар билан ёнма-ён бориш қийин эди. Ўпкам томоғимга қадалиб қолгандек нафас ололмасдим. Оёқларим остидаги тиконларни, чўкморларни босиб борардим. Шохлар баданимга ботарди, кийимларимни йиртарди. Баъзида йиқилиб тушардим, от эса судрарди. Отлиқлар ўрнимдан туришга имкон беришарди. Сувга ташна эдим, томоғим тақилларди,нафасим қистарди. Ҳам иссиқдан, ҳам тез юришдан вужудум ёнарди. Яраларимдан қон оқарди.

Узоқ юрдик, ҳолдан тойдим. Ёввойилар буни сезиб, отларини хезлашмади. Пастликка тушдик. Юқоридан қараганда бу ер ҳовузга ўхшарди. Сув мўл бўлса керак, атроф кўм-кўк майсазор эди. Элликтача ўтов тикилганди. Атрофда болалар қийқириб, сакраб, қўллари билан чанг ва қонга беланган юзимни бир-бирларига курсатишарди. Аёллар бўлса тери ошлашарди. Улар қандайдир бегона одамни отда судраб келишганини кўриб, ўринларидан туришганди. Ўзларининг тилида нималарнидир деб чулдирашарди. Кўзим жилғага тушди. У қирғоққа урилиб, найнинг навосидек чулдираб оқарди. Шу сувдан мириқиб, қониб-қониб ичгим келди. Қадамимни секинлатиб, жилға томон қайрилдим. Отлиқ бунга изн бермади, арқонни тортганда мункиб кетдим ва ўзимга келдим.

Суворийлар оқ ўтов олдида тизгинни тортиб, оёқларини узангилардан чиқариб эгардан тушишди. Уларнинг яғринлари тердан ялтирарди. Бири ичкарига кириб кетди. Атрофдагиларга қарашга юрагим чопмади. Улар боягига икки баробар кўпайганди. Барчанинг кўзи менда. Улар менинг кимлигимни ўзларича муҳокама қилишаётган бўлса керак, деб тахминладим. Бир муддат ўтиб бояги кимса ичкаридан чиқди. Белидан ўткир тиғли ханжарини олиб, қўлимдаги арқонни кесди. Уни қаттиқ боғлашганди, арқон этимга ботиб, қонни тўхтатиб, теримни арчиб юборганди. Увишган бармоқларимни очиб юмдим. Қайноқ қон тирноқларимгача югурди.

Мени оқ ўтов ичига олиб киришди. Ўрида, пўстак кўрпача устида савлат тўкиб, хумдек калласини киброна кўтариб, серсоқол, сочлари аёлларникига ўхшаб елкасига тушган кекса ёшдаги мўй-

сафид ўтирарди. Яноқлари ирғиб чиққан юзи, қоп қора бурни катта, қисиқ кўзларида меҳр-шафқатдан нишон топилмасди. Иккита кўрак тишлари шу қадар ўсиб кетгандики, пастки лабини босиб турарди. Олдидаги мис лаганда чўғ ялтирарди. Ёниб турган олов кигиз деворга алланечук соя тўшарди. Чўғнинг ўртасидаги оқиш, ингичка тутун эринчоқлик билан кўкка кўтариларди. Муйсафид гоҳида қўлидаги узун ёғочни чўғ устидаги тутаётган нарсага қўйиб, тутунини тортиб симирарди. Хона ичи бадбўй исга тўйинганди. Кўнглим беҳузур бўлиб, ичим ағдарилиб кетгудек бўлди. Чолнинг важоҳати хунук эди. Нафас олганида кўтарилиб тушаётган кўкрагида икки бошли аждарҳонинг тасвири. Оқариб кетган патак соқолига тароқ тегмагани учун бир-бирига ёпишганди. Ҳар икки томонида ўзига ўхшаган икки муйсафид ўтирарди. Бу чўпон айтган қабила ҳокими ва валийси Мамо бўлса керак, деб тахмин қилдим.

У менга қизарган кўзларини қадаб турарди. Қарашларида совуқ бир қаландимоғлик ва нафрат зуҳур этарди.

У паст овозда нимадир деди. Тилига тушунмадим, арабчага ҳам, туркчага ҳам ўхшамасди. Етакчи бояги отлиққа юзланди ва ўзининг тилида унга нималарнидир тушунтирди. Овозидан аччиқланганини сездим. Суворий ташқарига чиқиб кетди. Бироз ўтиб, ўзи тенги одамни бошлаб кирди. Қария иккиси чуғирлашишди. У эса менга тез-тез қараб қўярди. Ҳар қараганда туси ўзгарарди. Сўнг турк тилида:

– Кимсан? Бу ерларда нима қилиб юрибсан? – дея кибру куборо билан боқиб суради.

Бошимга тушган мусибатлар ҳақида гапиргим келмади. Сафарга чиққанимни айтдим.

– Сен энди шу ерда қол, қизимни бераман, у билан бирга яшайсан. Бўйинг баробар олтинга кўмаман, минглаб қўйларнинг, уюр-уюр йилқиларнинг соҳиби бўласан. Чўрилар хизматингни қилишади. Шоҳлардек ҳаёт кечирасан.

– Кечир, мен бу таклифингни қабул қилолмайман, – жавоб қилдим унга.

– Нега?

– Мен Аллоҳнинг уйига боришга ва у ерда қилган гуноҳларим учун тавба қилишга онт ичганман. Қасамимни бузсам, Яратган эгамнинг қаҳрига учрайман!

– Менинг қўлимга тушган одамларнинг бирортаси таклифимни рад этмаган. Сенга жон керакми ёки Худо?

Иккиланиб ўтирмадим.

– Худо бўлмаса яшаб не қиламан, сиз яшагандан кўра ўлганим афзал.

– Аҳдингдан қайтмайсанми?

– Йўқ!

– Бекор қиласан, яхшилаб ўйлаб кўр.

– Қарорим қатъий!

– Рад этганлар, менга бўйсунмаганлар қаҳр ғазабимга дучор бўлади. Сен каби қайсарларнинг кўпини тириклай кўмдириб юборганман. Сени ҳам шундай жазо кутаётганини унутма!

– Демак, мени ўлдирмоқчи экансан-да.

– Юз йиллар муқаддам чиқарилган қонунимиз шуни тақозо қилади. Мен буни ўзгартира олмайман.

Мўйсафид эшик олдида турган бояги отлиққа узининг тилида нималардир тушунтирди. Кейин ён томонидан қилич олиб, уни қинидан суғуриб, оташга яқинлаштирди. Шамширнинг учи қизиди. Сўнг

уни эшикка яқин турган соқчига узатди. У таъзим ила қилични олиб, ялтираган тиғидан ўпиб, менинг билагимдан ушлаб ташқарига судради. Мен ўзимни ўлимга маҳкум этилганимни тушундим. Қабила бошлиғидан кечирим сўраш ўринсиз эди. "Майли, сенинг айтганингча бўла қолсин, мен шу ерда қоламан, сен айтган ўша соҳибжамол аёлга уйланаман, фақат қиличингни буйнимдан ол, қонимни тукма, бошимни танамдан жудо қилма", деб ялинишни ўзимга эп кўрмадим. Ахир боламнинг қабри тепасида ичган онтимни ҳали унутганимча йўқ. Ўлимдан қўрқиб унга хиёнат қиламанми? Кукка боқиб, Яратганга берган ваъдаларим-чи? Йўлда яланг оёқ қайноқ қум кечиб, жазирамада бошимдан офтоб уриб, довулда оғзи бурним, кўз ва қулоғим қумга тўлиб, сувсиз, таомсиз очлик ва ташналикларни енгиб келганимчи? Аллоҳни дилига жо айлаган, унинг муборак номини тилга олиб, Байтуллоҳ сари бораётган одам аҳдидан қайтиши мумкинми? Ҳозир бир банданинг рўпарасида тиз чўкиб, лафзимдан қайтсам охиратда Эгамга қандай жавоб бераман? Иншааллоҳ, қачондир, қандайдир сабаб билан уйимга қайтиш бахтига мушарраф бўларман. Лекин... ваъдамга хиёнат қилиб, Роббимни алдагандан кўра буйнимни қиличга тутиб берганим осон эмасми?

Мен ўлимимга иқрор бўлдим. Эшик олдига келиб, кигиздан қилинган оғир эшик пардани кўтариб, энгашиб ташқарига чиқмоқчи бўлганимда дилимда уйғонган фикр мени тўхташга мажбур қилди. (Бу фикрни юрагимга Аллоҳ солганди) Елкам оша, қўлларини орқа тиззалари устига қўйиб, виқор билан ўтирган қабила бошига:

– Ўлимим олдидан сенга айтадиган арзим бор, рухсат берсанг айтай, дилимда армон билан кетмай, – дедим.

Тилмоч менинг сўзларимни тезда қабила бошлиғига етказди. У ёнидаги шерикларига қараб олгач:

– Нима хоҳлайсан? Сенинг ҳар қандай сўзинг энди жонингни сақлаб қололмайди, – деди.

– Ҳукмингни қайтариб ол, деб ялинмайман, фақат айтадиган гапим шундан иборатки, жон беришдан аввал Эгамга ибодат қилиб, намоз ўқиб олсам. Бу кўп вақтни олмайди. Атиги бир неча дақиқа.

– Маълум дақиқалик ибодат жонимни сақлаб қолади деб умидвор бўлмоқдамисан? – сўради оқсоқоллардан бири.

– Асло, бундай деб ўйлаганим йўқ. Бу оламни Яратган, бизларни йўқдан бор қилган Роббимнинг ҳузурига ибодатсиз боришдан қўрқяпман!

– Намоз нима? – сўради яна бир бадбашара кимса. Унинг кўксида худди пичоқ тилгандек турли чизиқлар бор эди. Қорайган бадани оловдан қизариб кўринарди. Юз-кўзлари диндан бехабар, динсиз одам эканлигини айтиб турарди. Қалбини куфр ва шариат ман қилган эътиқод-у фикрлар босиб кетгани сезилиб турарди. Мен бу одамга намознинг нима эканлигини, тушунтирганим билан сўзларимга амал қилмаслигини кунглим сезиб турса-да, ўзим билганимча икки оғиз сўз айтишни лозим топдим.

– Намоз мўмин инсоннинг меърожидур, ибодатларнинг онасидир, тоатларнинг асосидир, гуноҳларни ювгувчи, ёмонликларни қайтаргувчидир. Бандани Аллоҳ билан боғловчи воситадир. Намоз ўқилган жойга Аллоҳнинг ҳидоят нури таралиб туради.

Утирганлар жим қолишди. Ҳамма чуқур ўйга ботганди. Айниқса, қабила бошлиғига менинг сўзларим жиндай бўлса-да, таъсир қилганини сездим.

– Ўлим ҳар бир тирик жон учун сўнгсиз зулмат! Истагинг шу бўлса, қабул қилдик.

Қабила етакчиси бош ирғади ва соқчига:

– Майли, намозини ўқисин, кейин ўлдириб, жасадини саҳрога ташлаб келинглар! – деб амр қилди.

– Аллоҳ сендан рози бўлсин!

Менинг бошқа сўз айтишга ҳақим қолмаганди, пардани кўтариб, ўзимни ташқарига урдим.

Қабила бошлиғининг ҳузуридан чиққан одамга қандай ҳукм ўқилганлигини ташқаридагилар сўзсиз тушунишди. Кимда-ким қўлида камон билан чиқса, у бу ерда қолишга рози. Бу одам олқишлар билан кутиб олинади. Унинг шарафига мол ва қўйлар сўйилади. Зиёфат уюштирилади. Қабиланинг урф-одатига кўра янги аъзога қаршисида турган бева аёллардан хоҳлаганини ўзига тан маҳрамликка, яна икки аёлни чўриликка қабул қилиш ҳуқуқи берилади. Камонсиз чиққанларни эса барча бирдек нафрат ва ғазаб билан кутиб олади. Ҳайвонларнинг терисини олиб келиб, ерга ёйиб, унинг устига ўтқазишади. Ечинтириб, соқчи қилич билан унинг баданини қон чиқар даражада тилади. Шундан кейин навбат аёлларга келади. Улар қўлларидаги бигизсимон асбобни тутқуннинг баданига санчиб-санчиб олишади. Отилиб чиққан қон пўстак устига томчилайди. Эркаклар давра қуриб, қандайдир қўшиқни куйлаб, рақсга тушишади. Буларнинг барини менга чайла эгаси айтиб берганди. Унинг гапига қараганда кейинги икки йил ичида қабила чегарасидан бирорта одам кесиб утмаган, аммо йилда бир-икки

бор қуриқчилар мол-қўйлари ҳудудларига кириб қолган ва уни тутиш мақсадида юрган одамларни ушлаб келишади. Улар купроқ эркакларга эътибор қаратишади. Беш йилми, олти йилми муқаддам қабила одамлари орасида улат тарқалиб, эркак ва болаларнинг кўпи шу касалликнинг қурбони бўлишган. Аёллар эса бева қолган. Шу сабабли ҳам сардор эркак тутқинларни ҳар қандай йўл билан уз тўдасида олиб қолишга ҳаракат қилади. Рози бўлмаганларни эса ўлим билан жазолайди.

Тўпланган одамлар мени қуруқ қул билан чиқиб келганимни кўриб, елкаларидан камонларини олиб, бошлари узра кўтариб, оёқлари билан ерни тепиб, нафаслари бўғилиб, қаҳр-ғазаблари жўшиб шовқин кўтаришди. Уларнинг ҳайқириқлари кўкни тутди. Бошлари узра чанг-тузон сузиб ўтди. Хотинлар жазавага тушиб, у ёқдан-бу ёққа чопишиб, қандайдир афсунларни ўқиб, гоҳ кўкка, гоҳ ерга қараб ув солишарди. Кейин улар сафига эркаклар қўшилди. Болалар эса четга чиқиб, жимгина утиришарди. Бу яхшиликнинг аломати эмасди.

Рақс тобора авжига чиқарди. Аёлларнинг сочлари ёйилиб кетганди. Айримларнинг оғизларидан оқ кўпик келарди. Кўкраклари ва олатларини тусиб турадиган изорлари – тананинг пастки тарафига кийиладиган кийимлари тушиб, оёқлар остида тупроққа қоришиб кетганди. Мен бундай томошани кўришдан уялиб, кўзларимни юмиб олдим. Аёллардан бири даврадан чиқиб, менинг ёнимга келди ва орқа томонимдан қарғанинг панжасидек узун панжасини кекиртагимга ботирди. Бу ўлим ҳукми ўқилганини билдирарди. Одамлар томоқлари йиртилгудек қичқиришарди. Момақалдироқ гумбурлагани

каби ер у само ларзага келди. Рақс тугади, маросим тўхтади, бақир-чақирлар босилди. Ҳамма жим қолди. Кўкка ўрмалаган чанглар қайтиб ерга қўнди. Барчанинг кўзи менда. Аёллар қўлларидаги бигиз учини менга қаратишди. Улар бирин-кетин устимга ташланиб, бигизларини баданимга санчиб олишга шай туришарди. Бунинг учун ёнимда турган посбоннинг ишораси лозим эди.

Эркаклар пўстак ва кўнда келтиришди. Пўстакни ерга тўшашди. Худонинг қудрати билан қўрқувни хаёлимга келтирмасдим. Фақат намоз ҳақида ўйлардим. Уни ўқимасдан жон беришдан қўрқардим. Қаршимда яна бир одам пайдо бўлди. У беўхшов, офтобдан куйиб, жизғанаги чиққан, паҳмоқ соқоллари ўсиб кетган бир нусха эди. Кўзлари чўғдай ялтирарди. Қўлида қилич. Жаллод шу бўлса керак, деб тахминладим.

Ўлимим олдидан ҳамиша тилимдан қўймайдиган ва бутун саҳрода тинимсиз ўқиб келган дуони ичимда такрорладим.

– Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи, субҳаналлоҳил ъазийм...

Кўзларим билан намоз ўқийдиган покиза жой изладим. Лекин бундай ер кўринмасди. Атроф ифлос, пашша ва чивинлар учиб, қуниб юрарди. Оқ ўтовнинг нариги томонидаги, майсазор кўзимга покроқ кўринди.

– Ибодатни анови жойда қилсам бўладими? – сурадим ортимда шамширини ушлаб турган жаллоддан.

– Қилавер, лекин вақтни чўзма. Ҳадемай қоронғу тушади, жасадингни саҳрога ташлаб келишимиз керак. Бу анча вақтни олади. Ўкдингми, қани бўла қол.

Ибодатингни қил, зора сенинг Худойинг ибодатинг учун жонингни сақлаб қолса! – деди туркчлаб.

Бу одамнинг башараси каби овози ҳам хунук ва ёқимсиз эди.

– Менинг Худойимга тил теккизма, уни тинч қўй. Унинг амрисиз бандасига тикон кирмас!

Мен шу сўзларни айтиб майсазорга ўтдим. Кўмкўк ўтлар юрагимдаги қўрқувни босгандек эди. Жилғада жилдираб сув оқарди. Мен ерга тиз чўкдим ва жилғага лабимни теккизиб, сувдан ютоқиб симирдим. Оҳ, нақадар мазали... Вужудум ором олди.

– Эй буюк ва қудратли Роббим, бир неча кунлардан бери қум устида намоз ўқиб келдим. Насиб экан, ўлимим олдидан мана бундай майсазорга бош қўйиб, ибодат қилиш бахтини бердинг!

Қаддимни ростлаб, ўзим қибла деб ўйлаган томонга юзимни бурдим. Хорғин эгилган елкаларим, ориқлаган, қони қочган яноқларим пир-пир учарди. Мени ўраб олган оломон бу ҳаракатларимни қизиқиш билан кузатишарди, айримлари кулишарди. Атрофимни ўраб турганларнинг кўпчилиги араблар бўлса-да, шу пайтгача ўлим олдидан ибодат қилиб олай деган одамни кўришмаган бўлса ажаб эмас.

Оёқларим остидаги ўт-ўланларни силаб-сийпалаб майин сабо эсарди, шитирлаган овози қулоқларимга етиб келар, дилимга ҳузур бахш этарди. Мен кўзларимни юмиб, бир нафас хаёл уммонига чўмдим. Хотинимни, қизларимни ва ўғлимни эсга олдим. Уларнинг сиймоси қаршимда жонланди. Ана, о, шўрлик аелим тўшакда, кўзларини эшикка қадаб ётибди, "Ойликни олишингиз биланоқ жўнатинг, олижаноб одамни топиб қарзимизни қайтарайлик", ана, дарё бўйида тиззасидан сув кечиб қизларим

шоли ўташмоқда, "Ота, биз ҳам ишлаб, ўша олижаноб одамдан олган қарзингизни тўлаш учун пул жамғармоқдамиз". Ана,саҳрода жисми қолиб кетган ўғлим. "Ота, мен сизни Байтуллоҳда кутаётирман, тезроқ келинг, иккимиз биргалашиб Аллоҳдан гуноҳларимизни кечишини сўраб, ибодат қиламиз".

Ичимни ўқ тирнагандек ачишиб кетди. Зардобга тўлган юрагимни соғинч ўзининг ўтмас тиғи билан тилди. Бўғзимга аччиқ нарса қадалди. Кўзларим гардиши ёшга тўлди. "Кечиринглар, кечиринглар мени, болаларим, ношуд оталарингни кечиринглар. Энди сизларнинг олдингизга қайтолмайман, сизларни бағримга боса олмайман. Сизларни кўриш менга армон бўлиб қолди-я. О, ўғлим, оҳ, жигаримнинг пораси, тобутимнинг чегаси, юрагимнинг қайноқ қони, кечир мени. Сен мени Байтуллоҳда кутма, отам қачон келаркин деб, йўлимга термулиб, юзингни сарғайтирма. Энди биз сен айтганингдек, қилган айбларимиз учун Аллоҳнинг уйида ундан кечирим сураб, раҳм шафқат тилаб ибодат қила олмаймиз. Сизларни кўриш, бағримга босиш менга армон бўлиб қолди. Дийдорлашиш охиратга қолди-я"...

Азон чақирдим. Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар, деган ҳайқириғим билан Яратганга бўлган туйғуларимни изҳор айладим. Одамлар жимиб қолишди. Барчанинг кўзида хайрат чўғи ялтирарди. Овозим уларнинг қулоғига эмас, юрагига кираётгандек эди.

Намозни бошладим. Мавлонинг каломини ўқидим. Кўнглим у билан бирга эди. Ўлим олдидан ўзим билган ва ёдлаган барча оятларни айтишга жазм этдим. Кутилмаган ҳолат юз берди. Қаршимда ўғлим пайдо бўлди. У кўкдан тушиб келди, юзи кўринмасди. Қўлида чамбарак шаклидаги олтин халқа. Усти-

да эса инсониятни эзгулик ва яхшилик сари етаклаб келган Аллоҳнинг муқаддас китоби. Варақлари илоҳий қудратнинг мўъжизаси ила ўз ўзидан очилар, муборак ёзувлар кўзимга кўриниб турарди. Юрагимга чанг солган хатарлар аллақаерга даф бўлганди. Вужудумни ширин ва илиқ ҳислар чулғаганди. Руҳим кўтарилиб, ичим ёришиб борарди. Овозим эса тиниқлашиб, ёқимли тус олар, вужудум ҳузур-ҳаловат топарди.

Кўзимни очишдан чўчирдим, киприкларимни қимирлатсам, фикрим сочилиб, ўғлим ва унинг қўлидаги олтин чамбарак устидаги китоб ғойиб бўлиб қоладигандек эди гўё. Биринчи оят тугаши билан иккинчисига уланиб кетарди. Кўз ўнгимда жазирамада ҳансираб ётган саҳро, тоғлардан пастроқ барханлар, шўр қоплаган сарҳадсиз даштлар – буларнинг бари олис-олисларга чекиниб, ўз ўрнида жаннат ила ҳуси талашган боғ-роғларни, чаманзорларни, ёйилиб оқаётган сойларни, тошларга бошини уриб, ялпизларнинг илдизини ўпиб, чулдираб оқаётган шўх жилғаларни қолдириб кетгандек гўё. Гулзорларда булбулутўрғайлар, беданалару саъвалар парвоз қилиб, бири олиб, бошқалари сайрашарди. О, ҳудди жаннатнинг ўзи-я.

Кўпдан ичимни қоплаб олган ғашлик ёйилиб кетганди, танамдаги оғриқлар ўрнини ширин ҳислар қоплаганди. Мана, ўзим интилган Аллоҳнинг муборак уйи, дарвоза олдида ҳисобсиз одамлар. Шулар орасидан чиқиб келаётган йигитча... У кўзимга иссиқ кўринди. Бирдан таниб қолдим: ўғлим Юсуф...

Калимамни ўгирдим, ҳозиргина кўз олдимда пайдо бўлган манзаралар бирдан чекиниб, кейин кўздан ғойиб бўлди. Назаримда атрофимдагилар-

нинг кўпчилиги турк тилини яхши тушунарди. Менинг Аллоҳга қилган нолаларимни сеҳрлангандек, бошларини қуйи солиб, ўйга чўмиб тинглашарди. Баъзиларнинг дили юмшаб, кўзлари ёш тўкарди. Бирор кимса жойидан жилмасди. Очликдан оналарининг кўкракларини соғиниб, ғингшиган болалар ҳам сукут ичра мудрашарди. Ёши ўтиб, соч-соқолига қиров қунган кексалар эса аллақачонлар хотирларидан ўчиб кетган Аллоҳни ёдга олишарди. Кексалардан бирининг туркчалаб Парвардигорга қилаётган илтижоси қулоғимга етиб келди.

– Эй, карами кенг Парвардигоро, сен бизнинг қабиламизга кимни юбординг? Бу ким ўзи, инсонми ёки фаришта? Эшитаётганларимиз овоз эмас, дилбар куй. У узининг майин товуши ила сенинг муборак каломларинг ила бизнинг занг қоплаган қалбимизни поклаб юборди-ку. Ёмонликлардан, турли иллатлардан тозалади-ку. Бошимиз узра сенинг борлигингни ёдимизга солиб қуйди-ку...

Мен юзимга фотиҳа тортиб, ўрнимдан турдим ва пўстаклар тўшалган жойга қайтдим. Қулидаги офтоб шуъласидан ялтираб турган қилични боши узра кўтариб турган жаллодга:

– Мен ибодатимни қилиб бўлдим. Виждоним розилик топди. ҳукмингни адо эт, ўлимга тайёрман! – дедим. Кейин ҳалокатли зарбани қабул қилиш учун пўстак устига тиз чўкиб, кўзларимни юмдим. Шунда болалигим, ота-онам, тез-тез касал бўлиб турадиган хотиним, пул берган сахий одам, "Ҳой, бой бува, тухтанг, фол очиб қўяман", деб изимдан қувган лўли аёл ва ниҳоят дарахтга тираб отишган ўғлим хаёлимда жонланди. "Раҳима, ўзингни эҳтиёт қил, касал бўлиб қолсанг, энди сенга беш юз доллар то-

пиб берадиган эринг йўқ", дедим хотинимга. Кейин шолипояда шоли ўтаётган қизларимга: "Совуқ сув кечманглар, қачондир бунинг азобини тортасизлар", дедим. Ўғлим эса менга жуда яқин турарди. Ҳатто нафас олиши эшитилаётгандек бўларди. "Кечир, ўғлим, Байтуллоҳга етиб боролмадим, аммо шу кунгачадар босиб келган ҳар қадамимда, олаётган ҳар бир нафасимда Тангридан шафқат сўрадим, гуноҳларимизни кечиришини сўрадим"...

Бирдан бўғзимга аччиқ нарса қадалиб, йиғлаб юбордим. Шу дамда ўзимнинг қилган хатоларимнинг қурбонига айланаётганимни тушундим.

Жаллоднинг сояси бошим узра ерга тушиб турарди. У қиличини кўтариб, негадир пастга туширди, кейин яна кўтарди.

– Тўхта! – ичкаридан чиқиб келган қабила бошлиғи унинг қўлидаги ўлжасига ташланаётган илон каби қотиб қолган қиличнинг дастасидан ушлади. Қабила валийси ташқарига чиқиши биланоқ мулозимлар унинг тахтиравонини келтиришди, бироқ у тахтиравонга эмас, мен томонга юрди.

– Мен сени авф этдим!

Гарчи бу гапни у паст овозда айтган бўлса-да, кўзларига қон тўлиб, менга ўлим кафанини бичиб, қўлларига бигизларини олиб, мотам қушиғини куйлашган аёллар қатори болалар ҳам эшитди. Одамлар каби бутун дашт нафасини ютганди. Аллоҳга қилган ибодатим қуёш нурлари мисоли улар қалбидаги ёвузликнинг қора пардасини кўтариб, иймон-эътиқод майсаларига оби ҳаёт ато этганини шунда англадим. Назаримда тудабошининг хаёли олисларга қанот қоққанди. Ёшлик ва кўҳлик даврлари саҳро кезиб, даштлар оралаб, оёғи ости-

даги майса-ю гиёҳлар ҳам кулиб, ҳам суниб боққан чоғларни, қабилага бош бўлиб, бегуноҳ одамларнинг мол-қўйларини талаб, шўрини қуритиб, измига итоат этмаганларнинг бошини узиб, ота-боболари авайлаган, ардоқлаган, шарафлаган тупроқни инсон қонига белаб юрганидан пушаймонлик ҳиссини туяётган бўлса не ажаб. О, қудратли Аллоҳнинг сўзлари баданини жимирлатиб, томиридаги қонни жунбушга келтириб, вужуди, қулоқларига қуйдай оқиб кирган бояги овоздан роҳат топа олган, кўзлари сал аввал ўйламай чиқарган ҳукмидан афсус ва пушаймонликёшларини тўкаётганининг сабаби шу эмасмикин?

Оломон жим эди. Борлиқ сукутга чўмганди. Оғир мусибат чекаётгандек бошларини эгиб олганди. Қабила бошининг кўзлари эмас, юраги йиғларди.

– Нега йиғлаяпсан, эй ҳукмдор? – сўрадим ундан. – Қани, буйир, ҳукмингни адо этишсин!

– Қаёққа шошасан? – паст овозда сўради Мамо. – Эшитмадингми, мен сени авф этдим.

– Авф этдим дейсанми? Қизиқ, нега авф этдинг, ахир боя кўзларинг қонга тулиб ҳукм ўқигандинг, бирдан ўзгариб қолишингнинг сабаби не? Ёки сен ҳам мусулмонмисан? Аллоҳ дилингга раҳм-шафқат солдими?

– Ҳа, бир замонлар бундай саволга алҳамдулиллоҳ, мусулмонман, деб жавоб қайтарардим. Илк бор тилим чиққанда отам калимаи шаҳодатни ўргатгани кечагидек эсимда. Уйимизнинг олдида кичкина масжид бўларди, отам у ерда одамларни беш вақт намозга чорлаб, азон чақирарди. Унинг овози сенинг овозингдек ёқимли эди.

– Унда қандай қилиб бу ерга келиб келдинг? Мусулмон бўла туриб, қандай қилиб муқаддас ди-

нимизни унутдинг? Аллоҳга имон келтириб, одамларни ўлдиришга қайси юрак ила журъат этдинг? Бунинг устига одамхўрларга бошсан! – сўрадим Мамодан.

Саволларим унга қаттиқ таъсир қилганини, ич-ичидан пушаймон бўлаётганини, айни чоғда юрагини макон айлаган шайтон билан раҳмон ўртасида олишув кетаётганини киприкларига илиниб турган афсус ва надомат ёшларидан билиш мумкин эди. Ҳа, уни виждон азоби қийнарди. У жаҳаннамдан қочаётган гуноҳкорга ўхшарди.

– Ўн уч ёшимда бир гала қароқчилар мени ўғирлаб бу ерга келишди, – дея сўз бошлади Мамо. – Улар динсиз ва имонсиз одамлар эди. Худони танишмасди. Унинг Расулини ҳам билишмасди. «Бисмиллоҳ» деган улуғ сўзни тилларига олишмасди. Шайтон уларнинг йўл бошчиси эди. Ҳар бир ишни унинг амри билан бажаришарди. Мени ҳам ўзлари каби диндан ва иймондан чиқардилар. Юрагимга шайтонни солдилар, уни пир деб таништирдилар. Ҳозир сен азон чақирганингда хотираларим уйғонди. Қалбимни макон айлаган шайтон алайҳи яна уйғонди. Раҳмон уни қувиб солди. Шу ёшга кириб Аллоҳнинг каломини сен каби қироат билан ўқиган одамни ҳаётимда учратмагандим. Бойлик, мол-дунё кўзимни сўкир қилганди, ҳавасимни орттириб, манқуртга айлантирганди, Аллоҳга меҳр-муҳаббат билан лиммо лим тўлган юрагим энди бойлик ишқида ёнарди. Қўлимга қилич олиб, эл бошида уйнатиб, уйларга ўт қўйиб, Тангрининг ғазабини қўзғаб ўз элимни ўзим таладим. Одамларнинг мол-қўйларини ҳайдаб келиб, бойлигимга бойлик қўшдим. Бу чўлни ўзимга Ватан айладим. Сен азон чақирганингда жабрдий-

даларнинг оҳ-фиғонлари, кексаларнинг дўл мисоли бошим узра ёғилган лаънатлари ёдимга тушди. Ҳисобсиз лашкарлар ичимга кириб олгандек беомон жанг қилишди. Ростини айтсам, мен ҳали ҳанузгача бу қадар виждон азобидан қийналмаган эдим. Мана, энди қилган ишларимдан пушаймонман, Тангрининг қаҳрига йўлиқиб, босқинчилик ва талончилик йўлида ит каби ҳаёт кечирганимдан изтиробдаман. Хуллас, сенинг намоз ўқиганингни, гўзал сўзлар билан Аллоҳга ибодат қилганингни эшитиб, ичимда қуёш порлади, вужудим унинг нурлари билан ёришди. Жоним ҳузур-ҳаловат топди. Раҳмон шайтонни қувиб солди ва ўз маконига қайтди. Динимга бўлган муҳаббат ўлик вужудимга тириклик сувини қайтарди. Ёмонлик, ёвузлик, ваҳшийлик, талончилик ва босқинчилик каби ёмон иллатларга нисбатан нафратим уйғонди. Алҳамдулиллаҳ ҳақ дин, пок дин, тўғри дин Исломга қайтдим, иймон келтирдим унга. Энди сен озодсан! Хоҳлаган томонингга кетишингга изн бераман. Ҳеч ким йўлингни тўсмайди. Лекин, хайрлашиш олдидан сенга айтар илтимосим бор. Буни буйруқ ёки фармон деб билма, йўлдан адашган, қалбини ёвузликлар пардаси ўраган гумроҳ бир бандаларнинг ўтинчи ўрнида қабул қилишингни истардим.

Ёнимиздаги оқсоқоллар бизнинг сўзларимизни жимгина эшитиб ўтиришарди. Уларнинг бошлари кўксиларига осилиб тушганди.

– Айт, эй иймони ва раҳмони қалбига қайтган, Аллоҳнинг буюклиги ва қудратига иймон келтирган зот! Нима истайсан, нима керак мендан? Сендек бир бандани динига қайтгани ва иймон келтиргани учун мен ҳар қандай топшириғингни бажаришга тайёрман.

– Надоматлар бўлсинким, биз намозни, ҳаттоки калимаи шаҳодатни ҳам унутганмиз. Бизга шуларни ўргат. Баримиз Тангри таолонинг амри бўлган беш вақт намозимизни адо этадиган бўлайлик. Алҳамдулиллоҳ деб калимамизни айтиб юрайлик. Ёмон амалларимиз учун, одамлардан тортиб олган мол-қўйлар, туялар учун Ўзидан кечирим сўрайлик. Ҳа, бизга намозни ўргат. Бу даштда бизлар ҳам Яратганнинг муборак номини айтиб яшайлик. Ҳар ишни унинг муборак номи билан бошлайлик. Зора ушанда Тангрим гуноҳимизни кечирса. Ўз уйимизга, ўз оиламизга Аллоҳнинг номини зикр қилиб қайтайлик.

– Ниятинг қутлуғ бўлсин! Мен таклифингни Аллоҳ йўлида қабул қилдим. Нени билсам, барини сизларга ўргатаман.

Шундай қилиб, хайрли вазифани адо этиш мақсадида бир ҳафта даштда қолиб кетдим. Намоздан аввал уларни тўплаб сабоқ бердим. Калимаи шаҳодатни ёд олишди. Намоз ўқийдиган бўлишди. Бироқ мен бу ерда узоқ қололмасдим. Юрагим ҳар лаҳзада Байтуллоҳ сари талпинарди. Йўлимга кўз тикиб турган болам кўринарди кўзларимга.

Оқсоқолнинг ҳузурига кирдим.

– Энди менга ижозат бер, тезроқ Аллоҳнинг уйига борай, ибодат қилиб ундан кечирим сўрай. Сўнг уйимга, кўзларини йўлимга тикиб ўтирган болаларимнинг ҳузурига қайтай, – дедим.

– Аллоҳ сендан рози бўлсин. Қалбимизни поклаб, иймонимизни маконига қайтардинг! – деди қабила бошлиғи мамнун бўлиб.

– Сенга айтадиган бир гапим бор...

– Айт, қўлимдан келса, ёрдам бераман.

– Мен қилган ишларимга тавба қилдим, ўз динимга қайтдим. Айтчи, Аллоҳ менинг гуноҳларимни кечирармикин?

Унинг саволига шундай жавоб қайтардим:

– Адолат ила ҳукм юритган мусулмон ҳукмдор қиёмат куни Аллоҳнинг соясидан бахтиёр кишилардандир. Термизий ҳазратлари ривоят қиладилар.

– У қандай ривоят эди!

Мен ривоятни эслаб, кейин уни қабила бошига ҳикоя қилиб бердим.

– Ривоят қилишларича Аллоҳнинг бир тоифа фаришталари бўлиб, улар кўчаларни айланиб, аҳли зикрларни излаб юрардилар. Қачон улар Аллоҳни зикр қилаётган қавмни топсалар, "Ўзингиз истаган нарсага келинглар", деб бир-бирларига нидо қилардилар. Бас, уларни қанотлари билан ураб олиб, дунё осмони баробар бўлиб турардилар.

Шунда Роббилари улар ҳақида билиб турса ҳам: "Бандаларим нима қилмоқдалар?" – деб сўрайди.

"Сенга тасбеҳ, такбир, ҳамд айтмоқдалар ва Сени улуғламоқдалар", – дейдилар фаришталар.

"Улар мени кўрганмилар?"

"Йўқ, Аллоҳга қасамки, Сени кўрмаганлар".

"Агар мени кўрганларида қандай бўларди?" – дейди.

"Агар улар Сени кўрганларида яна ҳам қаттиқроқ ибодат қилар эдилар ва Сенга яна ҳам қаттиқроқ тасбеҳ айтар эдилар", – дейдилар.

"Мендан нимани сўрамоқдалар?" – дейди.

"Сендан жаннатингни сўрамоқдалар", – дейдилар.

"Улар жаннатни кўрганмилар?" – дейди.

"Йўқ, Аллоҳга қасамки, эй Робб, улар жаннатни кўрмаганлар".

"Агар улар жаннатни кўрганларида қандай бўларди?"

"Агар улар жаннатингни кўрганларида унга яна ҳам қаттиқроқ ҳирс қўяр эдилар, уни яна ҳам қаттиқроқ талаб қилар эдилар ва унга яна ҳам кучлироқ рағбат қилар эдилар".

"Улар нимадан паноҳ тиламоқдалар?" – дейди.

«Дўзахингдан".

"Улар дўзахни кўрганмилар?"

"Йўқ, Аллоҳга қасамки, улар уни кўрмаганлар".

"Агар улар уни кўрганларида қандай бўларди?"

"Агар улар дўзахни кўрганларида ундан яна ҳам қаттиқроқ қочар эдилар, ундан яна ҳам қаттиқроқ қўрқар эдилар"

"Мен сизларни гувоҳ қилиб айтаманки, албатта, уларни мағфират қилдим", – дейди.

Зоракн шу дақиқаларда бизнинг бошимиз узра Аллоҳнинг фаришталари турган бўлса, мени, сени ва қабила аъзоларининг чин кўнгилдан Аллоҳга қилаётган тавбаларимизни эшитиб, Тангри таолога етказган бўлса. У зот барчамизнинг гуноҳларимизни мағфират этган бўлса...

Қабила боши бу ривоятни эшитиб, ҳўнграб юборди.

Мен йўлга чиқдим. Қабила валийси менга бир от, ҳуржун тула озиқ-овқат инъом этди, бироқ бу тухфаларни қабул қилмадим. Озгина егулик, мешда сув олдим. Одамлар мени иззат-икром билан кузатишди.

* * *

Поёнсиз даштлик ўзининг қудратли кучи ва мудҳиш сокинлиги билан юракка ғулув соларди. Мен бу қўрқувни енгиб, эс-ҳушимни йиғиб, даштлик

ичра кетиб борардим. Кун у қадар иссиқ эмасди. Қаршимдан майин эпкин эсиб, тўшимга уриларди. Борлиқ менга қандайдир ўзгача завқ-шавқ бағишларди. Илоҳий қудрат вужудумга қувват берарди. Ярим кечгача йўл босдим. Ҳолдан тойиб, ниҳоят ўзимни ерга ташладим. Уйқум келмасди. Ширин бир ҳислар юрагимнинг оромини ўғирлаганди, мени олға чорларди. Бир соатча нафасимни ростлаб олдим-да, Аллоҳдан қувват сўраб, яна йўлимда давом этдим. Босган ҳар қадамимда тилимдан билган дуоларим тушмасди. Ўша илоҳий нур йўлдошим эди. Шуъла ортидан эргашиб боравердим. Бутазорларни, чангалзорларни оралаб, чимлик босган, шўр қоплаган жойларни кечиб ўтдим. Катта қийинчилик билан қуруқликка чиқиб олдим. Уйқу нима, ором нималигини унутгандим. Босган қадамимда Аллоҳдан нажот сўраб, манзилга тезроқ етиб олишни ўйлардим. Қуёшга боқиб ибодат қилардим, кечалари юриш мароқли эди. Йиқилган жойимда нафасимни ростлардим. Сунаётган ҳаёт салгина жонланиши билан ўрнимдан туриб, даштлик узра ўрмалардим. Ўғлимнинг руҳи ҳамроҳим эди, илоҳий нур йўлдошим эди. Бу нур шўр босган дала даштда ҳам, чангалзору тўқайзорларда, кўлу сойларда ҳам, қуёш чарақлаб нурини тўккан дамларда ҳам, кечалар осмонда ой кулиб, юлдузлар порлаб турганда ҳам ғойиб бўлмади.

Қабила аъзолари мени йўлга кузатиб қўйган куннинг саккизинчи ёки тўққизинчи куниси эди. Чангалзор ичидан кетиб борардим. Ерда қуриган шоҳлар, шамол учириб келган тиконли ўтлар сочилиб ётарди. Ўтлар орасидан қурт қумирсқаларнинг чириллагани, шитирлагани эшитиларди. Узимни

қанчалик эҳтиётламай уларни босиб олардим. Бир куни тиконли шох бармоқларим ёнидан бир парча этни кўчириб чиқди. Оғриқли азобдан жангда ўқ еган ярадордек қичқириб юбордим ва ерга ўтириб қолдим. Тиконни эҳтиёткорлик билан суғуриб ташлаш керак эди. Акс ҳолда газак отиб, оёғим шишиб, юролмай қолишим мумкин эди. Бироқ бунга юрагим бетламасди. Тиконга қўлим текса, оғриқ миямга урарди. Кўзимни юмиб, оғзимга каттагина чўпни солиб, уни суғуриб олдим. Оғриқнинг зўридан додлаб юбордим. Овозим худди милтиқдан отилган ўқ мисоли кенгликлар узра ёйилиб кетди. Санчилган тикон қип-қизил этга қўшилиб чиқди. Ярадан қон кетарди. Бир зумда шўр босган тупроқ усти қизил рангга буялди. Қўйлагимни йиртиб, сийдигим билан намлаб жароҳатни боғладим. Кун ғира-шира бўлиб, қоронғулик бостириб келарди. Ўтирган жойимда шом намозини адо этдим. Оғриқдан танам қақшарди. Бошимни шўр ва ачимсиқ ҳид уфуриб турган ерга қўйиб ухлаб қолдим. Ерни кучоқлаб ётар эканман, бир пайт юзимга теккан иссиқ тафтдан уйғониб кетдим, бироқ кўзларимни очишга юрагим дов бермади. Тепамда кимдир нафас олаётгандек эди. Узун тили билан юзимни яларди. Йўлда кўплаб жониворларга йўлиқдим. Улар орасида одам бўйи илонлар ҳам, эчкиэмарлар ҳам учради. Наҳотки шулардан бири тепамда мени ғажишга тайёр турган бўлса?

Қўрқувдан гурсиллаб ураётган юрагимнинг овозини қулоғим эшитиб турарди. "Кўзимни очсам мен ўйлаган илон ёки эчкиэмар ўткир тишларини баданимга ботиради, заҳардан оёқ-қўлим фалаж бўлиб, суякларим шу ерда қолади", деб хавотирландим. Шу

асно ёнимда пичоқ борлигини эсладим. (Уни қабила бошлиғи совға қилганди). Жуда эҳтиёткорлик билан белимдан суғирдим. Қўрқув юрагимдан чекингандек бўлди. Калимамни ўгириб, дуолар ўқиб, кўзларимни аста очдим. Қаршимда... мен ўйлаган илон эмас, кўзлари ёнган узун тушмуқли, бароқ думли чўл бўриси турарди.

Очликдан танглайи тақиллаб турган йиртқич билан менинг ҳаётга, яшашга ва энг муҳими улуғ мақсад йўлида чақнаб турган кўзларим учрашди. Бўрининг гардишлари қизариб кетган кўм-кўк кўзларига назарим тушгандаёқ унинг ҳаддан ташқари оч ва мадорсиз эканини билдим. Бир ҳамла қилса бас, унинг ўткир тишларидан омон қолмайман. Орамизни бир қадам масофа ажратиб турарди. Бу тақдиримизни ҳал этиши мумкин бўлган ораликэди. Мен кўзимни очганимда бўри орқага чекинди. Афтидан бир ҳамла билан кекиртагимни узиб ташлашни ўйлаган бўлса керак. Шунда, кўзларим қашқирнинг чотлари орасидаги офтобда қолган теридек буришиб, тиришиб, бўшаб қолган елинига тушди. Унинг яқинда туққани билиниб турарди. Болалари очликдан овқат талаб қилиб, елинини тишлаб, уни ҳол жонига қўймаган бўлса керак, у қонталаш бўлиб, кўкариб кетганди.

Улуғ Тангрим бутун йўл буйи мени руҳлантириб, паноҳида асраб келди. Наҳот қийинчиликларни енгиб, улуғ Байтуллоҳга етай деганимда қаршимдан чиққан шу бўрига ем бўлсам. Узинг муъжизангни кўрсат, Роббим. Мен Аллоҳнинг уйига етиб олай, тавбаларимни унга етказай. Сўнг не қилсанг, ихтиёринг!

Буюк қудратнинг мўъжизаси ила юрагимдаги қўрқув кўтарилди.

– О, жонивор, ҳолинг меникидан ҳам ҳароб-ку, – зурға пичирлаб дедим она бўрига. – Кечир, ёнимда сенга берадиган бир тишлам бўлса-да ноним, бир парча бўлса-да этим йўқ. Аммо қалбим тўла сен билан бизни яратган Худога адоқсиз меҳр муҳаббатим бор. Билсанг, алданган ва адашган бир инсонман. Мен Яратганнинг қаршисида гуноҳ иш қилиб қўйдим. Ҳа, қаттиқ гуноҳ қилдим. Инсонларга қирон келтирадиган, уларнинг қонини тўкадиган қуролни қўлимга олиб қўйдим. Шунинг учун Унинг ҳузурига тавба қилиш мақсадида кетаётирман. Сендан илтимос қиламан, ёлвораман, тавбам қабул бўлмагунча менга ташланма. Қўйиб юбор, кет ёнимдан. Агар жоним, қоним керак бўлса, майли мен ўлимни бўйнимга олиб ҳузурингга қайтиб келаман. Ҳозир кет ёнимдан, жонивор, кет.

Пул менинг бошимга мушкулотлар савдосини солди. Ҳа, беш юз доллар мени шу куйларга туширди. Юртимдан жудо айлаб, саҳроларни, чўлларни саргардон кездирди. Бошимга хунук ишлар тушди, бўрижон. Боламнинг қонига қўлимни беладилар, узимни сазойи қилдилар. Дардимни сенга айтганим билан не фойда. Ахир сен менинг тилимни қаердан ҳам тушунардинг. Яхшиси ёнимдан кет, мени ҳоли қолдир. Менинг қоним билан оғзингни буяб, этим билан қорнингни тўйдиришни ўйингга келтирма. Мен ҳам сен каби очман, силлам қуриб ётибман. Кўриб турганингдек этим кетиб, устихоним қолган, менда гўшт не қилсин. Яхшиси, бу ердан кет, жонивор. Болаларинг олдига бор. Улар онамиз қачон елинини сутга тўлдириб келаркин, деб йўлингга термулиб, тоқатлари тоқ бўлиб, акиллаб ётишгандир. Худо кўрсатмасин, менга ташлангудек бўлсанг, аяб

утирмайман, белимдаги пичоқни олиб бўғзингга ботириб оламан. Унда сенинг болаларингга қийин бўлади, ҳоллари не кечади, очликдан ўлишади-ку. Раҳминг келсин уларга. Мен эса буни истамайман. Ҳа, Худо ҳақи истамайман. Яхшиси, кет бу ердан, кета қол, жонивор...

Этимни еганинг билан қорнинг тўймайди. Елинларинг сутга тўлмайди. Мабодо у сутга айлангудук бўлса, қон бўлиб чиқади. Болаларинг қайноқ сут ўрнига инсон қонини сўришади. Кейин улар баттар ваҳшийлашади. Инсон қонини кўмсайдиган бўлиб қолишади. Яхшиси кет, кета қол бу ердан. Ўтиниб сўрайман, ёлвориб сўрайман, кет жонивор, кет!

Сени ўлдирсам Худонинг қаршисида бир гуноҳим минг бўлади. Қилган амалларим ерга тенг бўлади. Қонли қўлларим билан, виждоним азоби билан қандай қилиб Байтуллоҳга кириб бораман? Қандай қилиб ибодат қиламан, қандай қилиб Аллоҳдан кечирим сўрайман? Мени қийноқ ва азобларга солма, кет, кета қол, жонивор...

О, она бўри! Мен улуғ мақсад йўлида сафарга чиққан йўлчиман. Жангарилар қўлида қони тўкилган фарзандимнинг руҳи мени Аллоҳнинг уйида кутаётир. Унинг олдига бормоғим лозим. Иккимиз бирга ўзларини Худоман деб, оламнинг султониман, деб ҳокимият талашаётган, қўлларини гўдакларнинг қонига белаётган зўравонларга, элни ғажиётган, талаётган очофат порахўрларга, иймон эътиқодини ютган мансабпарастларга Роббимдан инсоф сурамоқчимиз. Уларни ёвузликдан, зулмкорликдан қайтармоқчимиз. Мени булардан маҳрум этма. Кет, жонивор, кета қол. Йўлимни тўсма. Мени тезроқ Байтуллоҳга етиб боришимга имкон бер. Бориб ди-

лим қатидаги гапларимни Эгамга етказай. Сендан утиниб сурайман, илтимос қиламан, ёлвораман, кет, кет менинг олдимдан, жонивор, кет...

Она бури бошини осилтириб, сузларимга жимгина қулоқ тутиб, нима деяётганимни тушунгандек эди. Кузларидаги бояги ваҳшийлик чуғи сунганди. У секин ортига қайрилиб, ёлларини ҳурпайтириб, бир-бир қадам босиб бутазор ичига кириб кетди.

Унинг ортидан қараб қоларканман, дилимдан "Бурида шафқат бору, лекин одамларда меҳр йуқ. Ажабо, инсон тушунмаганини бури тушунди", деган гаплар утди.

МУАЛЛИФДАН

Кунлар утарди. Раҳиманинг икки кузи ҳамон эшикда эди. Ҳар турли уй-хаёллар миясида қайнарди. Куз ёшини тиёлмай йиғлаб оларди. Юраги бесар урарди. Ора-сира курган тушини эслаб қуярди. Эридан эса ҳали ҳам дарак булмасди. На мактуб келади, на пул. Нима булди уларга? Ишқилиб тинчлик булсинда... Бундай саволлар аёлнинг ҳавотирини кучайтирар, оромини бузарди. Бунинг устига маҳалла раисига берган ваъдаси ҳам яқинлашиб қолмоқда. Ун кундан кейин Алишер эшигини қоқади. «Пулни қайтар ё ерни бер», дейди. Шусиз ҳам икки бор усталарни олиб келди. Ҳовлига кириб у ер, бу ерни улчашди. Буни куриб аёлнинг ичи эзилди. Ердан эмас, Ватандан ажраб қоладигандек ҳис этарди узини.

Эрталаб уни директор йуқлаб қолди. Раҳима ичкарига кирганда хонада узун буйли, қотмадан келган, юзи чузинчоқ, бурнининг остида муйловчаси бор йигит утирарди.

– Бу киши вилоятдан, сизни сураб келибдилар. Исмлари Шавкатжон, – деганида Раҳиманинг юраги тўхтаб қолаёзди. «Бу йигит бежиз келмаган, эрим билан учлимга бир гап бўлган», дея ҳавотирга туша бошлади. Кўз олдига ўғли билан эри, кейин кўрган туши келди. Директор уларни ҳоли қолдириб, ўзи ташқарига чиқиб кетди. Шавкатжон ўзини таништириб, Ички ишлар идорасидан келганини айтди.

Йигит ҳақиқатдан ҳам нохуш хабар келтирганди.

– Эрингиз билан ўғлингиз Сурияга ўтиб кетган. Бундан сизнинг хабарингиз борми?

– Йўқ, бу совуқ хабарни ҳозир сизнинг оғзингиздан эшитиб турибман, ука. Балки бу туҳматдир, англашилмовчиликдир?

– Афсуски, уларни жангарилар сафида юришгани ҳақида бизда ишончли маълумотлар бор.

Раҳима ҳозирги кунда Сурияда нималар бўлаётганини, у ерга бориб қолган одамлар қўлига қурол олиб, бир-бирларини отишаётганини эшитган, телевизорда кўрганди.

– Мен бу гапларга ишонмайман, бундай бўлиши мумкин эмас, улар Худодан қўрқишади, Аллоҳ маън қилган ишларга қарши туришади! Бегуноҳ одамларни ўлдириш гуноҳи кабир эканлигини билишади. Улар қўлларидан Аллоҳнинг каломини қўйишмасди. Йўқ, сизнинг бу гапларингизга мен ишонмайман.

Шавкатжон нимадир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади. Лекин юрагидаги гапини айтолмади. Кейин ёнидан сурат олиб стол устига қўйди. Бу аёлни ишонтириш учун кўрсатиладиган далил эди. Ғира-шира қоронғулик ичида қўлидаги автоматни қучоқлаб, ёнбошлаб ётган эрини таниди. У озиб тўзиб кетганди. Ёнида ўғли кўринмасди.

– Ўғлим... Юсуф қани? Нега у отасининг олдида йўқ. Улар бир-бирларидан айрилишлари мумкин эмасди. Менга шундай ваъда беришганди. Йўқ... йўқ... бўлиши мумкин эмас, иймонли ва эътиқодли бандаларнинг қўлига қурол олишига мен асло ишонмайман.

– Биз эрингизни одам ўлдиришда айблаётганимиз йўқ. У қуролни тасоддифан ёки мажбурлаш орқали ушлаган бўлиши мумкин. Қолаверса, уста аканинг қандай одам эканлиги бизга маълум. У ҳозир жангарилар сафидан чиқиб кетган...

– Қаёққа?

– Ҳозир биз бу ишга аниқлик киритмоқдамиз.

– Ўғлимчи, у ҳам бедарак кетганми?

Шавкатжон жим қолди. Вужуди нигоҳга айланган Раҳима ундан жавоб кутарди. Ниҳоят йигит ёрилди.

– Назаримда сиз ҳақсиз, улар бирга бўлишлари керак, – деди қийналиб. Аёл бироз енгил тортди.

– Улар ўз уйларини ташлаб кетишмоқчи эмасди. Бунга мен ҳам айбдорман.

– Сиз ўзингизни айбдорман, деб ҳисобламанг, опа. Биз ҳаммасидан хабардормиз. Сизни даволайман деб беш юз доллар талаб қилган докторни бугун эрталаб қамоққа олдик. У бемор бир аёлни шифохонага ётқизиш учун тўрт юз доллар олаётганда жиноят устида қўлга тушди. Эрингиз билан ўғлингизни четга ишга кетишида Алишер аканинг ҳам қўли борлиги бизга маълум. Ўзини одамларга олижаноб қилиб кўрсатиб юрган хорижлик кимса чегарада қўлга тушди. Буни қарангки, у ўзи билан беш нафар ҳамюртларимизни олиб кетаётган экан.

– Айтингчи, эрим қишлоғига, болаларининг бағрига қайта оладими ёки ўша ерда қолиб кетадими?

– Йўқ, биз уларни олиб ўтамиз.

– Олиб ўтиб қамайсизларми? Шавкатжон бир лаҳза сукут ичида қолди. У нималарнидир ўйларди. Ниҳоят Раҳимага юзланди.

– Ҳозир Сурияда алдов ва адашиш йўли билан бориб қолган анчагина юртдошларимиз бор. Айримлар хотинларини, фарзандларини олиб кетишган. Уларни қайтариш осон эмас. Бунинг учун уларнинг миясига сингдирилган мавхум ва пуч ғояларни ҳаётбахш ғоялар билан ўзгартиришимиз, тушунчаси ва дунё қарашини янгилашимиз, заҳарланган онгини инсоний меҳр- оқибат ғоялари билан тўлдиришимиз керак. Ватандошларимизни ўзга юртларда сарсон бўлиб юришлари миллатимиз, давлатимиз ва халқимиз шаънига ярашмайди. Ахир бизнинг ватандошларимиз қайсидир мусулмон юртига борса, уларни Бухорийлар наслидан, деб улуғлашади. Шундай экан одамларимиз ўзга юртларда, айниқса, қон тўкилаётган элларда хор-зор бўлиши мумкин эмас. Қачонки, биз хориждаги юртдошларимизнинг онгига Ватанга ва халққа бўлган муҳаббат ғояларини сингдирсак, шунда уларнинг фикри ўзгаради. Қалбларидаги муз эрийди. Биз уларга нафрат нигоҳи билан эмас, балки меҳр нигоҳи билан қарашимиз лозим. Шунда улар қалбида ўз она юртига муҳаббат уйғонади. Масаланинг оғир томони ҳам шунда. Буни яхши тушунган давлатимиз раҳбари томонидан «Меҳр операцияси» ишлаб чиқилди. Унга кўра, адашган, алданган, қўли қонга беланмаган, сизнинг эрингиз каби иймонли, эътиқодли одамларни Ватанга қайтариш.

Бу гапларни эшитган Раҳиманинг юрагида умид уйғонди.

– Илоҳим, бу ҳайрли ишнинг тепасида турганларнинг умрлари узоқ, ризқлари улуғ бўлсин! Гапларингизни эшитиб, юрагим таскин топди, умид уйғонди.

– Лекин бу осон иш эмас, опа. Давлатимиз ҳозирдан Россия, Туркия, Сурия ва Бирлашган миллатлар ташкилоти билан келишув битимларини олиб бормоқда. Умид қиламизки, тез кунларда ватандошларимиз ўз оилалари бағрига қайтадилар ва мамлакатимиз ривожига ўз ҳиссаларини қўшадилар.

МЎМИННИНГ ҲИКОЯСИ

Йўлга чиққанимдан бери қанчадан-қанча кунлар сув каби оқиб ўтди, бир-бирини қувлашиб қанчадан қанча тунлар кетди. Олдинда яна қанча масофа қолганини, яна қанчадан-қанча манзилларни босиб ўтишим кераклигини билмасдим Йўл мени роса ҳолдан тойдирган, оёқларим қавариб, ёрилиб кетган эди. Лекин кўп машаққатлар ортда қолганини кўнглим сезарди. Нимадир мени олға ундарди, юрагимга тинчлик бермасди. Ўн биринчи куни чироқлар порлаб турган шаҳарга кириб бордим. Тун ярим бўлганди, эл уйқуга ётганди."Ё Худойим, мен тирик қолдим, мен Аллоҳнинг уйига етиб келдим. Бу Сенинг шарофатинг, Аллоҳим", деб қичқириб юбордим.

Кўзим куча супураётган одамга тушди, унинг олдига бордим:

– Биродар, мен қаердаман? – сурадим ундан.

– Аллоҳнинг уйидасиз, – жавоб қайтарди фаррош. У менинг кир-чир бўлиб, йиртилиб, устимда осилиб турган, моғор босган кийимларимга, гоҳ ачиниш,

гоҳ хавотир-ла боқиб. – Мусофирга ўхшайсиз, сизга қандай ёрдам керак? – деб сўради.

– Алҳамдулиллаҳ, Алҳамдулиллаҳ! – қувончимни ичимга сиғдиролмай ҳайқириб юбордим. – Аллоҳ ниятимга етказибди. Ўзи тўғри йўлга солибди.

Фаррош сўзларимни чала-чулпа бўлса-да, тушунди.

– Ҳориган кўринасиз, Аллоҳнинг суюкли бандаси? Қаердан келмоқдасиз, қаерга кетаётирсиз? – деди у ҳам ўз фикрини имо- ишоралар орқали тушунтиришга уриниб.

– Бунинг тарихи узоқ. Яхшиси ўтмишим ҳақида сураманг, уни ёдга олишни истамайман. Мумкин бўлса, бир пиёла сув беринг. Қалбим чўғи босилсин. Сўнг Байтуллоҳга борай, мусулмонларнинг дўсти, Саййидимиз (с.а.в)нинг гувоҳлигида қўлимга қурол ушлаганим учун Аллоҳдан кечирим сўрай.

– Бироз ором олинг, толиққан оёқларингизга дам беринг, кийимларингизни моғор босибди, очликдан силлангиз курибди. Мен сизга ўзимнинг кийимларимни бераман. Бу ҳолда Байтуллоҳга кирсангиз, одамлар сизни далли девона деб ҳайдаб юборишлари мумкин.

Мен қанчалар Байтуллоҳга интилаётган бўлсам-да, фаррошнинг сўзларига қулоқ солишга мажбур эдим. У мени хонасига бошлади. Ювиниб таранишимда ёрдамлашди. Ечинганимда кўзим бўйнимга осиб олган туморга тушди. Уни қўлимга олдим. Онамнинг «Ўғлим, буни эҳтиёт қил, узоқ сафарга чиққанингда бўйнингга тақиб юр, бунга муқаддас дуолар битилган. Сени бало-қазолардан сақлайди». Кўз ёшларимни артиб ойнага қарадим. Уйдан чиққанимдан бери илк бор ўз аксимни кўриб

туришим эди. Ранги рўйим узилган гулдай сўлиб, қадди қоматим новдадай букилиб, соч-соқолим қиров қунгандек оқариб кетибди.

Мен қанчалар рад этмай фаррош "Термизий ҳазратлари "Адашган жойда одамни йўллаб қўйиш сен учун садақадир" деганлар, деб мени Байтуллоҳга борадиган йўлга солиб қўйди. Икки соатдан мўлроқ шаҳар кўчасидан масжид томон юрдим. Ҳали тонг ёришмаган пайтда узоқдан Байтуллоҳ миноралари-да ёниб турган чироқлар кўринди. Аллоҳнинг уйи сари қадамимни илдамлатдим. Ўзининг ишқида юраги ёниб, не-не азоб уқубатларни ортда қолдириб, саҳро-ю чўллардан ошиб, дашти биёбон кезиб, ажал билан олишиб, буларнинг барини енгиб ўтган мендек инсонга бағрини очиб тургандек эди у. Яратганнинг иноят ва марҳаматидан жамики узву аъзом сурурга тўлиб, юрагим ҳаяжондан ҳаприқиб, ерга чўк тушиб, кўзларим иссиқ ёшлар тўкиб, бир ярим ойдан кўпроқ ўзим орзу қилган ва улуғ Мавло дилимга солган манзилга етиб келганим учун такрор ва такрор ҳамд ўқидим: Ўзингга шукр, мақсадимга етказганинг учун шукр. Муродимни ҳосил қилдинг. Кимсасиз қайноқ саҳроларда, ёмғиру довулларда очликда, ташналикда жонимни олмадинг. Энди тезроқ Байтуллоҳга борай. Лаънати қуролни қўлимга олганим учун, қони тўкилган ўғлимнинг руҳини шод этиш учун, кўчкилар остида қолиб кетган Эргашали учун Ўзингга тавбалар қилай. Кейин Сени унута бошлаган, қудратига шубҳа қилган кимсаларга, зуравону золимларга, ўз юртларини талаётган, инсонларнинг бошига оғир кулфатларни солаётган махлуқ сифат кимсаларга инсофу тафиқ сурай...

Бу пайтда Байтуллоҳ осмонида ой балқирди, юлдузлар қуларди. Салқин сабо ер юзини силаб-сийпаб эсарди. Олам чароғон эди. Бир пайт ёнимга енгил машина келиб тухтади. Ундан иккита полициячи тушди. Уларни кўриб, "Наҳот қўлга тушган бўлсам" деб қўрқиб кетдим. Улар менга табассум билан боқиб туришарди. Араблар орасида юриб, тилни озмоз тушунадиган бўлиб қолгандим. Полициячилар "Афандим, бемормисиз, мазангиз қочдими? Сизга ёрдам берайликми?", дейишаётганини англадим. Мен гоҳ ишора, гоҳида имо билан Байтуллоҳни зиёрат қилгани келаётганимни билдирдим. Улар яна "Машинага утиринг, элтиб қуямиз", дейишди. Мен таклифни қабул қилмадим. Полициячилар "Безовта қилганимиз учун кечиринг", деб, машиналарига утириб жўнаб кетишди.

Узоқдан ой нурига чўмилган Уҳуд тоғи кўриниб турарди. Аллоҳнинг ҳабиби Жаноби Расулуллоҳ(с.а.в)нинг бу тоққа қараб айтган сўзлари хаёлимдан утди. "Бу тоғ бизни севади, биз ҳам уни севамиз".

Мен Аллоҳнинг уйига яқинлашганим сайин гуноҳларим ҳақида ўйлаб у зотни кўпроқ зикр қилардим, сифатларини улуғлардим. Қалбим эса покланиб борарди. Қалбимдаги нафс туйғулари босилиб, садоқат туйғулари ортарди. Байтуллоҳнинг дарвозалари ҳар доимгидек очиқ эди. Унинг ичи тепадан қараган одамга худди тубига маржонлар сочилган улкан денгизни эслатарди. Мен ичкарига киришдан аввал оламларга раҳмат қилиб юборилган буюк набавийлар Сарварининг узоқ йўл босиб келганларида Аллоҳнинг уйини кўриб "Аллоҳим бу уйнинг шарафини, азаматини, яхшилик ва баракотини

купайтир", деб қилган дуоларини овозимни чиқариб ўқидим. Кейин "Лабайк. Олоҳумма лабайк" дея талбия айтиб, ичкарига қадам босдим. Қувончдан ҳосил бўлган кўз ёшларимни тия олмасдим. "Ахир бу ерга келишни қанчалар орзиқиб кутдим. Сувсизликдан, очликдан ўлиб, бурону довуллар учуриб, қумлар кумиб кетиши ҳам мумкин эди. Улуғ ва қудратли Тангрим менга йўлдош бўлди. Мени ҳар турли бало-ю офатлардан асради.

Бир сўзни мудом тилимдан қўймадим: "Эй, Раҳмдил Аллоҳим, эй покликни севгувчи Роббим! Мен осий бандангнинг муродини ҳосил қилганинг учун Сенга бўлган чексиз шукроналаримни қабул айла. Гарчи мен уруш бўлаётган ўлкадан бегуноҳ инсонларнинг тўкилган қонини босиб келган бўлсам-да, ниятим пок, мақсадим улуғ. Сендан кечирим сўраш, улар сафига қўшилиб қолганим учун тавба қилиб, гуноҳлардан покланиб, Сенга бўлган меҳр-муҳаббатим бундан-да ортиб, сўнг ўз юртимга қайтишни лозим топдим! Устида эҳромим бўлмаса-да, қалби тўла муҳаббат билан келган бандангни даргоҳингга қабул айла".

Мен ҳаяжон ичра ичкарига кириб бордим. У томондан хушбўй гулдан гўзал ҳид қеларди. Мен бундай анбарни, мушкни ҳеч қачон ҳидлаган эмасдим. "Бисмиллоҳ, Аллоҳу акбар", дея Расулу Кибриёнинг муборак лаблари текканқора тошни ўпдим, юзимни шу тошларга босдим. Ахир бу тош Расулиллоҳга " Ассаламу алайка, йа Расулиллоҳ" демаганмиди? Ич-ичимда худди кўзи очилмаган булоқ сингари қайнаб тошаётган ўкирикни босолмадим. Қувончим ичимга сиғмай ҳунграб юбордим. Йиғлаган сайин руҳим тетиклашиб, миям тиниқлашиб, зимистон

қалбим ёришиб борарди. Бу оддий йиғи эмасди. Бу йиғи йиллар давомида тўпланиб қолган бахт йиғиси, шодлик йиғиси, ушалган орзулар, саробга айланмаган умидлар йиғиси эди. Аллоҳ умримда бундай саодатли кунни биринчи бор ҳадя этиши эди.

– О, қудратингдан айланиб кетай, Роббим! Бошимга тушган турли мусибатлардан асраганинг учун, дилимдаги ниятимга етказганинг учун Ўзингга беҳисоб шукроналар бўлсин. Сендан сўраганим, сендан тилаганим шу эди, юрагимдаги армон, дилимдаги тилагим шу эди. Орзу армоним шу қутлуғ даргоҳингга келиш, гуноҳларимга тавба қилиш эди. Иншааллоҳ, муродимни ҳосил қилдинг, ниятимга етказдинг!

Мен ўзимни онадан янги туғилгандек ҳис этардим. Бўшаб, совуб ва қуриб қолган қалбим иймон ҳарорати ва меҳр қуввати ила жонланганди, ҳузур ила ҳузурланарди.

Мен кўзларимни юмганча узоқ вақт Тангри таъалога илтижо қилдим. Қўлимга қурол олганим, жангга кириб бораётганимда йўлимда ўққа учиб нобуд бўлган, бомба тушиб жисмлари майдаланиб кетган одамларнинг жасади устидан хатлаб ўтганим, боламнинг "Ота, қўлингизга қурол олманг, биз мусулмонмиз, қандай қилиб "Лаа илаҳа иллаллоҳ" деган Худонинг бандаларига қарата ўқ отамиз", деган сўзларини, кейин уни дарахтга суяб отишганини, саҳрода очлик ва ташналикдан азоб тортган кунларим бирма-бир кўз ўнгимдан ўтди. Аста-секин улар узлатга чекиниб, бошқа манзаралар намоён бўлди. Шарқираб оқаётган зилол сувлар, чаман бўлиб гуллаган боғлар, шу боғлар ичра хониш қилаётган сайроқи қушлар... Не бахтки, бу гўшада фарзандим-

ни ҳам кўрдим. У одамлар орасида, гулзор оралаб юрарди. Эгнида оппоқ кўйлак. Зарра ғубор йўқ. Эпкинда ҳилпирайди. Кўзи қувончдан яйрайди. Юсуф қулочини ёйиб, "Отажон, отажоним! Келдингизми, жоним отам! Мен сизни интиқиб, кўзларим тўрт бўлиб кутаётган эдим, соғинган эдим, юрагим сиз томон интилаётганди", дея елдек учиб келаётир. Мен ҳам қучоғимни очиб, болам томон талпиндим...

Бирдан азон товуши эшитилиб, хаёлим тўзиди.

– Оҳ Роббим, наҳот бу менга туҳфа этган фароғатинг бўлса, – деб юбордим.

Тонг отганди, шаҳар уйғонганди. Халойиқ улкан бир денгиз мисоли Байтуллоҳга оқиб кирарди. Мен асҳобга эргашдим. Улар билан бирга бомдод намозини ўқидим. Эл ёйилиб кетганидан кейин ҳам жойимдан жилмай, нафл намозини ўқишга киришдим. Ҳар ракатга бошимни қўйганимда вужудумда енгиллик туярдим. Қалбим офтобнинг шаффоф нурлари киргандек ёришарди. Руҳим қийноғу азоблардан покланарди. Шунда ортимдаги сафда кимдир турганини, мен билан бирга намоз ўқиётганини ҳис этардим. Иссиқ нафаси қулоғимга етиб келарди. Ҳар гал саждага кетганимда боши ва қўлларига нигоҳим тушиб қоларди. Намоз қоидаларига биноан унга қарай олмасдим. Намозни ўқиб бўлгач, ёнимга қайрилганимда, у жойида кўринмасди. Бу ҳол деярли ҳар куни такрорланарди. Ўша одамни кўришга қанчалик уринмай буни удда қилолмадим. Бу Юсуфлигини кейин билдим.

Мен кундуз кунларни руза билан ўтказиб, кечаларни ибодат билан зийнатлантирардим. Бўш пайтларим атрофни тозалаётган фаррошларга, биноларни таъмирлаётган усталарга ёрдамлашардим.

Улар мени нонуштага, тушликка ва кечки овқатга таклиф қилишарди. Бомдоддан кейин ҳам алламаҳалгача ухламасдим. Тун ярмидан оққанда бир четга чиқиб, гилам устига чўзилиб қуш уйқу қилиб олардим.

Ўша куни ҳам фаррошларга ёрдам бериб юргандим, дарвозадан ичкари кириб келаётган бир туда одамларни кўриб қолдим. Юрагим бир нарсани сезгандек бўлди. Байтуллоҳга кунига минглаб хорижликлар келиб кетади, ибодат қилишади, амалларни бажаришади. Бугун зиёратга келганларнинг бошларида дўпписи бор эди. Буни кўриб ичимда мудраб ётган юрт соғинчи уйғонди. Қўлимдаги супургини ташлаб, шоша-пиша ташқарига чиқарканман, ич-ичимдан "Бирорта танишим учраб қолса, ундан бола-чақаларимнинг тинч омонлигини сўрардим, ўзимнинг бу ердалигимни, яқин орада уларнинг бағрига қайтишимни айтардим", деб Худога ёлвордим.

Ёнимдан ўтиб бораётган зиёратчиларнинг ҳар бирига диққат билан термулдим. Ич-ичимдан уларга ҳавасим келди. "Қани энди мен ҳам мана шулар каби элнинг дуосини олиб, эҳром кийиб Ватанимидан зиёратга келганимда. Оҳ, қандай бахтли одам бўлардим", деган ширин орзу юрагимни тирнаб, кўзларимда ёшлар ҳосил қилди.

Жовдираган кўзларим сафнинг этагида келаётган одамда тўхтади. Башараси танишдек. Яқин келганда танидим. Бу Алишер-ку, дедим ўзимга ўзим. Кўзларим адашмаганди. Ўша, қушним Алишер. Ўзим сезмаган ҳолда бир олам ҳаяжон ва қувонч билан унинг номини айтиб юбордим.

– Алишер!

У тўхтади ва менга қаради.

– Мўмин, бу сенмисан? – деди яқин борганимда.

Мен соғинч тўла қучоғимни очдим.

– Танидинг, мен Мўминман, Алишер. Қўшнинг уста Мўминман!

Алишер ортга чекинди. Қўлини чўзиб, "тўхта", деган ишора қилди.

– Жуда озиб кетибсан-ку, касалмисан?

– Йўқ, соппа-соғман...

– Бу ерда нима қилиб юрибсан? – Алишернинг хавотири борган сайин ортиб борар, бу овозидан ҳам сезилиб турарди, – Ахир...

– Сурама, Алишер, бошимга мусибатлар балоси ёғилди. Азоблар тортдим, қийналдим... Мен тўккан кўз ёшларни узгалар тўкмасин. Худо менинг бошимга солган мусибатларни ўзга банданинг бошига солмасин, – дедим кўйлагимнинг енгига кўз ёшларимни артиб.

– Бутун вилоятни сен ҳақингдаги бўлмағур гап-сўзлар босиб кетди. Милиция боланг иковингга қидирув эълон қилган. Улар сизларни Сурияга ўтиб кетган, жангарилар сафига қўшилиб, қўлига қурол олиб ҳукумат қўшинларига қарши жанг қилаётган дейишмоқда.

– Эшитганларинг рост, Алишер. Мен чиндан ҳам Сурияда эдим. Бизни алдаб ўша ерга олиб ўтишди. Юсуф иккимизни жиҳод жангига кирасан, деб қўлимизга қурол тутқазмоқчи бўлишди. Лекин ўғлим жангга кирмади, мен эса унинг ҳаётини сақлаб қолиш учун қўлимга қурол олишга мажбур бўлдим. Тепамда Аллоҳ бор, муқаддас жойда турибман, қурол олдиму, лекин битта бўлса-да, ўқ отмадим. Бир маротаба жангга кирганим ҳам рост. Қайтиб бориб,

қуролимни жангарилар бошлиғининг оёғи остига ташладим. У буни ўғлимни ўлдириш билан жазолади. Юсуфнинг жасадини саҳрога кўмиб, қилган гуноҳларим учун Аллоҳдан кечирим сўраш мақсадида бу ерга келдим. Ўн беш кундан бери шу ердаман. Энди уйга кетмоқчиман...

– Сенга маслаҳатим... – деди Алишер овозини пастлатиб. Кейин сузининг давомини айтгиси келмагандек жим қолди.

– Гапир, қишлоғимни, болаларимни соғинганман. Улар саломатми?

– Улар ҳақида қайғурма, жин ҳам ургани йўқ, қизларинг мардикор ишлаб пул топмоқда. Эшитишимга қараганда бегона бир одамдан олти юз доллар қарз олган экансан, у кун ора қарзини қистаб, эшигингнинг тагидан кетмай қўйди. Менинг олдимга ҳам икки-уч бор келди. Хотинингга раҳмим келиб, танишларимдан қарз кўтариб, рози қилиб юбордим. Ўшанда ерни менга сотганингда, бу кўргиликлар бошингга тушмасди.

– Ерни ҳозир ҳам сотмайман, у менинг бобомдан, отамдан қолган мерос, у ерга менинг, болаларимнинг киндик қони томган, у ер менинг Ватаним, юрагимнинг бир парчаси!

– Ўзинг биласан, мен айтдим қўйдим.

– Хотиним тузукми, ишлаб турибдими?

– Хотинингни мактабдан ҳайдашди, ҳозир уйда ўтирибди.

– Нега, нега ҳайдашади?

– Жангарилар сафига қўшилган одамнинг хотини таълим масканида ишлашга ҳақи йўқ. Болаларнинг тарбияси бузилади. Хотининг билан болаларинг яқинда телевизорга чиқиб, "Бизни бундай отамиз

йўқ, у акамизни ўзи билан бошлаб Суриядаги террорчилар сафига қўшилиб кетди. Биз бундай хоин одамни ота дейишга ор қиламиз", дейишди.

Алишернинг гаплари баданимга тиғдек санчилар, юрагимни азобларди.

– О, нималар деяпсан, болаларим бундай дейишмайди. Мен уларни яхши кўраман, улар менинг жони жаҳоним, менинг ҳаётим. Мен юртимга, оиламга, болаларимга хиёнат қилмадим, уларнинг юзини ерга қаратадиган ишларга аралашмадим. Қўлимга қурол олмаганим учун ҳам бошимга шу савдолар тушди. Жигаримни саҳрога кўмиб, ўзим бу ерга қочиб келдим. Ҳа, қилган гуноҳларим учун Яратганга тавба қилиш ниятида келдим. Ўз юртимга, оилам бағрига покланиб борай, деб келдим бу ерга. Билиб қўй, менинг виждоним пок!

– Бу гапларингга мени ишонтирмоқчимисан? – аччиқ нарса еб қўйган одамдек афтини буриштирди Алишер. – Айтаётган гапларинг сафсата. Милициянинг қўлида сенинг кимлигингни фош қиладиган далил бор. Унда сени жангарилар билан қуролни қучоқлаб турганинг акс эттирилган. Органдагилар ҳеч нарсани билмайди, деб ўйлайсанми, ҳар жойда, ҳар маконда одамларимиз бор. Улар босган қадамингни ҳисобини олишади.

Руҳим тушди. Ҳозироқ Алишер айтган одамлар келиб мени қамоққа олишадигандек туюлди. Тоҳирнинг қароргоҳидаги темир қафас ичида қийналиб ётганим кўз олдимдан ўтди. "Наҳот қамалсам, бола-чақаларимни кўра олмайманми? Умримнинг қолган қисми қамоқхонада ўтадими" деб ўйладим.

– Маслаҳатим юртга қайтишни ўйлама! – менинг жим қолганимни кўриб, овозини пасайтириб, на-

сиҳат қилди Алишер. – Борсанг, қопқонга илинасан, умринг турмада ўтади. Суякларинг қуёш нури тушмайдиган зах хоналарда чирийди. Камида йигирма йил беришади. Бу гапларни сени қўрқитиш учун эмас, ичим ачиганидан айтаётирман.

Мен ўлим ҳукми ўқилган маҳбусдек бошимдан ақли ҳушим учиб, турган жойимда қотиб қолдим. Бирдан ўзимга келдим ва ўзимнинг айбсиз эканлигимни исботлашга ҳаракат қилдим.

– Йўқ, йўқ, мен террорчи ҳам, хоин ҳам эмасман. Ҳеч ким мени қамоққа тиқа олмайди. Мен, албатта, ўз юртимга, болаларим олдига қайтаман. Мелисага ўзим тушунтираман. Айбсиз эканлигимни исботлайман. Сиз юртга қайтганингизда одамларга менинг қўлим қон эмаслигини тушунтиринг. "Муминни Сурияда эмас, Аллоҳнинг уйида кўрдим, у ўз қилмишлари учун Тангридан кечирим сўраб ибодат қилмоқда денг. Ҳа, у салтанат талашиб, қон тўкаётганларга, юртларни вайрон қилаётганларга, инсонларни қақшатиб, уйларига ўт қўяётганларга инсоф сўраётир денг. Одамлар ҳам, раҳбарлар ҳам сизнинг гапингизга ишонади. Ахир сиз маҳалла раисисиз.

– Мени бундай сиёсий ишларга аралаштирма, – сўзимни кесди Алишер. – Нега мен сени ҳимоя қилишим керак? Нега сен ҳақингда кўзим кўрмаган нарсаларни одамларга тушунтиришим керак? Ҳатто сени кўрдим десам ҳам бошим кетади. Қора курсида жавоб беришимга тўғри келади, ишдан ҳайдашади. Ҳозир амалга миниш осон деб ўйлайсанми?

– Алишер! – сафнинг олдида турган одам уни чақириб қолди.

– Хўп, хайр, мен кетдим, айтган гапларим қулоғингда бўлсин, юртга қайтиб борма...

Турган жойимда қотдим. Юрагим ойна каби чилчил синди. Кўзимдан иссиқ ёшлар оқиб, юзимни ювиб, оёқларим остидаги мармар плиталарга томчиларди.

Мен узоқ вақт турган жойимда қотиб қолдим. Юртимдан, оиламдан айрилганимдан ўксиб-ўксиб йиғладим. Ўзимга хоин ва террорчи деган шармандали ном олганимдан изтироб оташида куйдим. Энди барча умидларим ва истакларим кунпаякун бўлганини англаб етдим. Балки Худо ҳам менинг тавбаларимни қабул қилмагандир, унинг менга юборган жазосидир, деб ўйладим. Кўз олдимдан лўли аёл, олижаноб одам, тушакда ётган аёлим, дарё бўйида шоли ўтаётган қизларим, Суриядаги қуролланган жангарилар, паҳмоқ соқолли Тоҳир, боламнинг қўлидан тортиб бораётган Собир, саҳро четидаги, юлғин остидаги қабр, жазирама саҳро, ёмғир ва бўрон кўмиб ташлаган Эргашали, чўпон, қабила одамлари, елинини сутга тўлдирмоқ мақсадида емиш излаб юрган она бўри – буларнинг бари кўз ўнгимдан ўта бошлади.

Наҳот Ватан эшиклари мен учун умрбод беркилган бўлса?

Эй Худо, менинг гуноҳим не? Не учун жазога тортилишим керак? Нечук қамоқда ўтиришим керак? Ахир мен юртим деб, оилам деб, болаларим деб жангарилар ининни ташлаб кетдим. Эй Парвардигоро, кўрган кечирган кунларим каммиди? Бошимга тушган мусибатлар, азоб-уқубатлар озмиди? Наҳот кексайганимда ноҳақ қамоқхонада ўтирсам? Ахир қурол ушлаганим учун, Яратгандан кечирим сўраш учун, покланиш учун бу ерга келмаганмидим? Руҳимни, қалбимни тозалаб ўз уйимга, оилам дав-

расига қайтишни ният қилмаганмидим? Энди нима қиламан?..

Хаёлимга саҳродаги чўпон келди. У айтган гаплар қулоқларим остида жаранглади. "Аллоҳнинг уйига бориб тавбаларинг ижобат бўлгач шу ерга қайт, бирга яшаймиз, менга Каломуллони ўргатасан, иккимиз бирга Аллоҳнинг фарз амалларини адо этамиз, қилган гуноҳларимиз учун тавба қиламиз. Парвардигоримдан дин-диёнати кўтарилганларга, мансаб учун, амал учун, ҳокимият учун, салтанат учун қўлига қурол олаётган, жангга кириб, тинч инсонларни ўлдираётганларга инсоф сўраймиз. Зора саҳронинг ўртасида қилган дуоларимиз ижобат бўлиб, дунё ёмонлардан тозаланса, яхшилик ва эзгулик ниҳоллари куртак отса".

– Қайтаман, албатта, ўша сарҳадсиз саҳрога қайтаман, ўғлимни, Эргашалининг жасадини бағрига олган чўлга қайтаман. Чўпон билан бирга яшайман. Ора-сира ўғлимнинг қабри тепасига бориб, унинг руҳига тиловат қиламан! Ахир мен учун бундан ўзга бошпана ҳам, Ватан ҳам йўқ. Бўйнимдаги қарз-чи? Уни қандай узаман? Бошимга шу савдоларни, бу кулфатларни солган, юртимдан, оиламдан, фарзандларимдан айирган одамдан қарзим бор. Буни тўлашим лозим. Қиёмат кунига қадар бўйнимда осилиб турадиган кабири гуноҳ. Охиратда жавобини беришим керак. Балки чўпон ёрдам берар, унинг қўлида бир икки йил ишласам, қўйларидан сотиб, беш юз доллар берар, бир илож қилиб почта орқали пулни хотинимга юборарман, у ўша олижаноб одамни топиб бериб қўяр.

Мен саҳрога қайтишга қарор қилдим. Дарвозага етмасимдан муаззин азон чақириб қолди. Минглаб

одамлар диннинг устуни бўлган намозни адо этиш мақсадида ичкарига кириб келишарди. Мен "Намозни ўқиб, кейин йўлга чиқаман", деб орқага қайтдим. Ҳар доимги жойимга келиб ўтирдим. Жамоат билан пешинни ўқидим. Одамлар қўзғалди. Ичкарида ўзим қолдим. Бугун масжидда ўзимнинг сўнгги намозимни ўқиб, юрагимда йиғилиб қолган дарду аламларга йўғрилган нолаларимни Аллоҳимга етказишга қарор қилдим...

МУАЛЛИФДАН

Имом Муминнинг ҳикоясини тинглаб, чуқур ўйга толди.

– Мен бир дунё хато қилдим, тақсир! Бошимга тушган бу кунлар учун ким айбдор? Кимни гуноҳкор этай? Пул итга айлантириб, қутиртириб юборган порахўрларними, мени сарсон қилган буюрократ мансабдорларними ёки олти юз доллар берган шайтон қиёфасидаги ўша сахий одамними? Афсуски, ҳозир бориб уларга айбларини айтсам, ўзларини пахтадек оқ кўрсатишади. Мени ақлдан озган, тентак, ношукр, деб айб юклашади. Ватан хоини, террорчи сифатида қаматишади. Ҳеч қандай қонун бу аблаҳларни жавобгарликка торта олмайди. Бу дунёнинг жазоларидан осонгина қутулишади, аммо, ийманим комил, Аллоҳнинг ҳузурида қилмишларига иқрор бўлишади. Шайтонсифат бу кимсалар нима дейишса дейишаверсин. Мени ўз диёримдан, оиламдан шулар жудо қилишди. Бошимга мусибатлар балосини ёғдиришди. Илоҳим уларни сарсон бўлган қизларимнинг, юртни кўмсаб, соғиниб жон берган ўғлимнинг, саҳро-ю чўлларда чеккан азобу уқубат-

ларимнинг уволи тутсин. Иншааллоҳ, мен уларни Аллоҳимнинг адолатига ҳавола қилдим.

Алам ва нафратнинг заҳари йўғрилган бу сўзларни эшитиб, имом-хатиб бир муддат жим қолди. Кейин дона-дона қилиб шу сўзларни айтди.

– Тақдир бошингга шундай қаро кунларни солган бўлса-да, буларда сенинг заррача айбинг йўқ. Ҳар қадамингда Аллоҳнинг номи билан нафас олдинг, унинг улуғ ва буюк қудратига ишондинг. Байтуллоҳга келиб гуноҳларинг учун тавба-тазарру қилишни мақсад қилдинг. Ор-номус учун қўлингга қурол олишдан бош тортдинг. Ўша кимсасиз саҳрода ҳам, адоқсиз чўлда ҳам, дашту хуросонда ҳам Тангрим сени ҳар турли балолардан, қазолардан ҳифзи ҳимоясига олди. Яхши тилакларинг ва ниятларинг ўзингга йўлдош бўлди. Аллоҳга эътиқодидан, миллат ва ирқидан қатъий назар ҳар бир исоннинг мақсади тинчликдир. Уруш инсониятнинг бошига келган энг катта балодир. Бир кунмас бир кун бу ҳам барҳам топажак. Халқ ғалаба қозонажак. Чунки Аллоҳ адолат, эзгулик тарафидадур, сенинг бошингга мусибат солганлар, албатта, буюк Қудратнинг ҳузурида жавоб бергайлар.

– Урушнинг ҳали бери тугашига ишонмайман, тақсир, – деди умидсизлик билан Мўмин.

Имомнинг қошлари чимрилди.

– Нега бундай қарорга келдинг?

– Чунки бу уруш золимлар ва мазлумлар ўртасидаги уруш эмас, ҳукмронлик ва салтанат учун олиб борилаётган жангдир.

– Унутма, бошланган ҳар бир ишнинг интиҳоси булади, ёқилган олов бир кун сўнади, унинг тафти ерни куйдирган бўлса-да, Аллоҳнинг неъмати ёмғир томчилари тушиши биланоқ майсалар униб

чиқади. Чин кўнгилдан тавба қилган одамнинг гуноҳини Аллоҳ кечирур. Зеро, сен айтган одамлар Аллоҳнинг амрига бўйсунганида, унинг қайтарганларидан қайтганда, дунё дунё бўлади. Инсоният бошига мусибатларни солаётганлар жазосиз қолмайди. Дўзах оташларига ғарқ бўладилар. Улар шундай ёнадилар-ки, куллари атрофга тўзийди. Эзгулик йўлини тутган адолатли инсонлар эса, албатта мурод-мақсадларига етадилар. Уларни Худонинг ўзи қўллайди. Ҳақ сўз, ҳақ амал ҳамиша ғолиб. Кимдаким, элига ва юртига хиёнат қилса, Аллоҳ бундай кимсаларни кечирмас. Қайсики, давлат подшоси раҳмдил ва одил бўлмас экан, ўша ҳалқ ҳеч қачон фаровонлик неъматидан баҳра ололмайди. Энди сен адолатсиз юртларни четлаб, она тупроғинг, қадрдон юртингга қайтишинг лозим. Бугун сенинг юртингда катта ўзгаришлар содир бўлаётир. Дунё аҳлининг нигоҳи Ўзбекистонга қаратилган. Йўлини йўқотган одам йўлини топиб олса, у адашган ҳисобланмайди. Сурияга алданиб ёки ўз хоҳшига кура келиб қолган, қўли қонга беланмаган одамларни Ўзбекистон давлати кечирмоқда, бағрига олмоқда. Бу эса бирор давлат тажрибасида синалмаган сиёсатни, миллий мафкурани, инсонпарварлик тамойилларининг тан олинишидир. Ҳорижлик хоҳ суриялик бўлсин, хоҳ америкалик, хоҳ жангари бўлсин Ўзбекистон раҳбариятининг ташқи сиёсатини, миллий ғоя ва мафкурасини, ундаги инсонпарварлик, адолатлилик, кечиримлик тамойилларини, шу билан бирга Ўзбекистоннрнинг сиёсатини, миллий мафкурасини, инсонпарварлик сиёсатини тан олаётир. Ҳали бирор давлат амалга оширмаган ишни Ўзбекистон биринчи бўлиб ҳаётга тадбиқ этди.

Бориб халқингдан кечирим сура. Агар чин юракдан тавба қилган бўлсанг, кунглимизни иймон нурига тўлдирган Аллоҳ номи билан айтаманки, халқинг ҳам, давлатинг ҳам сени қабул қилади. Эркин кишининг ҳаётидаги энг буюк неъмат бу ўз Ватанига бўлган муҳаббатдир. Зеро, Аллоҳ ҳам Ватанни севгувчиларни хуш кўргувчидир. Боланг эса сенинг юрагингда, жонингда яшайди. Сенинг кейинги ҳаётинг боланғнинг орзуларидир. Яна бир гап: сен қайси юртдан келганингни унутма. Ислом дини Арабистонда пайдо бўлган бўлса-да, сенинг юртингда камол топди. Дунёда «Ҳадис» илмининг билимдонлари олтита бўлса, шундан тўрттаси сенинг ота маконингда таваллуд топган.

Имомнинг сўзлари Мўминга қаттиқ таъсир қилди. Юрагида сўнган умид учқунлади.

– Тақсир, менинг ҳужжатим йўқ, уларни жангарилар олиб қўйишган. Юртимга қайтишим учун аввало ҳужжат зарур.

– Эртага сен элчининг ҳузурига бор. Бошингдан ўтган воқеаларни унга батафсил гапириб бер, уйлайманки, у сени тўғри тушунади ва албатта Ватанингга қайтаради. Кетгунингга қадар мана шу ҳужра сеники...

Имом шундай деб шкаф ичидан бир боғлам пул олиб, Муминнинг қўлига тутқазди.

– Нима учун бу пулларни менга бермоқдасиз, тақсир?

– Келганингдан бери таъмирлаш ишларида усталарга, ободончилик ишларида хизматкорларга ёрдам бердинг. Бу пуллар сенинг ҳалол меҳнат ҳақинг!

Мумин қанчалик эътироз билдирмасин, имомнинг қўлидаги пулни олишга мажбур бўлди.

У яна бир ҳафта масжидда қолди. Намоз ўқиди, буш пайтларида усталарга ва хизматкорларга ёрдамлашди. Орада элчихонага бориб келди. Бироқ элчи уни қабул қилмади. Ёрдамчиси "Ҳафтанинг охирида келасан", деди. Хафтанинг охирида борди, бу гал ҳам алланималарни баҳона қилиб қайтарди. Аллоҳнинг уйида ҳузур-ҳаловат топган дили энди Ватан сари талпинарди. Қишлоғи ҳали ҳамон хаёлида, уни унутолмасди. «Вақти келиб, бир куни қайтиб бораман. Ҳа, албатта, қайтиб бораман. Отамдан мерос қолган пастаккина уйимизга кириб бораман. ҳовлимиздан оқиб ўтган ва болалигимда онам тандирдан узган иссиққина нонни сувга оқизиб еган ариқчанинг сувидан қониб-қониб ичаман», деб қўярди ўзига ўзи. Шуларни эслаб ҳасратларга тўларди, юраги эзиларди. «Наҳот уларни қайтиб кўролмасам», деган мудҳиш савол миясида айланаверарди.

Юрагининг бир четини бошқа азоб ҳам кемирарди. Бу ўша ўзини олижаноб кимсақилиб кўрсатган одам қиёфасидаги шайтондан олган қарз. У пулни қарзи ҳасана сифатида берган бўлса-да, барибир қайтаради. Чунки, бу пул унинг бошига қандай мусибатларни солмади, дейсиз, Ватанидан айирди, ўғлидан жудо қилди. Ўша «шайтон»ни топади. Олти юз долларни юзига қараб улоқтиради.

Ниҳоят орзиқиб кутилган шанба ҳамкелди. Мумин ваъдага биноан эрталаб элчихонага йўл олди. Масжид дарвозасидан чиқиши билан икки нотаниш кимса йўлини тўсди. Улар бу ернинг одамларига эмас, ўз юртимнинг одамларига ўхшарди.

– Исмингиз Мўминми? – сўради улардан бири соф ўзбек тилида.

Савол Мўминни довдиратиб қўйди, юрагига ғулғула солди.

– Ҳа, – деди аранг нафаси қистаб.

– Сиз бу ерга Суриядан келгансиз, шундайми?

Мўмин хушдан кетаётган одамдек нима дейишини билмай тили қотиб қолди. «Наҳотки қўлга тушганим рост бўлса? Ҳа, Алишер бориб мени сотган, бу ерда яшаётганимни айтган», деб ўйлади. Кейин тақдирга тан беришга мажбурлигини, ҳеч қаерга қочиб кетолмаслигини билди. Қолган умрини қамоқхонада ўтказишини кўз олдига келтирди. Оғир аҳволга тушиб қолган бўлса-да, кунглида озгина умид ёлқини липилларди.

– Ҳа, лекин жангариларга хизмат қилмадим. Қўлимга қурол олмадим. Мени у ерга алдаб олиб кетишди. Омилик қурсин, ука, омилик қурсин! Қурилишда ишлаш учун жўнатишганди. Менинг ҳеч қандай гуноҳим йўқ. Халқ ва Ватан олдида юзим ёруғ. Жангарилар мажбурлаб қўлимга қурол тутқазишди, шу қуролни бир кунгина ушладим, бир кунгина жангда қатнашдим. Тепамда Худо, муқаддас даргоҳда турибман, ишонинглар, бирорта ўқ отмадим... Улар ўғлимни отишди, шунда кўзим очилди. Бу бизни Аллоҳдан узимизга сотиб олган гуноҳларимиз эканлигини англадим. Омилик қурсин, ука... Мен тавба-тазарр ўқилиш мақсадида бу ерга келдим. Ўша қуролни қўлимга олганим учун, жангга кирганим учун бир ойдан бери Аллоҳдан кечирим сўраётирман, ибодат қилаётирман.

– Биз ҳаммасидан хабардормиз. Сизнинг гуноҳсиз эканингизни ҳам, икки ой давомида саҳро кезиб, Байтуллоҳга келганингизни ҳам биламиз.

– Энди мени қамайсизларми?

Махсус хизмат ходими Мўминнинг ёш тўлган кўзларига тикилди:

– Кўрқманг, ота, биз сизни қамамаймиз.

– Мен қўрқаётганим йўқ. Маҳалламдан, қўшниларимдан уяляпман. Уларнинг олдида юзим шувит бўлди...

– Давлатимиз қўли қонга беланмаган, мутаасиб кучларнинг алдови билан Сурия ва бошқа давлатларга бориб қолган фуқороларимизни она юртга қайтариш мақсадида «Меҳр» операцияси ишлаб чиқди. Бунга биноан сиз каби алданиб, Сурияга бориб қолган бегуноҳ инсонларни, аёл ва болаларни юртга қайтармоқдамиз. Бу давлатимизнинг инсоний бағри кенглигидир, алданганларга кўрсатилган оталик меҳридир. Меҳр билан бирга Ватанни қайтариб беришдир!

– Менинг қалбим ҳам ҳар куни Ватанга талпинади. Сизлар менга Аллоҳ томонидан юборилган ҳаласкор бўлдингизлар.

Мўмин худди туш кўраётгандек эди. Кўзларидан севинч ёшлари оқарди. У ортига, Аллоҳнинг нур ёғилиб турган уйига қаради.

– Эй Роббим, мен қулинг умид билан Сенинг уйингга кечирим сўраб келгандим. Хайрият, ўқиган намозларим, ибодатларим, Сенга қилган илтижоларим ижобат бўлибди. Тавбаларимни қабул қилибсан. Инсон зотига ўқ отмаганимга элим, юртим ишонибди. Ўзингга минг қатла шукр, Аллоҳим. Шу муқаддас даргоҳингда туриб Сендан одамларга инсоф сўрайман. Юртларимизга тинчлик сўрайман. Болаларимиз оми бўлмасин, ўқисин, оқ-қорани танисин! Уларнинг қалбида илмга, билимга меҳр уйғот!

Мўмин юзига фотиҳа тортиб махсус хизмат ходимларининг машинаси турган томонга юрмоқчи эди. Улгуролмади, кўзи ичкаридан чиқиб келаётган ўғлини кўриб қолди. У оппоқ кийимда эди. Юзлари шу қадар тиниқ ва равшан эдики, мисоли фариштага ўхшарди. Муминнинг юраги ҳаяжондан ҳаприқиб урарди.

– Юсуф, ўғлим! – Отанинг икки кўзидан соғинч ёшлари дурдай думалаб ерга тушди.

– Ота! – йигитча ҳам қучоқ очди.

– Мен уйга кетяпман, ўғлим. Ҳа, уйимизга кетяпман. Аллоҳ тавбаларимни қабул қилибди, лаънати қуролни қўлимга олганимни ҳам кечирибди. Давлатимиз ҳам, халқимиз ҳам бизнинг адашганимизни, алданганимизни, гуноҳсиз эканлигимизни билибди.

– Иншааллоҳ! Иншааллоҳ!

– Энди сен ҳам биз билан юр, она юртимизга қайтайлик, бизларни соғинган уйимизга, йўлларимизга кўзини тикиб ўтирган онажонингни, сингилларингни олдига қайтайлик, болам...

Юсуф тўхтади.

– Ота, кечиринг, мен бу ердан кетолмайман.

– Болам? Сен ёнимда бўлмасанг, онанг болам қани, қаерга ташлаб келдингиз уни,деб сўрайди. Айт, унга нима деб жавоб бераман?

– Болам Аллоҳнинг уйида қолди, денг. Ўша ерга ташлаб келдим, денг. Беш вақт намозида сени ва сингилларини дуо қиляпти, деб айтинг. Олам аҳлига тинчлик, хотиржамлик, бирдамлик сўраяпти денг, отажон! Сиз етиб боргунча мен ибодатларимда онам ва сингилларимнинг қалбига таскин беришни Яратган эгамдан сўраб тураман.

– Кел, болам, кела қол! Кетиш олдидан сени соғиниб, ҳувиллаб қолган бағримга босай. Юз-кўзларингдан упай, ҳидларингга тўйиб олай. Бувингдан қолган мана бу туморни бўйнингга илиб қўяй. Бу ҳосиятли тумор. Онам раҳматли «Узоқ сафарга чиққанингда бўйнингга тақиб юр, бунга муқаддас дуолар битилган. Сени бало-қазолардан сақлайди», деб айтган эдилар. Шу тумор мени жангларда отилган ўқлардан асради. Саҳроларда, чўлларда сувсизликдан, очликдан, йиртқичларнинг ҳамласидан асради... Байтуллоҳга йўл курсатиб келди. Мана, Ватанга қайтиш бахтини ҳам берди...

Мўмин бўйнидаги туморни олмоқчи булиб, бир сония кўзларини уғлидан узди. Кейин бошини кўтариб у томон қаради... Оҳ... Юсуф йўқ.... У қордай эриб, кўздан ғойиб булганди.

Муминнинг кўзларидан ёшлар оқди. Бу адаб, иймон, виждон азобларидан ва айни дамда Ватанга булган адоқсиз соғинчдан, юрт эшикларини очиб берган Юртбошига булган меҳр-муҳаббатдан сизиб чиққан ёшлар эди.

СЎНГГИ СЎЗ ЎРНИДА

"Афғон шамоли" роман-сериалининг ўн тўртинчи китобини ёзаётганимда ушбу асарнинг ғояси хаёлимга келганди. Ўйлаб-ўйлаб буни алоҳида китоб қилишга қарор қилгандим. Илгариги асарларим қаби ушбу романни ёзиш мен учун осон кечмади. Кўп бор қаламимни ташладим, ёзганларимга қарай олмадим. Қаҳрамонларимнинг тақдири ва қисмати мени тинч қуймади. Илоҳий бир куч улоқтирган қаламимни қайта ва қайта қўлимга тутқазаверди. Нега бундай бўлди? Буни ҳозир ва бундан кейин ҳам сизга тушунтириб беролмайман. Аммо, бир гапни айтаман, ота-боланинг қисмати қайсидир жиҳатдан менинг ҳаётимга яқин эди...

Асарга нуқта қўйдим, аммо айтадиган гапларим бу билан тугади, демоқчи эмасман. Шу кунларда "Меҳр операцияси" номли ҳужжатли асарга қўл урганим бор. Умид қиламан, тез кунлар ичида бу китоб сизнинг қўлингизга етиб боради.

Сизга ҳурмат билан муаллиф.

МУНДАРИЖА

МУАЛЛИФДАН 3
МЎМИННИНГ ҲИКОЯСИ 9
МУАЛЛИФДАН 102
МУМИННИНГ ҲИКОЯСИ 121
МУАЛЛИФДАН 158
МЎМИННИНГ ҲИКОЯСИ 168
МУАЛЛИФДАН 201
ИККИНЧИ ҚИСМ 202
МУАЛЛИФДАН 202
ЎМИННИНГ ҲИКОЯСИ 209
МУАЛЛИФДАН 217
МЎМИННИНГ ҲИКОЯСИ 226
МУАЛЛИФДАН 323
МЎМИННИНГ ҲИКОЯСИ 327
МУАЛЛИФДАН 341
СЎНГГИ СЎЗ ЎРНИДА 350

Исокжон НИШОНОВ

ИЙМОН ВА МУҲАББАТ

роман

Муҳаррир:
А. Бабаджанов
Техник муҳаррир:
И. Хайруллаев
Бадиий муҳаррир:
У. Солихов
Компютерда сахифаловчи:
А. Юлдашев

Нашриёт литцензияси AI № 001. 20.07.2018 й.
«Yosh kuch» нашриёти. Тошкент шаҳри,
Содиқов кўчаси 13-уй.

Теришга 25.01.2021 йилда берилди.
Босишга 03.03.2021 йилда рухсат этилди.
Қоғоз бичими 84x108 1/32. Офсет усулда чоп
этилди. Буюртма № 8. Босма табоғи 22,0.
Адади 5 000.

«Yosh kuch matbuoti» МЧЖда чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани,
Ипакчи кўчаси 258-уй.



ИСОҚЖОН
НИШОНОВ

ИЙМОН ВА МУҲАББАТ

Асар қаҳрамони оддий қишлоқ одамлари Мумин ва унинг ёшгина фарзанди Юсуф. Уларнинг соддалиги, ҳалоллиги ва ишонувчанлиги ичи қора, нияти бузуқ кимсаларга қўл келади. Уларни Ватандан олиб чиқиб кетишади. Қўлларига қурол ушлатиб, инсонларни отишни буюришади. Бироқ, ота-бола оёқлари тагига ташланган ҳисобсиз пуллардан юз ўгиришади... Одамларни ўлдириш эмас, уларга меҳр бериш шараф эканлигини айтишади. Фарзандининг ўлимида ўзини айбдор деб билган Мумин Аллоҳнинг қаршисида гуноҳ боткотига ботганини англайди. Ундан соқит булиш истагида чўлу биёбонларни кезиб, дала-даштлар оралаб, очлик ва ташналикларни енгиб Байтуллоҳга бориб, у ерда ибодат ила покланишга қарор қилади.

Муминнинг бошига бу мусибатларни солган кимлар эди? Кимлар эди оиласидан, Ватанидан жудо қилган? Қўлига қурол олишга ундаганларнинг дини, иймони бормиди? Қалбларида Яратганга меҳр-муҳаббат оташи ёнармиди?

Асар сизнинг қалбингизда она заминга, шу мусаффо осмон остидаги Ўзбекистон деб аталувчи Ватанимизга булган чексиз меҳр-муҳаббатингизни янада кучайтирса, мен ўзимни олдимга қўйган муродимга етдим, деб ҳисоблайман.

YOSH KUCH

ISBN 978-9943-7083-2-7

9 789943 708327